ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Шавкат Раҳматуллаев

Ўзбек тилининг этимологик луғати
III

(Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар)

Тошкент
"Университет"
2009

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этимологик луғатнинг бу жилдида ҳозирги адабий ўзбек тили луғат бойлигидаги форс,тожик тилларига мансуб бирликлар ва улар билан ҳосилалар изоҳланди; талқинлар оммабоп йўсинда берилди. Луғат барча тил шинавандаларига, биринчи галда зиёлиларга, шу жумладан олий ўқув юртлари ва ўрта мактаб ўқитувчиларига, талабаларга мўлжалланган.

Тақризлар: 1) профессор Ризқибой Юнусов –
Тошкент Педагогика университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси;
2) филология фанлари номзоди, доцент Зиёдулла Ҳамидов –
ЎзМУ ЎФФ умумий тилшунослик кафедраси.

ISBN-978-9943-305-13-7

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ўзбеклар билан ф орсларнинг кўп асрлик иқтисодий, маданий алоқалари, форс тили Шарқ оламида бадиий ижод тили мавқеига эга бўлганлиги, ўзбек шоирлари она тилидан ташқари форс тилида ҳам ижод қилганлиги, ўзбеклар билан тожиклар бир маконда биргаликда ҳаёт кечирганлиги туфайли ўзбек тилининг луғат бойлигида эроний тилларга мансуб салмоқли қатлам шаклланган. Ўзбек тили этимологик луғатининг бу жилдида ана шу қатлам бирликлари изоҳланди.

2. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га (1981) эроний бирликлар ф-т таъкиди билан киритилган. Бундай таъкидлар асосан тўғри қўйилган. Изоҳли луғатга киритилган бирликларни бошқа манбалар билан синчиклаб қиёслаш натижасида айрим бирликларнинг эроний эканлиги таъкидланмай қолгани, айрим эроний бирликларга хато равишда *арабий* таъкиди берилганлиги аниқланди; этимологик луғат тузишда бу нуқсонларга эътибор берилди.

3. Эроний бирликлар "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да, "Тожикча-русча луғат"да, "Форсча-русча луғат"да асосан бир хил ҳарфий ифода билан акс эттирилган. Бундай бирликларга товуш таркиби жиҳатидан изоҳ берилмади. Ҳарфий ифода жиҳатидан фарқли бирликларнинг бу жиҳати таъкидланди; шундай фарқли ҳолатлар асосида айни тил бирлигининг ўзбек, форс, тожик тилларидаги ўзига хос ифодаси изоҳланди; шу асосда бундай тил бирлиги ўзбек тилига қайси тилдан олинганлиги белгиланди.

4. Тил бирликларига кузатилаётган ҳар уч луғатда луғавий маъно изоҳлари асосан бир хил берилган; фарқли изоҳлар ҳам анчагина. Луғавий маъно изоҳларидаги фарқлар асосида ҳам бундай бирликнинг ўзбек тилига форс ёки тожик тилидан олинганлиги аниқланди. Йўл-йўлакай луғатларда луғавий маънога берилган изоҳлардаги нуқсонларга ҳам эътибор қаратилди.

5. Луғат мақолалари икки турли: а) изоҳ мақоласи, б) ҳавола мақоласи. Ҳар икки тур мақоланинг бошланишидаги қисм (вокабула) қатъий алифбо тартибида жойланиб, бош ҳарфлар билан терилди.

Ҳавола мақоласида асосан тил бирлигининг товуш жиҳатидан фарқли кўринишлари (вариантлар) акс эттирилиб, асосий кўринишга ҳавола берилди; *қаранг* таъкиди қ қисқармаси билан ёзилди. Бундай кўринишлар форс ва тожик тилларининг ўзи орасида, булар билан ўзбек тили орасида юзага келган бўлиб, булар ҳам изоҳланди.

6. Изоҳ мақоласи вокабуласи ўзбек тилининг изоҳли луғатига биноан қуйидаги ўзгартишлар билан ёзилди:

1) Изоҳланаётган ўзбекча, тожикча луғавий бирликлар таркибида икки ёнма-ён товушни биргаликда ифодалайдиган **я** ҳарфи ўрнига **йа**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳарфлари, **ю** ҳарфи ўрнига **йу** ҳарфлари, **ё** ҳарфи ўрнига **йо** ҳарфлари, **е** ҳарфи ўрнига **йе** ҳарфлари ёзилди.

2) Ўзбек тили бирлиги таркибида кирилл алифбосидаги **ж** ҳарфи асосан портловчи-сирғалувчи (коришик) товушни ёзишда ишлатилди; сирғалувчи товуш қатнашадиган *аждар* каби саноқли сўзда ҳам шу ҳарфдан фойдаланиб, сирғалувчи товушни ифодалаши таъкидланди.

3) Тожик тили луғатидан олинган бирлик таркибида **ҷ** ҳарфи билан ёзилган портловчи-сирғалувчи (коришик) товуш, чўзиқ **ӣ** товуши этимологик луғатда ўз ҳарфи билан ёзилди.

4) Форсча луғавий бирликнинг товуш таркиби акс эттирилган кирилча транскрипцияда портловчи-сирғалувчи **ж** товуши **дж** лигатураси билан, **ғ** товуши **ғ** ҳарфи билан ёзилгани ўзича сақланди.

5) Ушбу транскрипциядаги **а** ҳарфи тожикча **о** ҳарфи ифодалайдиган товушга, **ӣ** ҳарфи тожикча **а** ҳарфи ифодалайдиган товушга, **и** ҳарфи тожикча **ӣ** ҳарфи ифодалайдиган товушга якин. Этимологик изоҳларда булар таъкидланмади.

6) Арабча дзод товуши қатнашадиган луғавий бирликнинг кирилча ҳарфий ифодасида бу товуш **дз** лигатураси билан ифодалангани ўзича сақланди.

7) Ўзбек ва тожик кирилл арифбосида **х** ҳарфи билан ифодаланадиган товуш форс тилидаги транскрипцияда **h** ҳарфи билан ифодалангани ўзича сақланди.

8) Тожик тили луғавий бирлигининг охирида **и** ҳарфи билан ифодаланган товуш форс тилидаги айни шу луғавий бирлик охирида **е** ҳарфи билан ифодалангани форс тилининг ўзига хос хусусият бўлиб, бу икки қардош тиллар товуш тизимидаги фарқли нуқталардан бири деб ўзича сақлаб ёзилди.

7. Форс ва тожик тилларининг морфемалар тизими билан ўзбек тилининг морфемалар тизими орасидаги асосий фарқлар, биринчидан, форс ва тожик тилларида олд қўшимчалар, олд кўмакчилар мавжудлигида, иккинчидан, феъл лексемаларда икки асоснинг – ҳозирги замон асосининг ва ўтган замон асосининг мавжудлигида кўринади. Бундай феъл асослари ўрни билан мустақил луғавий бирликка тенг бўла олади, жуда кўп ҳосила луғавий бирликларнинг юзага келишида қатнашади. Айрим феълларнинг ҳозирги замон асоси ҳатто қўшимчага ҳам айланган. Юқорида таъкидланган ва бошқа айрим хусусиятлар этимологик луғатга киритилган хар бир луғавий бирлик бўйича бирма-бир тасвирланди.

8. Ҳосила луғавий бирликлар форс ва тожик тилларининг ўз бирликлари, булар билан ўзбек тили, ўрни билан бошқа бир хил бирлиги қатнашиб тузилган бўлиб, бундай бирликлар таркибидаги қисмлар бирма-бир изоҳланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Этимологик изоҳ тилдаги (луғатдаги) барча бирликларга берилмайди. Ҳозирги тил нуқтайи назаридан туб деб қараладиган бирликларга этимологик изоҳ бериш имконияти топилавермайди. Бундай бирликлар фақат товуш таркиби, маъно мундарижасидаги фарқлар бўйича изоҳланади. Ҳосила бирликларда уларнинг қисмларига ва бир бутун ҳолда товуш таркиби ва маъно мундарижаси жиҳатидан ёндашиб изоҳлар берилди.

10.Изоҳланаётган бирликнинг маъноси ҳар уч тилда бир хил бўлишидан ташқари тожик тили билан форс тили орасида, бу тиллар билан ўзбек тили орасида фарқланиш ҳам мавжуд. Этимологик луғатда булар ҳам таъкидланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А

АБГОР Бу сифат ТжРСда шу шаклда келтирилиб, *разг.* деб таъкидланган ва *афгор* шаклида *қаранг* дейилган (15); у ерда икки маъноли деб изоҳланган (34). ЎТИЛга *абгор* шаклида киритилиб, [*ф-т*] деб таъкидланган ва *афгор* шакли келтирилган (I, 21). Демак, бу сифат асли *афгор* шаклига эга, тожик сўзлашув тилида **ф** товушини **б** товушига алмаштириб айтиш ҳам мавжуд; ўзбек тилига ана шундай шакли олинган. Тожик тилида бўлганидек ўзбек тилида ҳам бу сифат *абгор қил-, абгор бўл-* феъллари таркибида ишлатилади, мумтоз адабиёт асарларида *абгор айла-* феъли ҳам ишлатилган. (Бундай феъллар ЎТИЛда таъкидланмаган). Бу сифатда маъно тараққиёти аниқдан мавҳумга (жисмийдан руҳийга) томон воқе бўлган: 'калтакланган, жароҳатланган' (ТжРС, 34) – 'мажруҳ, ўртанган' (ЎҚААҚЛ, 64) – 'ёмон аҳволга тушиб қолган, ночор, хароб' (ЎТИЛ, I, 21). Ҳозирги ўзбек тилида бу сифат фақат руҳий ҳолатни англатиш учун ишлатилади.

АБЗАЛ Бу от ТжРСга *авзол* шаклида киритилиб, [*ф-т*] деб таъкидланган ва асли *афзор* экани айтилган (I, 22); нимагадир бу от охиридаги товуш л эмас, р деб ёзилган (Балки ҳарфий хатоликдир). Демак, бу от асли *афзол* товуш таркибига эга; тожик сўзлашув тилида **ф** товушини **б** товушига алмаштириб айтиш ҳам мавжуд; ўзбек тилига ана шундай товуш ўзгариши билан олинган. ТжРСда бу отнинг маъноси "снаряжение, принадлежности, инструменты" тарзида изоҳланиб, *афзоли саррочӣ* мисоли келтирилган (34). ЎТИЛда бу отнинг маъноси 'от-уловни эгарлаш ёки аравага қўшиш учун зарур асбоблар мажмуи; эгар-жабдуқ' деб таърифланган (I, 22); демак, кенг маъноли от ўзбек тилида тор маънони англатиш учун ишлатилган. Бу отни ўзбек тилига олишда тожикча ноадабий *абзол* шаклидаги **о** товуши **а** товушига алмаштирилган.

АБРЎ ЎТИЛга бу от "[ф-т *поэт.*]" изоҳи билан киритилиб, 'қош' маъносини англатиши айтилган (I, 22). ПРСда [*äбру*] шаклида келтирилиб, "қош" деб изоҳланган (3). ЎҚААҚЛда *абру* шаклида берилиб, 'қош' деб изоҳланган (925). ТжРСда *абру* шаклидан *абрӯ* шаклига *қаранг* дейилиб, у ерда "бровь" деб изоҳланган (16). Кўринадики, бу от асли *абру* шаклига эга бўлиб, кейинчалик тожик тилида *абрӯ* шакли юзага келган ва шу шакли адабий тилга хос деб белгиланган; ўзбек тилига худди шу шакли олинган.

АВБОШ Бу сифатнинг маъноси луғатларда 'дайди, саёқ, безори' деб изоҳланган. ПРСда *оубаш* шаклида (46), бошқа луғатларда *авбош* шаклида ёзилган (ТжРС, 16; ЎТИЛ, I, 23). Кўринадики, бу сифат асли *оу* товуши билан бошланган, кейинчалик *ав* тарзида айтиладиган ва ёзиладиган бўлган. Араб ёзувида вов ҳарфи *у* товушини ҳам, *в* товушини ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодалаш учун ишлатилади, шунга кўра бу сифат таркибида *в* деб ўқилган, лекин *о* ҳарфи билан бошлаб ёзилганини изоҳлаш қийин.

АВРА Бу от ТжРСга *абра* шаклида киритилган (15), ПРСда [äбре] тарзида ўқилиши кўрсатилган (3). Демак, форсча от охиридаги э товуши ўрнига тожик тилида *а* товуши талаффуз қилинган; ўзбек тилига тожикча *абра* шакли *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган. Ушбу отнинг маъноси ПРСда "верх, лицо (платья)" деб (3), ТжРСда "лицевая сторона материи, верх, лицо (платья, одеяла)" деб (15), ЎТИЛда "1. Кийим ёки кўрпа, кўрпача каби нарсаларнинг ташқи, сиртқи қавати. 2. Ёстиқнинг сиртқи жилди" деб (24) изоҳланган. ТжРСда *абр* отининг иккинчи маъноси "шелковая или полушелковая материя кустарного производства с узором, напоминающим облако" деб таърифланган (15). *Абра* отининг маъноси ана шу маъно асосида юзага келгани аниқ. Юқорида келтирилган далиллардан аёнки, *абра* оти *абр* отидан *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган. Ҳозирги ўзбек тилида бу от билан *авра-астар, астар-авра* жуфт сўзлари тузилган (ЎТИЛ, I, 24, 60) *Авра* отидан *-лик* қўшимчаси билан *аврали*к оти ясалган (Негадир бу от изоҳли луғатга киритилмаган).

АГАР Бу шарт боғловчиси луғатларга бир хил шаклда киритилган. ПРСда, ТжРСда "если" деб изоҳланган; ЎТИЛда "[*ф-т*] *шарт боғл.*" таъкидидан кейин "Шарт эргаш гапларнинг бошида келиб, *-са, -са ҳам, -гандa* ва ш.к. шарт аффикслари ёрдамида ифодаланган маънони кучайтиради" дейилган (25). Асли бундай қўшимча қатнашмаса, шарт маъноси *агар* боғловчисининг ўзи билан ифодаланади; луғатдаги изоҳда бундай ҳолат қамраб олинмаган. Ҳар уч луғатга *агар* боғловчиси бошланишидаги *а* товуши ташланган *гар* шаклида ҳам киритилган. ЎТИЛда бу боғловчи *агарда, агарчи* шаклларида ҳам келтирилган; бу шакллар охиридаги *-да, -чи* қисмлари асли юклама бўлиб (Янги имло қоидаларининг 55- бандига қаранг), боғловчининг таркибига қўшилиб кетган.

АЖДАР Бу от ТжРСда *аҷдар* шаклида ҳам, *аҷдарҳо* шаклида ҳам келтирилиб, *аҷдарҳо* шаклига *қаранг* дейилган. Демак, асосий шакл деб *аҷдарҳо* таъкидланиб, ўша ерда маъноси "дракон, чудовище, сказочная огромная змея" деб изоҳланган (19). ЎТИЛга бу от "[*ф-т*]" таъкид билан *аждар* шакли асосий деб киритилган, маъноси шу ерда изоҳланган; қуйирокда *аждa(р)ҳо* [*ф-т*] таъкиди билан келтирилиб, бош маъносига "айнан *аждар*" изоҳи берилган (I, 28). Демак, ўзбек тилида бу от *аждар, аждарҳо, аждаҳо* шаклларида ишлатилиши таъкидланган; асосий шакл деб тожик тилидан фарқли ҳолда *аждар* шакли танлангани тўғри бўлган, чунки *аждарҳо* шакли *аждар* шакли асосида юзага келган. *Аждарҳо* шакли таркибидаги *-ҳо* қисми асли тожикча кўплик қўшимчаси бўлиб (ТжРС, 536), бу ерда муболаға маъносини ифодалаш учун ишлатилган. *Аждарҳо* шакли таркибидаги *р* товушини талаффуз қилмаслик тожик тилида воқе бўлган. Бу отнинг бош маъноси ўзбек тилида ҳам 'баҳайбат

www.ziyouz.com kutubxonasi

илон' бўлиб, калтакесакнинг бир турига ном сифатида кейинчалик кўчирилган. Ўзбек тилида *итоғиз* ўсимлигига ном шу отга *гул* отини қўшиб ҳосил қилинган (*аждаргул*). 'Очофат' маъносини англатиш учун бу отга арабча *нафс* отини (АРС, 818) қўшиб *аждарнафс* сифати тузилган. Ўзбек тилининг товушлар тизимида асли сирғалувчи *ж* товуши йўқ, *аждар* каби бир неча олинма бирликлар таркибида учрайди; шунга кўра ўзбек сўзлашув тилида бу сирғалувчи товуш ҷ портловчи товушига алмаштирилади.

АЖДАРҲО *қ. аждар*

АЗБАРОЙИ Бу олд кўмакчи ўзбек тилида тожикча кўп маъноли *аз* олд кўмакчисини 'сабаб, асос' маъноси билан (ТжРС, 19) ва *барои* кўмакчисини 'сабаб, мақсад' маъноси билан (ТжРС, 48) бирлаштириб ҳосил қилинган; шунга кўра 'сабаб, учун' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 30); кўпинча *азбаройи худо, азбаройи шифо* бирикмалари таркибида ишлатилади. *Азбаройи худо* бирикмаси икки маъноли бўлиб, биринчи маъносида 'худо учун, худо йўлига' маъносини англатади, бу маъноси билан жуда оз ишлатилади; иккинчи маъносида қасам ичиш ('худо ҳақи, ўлай агар') билдиради, бу маъноси билан кўп ишлатилади. *Азбаройи шифо* бирикмаси асосан 'шифо (даво) бўлсин деб' маъносини англатиш учун ишлатилади. Бу қўшма олд кўмакчининг иккинчи қисми ПРСда [бäрайе] шаклида (64), ТжРСда *барои* шаклида (48) ёзилган: Олд кўмакчи охиридаги йой ҳарфи форсчада *йе* деб, тожикчада *и* деб ўқилган. Ўзбек тилида қўшиб ёзилган бу олд кўмакчи ТжРСда *аз барои* тарзида ажратиб ёзилади.

АЙБДОР Бу сифат тожик тилида 'қонун-қоидага хилоф иш, хатти-ҳаракат', 'нуқсон' каби маъноларни англатадиган арабча *айб* отига (АРС, 552) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштон* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор айб иш қилган', 'бирор нуқсони бор' маъносини англатади (ТжРС,21;ЎТИЛ, I, 31).

АМАКИ Бу от билан арабча *амма* отининг асоси *амм(ун)* бўлиб, 'ота' маъносини англатади (АРС, 538). *Амма* оти араб тилида *амм(ун)* отига *-ат(-ун)* женский род қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (АТГ, 29); тожик тилига род қўшимчаси охиридаги *т* товушини *-ун* келишик қўшимчаси билан биргаликда ташлаб олинган. Бу от 'отанинг опа-синглиси (жиянига нисбатан)' маъносини англатади. Тожик тилида *амма* оти таркибидаги қўш *м* товушидан бири ташланиб, 'иззат-хурмат' маъносини ифодалайдиган тожикча *-ак* қўшимчаси (ТжРС, 543) қўшилган (*амак*); ТжРСга худди шу шаклида киритилган (24). Бу отни ўзбек тилига олишда охирига *и* товуши қўшилган (*амаки*). Ҳар икки тилда бу от 'отанинг ака-укалари (жиянига нисбатан)' маъносини англатади.

АМАКИВАЧЧА Бу от тожик тили луғатида *амакбача* шаклида келтирилган (ТжРС, 24). Бу от таркибидаги *бача* қисми 'бола' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади. Шунга кўра *амакбача* оти 'ака-укаларнинг ўғил-қизлари (бир-бирига нисбатан)' маъносини англатади (ТжРС, 24; ЎТИЛ, I, 43). Бу тожикча қўшма от ўзбек тилига биринчи қисми охирига *и* товушини қўшиб (*амаки*), иккинчи қисмидаги *б* товушини *в* товушига алмаштириб, *ч* товушини қатлаб олинган. Асли кейинги қисм ПРСда [*бачче*] шаклида (59) иккита *ч* ҳарфи билан ёзилган; демак, бу қўшма отнинг иккинчи қисми гўё форсча шаклида олинган. Ўзбек сўзлашув тилида *в* товуши таъсири билан ундан кейинги *а* товуши *о* товушига алмаштирилиб, *амакивочча* тарзила ҳам айтилади.

АНДАВА Бу от ТжРСда *андова* шаклида келтирилган (27); ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги *о* товуши *а* товушига алмаштириб *андава* шаклида олинган. Тожикча *андова* оти асли 'сува-, сомон сувоқ қил-' маъносини англатадиган *андовидан* феълининг (ТжРС, 27) *андов* ҳозирги замон асосидан *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган, шунга кўра 'суваш асбоби' маъносини англатади. Ўзбек тилида бу отдан *-ла* қўшимчаси билан *андавала-* феъли ясалган.

АНДАВАЛА- қ. андава

АНДАЗА Бу от ПРСда [ăндозе] шаклида келтирилиб, "мера, размер" каби маънони англатиши (43), ТжРСда *андоза* шаклида келтирилиб, "мера, мерка, измерение, размер" каби маънони англатиши (28) айтилган. ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан *андаза* шаклида келтирилиб, 'кийим-бош, пойабзал каби буюмларни бичиш, тикишга тайёрлаш учун ясалган шакл, қолип' маъносини англатиши айтилган (46). Ўзбек тилига бу тожикча от иккинчи бўғинидаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган. Тожикча *андоза* оти асли 'кур-, тайёрла-', 'тўлдир-' каби маъноларни англатадиган *андохтан* феълининг (ТжРС, 28) *андоз* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; шунга кўра 'бичишда, шакл беришда ишлатиладиган асбоб (шаблон)' маъносини англатади. Ўзбек тилида бу от қатнашуви билан *андаза ол-, ўз андазаси билан ўлча-, андазаси келишган* иборалари ташкил топган.

АНДАК Бу равиш ТжРСга шу шаклида киритилиб, "мало, немного, чуть-чуть" каби маънони (27), ЎТИЛга ҳам шу шаклида киритилиб, 'озгина вақт, пича, бирмунча' маъноларини (I, 46), ПРСга [*ăндак*] шаклида киритилиб, "немного, мало" маъносини англатиши айтилган (43). ПРСда [*ăнд*] равиши ҳам келтирилиб, "несколько" маъносини англатиши айтилган (43). *Анд* ва *андак* равишларини қиёслашдан маълум бўладики, *андак* равиши *анд* равишига кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган.

АНДАРМОН Бу сифат ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан келтирилиб, 'банд, машғул' маъносини (47), ТжРСда ҳам шу шаклда келтирилиб, "1) увлечённый, занятый, 2) застрявший, запутавшийся, 3) задержавшийся" маъноларини (27) англатиши айтилган. ПРСда бундай сифат

www.ziyouz.com kutubxonasi

келтирилмаган. *Андармон* сифати асли 'бироз' маъносини англатадиган *анд* миқдор равиши билан (ПРС, 43) 'хоҳиш, берилиш' маъноси билан қатнашган *армон* отидан (ПРС, 16) тузилган; шунга кўра бу бирликнинг маъносини 'банд, машғул' деб эмас, балки 'бироз берилиш, боғланиш ҳолати' деб изоҳлаш тўғри. Бу бирлик билан ўзбек тилида *андармон бўл-* феъли ҳосил қилинган.

АНДАРМОН БЎЛ- қ. андармон

АНДИША Бу от ПРСда [*андише*] шаклида келтирилиб, "мысль, идея; забота, беспокойство, опасение" маънолаларини (43), ТжРСда *андиша* шаклида келтирилиб, "мысль, дума, размышление, раздумье; сомнение, опасение, страх, боязнь" маъноларини (27) англатиши айтилган. ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан *андиша* шаклида келтирилиб, 'кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза; эҳтиёткорлик; шарм-ҳаё, ор-номус, уят' маъноларини англатиши айтилган (47). Ўзбек тилига бу от тожикча *андеша* шаклининг иккинчи бўғинидаги *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган. *Андиша* оти асли "размышлять, раздумываться, задумываться" маъносини англатадиган форсча [*андишидан*] (ПРС, 43), тожикча *андешидан* (ТжРС, 27) феълининг *андиш* | *андеш* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган, шунга кўра 'юз-хотир қилиб, оқибатини ўйлаб бирор сўзни айтишдан, бирор ҳаракатни амалга оширишдан тийилаш' маъносини англатади. Ўзбек тилида бу от билан *андишали, андишасиз* сифатлари, *андиша қил-* феъли, *андишага бор-* ибораси тузилган.

АНДУҲ Бу от ПРСда [*ăндуһ*] шаклида (43), ТжРСда *андўҳ* шаклида (28) келтирилган; ўзбек тилига форс тили шакли олинган. ПРСда ва ТжРСда "горе, печаль, грусть, тоска" маъносини, ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан 'руҳий азоб, хафагарчилик; ғам, ғусса, қайғу' маъноларини (I, 47) англатиши айтилган. Юқори услубга хос бу китобий от ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди.

АНЖИР Бу от ПРСда [*ăнджир*] шаклида (42), ТжРСда *анҷир* шаклида (29) келтирилиб, "винная ягода, инжир" деб изоҳланган. ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан *анжир* шаклида келтирилиб, маъноси 'сутсимон ширадор шапалоқ баргли дарахт; шу дарахтнинг меваси' деб таърифланган (I, 47). Тожик ва ўзбек тилларида бу от билан *анжирзор* (*анҷирзор*) оти ясалган; ўзбек тилида *анжир шафтоли* бирикмаси, *анжир қилиб юбор-* ибораси тузилган.

АНЖОМ Бу от ПРСда келтирилмаган. ТжРСга *анҷом* омоним сифатида киритилиб, *анҷом* II оти "принадлежности, предмет обихода" деб изоҳланган (29). ЎТИЛда *анжом* оти [*ф-т*] таъкиди билан келтирилиб, '1) уй-рўзғор асбоблари; 2) ҳар соҳага хос нарсалар, асбоб-қуроллар' деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

таърифланган (I, 47); демак, бу отнинг маъносини 'рўзғор, соҳа жиҳозлари' деб таърифлаш мумкин.

АНЖУМАН Бу от ПРСда [*ӓнджомӓн*] шаклида келтирилиб, "собрание, общество; клуб" деб изоҳланган (42); ТжРСда *анҷуман* шаклида келтирилиб, "собрание; съезд; конгресс" деб изоҳланган (29). ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан бош маъноси 'йиғин, мажлис, съезд' деб изоҳланган (I, 47). Ўзбек тилига бу от тожик тилидаги шаклида олинган. ПРСдаги "соединение" маъносини англатадиган [*ӓнджема*] отига (42) қиёслаб *анжуман* оти асли шу отдан *-(а)н* қўшимчаси билан ҳосил қилинган дейиш мумкин.

АНОР Бу от ПРСда [*ӓнар*] шаклида келтирилиб, ""гранат (плод)" деб изоҳланган (41), ТжРСда *анор* шаклида келтирилиб, "гранат" деб изоҳланган (28). ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан *анор* шаклида келтирилиб, 'қизил гулли дарахт; шу дарахтнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси' деб изоҳланган (I, 48). Бу тожикча от таркибидаги *а* товуши тожик тилида *о(ӑ)* товушига алмаштирилган ва ўзбек тилига шу шаклида олинган. Бу от ҳар уч луғатда *нор* қисқа шаклида ҳам келтирилган. ПРСда [*нар*] I "гранат" деб, бу от билан ҳосил қилинган [*нарбон*] оти 'гранатовое дерево' деб изоҳланган (552). ТжРСда *нор II* "гранат" деб изоҳланган (274). ЎТИЛда *нор II* "арабча" хато таъкиди билан 'бадандаги туғма қизғиш доғ' маъносини англатиши айтилган; *нор III* [*ф-т*] таъкиди билан *айн. анор* дейилган (510). ЎТИЛдаги *нор III* шакли *анор* оти бошланишидаги *а* товушини ташлаш натижасида юзага келган.

АПКАШ қ. обкаш

АРАВА Бу от ПРСда [*ӓрабе*] шаклида (15), ТжРСда *араба* шаклида (30), ЎТИЛда [а.] хато таъкиди билан *арава* шаклида (I, 50) келтирилган. Ўзбек тилида тарихан бу от *ароба* шаклида ишлатилган бўлиб, кейинчалик иккинчи бўғиндаги *о(ӑ)* товуши *а* товушига, *б* товуши *в* товушига алмаштирилган.

АРАВАКАШ Бу от арава отига (к.) 'торт-, юргиз' маъносини англатади-ган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'арава ҳайдовчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 51).

АРАВАСОЗ бу от тожикча *арава* отига (қ.) 'ясат-, яса-' маъносини англатадиган тожикча *сохтан* феълининг *соз* ҳозирги замон асосини (ТРС, 364), қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'арава ясовчи уста' маъносини англатади.

АРАЙИШ: Бу от ўзбек тилида *арайишини ол-* бирикмаси таркибида ишлатилади; шу бирикма таркибида 'бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча жой, кўст' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 51). ПРСга [*арайеш*] шаклида (13) киритилган бу от ТжРСда *ороиш* шаклида келтирилган (288). Кўринадики, бу от ўзбек тилига форс тилидан олинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейиш тўғрироқ: Форсча *арайеш* шакли таркибидаги â товушига якин товуш ўзбекча *а* товушига, *э(е)* товуши *и* товушига алмаштирилган. Асли *оройиш* оти форс ва тожик тилларида 'безаш', 'безак' маъносини англатадиган *оройиш* отидан 'ортиқча жой, кўст' маъносини англатадиган *аройиш* оти ўсиб чиққанини тан олиш билан бартараф қилиш мумкин. Маъно тараққиёти қуйидагича кечган: 'безаш' → 'бичиш-тикишда ортиқча жойини олиб ташлаб безаш' → 'бичиш-тикишда ортиқча жойини олиб ташлаш'.

АРАҚХЎР Бу сифат тожик тилида арабча *арақ* отига (АРС, 511) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 29) ҳосил қилинган; тожик ва ўзбек тилларида 'спиртли ичимликни муттасил меъёрдан ортик ичадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 51).

АРДОБ Бу от ПРСда [*ард-абе*] шаклида (15), ТжРСда *ордоба* шаклида (288), ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан *ардоб* шаклида (I, 52) келтирилган. форс тилида бу от асли 'ун' маъносини англатадиган *ард* оти билан 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан тузилган бирликка *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Тожик тилида бу от таркибидаги *а* товушлари *о(â)* товушларига, *э(е)* товуши *а* товушига алмаштирилган. Ўзбек тилига тожикча *ордоба* оти бошланишидаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб, охиридаги *а* товушини ташлаб олинган. Бу от 'молга ичириш учун унга сув қўшиб тайёрланадиган суюк озуқа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 52).

АРЗАНДА Бу сифатдош шакли ПРСда [*ärзänде*] шаклида (15), ТжРСда *арзанда* шаклида (30) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган (ЎТИЛ, I, 52). 'Қиммат бўл-', 'лойиқ бўл-' маъноларини англатадиган тожикча *арзидан* феълининг (ТжРС, 30) сифатдош шакли бўлиб (*арз+анда*), ПРСда 'ҳақиқий', 'мақбул', 'қийматли' маъноларини (15), ТжРСда 'муносиб', 'қийматли' маъноларини (30), ЎТИЛда эса 'орзу қилиб етишган фарзанд', 'ҳаммадан ортиқ кўрган суюкли фарзанд' маъноларини англатиши (52) айтилган; демак, ўзбек тилида лексик маъно торайиши юз берган: фақат одамга нисбатан ишлатиладиган бўлган.

АРЗДОД Бу от асли 'таклиф қилиш', 'баён қилиш' каби маъноларни англатадиган арабча *арз* оти билан (АРС, 509) 'адолат', 'ҳақ' каби маъноларни англатадиган тожикча *дод* отидан (ТжРС, 133) тузилган *арзи дод* изофа бирикмасига тенг бўлиб (ЎТЭЛ, II, 39), 'адолат истаб қилинган мурожаат' маъносини англатади. Изофа қўшимчаси ташланганидан кейин бу бирикма қўшиб ёзиладиган бўлган. Бу отнинг тожик тили луғатида *арзу дод* (ТжРС, 29), ўзбек тили луғатида *арз-дод, арзу дод* (ЎТИЛ, I, 53) шаклларида келтирилгани ўринли бўлмаган.

АРЗОН Бу сифат ПРСда [*ärзан*] шаклида (15), ТжРСда *арзон* шаклида (30), ЎТИЛда хам [*ф-т*] таъкиди билан *арзон* шаклида (I, 53) келтирилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПРСда [*ärz*] оти келтирилиб, "1) банк. валюта; 2) цена, стоимость, достоинство" деб изоҳланган; [*ärzeш*] оти ҳам келтирилиб, "цена, стоимость, ценность" деб изоҳланган (15). Юқоридаги маъноларни англатадиган *арзиш* оти ТжРСда ҳам келтирилган (30). Кўринадики, *арзон, арзеш* отлари 'маълум қийматга, баҳога эга бўл-' маъносини англатадиган *арзидан* феълининг (ТжРС, 30) *арз* ҳозирги замон асосидан *-он, -иш* қўшимчалари билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган. *Арзон* сифати ўзбек тилида 'баҳоси, нархи паст, унча қиммат бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 53). Ўзбек тилида *арзон* сифатидан *арзончилик* мавҳум оти, *арзонлаш-* феъли ясалган, *арзон-гаров* равиши тузилган.

АРЗОН-ГАРОВ *қ. арзон*

АРЗОНЛАШ- *қ. арзон*

АРЗОНЧИЛИК *қ. арзон*

АСП Бу от ПРСда [*äсб*] ва [*äсп*] шаклларида (18), ТжРСда *асб* шаклидан (31) *асп* шаклига (32) ҳавола билан келтирилган; демак, *асп* шакли асосий ҳисобланган; ўзбек тилига шу шакли олинган (ЎТИЛ, I, 59). Демак, бу от асли *б* товушига тугаган, кейинчалик *п* товушига алмаштирилган. Ҳар уч тилда бу от асли 'йирик иш-улов ҳайвони' маъносини англатади; шаҳмат доналаридан бири (от) ҳам шундай номланган.

АСТАР Бу от ТжРСда шу шаклида келтирилиб, *сўзлашув шакли* деб таъкидланган ва *остар* отига ҳавола берилган (33); у ерда *остар* "подкладка" деб изоҳланган (289). ПРСда [*остäр*] шаклида келтирилиб, "подкладка" деб изоҳланган (20). Демак, бу от асли *остар* шаклига эга; тожик сўзлашув тилида *о* товушини *а* товушига алмаштириб айтиш ҳам мавжуд; ўзбек тилига ана шу сўзлашув тили шакли олинган. ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан маъноси 'кийим ёки кўрпа, кўрпача сингари нарсаларнинг ички қавати, ички томонига тикилган материал' деб таърифланган (I, 60). Ўзбек тилида *астар* оти билан *астар-аврa* жуфт оти тузилган, *-лик* қўшимчаси билан *астарлик* оти ҳосил қилинган; *астар-аврасини ағдар-* ибораси ташкил топган.

АСТАР-АВРА *қ. астар*

АСТАР-АВРАСИНИ АҒДАР- *қ. астар*

АСТАРЛИК *қ. астар*

АСТОЙДИЛ Бу равиш тожикча *аз* олд кўмакчиси, *таҳти дил* изофа бирикмасидан иборат бўлиб, ТжРСда *аз таҳти дил* шаклида берилган (129). *Таҳт* оти 'туб, ост' маъносини англатиб, *таҳ* шаклида ҳам ишлатилади (391). ЎКААҚЛда *аз таҳи дил* шаклида келтирилган (134). Ўзбек тилида *з* товуши *с* товушига, *ҳ* товуши *й* товушига, *а* товуши *о(â)* товушига алмаштирилган, *-й* изофаси айтилмай қўйган; натижада бу бирикманинг кисмлари ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бўлган. Ҳар уч тилда бу равиш 'чин кўнгилдан', 'сидқидил билан' маъноларини англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АФСОНА Бу от ПРСда [*äфсане*] шаклида (32), ТжРСда *афсона* шаклида (35), ЎТИЛда ҳам *афсона* шаклида келтирилган (I, 63). Будагов луғатида *афсона, афсон* шаклларида берилган (ССТТН, I, 65). ПРСда [*äфсонидäн*] феъли келтирилиб, "рассказывать сказки, притчи" деб изоҳланган (32). Кўринадики, *афсона* оти *афсонидан* феълининг *афсон* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу от 'ишониш қийин, тўқима ҳикоя, гап-сўз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 63).

АФСОНАВИЙ Бу сифат тожик тилида *афсона* отига (қ.) *-ӣ* қўшимчасининг *-вӣ* шаклини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 35); ўзбек тилида бу қўшимча *-вий* шаклида қўшилган; 'ақл бовар қилмайдиган', 'мислсиз' каби маъноларни англатади ЎТИЛ, I, 63).

АФСУС Бу от ПРСда [*äфсус*] шаклида (33), ТжРС *афсус* шаклида (35) келтирилган; *у* товуши форс луғатида вов ҳарфи билан ёзилган, демак, бу товуш – чўзиқ. Ўзбек тилида бу товушнинг чўзиқлиги йўқолган (ЎТИЛ, I, 63). ТжРСда бу отнинг *фусус* шаклида ҳам келтирилишидан (415) маълум бўладики, *афсус* шакли – иккиламчи, ҳосила шакл. Бу ҳодисани тожикча отнинг кўплик шакли арабча кўплик шакли формуласи билан ҳосил қилинган деб (ТжРС, 537) талқин қилиш мумкин. ПРСда *афсус* "1. увы!, ах!, жаль! (возглас сожаления); 2. сожаление, жалость, досада, раскаяние" маъноларини (35), ЎТИЛда '1. ўкиниш, ачиниш туйғуси; пушайман; 2. *кириш. с.* Аттанг, эсиз' маъноларини билдириши (I, 63) айтилган. Демак, *афсус* асли от бўлиб, кейинчалик бу отдан ундов ўсиб чиққан. От ва ундовнинг бир луғат мақоласида берилиши тўғри бўлмаган. *Афсус* отидан ўзбек тилида *афсуслан-* феъли ясалган.

АФСУСЛАН- *-қ* афсус

АФТОДАҲОЛ Бу сифатнинг бош қисми ПРСда [*офтаде*] шаклида (31), ТжРСда *афтода* шаклида (35), ЎКААҚЛда ҳам (66), ЎТИЛда ҳам (I, 64) кейинги шаклда келтирилган. Кўринадики, ўзбек тилига тожик тилидан олинган. Бу сифат таркибидаги *ҳол қисми* – арабча (АРС, 590). *Афтода* қисми асли *афтодан* феълининг 'ночор бўл-', 'ночор аҳволга туш-' маъноси билан ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши (35) бўлиб, тожик тилида 'ночорлашган' маъносини англатади. Бу сифатдош ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, *афтоҳол* қўшма сифати таркибида қатнашади. Бу қўшма сифат 'руҳан, жисмонан ночор, танг ҳолатдаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 35).

АФҒОН 'Нола, фарёд' маъносини англатадиган бу от ТжРСда *афғон I* деб келтирилган (36); ПРСда эса шундай маънони англатадиган от акс эттирилмаган. ЎТИЛда бундай маънони англатадиган от *афғон II* деб келтирилган (I, 64). Худди шундай маънони англатадиган от ПРСда [*фе ̇ ғ ан*] шаклида (371), ТжРСда *фиғон* шаклида (412), ЎТИЛда ҳам шундай шаклда (I, 302) келтирилган. *Афғон, фиғон* отларини *афсус, фусус*

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирликлари билан қиёслашдан маълум бўладики, бу ерда тожикча отнинг кўплик шакли арабча кўплик шакли формуласи билан ҳосил қилинган (ТРС, 587).

АҲД-ПАЙМОН *қ. аҳду паймон*

АҲДУ ПАЙМОН Бу жуфт от 'ваъда', 'шартлашув' маъносини англатадиган арабча *аҳд* отини (АРС, 546) *-у* боғламаси билан 'ваъда' маъносини англатадиган тожикча *паймон* отига (ТжРС, 296) боғлаб тузилган бўлиб, 'ўзаро қатъий келишув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 69). Бу жуфт от ўзбек тилида *аҳд-паймон* шаклида ишлатилади.

Б

БАДАВЛАТ Бу сифат 'бойлик' маъносини англатадиган арабча *давлат* отига (АРС, 268) 'эга', 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 39) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига 'катта бойликка эга', 'бой' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 70).

БАДАР: ТжРСда бу ўрин оти 'ташқарига' ("наружу, вон, прочь") маъносини англатиб, *гуреҳтан* каби феъллар билан боғлаб ишлатилиши таъкидланган (40). Асли бу бирлик тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 30) 'ажрал-', 'кес-' маъносини англатадиган тожикча *даридан* феълининг *дар* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 115) қўшиб ҳосил қилинган. Тарихан бу феъл асоси от сифатида ҳам ишлатилган; шунга кўра асли 'ажратиш', 'алоқани узиб кетиш' маъносини англатган бўлса керак. ЎТИЛда келтирилган *бадар кетмоқ* бирикмасининг 'ном-нишонсиз кет-' маъноси юқоридаги маъно асосида юзага келган. Будагов луғатида *бадар* бирлиги *ба* ва *дар* қисмлардан таркиб топган дейилган (ССТТН, I, 247).

БАДАРҒА Бу от асли тожикча *бадар* отига (к.) ўзбекча *-га* қўшимчаси қўшиб ҳосил қилинган дейиш мумкин, чунки *бадарға бўл-* катори *бадар бўл-* деб ҳам ишлатилади. Худди шундай ишлатиш тожик тилида ҳам мавжуд: *бадар шудан – бадарға шудан* (ТжРС, 40). Ҳар икки шаклнинг маъно асоси бир хил: 'ажратил-', 'қувил-'. ПРСда бу от [*бӑдраг̀е*] шаклида ёзилган (61), гўё *др* товушлари оралиғидаги *а* товуши *р* товушидан кейинга кўчирилган. Ушбу отга бу луғатда берилган маъно ҳам ўзгача: "1) провод; 2) сопровождение, конвоирование; 3) конвой, эскорт" (61). Будагов луғатида ҳам шунга яқин маъно изоҳи берилган (ССТТН, I, 247). ТжРСда бу от "ссылка, высылка, изгнание" маъносини (40), ЎТИЛда ҳам худди шундай маънони (I, 71) англатиши айтилган. Маъно изоҳларидан аён бўладики, бу от асли 'ўз юртидан бошқа узоқ юртга жазо тариқасида посбон билан олиб бориб қўйиш' маъносини англатади, кейинчалик умуман 'қувғин қилиш-' маъносини ҳам англата бошлаган.

БАДАХЛОҚ Бу тожикча сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча 'бад' сифати билан (ТжРС, 39) 'кишининг юриш-туришда, муомалада ўзини тутиши' маъносини англатадиган арабча *хулқ* отининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

(АРС, 235) *ахлоқ* кўплик шаклидан тузилган бўлиб, ҳар икки тилда 'ёмон хулқли' маъносини англатади. (ТжРС, 40; ЎТИЛ, I, 71).

БАДБАХТ Бу тожикча сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'ҳаётдан мамнунлик ҳолати' маъносини англатадиган арабча *бахт* отини қўшиб тузилган бўлиб, ҳар икки тилда 'толеи ёмон', 'ярамас' маъноларини англатади (ТжРС, 40; ЎТИЛ, I, 71).

БАДБАШАРА Бу тожикча сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'кишининг юз кўриниши', 'қиёфа' маъносини англатадиган арабча *башара* отидан (АРС, 72) тузилган бўлиб, ҳар икки тилда 'афти хунук' маъносини англатади (ТжРС, 40; ЎТИЛ, I, 71).

БАДБИН Бу тожикча сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифатига (ТжРС, 39) 'қара-', 'кўр-' маъносини англатадиган *дидан* феълининг (ТжРС, 128) *бин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 71) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 40), 'ўзгаларга ёмонлик тилайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 71). Бу сифатдан ўзбек тилида *бадбинлик* оти ҳосил қилинган.

БАДБИНЛИК *қ. бадбин*

БАДБУРУШ Бу сифат ТжРСда *"обл."* таъкиди билан келтирилиб, *бадбуриш* сифатига *қаранг* дейилган (40); *бадбуриш* сифати таркибидаги *бад* қисми 'ёмон' маъносини, *буриш* кисми 'кесиш, бичиш' маъноларини англатиши айтилган (56). Ўзбек тилида *и* товуши олдинги бўғиндаги *у* товуши таъсирида *у* товушига алмаштирилган. Асли *буриш* 'кес-', 'бич-' маъносини англатадиган *буридан* феълининг (ТжРС, 85) ҳозирги замон асосига тенг. Шунга кўра *бадбуруш* сифати асли 'ёмон бичилган' маъносини, *бадбуруш башара* бирикмаси таркибида 'ажин босган, хунук' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 71).

БАДБЎЙ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'ҳид' маъносини англатадиган *бўй* отидан (ТжРС, 87) тузилган бўлиб, 'ҳиди ёқимсиз' маъносини англатади; (ТжРС,40;ЎТИЛ, I, 71).

БАДГИР Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифатига (ТжРС, 39) 'ол-, 'қабул қил-' каби маъноларни англатадиган *гирифтан* феълининг *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102, 103) қўшиб тузилган бўлиб, ҳар икки тилда 'қитмир', 'ёмонликка йўювчи' каби маъноларни англатади.

БАДГУМОН Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'тахмин', 'ноаниқ фикр' каби маъноларни англатадиган *гумон* отидан (ТжРС, 108) тузилган бўлиб, ҳар икки тилда асли 'ёмон тахминли' маъносини англатган, кейинчалик 'ноаниқ тахмин қилувчи' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 40; ЎТИЛ, I, 71).

БАДЖАҲЛ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'аччиқланиш' маъносини англатадиган арабча

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаҳл отидан (АРС, 146) тузилган бўлиб, ҳар икки тилда 'тезда аччиқланадиган' маъносини англатади (ТжРС, 42; ЎТИЛ, I, 71).

БАДКИРДОР Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'хатти-ҳаракат', 'хулқ' маъносини англатадиган *кирдор* отидан (ТжРС, 187) тузилган бўлиб (ТжРС, 41), ҳар икки тилда 'разил хатти-ҳаракатларни амалга оширадиган' маъносини англатади (ТжРС, 41; ЎТИЛ, I, 71). ПРСда бу сифат [*бӑдкӑрдар*] шаклида (62), шунга монанд равишда бу сифатнинг иккинчи қисми ҳам [*кӑрдар*] шаклида берилган ва 'хатти-ҳаракат' маъносини англатиши айтилган (338). Ушбу луғатда [*кӑрд*] бирлиги от сифатида 'хатти-ҳаракат' маъносини англатиши айтилган (398). Бу маълумотлар асосида *бадкирдор* сифати асли *бадкардор* товуш таркибига эга бўлган, тожик тилида *к* товушидан кейинги *а* товуши *и* товушига алмашган дейиш мумкин (Бу фикрни ТжРСдаги "*бадкарда* айн. *бадкирдор*" изоҳи тасдиқлайди). *Бадкардор* сифатининг таркиби *бад* сифати билан *кард* отидан тузилган *бадкард* қўшма сифатига *-(а)р* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейиш мумкин.

БАДНАФС Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'ейиш-ичишга, мол-дунёга бўлган эҳтирос' маъносини англатадиган арабча *нафс* отидан (АРС, 818) тузилган бўлиб, 'ортиқча ейиш-ичишдан, мол-дунё орттиришдан ўзини тия олмайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 41; ЎТИЛ, I, 71).

БАДНОМ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'исм' маъносини англатадиган тожикча *ном* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, ҳар икки тилда 'ўз салбий хулқ-атвори билан ёмон ном чиқарган' маъносини англатади (ТжРС, 41; ЎТИЛ, I, 71). Бу сифат билан ўзбек тилида *бадном бўл-, бадном қил-* феъллари ҳосил қилинган.

БАДРАП *қ. бадраф*

БАДРАФ Бу тожикча от ЎТИЛга *диал.* таъкиди билан киритилиб, 'ҳожатхона' маъносини англатиши айтилган (I, 71). Асли 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифатига (ТжРС, 39) 'юр-' маъносини англатадиган *рафтан* феълининг *рав* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 322) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек сўздашув тилида бу от охиридаги *в* товуши *ф* товушига, *ф* товуши *п* товушига алмашган. Бу отнинг тўлиқ шакли асли *бадрафхона* бўлган (ЎТИЛ, I, 71).

БАДРАФХОНА *қ. бадраф*

БАДРЎ[Й] Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'юз' маъносини англатадиган тожикча *рӯ*[*й*] отидан (ТжРС, 329) тузилган бўлиб, 'хунук юзли' маъносини англатади.

БАДФЕЪЛ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'хулқ-атвор' маъносини англатадиган арабча *феъл*

www.ziyouz.com kutubxonasi

отидан (АРС, 603) тузилган бўлиб, 'хулқи ёмон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 71).

БАДХАТ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'дастхат' маъносини англатадиган арабча *хат* отидан (АРС, 224) тузилган бўлиб, 'дастхати хунук', 'ўқиш қийин дастхат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 71).

БАДХЎР Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифатига (ТжРС, 39) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган бўлиб, 'оғизга ёқмайдиган', 'таъми ёмон' маъносини англатади (ПРС, 41; ЎТИЛ, I, 71).

БАДҚОВОҚ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'кўз косасининг очилиб-ёпилиб турадиган қобиғи' маъносини англатадиган ўзбекча *қовоқ* отидан (ЎТИЛ, II, 591) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'доим қовоғи солиқ, хўмрайиб юрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 72).

БАДҲАЗМ Бу сифат 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифати билан (ТжРС, 39) 'таомнинг ошқозонда ўзлаштирилиши' маъносини англатадиган арабча *ҳазм* отидан (АРС, 563) тузилган бўлиб, ўзбк тилида 'ошқозонда ҳазм бўлиши қийин', 'ёқимсиз' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 72).

БАЖО: Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бу бирлик асли тожикча *ба ҷо овардан* ибораси таркибидаги *ба* олд кўмакчиси ва 'ўрин' маъносини англатадиган *ҷо* отидан иборат бўлиб, 'ўрнига' маъносини англатади, 'қўй-, келтир-' маъносини англатадиган тожикча *овардан* феълига боғлаб ишлатилади, бундай бирикма 'ўрнига қўйиб гапир-' маъносини англатади (ТжРС, 282, 516). Бу бирикма ўзбек тилига *бажо айла-, бажо келтир-* шаклида ағдарилган (ЎТИЛ, I, 72).

БАЖОНУДИЛ Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бу бирлик асли 'билан' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба* олд кўмакчиси, *жон, дил* отлари (к), 'ва' маъносини ифодалайдиган *-у* боғловчисидан (ТжРС, 401) таркиб топган бўлиб, тожик тилида *ба ҷону дил, бо ҷону дил* шаклларида ёзилади (ТжРС, 518). ЎТИЛда *-у* (← *ва*) боғловчиси *-и* изофасига алмаштириб юборилган (I, 72). Бу тожикча равиш ўзбек тилига *жон-у дилим билан* тарзида ағдарилган бўлиб, 'астойдил', 'мамнуният билан' маъносини англатади.

БАЗМ Бу тожикча от 'ўйин-кулги, хушчақчаклик билан ўтказиладиган зиёфат' маъносини англатади (ТжРС, 42; ЎТИЛ, I, 72). Ўзбек тилига тожикча *базми ҷамшидӣ* изофа бирикмаси ҳам охиридаги ёйи нисбатни ташлаб *базми жамшид* шаклида олинган бўлиб, 'шоҳона базм' маъносини англатади. Бу бирикма таркибидаги *Жамшид* қисми – Эроннинг қадимги афсонавий жуда бой подшосининг исми (ЎҚААҚЛ, 220).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАЗМИ ЖАМШИД *қ. базм*

БАЗУР Бу равиш тожикча *баҳузур* равишининг (ТжРС, 54) ўзбек сўзлашув тилида *ҳу* товушлари айтилмай пайдо бўлган (ЎТИЛ, I, 73). *Баҳузур* равиши асли 'билан' маъносини англатадиган тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'роҳат', 'ором' маъносини англатадиган арабча *ҳузур I* отига (АРС, 179) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қисинмай', 'ўзини эркин тутиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 73, 91).

БАЛЛИ Бу ундов ПРСда [*бале*] ва [*бали*] шаклларида (72) келтирилиб, 'ҳа', 'қувватлаш, қўшилиш' маъносини, ТжРСда *бале* шаклида келтирилиб, 'тасдиқлаш', 'кувватлаш' маъноларини (44), ЎТИЛда *балли* шаклида келтирилиб, 'рағбатлантириш', 'тасдиқлаш' маъноларини (I, 76) ифодалаши айтилган. Ўзбек тилига бу ундов форсча *бали* шакли таркибидаги *л* товушини қатлаб олинган.

БАЛОГАРДОН: Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган бу сифат *балогардон бўл-* феъли таркибида қатнашиб, 'бало, офатни қайтарувчи', 'бало-офатдан сақловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 77). Бу бирлик асли 'фалокат', 'офат' каби маънони англатадиган арабча *бало* отига (АРС, 85) 'қайтар-', 'йўқ қил-' маъносини англатадиган тожикча *гардон(и)дан* феълининг *гардон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 99) қўшиб тузилган (ТжРС, 44).

БАЛОХЎР Бу тожикча сифат 'фалокат', 'офат' маъносини англатадиган арабча *бало* отига (АРС, 85) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб,'бировнинг ҳақига хиёнат қиладиган', 'харомхўр' маъносини англатади (ТжРС, 44; ЎТИЛ, I, 77).

БАЛҒАМИ Бу ранг-тус сифати тожик тилида 'нафас йўлида ҳосил бўладиган кўкиш рангли шиллиқ' маъносини англатадиган арабча *балғам* отига (АРС, 85) тожикча *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'балғам рангидаги', 'кўкиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 77).

БАМАЙЛИХОТИР Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бу равиш асли 'билан' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба* олд кўмакчисини 'хоҳиш' маъносини англатадиган арабча *майл* оти (АРС, 777) ва 'ўй-хаёл', 'хоҳиш' маъносини англатадиган *хотир* отидан (АРС, 226) *-у* (← *ва*) боғловчиси билан жуфтлаб тузилган *майл-у хотир* отига қўшиб тузилган; лекин бундай равиш ТжРСда келтирилмаган (44). Бу равиш таркибидаги *-у* боғловчиси *-и* изофасига алмаштириб юборилган. Ўзбек тилида бу равиш 'шошилмай', 'хотиржамлик билан' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 77).

БАМАСЛАҲАТ Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бу равиш асли 'билан' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба* олд кўмакчисини (ТжРС, 544) 'бирор ишни амалга ошириш бўйича билдирилган фикр, мулоҳаза,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тавсия' маъносини англатадиган арабча *маслаҳат* отига (АРС, 442) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фикрлашиб', 'кенгашиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 77). *Маслаҳат* оти ПРСда шу шаклида (500), лекин ТжРСда *маслиҳат* шаклида (217) келтирилган; демак, *бамаслаҳат* равиши ўзбек тилига форс тилидан олинган. *Бамаслаҳат* равиши *бомаслаҳат* шаклида (*бо* олд кўмакчиси билан) ҳам (ТжРС, 544) ишлатилади (ЎТИЛ, I, 77).

БАМАЪНИ Бу сифат 'мазмун' маъносини англатадиган арабча *маъни* отига (АРС, 546) 'эга', 'мазмун' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мақбул', 'маъноли', 'ақл-идрок билан иш қиладиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 77).

БАМИСОЛИ 'Худди, каби, ўхшаш' маъносини билдирадиган бу ёрдамчи ТжРСда *мисол* мақоласи таркибида *ба мисоли* шаклида ёзиб келтирилган, демак, тожикча *ба* олд кўмакчиси (ТжРС, 39) 'худди, каби, ўхшаш' маъносини билдирадиган *мисоли* ёрдамчиси билан ишлатилган; ўзбек тилида қўшиб ёзилади (ЎТИЛ, I, 77). Бу ёрдамчи ўзбек тилида *ба* олд кўмакчиси қўшилмаган *мисоли* шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 467). *Мисоли* ёрдамчиси арабча *мисол* отига (АРС, 742) тожикча *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган.

БАНГИ (БАҢИ) Бу сифат 'наша, кўкнори каби кайф берадиган наркотик ўсимлик' маъносини англатадиган тожикча *банг (баң)* отига (ТжРС, 44; ЎКААҚЛ, 88) тожикча *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ясалган бўлиб, 'наркоман' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 78).

БАНД I Бу от 'боғла-', 'бирлаштир-' маъносини англатадиган тожикча *бастан* феълининг (ТжРС, 51) ҳозирги замон асосига (ТжРС, 44) тенг бўлиб, 'ўсимлик япроғини, мевасини танасига боғлаб турадиган қисм', 'шеърнинг, куйнинг шаклан, мазмунан ўзаро боғлиқ қисми' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 78).

БАНД II Бу сифат 'эгалла-', 'ишғол қил-' маъносини англатадиган тожикча *бастан* феълининг (ТжРС, 51) ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 44), 'холи эмас', 'эгалланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 78).

БАНДА Бу от 'карам бўл-' маъносини англатадиган тожикча *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 44) тожикча *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида 'тақдири Оллоҳнинг ихтиёридаги киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 78). Бу отдан *бандалик* мавҳум оти ясалган бўлиб, бу от билан 'вафот эт-' маъносини англатадиган *бандаликни бажо қил-* ибораси ҳосил қилинган.

БАНДАЛИК *қ. банда*

БАДАЛИКНИ БАЖО ҚИЛ- *қ. банда*

БАНДИ Бу от 'боғла-', 'ҳибсга ол-' каби маъноларни англатадиган тожикча *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосига (ТжРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

44) *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маҳбус' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 78).

БАНОГОҲ Бу равиш тожикча *ба* олд кўмакчиси билан (ТжРС, 39) *ногоҳ* равишидан (ТжРС, 269) тузилган бўлиб (ТжРС, 45), 'кутилмаганда', 'тўсатган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 78). *Ногоҳ* равиши эса *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'пайт' маъносини англатадиган тожикча *гоҳ* отига (ТжРС, 104) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'бевақт' маъносини англатади.

БАОБРЎ Бу сифат 'тасдиқлаш' маъносини ифодаловчи тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 70) тожикча *обрў* отига (ТжРС, 281) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 45), 'обрўли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 79).

БАРАВАР 'Тенг' маъносини англатадиган бу бирлик ЎТИЛга *баробар* шаклида ҳам киритилган бўлиб (I, 79, 82), изоҳлар асосан *баравар* шакли мақоласида берилган. Ўзбек тилига тожик тилидаги *баравар* шакли олинган. *Баробар* шакли асли 'томон' маъносини англатадиган тожикча *бар IV* отини (ТжРС, 45) орага *о(â)* туташтирувчи товушини (ТжРС, 539) қўшиб такрорлаш билан ҳосил қилинган бўлиб, 'тенг' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 79). Ўзбек тилида *баравар* бирлиги асосида *бараварлаш-* феъли, *бараварига* равиши ҳосил қилинган.

БАРАВАРЛАШ- *қ. баравар*

БАРАВАРИГА *қ. баравар*

БАРБОД: Бу сифат ТжРСда *бар бод* шаклида ажратиб ёзилиб, икки нуқта қўйилиб, *бар бод додан* ибораси таркибида келтирилган, бу ибора 'шамолга учир-', 'бефойда сарфла-' маъносини англатиши айтилган (46). Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган *барбод* асли *бар* олд кўмакчиси (ТжРС, 45) ва 'шамол' маъносини англатадиган *бод II* отидан (ТжРС, 74) ташкил топган бўлиб, 'хароб', 'вайрон' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 78); одатда 'беҳуда сарфлан-', 'йўққа чиқ-' маъносини англатадиган *барбод бўл-* феъли таркибида ишлатилади.

БАРБОД БЎЛ- *қ. барбод*

БАРВАСТА Бу сифат 'ортиқ даражада эга' маъносини ифодалайдиган тожикча *бар* олд кўмакчиси билан (ТжРС, 544) 'қад-қомад' маъносини англатадиган тожикча *баст* отидан (ТжРС, 51) тузилган *барбаст* сифатига (ТжРС, 46) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида *р* товушидан кейин келган *б* товуши *в* товушига алмаштирилган. Бу сифат асли 'қад-қомадли', 'қад-комати келишган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81).

БАРВАҚТ Бу равиш 'ортиқ даражада' маъносини ифодалайдиган тожикча *бар* олд кўмакчиси билан (ТжРС, 544) 'пайт' маъносини англатадиган арабча *вақт* отидан (АРС, 903) тузилган бўлиб (ТжРС, 46), 'анча эрта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАРГАК Бу от 'япроқ' маъносини англатадиган тожикча *барг* отига (ТжРС, 46) кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини қўшиб (ТжРС, 543) ҳосил қилинган бўлиб, 'данаксиз қуритилган ўрик қоқиси' маъносини англатади; 'аёлларнинг олтин, кумуш тангалардан тузилган зийнат буюми', 'барг ёзган тол новдасидан сидириб олинган пўстлоқдан ясалган сочпопук' маъноларини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ,I,84).

БАРГИЗУБ Бу от асли 'япроқ' маъносини англатадиган тожикча *барг* оти билан (ТжРС, 46) 'эри-', 'суюқ ҳолатга ўт-' маъносини англатадиган арабча *дзаба* феълининг *дзуб* масдаридан (АРС, 278) *-и* изофаси ёрдамида (ТжРС, 545) тузилган бўлиб, 'табобатда ишлатиладиган йирик кўп баргли япасқи гиёҳ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81). Арабча масдар таркибидаги "дзол" товуши ўзбек тилида *з* товушига алмаштирилган.

БАРГИКАРАМ Бу сифат асли 'япроқ' маъносини англатадиган тожикча *барг* оти билан (ТжРС, 46) "капуста" маъносини англатадиган *карам* отидан (ТжРС, 369) *-и* изофаси (ТжРС, 545) ёрдамида тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'оч яшил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81). Бу сифат ўзбек сўзлашув тилида *г* товушини ташлаб *барикарам* тарзида ҳам (ЎТИЛ, I, 82) айтилади.

БАРДАМ Бу кесимлик 'ортиқ даражада' маъносини ифодалайдиган тожикча *бар олд* кўмакчисини (ТжРС, 544) 'нафас олиш' маъносини англатадиган тожикча *дам* отига (ТжРС, 114: *дам I*) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 46), 'тетик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81).

БАРДОШ Бу от асли 'чидамли бўл-' маъносини англатадиган тожикча *бардоштан* феълининг *бардошт* ўтган замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 47), тожик тилидан охиридаги *т* товуши айтилмайдиган шаклида олинган; 'чидам', 'тоқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 81).

БАРИКАРАМ *қ. баргикарам*

БАРКАМОЛ Бу сифат 'ортиқ даражада' маъносини ифодалайдиган тожикча *бар-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ҳар жиҳатдан етик' маъносини англатадиган арабча *камол* сифатига (АРС, 700) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 47), 'камолга эришган', 'бекам-у кўст' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 82).

БАРКАШ Бу от 'мева-чева' маъносини англатадиган тожикча *бар III* отига (ТжРС, 45) 'сол-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 284) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 47), 'мева-чева солинадиган рўзғор буюми', 'патнис' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 82).

БАРПО: ПРСда *барпо шудан* бирикмасига берилган "устраивать, возникать, происходить" изоҳидан (85) кўринадики, қўшиб ёзиладиган *барпо* асли *бар по* шаклида ажратиб ёзилган; 'эга' маъносини ифодалайдиган тожикча *бар* олд кўмакчиси (ТжРС, 544) 'кўтариш',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'тиклаш' маъносини англатадиган *по* отига (ПРС, 85) қўшиб тузилган бўлиб, *барпо бўл-, барпо қил-* феъллари таркибида ишлатилади; бу феъллар 'вужудга кел-', 'мавжуд қил-' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 82).

БАРПО БЎЛ-, БАРПО ҚИЛ- *қ. барпо*

БАРРА Бу сифат 'энди вужудга кел-' маъносини англатадиган тожикча *баромодан* феълининг *баро* ҳозирги замон асоси (ТжРС, 48) таркибидаги *р* товушини қатлаб ва охиридаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб ҳосил қилинган бўлиб, *барра пиёз, барра гўшт* каби бирикмалар таркибида 'энди, яқинда вужудга келган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 82).

БАРҲАМ: 'Йўқ қил-', 'йўқ бўл-' маъноларини англатадиган *барҳам бер-, барҳам топ-* бирикмалари таркибида ишлатиладиган бу сифат 'чалкаш', 'аралаш' маъносини (ПРС, 67) англатади. Асли 'олиб кет-' маъносини англатадиган тожикча *будан* феълининг (ТжРС, 85) *бар* ҳозирги замон асоси билан (ТжРС, 45) таъкид маъносини ифодалайдиган *ҳам* юкламасини (ТжРС, 489) қўшиб ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 83).

БАРҲАМ БЕР-, БАРҲАМ ТОП- *қ. барҳам*

БАРҲАҚ Бу кесимлик 'ортиқ даражада' маъносини ифодалайдиган тожикча *бар-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ҳақиқат' маъносини англатадиган арабча *ҳақ I* отига (АРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 50), 'мутлақ ҳақиқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 83).

БАС Бу тожикча ундов 'тўхтат', 'етарли' маъносини ифодалайди (ТжРС, 50). Бу ундов билан ўзбек тилида *бас қил-* феъли ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 83).

БАС ҚИЛ- *қ. бас*

БАСТАКОР Бу тожикча от 'боғла-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг 'боғлам' маъносини англатадиган *баста* ўтган замон сифатдошига (ТжРС, 51) 'маълум бир иш билан шуғулланувчи' маъносини ифодалайдиган *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'музика асарини басталовчи' (композитор) маъносини англатади (ТжРС, 51; ЎТИЛ, I, 84).

БАТТАР Бу равиш асли 'ёмон' маъносини англатадиган тожикча *бад* сифатига (ТжРС, 39) *-тар* қўшимчасини қўшиб (ТжРС, 538) ҳосил қилинган қиёсий даража шакли бўлиб, ўзбек тилида қўшимча бошланишидаги *т* товуши таъсирида *бад* сифати охиридаги *д* товуши *т* товушига алмашган; 'олдингидан ҳам ёмонроқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 84). Бу равишдан ўзбек тилида *баттарлаш-* феъли ясалган.

БАТТАРЛАШ- *қ. баттар*

БАФУРЖА ТжРСда бундай равиш келтирилмаган. Асли 'билан' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба* олд кўмакчиси (ТжРС, 39), 'пастда' маъносини англатадиган *фурӯ* равиши (ТжРС, 414), 'ўрин' маъносини англатадиган *ҷо* отидан (ТжРС, 516) таркиб топган бўлиб, ўзбек тилида *фурӯ* қисми таркибидаги *ӯ* товуши ташланган, *ҷо* қисмидаги *о(â)* товуши *а*

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушига алмаштирилган. Бу равиш 'шошилмасдан', 'ўз вақтида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 85).

БАХЙА Бу тожикча от 'кийим-кечакнинг букиб тикилган зиҳи' маъносини англатади (ТжРС, 52). Бу от билан ўзбек тилида *бир бахя* бирикмаси тузилиб, 'жуда оз' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 86).

БАХТ Бу тожикча от 'мамнунлик ҳолати' маъносини англатади (ТжРС, 51). Бу отдан ўзбек тилида *бахтли, бахтсиз* сифатлари, *бахтсизлик* оти ясалган, *бахт-иқбол, бахт-саодат* жуфт отлари, *бахти очилсин, бахти қора, бахтга қарши* иборалари тузилган (ЎТИЛ, I, 85).

БАХТИЙОР Бу тожикча сифат асли *бахт* ва *йор* (ТжРС, 145) отларидан [*бахтийар*] тарзида тузилган бўлиб (ПРС, 60), *хтй* товушларини айтиш қийин бўлгани сабабли *тй* товушлари оралиғига тожик тилида *и* товуши киритилган (ТжРС, 51). ТжРСда *ёрй* отига берилган 'дўстлик', 'ҳамроҳлик' изоҳларидан (146) аёнки, *ёр* оти дўст', 'ҳамроҳ' маъносини, шунга кўра *бахтиёр* сифати 'бахт ҳамроҳ бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 85).

БАХШИДА: ЎТИЛга, ТжРСга, ПРСга киритилмаган бу от асли 'совға тарзида бер-' маъносини англатадиган тожикча *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахшид* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *бахшида қил-* феъли таркибида 'кимгадир аташ' маъносини англатиб қатнашади.

БАХШИДА ҚИЛ- *қ. бахшида*

БАЧАДОН Бу от 'бола' маъносини англатадиган тожикча *бача* отига (ТжРС, 52) 'сақланадиган ўрин' маъносини англатадиган *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳомила ўсиб етиладиган ички аъзо' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 86).

БАЧКАНА Бу сифат асли 'бола' маъносини англатадиган тожикча *бача* отига (ТжРС, 52) *-(г)она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *бачагона* ва *бачгона* шаклларига эга (ПРС, 59); 'болалар учун', 'болаларга хос' маъноларини англатади (ТжРС, 52). Ўзбек тилига форсча *бачгона* шакли таркибидаги *г* товуши *к* товушига, *о* товуши *а* товушига алмаштириб олинган. Ўзбек тилида бу сифатнинг 'болаларга хос' маъноси асосида 'ярашмайдиган' маъноси ҳосил бўлган (ЎТИЛ, I, 86), шундан *бачканалик* оти ясалган.

БАЧКАНАЛИК *қ. бачкана*

БАЧКАНАБОЗ Бу сифат *бачкана* сифатига (қ.) 'ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бачкана хатти-ҳаракатни кўп қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 86). Бу сифатдан ўзбек тилида *бачканабозлик* оти ҳосил қилинган.

БАЧКАНАБОЗЛИК *қ. бачканабоз*

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАЧКИ Бу сифат 'бола' маъносини англатадиган тожикча *бача* отидан (ТжРС, 52) *-гӣ* қўшимчаси билан *бачагӣ* шаклида ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 52), ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги *а* товушини ташлаб, *г* товушни *к* товушига алмаштириб олинган. Тожик тилидаги *бачагӣ* оти 'болалик' маъносини (ТжРС, 52), ўзбек тилидаги *бачки* оти эса 'ўсимликнинг нокерак майда шохчаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 86). Бу отдан ўзбек тилида *бачкила-* феъли ясалган.

БАЧКИЛА- *қ. бачки*

БАЧЧА Бу от ўзбек тилида 'бола' маъносини англатадиган тожикча *бача* оти (ТжРС, 52) таркибидаги *ч* товушини қатлаб ҳосил қилинган бўлиб, 'хушрўй, келишган ўйинчи бола' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 86).

БАЧЧАТАЛОҚ ПРСда, ТжРСда келтирилмаган бу қўшма от 'бола' маъносини англатадиган [*бачче*] оти билан (ПРС, 59) 'никоҳни бекор қилиш' маъносини англатадиган *талоқ* отидан (ЎТИЛ, II, 412) тузилган бўлиб, 'талоқ қилинган хотиндан туғилган бола' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 86), кўпинча ҳақорат қилишда ишлатилади.

БАЧЧАҒАР Бу қўшма от ТжРСда *бачағар* шаклида келтирилган бўлиб (52), 'бола' маъносини англатадиган *бача* отининг форсча [*бачче*] шаклига (ПРС, 59) 'фоҳиша' маъносини англатадиган *гар* отини (ТжРС, 477) қўшиб тузилган; асли 'фоҳишадан туғилган бола' маъносини англатади; кўпинча ҳақорат қилишда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 86).

БАШАРТИ Бу шарт боғловчиси асли *ба шарте ки* шаклига эга (ТжРС, 452); ўзбек тилига тожикча *ба* олд кўмакчисини (ТжРС, 39) 'талаб-таклифлар' маъносини англатадиган арабча *шарт* отига (АРС, 399) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, охирига аниқлик маъносини ифодалайдиган *э(и)* ёйи вақдатни ("Форс тили", 113) қўшиб тузилган. Асли 'шарти шуки' маъносини англатиб (ТжРС, 452), ўзбек тилида 'агар', 'мабодо' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 87).

БАЪДАЗ Бу пайт оти 'кейин', 'сўнгра' маъносини англатадиган арабча *баъд* пайт отига 'ҳақида' каби маънони ифодалайдиган тожикча *аз* олд кўмакчисини (ТжРС, 19) қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 52), ўзбек тилида 'кейинги навбатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 87); *Аввал таом, баъдаз калом* ҳикмати таркибида ишлатилади.

БАҚАВЛИ Бу модал бирлик асли *ба қавли шумо* шаклига эга бўлиб, 'сиз ўйлагандай' маъносини билдиради (ТжРС, 482). Асли *ба* олд кўмакчиси билан (ТжРС, 39) 'сўз', 'ўй-мулоҳаза' маъносини англатадиган арабча *қавл* отидан (АРС, 665) тузилган бирлик охирига *э(и)* ёйи вақдатни ("Форс тили", 113) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *бақавли* шаклида қўшиб ёзилади. ЎТИЛда бу модал бирликнинг маъноси 'бамисоли', 'худди' деб изоҳланган (I, 87).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАҚАДРИҲОЛ Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бу равиш асли 'кўра' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба* олд кўмакчисини (ТжРС, 39) 'ҳурмат-иззат' кўрсатишга лойиқлик' маъносини англатадиган арабча *қадр* (АРС, 624), 'маълум вақтда мавжуд вазият' маъносини англатадиган *ҳол* (АРС, 203) отларидан *-и* изофаси билан (ТжРС, 545) тузилган *қадри ҳол* бирикмасига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'имкон даражасида', 'қурби етганича' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 87).

БАҚАМТИ ЎТИЛда "*[ф-т + а]*" деб нотўғри таъкидланган бу равиш 'бир-бирига яқин' маъносини англатадиган ўзбекча *қамти* равишига (ЎТИЛ, II, 548; ЎТЭЛ, 520) тожикча *ба* олд қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 89). *Бақамти, қамти* равишлари ТжРСга киритилмаган. Бу равишлар ЎТИЛда 'юзма-юз' маъносини англатади дейилган; асли бир-бирига яқин', 'жипс' маъносини англатади дейиш тўғрироқ.

БАҚУВВАТ Бу сифат асли 'куч' маъносини англатадиган арабча *қувват* отига (АРС, 668) 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *бо-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган (ТжРС, 83). Ўзбек тилига *бо-* олд қўшимчаси таркибидаги *о(ā)* товуши *а* товушига алмаштириб олинган. Бу сифат ўзбек тилида 'ортиқ даражада кучли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 88).

БАҒОЙАТ 'Кучли даражада', 'ғоятда' маъносини ифодалайдиган бу кучайтиргич 'чексиз', 'бениҳоя' маъносини англатадиган арабча *ғойат* сифатига (АРС, 575) 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жуда ҳам', 'ниҳоятда' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 90).

БАҲАВО ТжРСда, ПРСда келтирилмаган бу сифат 'Ер атрофини қоплаб турувчи, асосан азот ва кислороддан иборат модда' маъносини англатадиган арабча *ҳаво* отига (АРС, 862) 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳавоси тоза, кенг, очиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 90).

БАҲАЙБАТ Бу сифат ТжРСда *боҳайбат* шаклида келтирилиб (83), 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *бо-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ҳуркиш аралаш ҳурмат ҳиссини уйғатувчи қиёфа' маъносини англатадиган арабча *ҳайбат* отига (АРС, 866) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *бо-* олд қўшимчаси таркибидаги *о(ā)* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'жуда катта, улкан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 90).

БАҲАМ: Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган бу равиш *баҳам кўр-* феъли таркибида қатнашади. Тожик тилида *ба ҳам* шаклида ажратиб ёзилиб (ТжРС, 53), ўзбек тилида қўшиб ёзилади. Асли 'билан' маъносини ифодалайдиган *ба* олд кўмакчисини (ТжРС, 39) 'тенг' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган *ҳам* сифатига (ПРС, 594) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'биргаликда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 90).

БАҲАМЖИҲАТ ТжРСга, ПРСга киритилмаган бу равиш асли тожикча 'билан' маъносини ифодалайдиган *ба-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'аҳил', 'инок' маъносини англатадиган *ҳамжиҳат* равишига (ЎТИЛ, II, 683) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳамжиҳатлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 90). *Ҳамжиҳат* равиши 'тенг' маъносини англатадиган *ҳам* сифати билан (ПРС, 594) 'томон' маъносини англатадиган арабча *жиҳат* отидан (АРС, 875) тузилган.

БАҲАРНАВ Бу равиш тожик тилида *ба ҳар навъ* тарзида ёзилиб (ТжРС, 254), ўзбек тилида ҳар уч қисм охиридаги ъ белгисини ташлаб қўшиб ёзилади (ЎТИЛ, I, 90). Асли 'билан' маъносини ифодалайдиган *ба-* олд қўшимчаси (ТжРС, 544), 'хил', 'тур' маъносини ифодалайдиган тожикча *ҳар* олмоши (ТжРС, 501) ва 'ҳил', 'тур' маъносини англатадиган арабча *навъ* отидан ташкил топган бўлиб, 'ҳар қалай', 'қандай бўлса хам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 90).

БАҲО Бу тожикча от адабий ўзбек тилига шу шаклида олинган бўлиб, 'киймат', 'нарх', 'балл' каби маъноларни англатади (ТжРС, 53; ЎТИЛ, I, 90). *Баҳо* отидан ўзбек тилида *баҳола-* феъли ясалган, *баҳоси йўқ* ибораси тузилган.

БАҲОЛА- *қ. баҳо*

БАҲОЛИ ҚУДРАТ Бу бирикма 'қурби етганича' маъносини англатиб (ЎТИЛ, I, 90), тожикча *ба* олд кўмакчиси ва 'маълум вақтда мавжуд вазият' маъносини англатадиган арабча *ҳол* отидан (АРС, 203) иборат *баҳол* бирлигини *-и* изофаси орқали 'қурб', 'қодирлик' маъносини англатадиган арабча *қудрат* отига (АРС, 624) боғлаб тузилган.

БАҲОНА Бу тожикча от адабий ўзбек тилига шу шаклида олинган бўлиб, 'важ', 'рўкач' каби маъноларни англатади (ТжРС, 53; ЎТИЛ, I, 91). Бу от қатнашиб тузилган тожикча *баҳона ёфтан* бирикмаси ўзбек тилига *баҳона топ-* тарзида, *баҳона кардан* бирикмаси *баҳона қил-* тарзида ўгирилган; *баҳона* отидан ўзбек тилида *баҳоначи* оти ясалган, *Бола баҳона, дийдор ғанимат* ҳикмати тузилган.

БАҲОНАЧИ *қ. баҳона*

БАҲОР Бу тожикча от адабий ўзбек тилига шу шаклида олинган бўлиб, 'кўклам', 'йилнинг табиат уйғанадиган фасли' маъносини англатади (ТжРС, 53; ЎТИЛ, I, 91). Бу тожикча от билан ўзбек тилида *Баҳор офтобига келинингни, куз офтобига қизингни сол* ҳикмати тузилган.

БАҲОРИКОР Бу сифат *баҳор* отидан (қ.) *ӣ* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган тожикча *баҳорӣ* сифатига (ТжРС, 54) 'иш' маъносини англатадиган *кор* отидан ўсиб чиккан *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'баҳорда экин экиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 91).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАҲРАМАНД Бу сифат 'манфаат', 'ҳузур' маъносини англатадиган тожикча *баҳра* отига (ТжРС, 54) 'эга бўлиш' маъносини ифодалайдиган *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'манфаат кўрган', 'фойдаланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 91). Бу сифат билан ўзбек тилида *баҳраманд бўл-, баҳраманд қил-* феъллари ҳосил қилинган.

БАҲРАМАНД БЎЛ-, БАҲРАМАНД ҚИЛ- *қ. баҳраманд*

БАҲУЗУР *қ. базур*

БЕАДАБ ТжРСга *беадаб* шаклида киритилиб (54), *беодоб* шаклига ҳавола қилинган (62). Бу луғатда арабча *адаб* ва *одоб* отлари тенг ҳуқуқли тарзда келтирилиб, маъноси деярли бир хил изоҳланган (18, 284). Асли *одоб* оти – *адаб* отининг кўплик шакли, шунга кўра асосий деб *беадаб* шаклини кўрсатиш ўринли. Бу сифат тожик тилида 'йўқ' маъносини ифодалайдиган *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'хулқ', 'тарбия' маъносини англатадиган арабча *адаб* отига (АРС, 28) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ахлоқсиз', 'тарбиясиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 92). Бу отдан ўзбек тилида *беадаблик* мавҳум оти ясалган.

БЕАДАБЛИК *қ. беадаб*

БЕАДАД Бу равиш тожикча 'йўқ' маъносини ифодалайдиган *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'миқдор', 'сон-саноқ' маъносини англатадиган арабча *адад* отига (АРС, 501) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сон-саноқсиз', 'беҳисоб' маъносини англатади (ТжРС, 54; ЎТИЛ, I, 92).

БЕАЙБ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'қонун-қоидага хилоф иш, хатти-ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *айб* отига (АРС, 552) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'айбсиз', 'гуноҳсиз' маъносини англатади (ТжРС, 54; ЎТИЛ, I, 92). *Беайб парвардигор* ҳикмати таркибида ишлатилади.

БЕАМР Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'буйруқ' маъносини англатадиган арабча *амр* отига (АРС, 43) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'буйруқсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 92). *Беамр тикан кирмас* ҳикмати таркибида ишлатилади.

БЕАНДИША Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'оқибатини ўйлаб, юз-хотир билан мулоҳаза юритиш' маъносини англатадиган тожикча *андеша* отига (ТжРС, 27) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *д* товушидан кейинги *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'андишаси йўқ', 'андишасиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 92).

БЕАРМОН Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'афсус' маъносини англатадиган тожикча *ормон* отига (ТжРС, 288) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *о(ā)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'армони йўқ ҳолда', 'орзу-истиклари рўёбга чиққан ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 92).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕБАРАКА Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тўкин-сочинлик' маъносини англатадиган арабча *барака* отига (АРС, 67) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'баракаси йўқ', 'тезда сарфланиб кетадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 91).

БЕБАҚО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'абадий', 'доимий' маъносини англатадиган арабча *бақо* отига (АРС, 81) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'абадий бўлмаган', 'ўткинчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 92); *бебақо дунё* бирикмаси таркибида ишлатилади.

БЕБАҲРА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'манфаат', 'ҳузур' маъносини англатадиган тожикча *баҳра* отига (ТжРС, 54) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'баҳраманд бўлмаган' маъносини англатади (ТжРС, 55; ЎТИЛ, I, 91). Бу сифат билан ўзбек тилида *бебаҳра бўл-, бебаҳра қил-* феъллари ҳосил қилинган.

БЕБАҲРА БЎЛ-, БЕБАҲРА ҚИЛ- *қ. бебаҳра*

БЕБОШ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) ўзбекча *бош* отига ўзбек тилида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асосан 'гапга киравермайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93). Сўзлашув тилида *бевош* шаклида ҳам айтилади. Бу сифатдан *бебошлик* мавҳум оти ҳосил қилинган бўлиб, *Ёшлик – бебошлик* хикмати таркибида ишлатилади.

БЕБОШЛИК *қ. бебош*

БЕБУРД Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ишончлилик', 'тайинлилик' маъносини англатадиган тожикча *бурд* отига (ЎТИЛ, I, 150) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'сўзида турмайдиган', 'субутсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93). Бу сифат билан ўзбек тилида *бебурд бўл-* феъли ҳосил қилинган.

БЕБУРД БЎЛ- *қ. бебурд*

БЕВА ПРСда [*биве*] шаклида келтирилиб, 'хотини вафот этган эр' маъносини, [*биве-зän*] шаклида келтирилиб, 'эри вафот этган хотин' маъносини англатиши айтилган (84). ТжРСда *бева, бевазан* шаклларида келтирилиб, 'эри вафот этган хотин' маъносини англатиши айтилган (56). ЎТИЛда фақат *бева* шаклида келтирилиб, 'эри ёки хотини ўлган', 'тул' маъносини англатиши айтилган (93). Кўринадики, форсча *биве* сифати таркибидаги *э(е)* товуши тожик тилида *а* товушига алмаштирилган, ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган. Ўзбек тилида бу от одатда 'эри ўлган хотин' маъносини англатиш учун ишлатилади. Бу от билан ўзбек тилида *бева-бечора* жуфт оти тузилган.

БЕВА-БЕЧОРА *қ. бева*

БЕВАТАН Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'қишининг туғилиб-ўсган, яшаган жойи' маъноси-ни англатадиган арабча *ватан* отига (АРС, 897) қўшиб ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган бўлиб, 'уй-жойи, бошпанаси йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93).

БЕВАФО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'аҳдида, ваъдасида қатъий туриш' маъносини англатадиган арабча *вафо* отига (АРС, 903) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'вафосиз', 'садоқатсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93). Бу сифатдан ўзбек тилида *бевафолик* оти ясалган ва бу от билан *бевафолик қил-* феъли ҳосил қилинган.

БЕВАФОЛИК ҚИЛ- *қ. бевафо*

БЕВАҚТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'пайт', 'фурсат' маъносини англатадиган арабча *вақт* отига (АРС, 903) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'вақт-соати етмасдан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93).

БЕВОСИТА Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бирор ишни амалга оширишда кўмаклашадиган нарса' маъносини англатадиган арабча *восита* отига (АРС, 887) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тўғридан тўғри', 'воситасиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93).

БЕГОНА Бу сифат ПРСда [*бигане*] шаклида (62), ТжРСда *бегона* шаклида (56), ЎТИЛда ҳам *бегона* шаклида (93) келтирилган. Кўринадики, бу сифат ўзбек тилига тожик тили шаклида олинган; 'қариндошлиги, танишлиги йўқ', 'ёт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 93). Бу сифат билан ўзбек тилида *бегоналаш-, беногасира-* феъллари ҳосил қилинган, *етти ёт-бегона* сифати тузилган.

БЕГОНАЛАШ- *қ. бегона*

БЕГОНАСИРА- *қ. бегона*

БЕДАВО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'дори-дармон', 'шифо' маъносини англатадиган арабча *даво* отига (АРС, 265) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'давоси йўқ', 'тузалмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 94). Ўзбек тилида бу сифат билан тузилган тожикча *дарди бедаво* изофа бирикмаси ҳам ишлатилади.

БЕДАЗОР Бу от 'отга озуқа бўладиган кўп йиллик дуккакли ўсимлик' маъносини англатадиган ўзбекча *беда* отига (ЎТИЛ, I, 94) 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'беда экилган ер' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 94).

БЕДАНАБОЗ Бу сифат 'қирғовулсимонлар оиласига мансуб кичик сайроқи қуш' маъносини англатадиган *бедана* отига (ЎТИЛ, I, 94) 'ўйна-', 'ишқибоз бўл-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бедана боқишга , уриштиришга ишқибоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 94).

БЕДАПОЙА Бу от 'отга озуқа бўладиган кўп йиллик дуккакли ўсимлик' маъносини англатадиган ўзбекча *беда* отига (ЎТИЛ, I, 94) 'остки

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисм' маъносини англатадиган тожикча *пойа* отини (ТжРС, 311) қўшиб тузилган бўлиб, асли 'бедаси ўриб олинган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 94).

БЕДАРАК Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'илк хабар' маъносини англатадиган *дарак* отига (ТжРС, 116; ЎТИЛ, I, 208) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳеч қандай хат-хабарсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 94).

БЕДАХМАЗА Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) тожик сўзлашув тилига мансуб деб келтирилган *дахмаса* отига (ТжРС, 124) қўшиб ҳосил қилинган. ЎТИЛга *бедахмаза* шаклида киритилган бўлиб, 'беташвиш' маъносини англатиши айтилган (94). Тожикча равиш таркибидаги *с* товуши ўзбек тилида *з* товушига алмаштирилган.

БЕДИЛ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'юрак', 'кўнгил' маъноларини англатадиган тожикча *дил* отига (ТжРС, 129) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгли бузилган', 'кўнгли қолган', 'ишқ ўтида куйиб дилини йўқотган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 94).

БЕДОНА Бу от 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'уруғ' маъносини англатадиган *дона* отига (ПРС, 209) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'уруғи йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 95).

БЕДОР Бу сифат ПРСда [*бидар*] шаклида ёзилган (79), ТжРСда эса *бедор* шаклида келтирилган (57); демак, ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган. Бу сифат ҳар уч луғатда 'уйғоқ', 'ухламаган' маъноси англатиши айтилган (ЎТИЛ, I, 95).

БЕЖИЗ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'нарса' маъносини англатадиган тожикча *чиз* отига (ТжРС, 444) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 67), ўзбек тилида бу тожикча равиш таркибидаги *ч* товуши *ж* товушига алмаштирилган; Асли 'нарсасиз' маъносини англатиб, *эмас* инкори билан ишлатилганда 'сабабсиз', 'бекорга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 95).

БЕЖИРИМ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) тожик сўзлашув тилида 'камчилик', 'нуқсон' маъносини англатадиган *ҷирм II* отига (ТжРС, 516) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 70: *бечирм*). Ўзбек тилида *рм* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган: *бежирим*. Тожик тилида 'бенуқсон' маъносини англатадиган бу сифат (ТжРС, 70) ўзбек тилида 'шинам', 'келишган' маъносини англатиш учун ишла-тилади (ЎТИЛ, I, 95). Бу сифат тожикча эканлиги ЎТИЛда таъкидланмаган.

БЕЖО Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ўрин' маъносини англатадиган тожикча *ҷо*

www.ziyouz.com kutubxonasi

отига (ТжРС, 516) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида асосан 'ноўрин' маъносини (ТжРС, 70), ўзбек тилида эса асосан 'бесаранжом' маъносини (ЎТИЛ, I, 95) англатиш учун ишлатилади.

БЕЖОЙ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ўрин' маъносини англатадиган тожикча *ҷо* отининг *ҷой* шаклига (ТжРС, 517) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жойи йўқ' маъносини англатиш учун ишлатилади (ТжРС, 70; ЎТИЛ, I, 95).

БЕЗАРАР Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'зиён' маъносини англатадиган арабча *зарар* отига (АРС, 456) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зиён келтирмайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 57; ЎТИЛ, I, 96).

БЕЗАХА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'полиз экинлари мевасининг уриниб, эзилиб шикастланган ери' маъносини англатадиган *заха* отига (ЎТИЛ, I, 301) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида 'заха бўлмаган', 'захаси йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 96).

БЕЗИЙОН Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'зарар' маъносини англатадиган тожикча *зийон* отига (ТжРС, 304) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зарар келтирмайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 56; ЎТИЛ, I, 96).

БЕЗОРИ Бу сифат 'кимдандир безганлик туйғуси' маъносини англатадиган тожикча *безор* отига (ТжРС, 58) *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўпчиликнинг тинчлигини бузувчи', 'хулиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 96). Бу сифат билан ўзбек тилида *безорилик* оти ва у билан *безорилик қил-* феъли ҳосил қилинган.

БЕЗОРИЛИК ҚИЛ- *қ. безори*

БЕЗОРИЖОН: Бу сифат 'жонидан безор қил-' маъносини англатадиган тожикча *аз ҷон безор кардан* бирикмаси (ТжРС, 68) асосида тузилган *безори ҷон* изофа бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; одатда *қил-* феъли билан *безорижон қил-* тарзида ишлатилади; 'жондан безор қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕИБО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'уялиш', 'шарм-ҳаё' маъносини англатадиган арабча *ибо* отига (АРС, 22) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'шарм-ҳаёсиз', 'ор-номусни билмайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 58; ЎТИЛ, I, 97).

БЕИЖОЗАТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бирор фаолиятни амалга ошириш учун бериладиган рухсат' маъносини англатадиган арабча *ижозат* отига (АРС, 148) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'рухсатсиз', 'рухсат олмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕИЗ Бу равиш ўзбек тилида 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'нимадандир қолган қолдиқ, нишона, асар' маъносини англатадиган ўзбекча *из* отига (ЎТИЛ, I, 316) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳеч қандай асарсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕИЛЛАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'камчилик', 'нуқсон' маъносини англатадиган арабча *иллат* отига (АРС, 531) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'камчилиги йўқ', 'бенуқсон' маъносини англатади (ТжРС, 58; ЎТИЛ, I, 97).

БЕИСТИСНО Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ҳисобдан ташқари' маъносини англатадиган арабча *истисно* равишига (АРС, 114) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қатордан қолдирмай', 'истисно қилмай' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕИХТИЙОР Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'танлаш', 'афзал кўриш' маъносини англатадиган арабча *ихтиёр* отига (АРС, 241) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ихтиёр қилмаган ҳолда', 'ихтиёрдан ташқари' маъноларини англатади (ТжРС, 59; ЎТИЛ, I, 97).

БЕИШ Бу равиш ўзбек тилида 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'меҳнат', 'хизмат' каби маъноларни англатадиган ўзбекча *иш* отига (ЎТИЛ, I, 343) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕИШКАЛ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'чалкашлик', 'чатоқлик' маъносини англатадиган арабча *ишкал* отига (АРС, 413) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чатоқликка учрамай' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕКАМ-У КЎСТ Бу равиш ПРСда [*-би-кăм-о-каст*] шаклида (82), ТжРСда *бекам II* шаклида ёзилган равишдан кейин икки нуқта қўйиб *бекаму кост* шаклида (59), ЎТИЛда эса *бекам(и)-кўст* шаклида (I, 97) келтирилган. Бу равиш ўзбек тилига тожик тилидан олинган, лекин *кам* равишидан кейин жойлашган; асли *ва* боғловчисининг *-у* шаклига тенг кисми ЎТИЛда хато равишда *-и* изофасига алмаштирилган (97). Асли бу равишни луғатга *бекам:* тарзида киритиш ҳам нотўғри, чунки *бе-* олд қўшимчаси *кам-кўст* жуфт отига (ЎТИЛ, I, 364) қўшилган. *Бекам-у кўст* равиши таркибидаги *кам* қисми 'етишмовчилик' маъноси билан (ЎТИЛ, I, 363), *кўст* кисми 'ортиқчалик' маъноси билан (ЎТИЛ, I, 422) қатнашган; шунга кўра бу равиш 'ҳеч қандай етишмайдиган ва ортиқча жойи йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕКЗОД(А) Бу кесимлик 'ҳокимлик унвони' маъносини англатадиган ўзбекча *бек* отига (ЎТИЛ, I, 97) 'туғилган ўғил (қиз)' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган *зод* отини (ПРС, 256) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бекдан туғилган', 'бек наслига мансуб ўғил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97).

БЕКОР Бу тожикча равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'иш' маъносини англатадиган *кор* отига (ТжРС, 192) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор иш билан машғул бўлмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 97) Бу равиш билан ўзбек тилида *бекорчи, бекорчилик* отлари ҳосил қилинган.

БЕКОРГА Бу равиш ўзбек тилида 'бирор манфаат бўлмаган ҳолда' маъносини англатадиган тожикча *бекор* равишининг (к.) ўзбекча *-га* қўшимчаси қўшилган шакли бўлиб, шу шаклида равишга айланган; юқорида таъкидланган маънони англатади (ЎТИЛ, I, 98).

БЕКОРДАН БЕКОРГА Бу равиш ўзбек тилида *бекор* равишини (к.) 'беҳуда, бефойда' маъноси билан чиқиш ва жўналиш келишиги шаклида бирлаштириб ҳосил қилинган; 'жиддий асос, сабаб бўлмагани ҳолда маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 98).

БЕКОРЧИ, БЕКОРЧИЛИК *қ. бекор*

БЕЛДОР Бу сифат 'гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса оралиғидаги энг хипча қисми' маъносини англатадиган ўзбекча *бел* отига (ЎТЭЛ, 44) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 136) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бели йўғон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 100).

БЕМАВРИД Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'қулай фурсат' маъносини англатадиган арабча *мавриd* отига (АРС, 438) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нокулай, номақбул пайтда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 101).

БЕМАДОР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ҳаракатланишга асос бўладиган куч-қувват' маъносини англатадиган арабча *мадор* отига (АРС, 267) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дармони йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 101).

БЕМАЗА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) асли 'нордон-ширин' таъм' маъносини англатадиган арабча *маза* отига (АРС, 751) қўшиб ҳосил қилинган. Бу арабча от форс тили луғатида [*мазз*] шаклида келтирилиб, 'нордон-ширин' маъносини (ПРС, 486), тожик тили луғатида эса *маза* шаклида келтирилиб, 'таъм' маъносини англатиши айтилган (ТжРС, 61). Кўринадики, *бемаза* сифати ўзбек тилига тожик тилидан олинган; 'таъми ёқимсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 101). *Бемаза* сифатидан ўзбек тилида *-гарчилик* қўшимчаси билан *бемаза-гарчилик* оти ясалган бўлиб, 'бўлмағур хатти-ҳаракат' маъносини англатади.

БЕМАЗАГАРЧИЛИК *қ. бемаза*

БЕМАЛОЛ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'салбий таъсирни ҳис қилиш ҳолати' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган арабча *малал* отининг тожик тилига товуш ўзгариши билан олинган *малол* шаклига (ТжРС, 213) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қисинмай', 'ўнғайсизланмай', 'тортинмай' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 101).

БЕМАСЛАҲАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) тожик тилида 'бирор фаолиятни тўғри, фойдали амалга ошириш бўйича айтиладиган фикр-мулоҳаза' маъноси билан ишлатиладиган арабча *маслаҳат* отига (АРС, 442) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кенгашмаган ҳолда', 'фикр-мулоҳаза сўрамаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 101).

БЕМАШАҚҚАТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'қийинчилик' маъносини англатадиган арабча *машаққат* отига (АРС, 411) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қийинчилик кўрмай', 'осонгина' маъносини англатади (ТжРС, 60; ЎТИЛ, I, 101).

БЕМАЪНИ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'мазмун' маъносини англатадиган арабча *маъни* отига (АРС, 545) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мазмунсиз', 'сафсатадан, уйдирмадан иборат' каби маъноларни англатади (ТжРС, 60; ЎТИЛ, I, 101). *Бемаъни* сифатидан ўзбек тилида *-гарчилик* қўшимчаси билан *бемаънигарчилик* оти ясалган, 'ножўя хатти-ҳаракат' маъносини англатади.

БЕМАЪНИГАРЧИЛИК *қ. беъмани*

БЕМАҲАЛ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'пайт' маъносини англатадиган арабча *маҳал* отига (АРС, 771) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'номувофиқ, номақбул пайтда' маъносини англатади (ТжРС, 60; ЎТИЛ, I, 102).

БЕМИННАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'қилган яхшилигини таъна қилиб гапириш' маъносини англатадиган арабча *миннат* отига (АРС, 769) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қилган яхшилигини таъна қилиб гапирмайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 60; ЎТИЛ, I, 102). Бу сифат билан *Миннатли ошдан беминнат мушт яхши* ҳикмати тузилган.

БЕМУРУВВАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'одамийлик юзасидан кўрсатиладиган ёрдам' маъносини англатадиган арабча *мурувват* отига (АРС, 748) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одамийлик юзасидан ёрдам кўрсатмайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 61; ЎТИЛ, I, 102).

БЕМУҲЛАТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бирор фаолиятни бажариш учун белгиланган вақт' маъносини англатадиган арабча *муҳлат* отига (АРС, 771) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор фаолиятни бажариш учун белгиланган вақтга риоя қилмай' маъносини англатади. ЎТИЛда *бемуҳлат*

www.ziyouz.com kutubxonasi

равишининг *бемуддат* равишига айнан деб таъкидлангани нотўғри, *бемуддат* равиши 'муддати белгиланмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕНАВБАТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бирин-кетин бажарилиш тартиби', 'гал' маъносини англатадиган арабча *навбат* отига (АРС, 837) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирин-кетинликка риоя қилмай', 'навбатидан олдин' маъносини англатади (ТжРС, 61; ЎТИЛ, I, 102).

БЕНАВО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'овоз', 'товуш' маъносини англатадиган арабча *наво* отига (ПРС, 572) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'гапириш ҳуқуқига эга бўлмаган' маъносини англатган; кейинчалик 'ҳаёт лаззатидан бебаҳра' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 102).

БЕНАЗИР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'намуна' маъносини англатадиган арабча *назир* отига (АРС, 812) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўхшаши йўқ', 'тенги йўқ' маъносини англатади (ТжРС, 61, ЎТИЛ, I, 102; ЎКААҚЛ, 108).

БЕНОМ-У НИШОН Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе* олд кўмакчисини (ТжРС, 54) *ном-у нишон* жуфт отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида *бе ному нишон* тарзида ёзилади (ТжРС, 271). Бу жуфт от таркибидаги *ном* қисми 'маълумлик' маъноси билан (ТжРС, 271), *нишон* қисми 'из, асар' маъноси билан (ЎТИЛ, I, 504) қатнашган. Ўзбек тилида *бе* олд кўмакчиси кейинги қисмга қўшиб ёзилади; 'бедарак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕНОМУС Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'орият' маъносини англатадиган арабча *номус* отига (АРС, 778) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 62), 'шарм-ҳаёни билмайдиган', 'ор-номуси йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕНУҚСОН Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'камчилик' маъносини англатадиган арабча *нуқсон* отига (АРС, 825) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'камчилиги йўқ', маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕОБРЎ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) *обрў* отига (ТжРС, 281) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 62), 'обрўсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕОЗОР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'жисмоний ёки руҳий азоб' маъносини англатадиган *озор* отига (ТжРС, 284) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жисмонан, руҳан азоб етказмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕОМОН Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'хавф-хатар' маъносини англатадиган арабча

www.ziyouz.com kutubxonasi

амон отига (АРС, 45) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 55); ўзбек тилида *амон* оти бошланишидаги *а* товуши *о(â)* товушига алмаштирилган. Бу равиш 'аямай', 'шафқатсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕОР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'уят', 'номус' маъносини англатадиган арабча *ор* отига (АРС, 552) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 62), 'уятсиз', 'юзсиз', 'ор-номуси йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 102).

БЕПАРВО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'қизиқиш', 'диққат-эътибор' маъносини англатадиган тожикча *парво* отига (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 63), 'қизиқмайдиган', 'диққат-эътибор қилмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 103). Ўзбек тилида бу сифатдан *бепарволик* оти ҳосил қилинган.

БЕПАРВОЛИК *қ. бепарво*

БЕПАРДА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тўсиқ' маъносини англатадиган тожикча *парда* отига (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, кўчма маъносида 'андишасиз, очиқдан-очиқ айтилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 103).

БЕПОЙОН Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тугаш чегараси', 'охир' маъносини англатадиган тожикча *поён* отига (ТжРС, 309) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чек-чегараси йўқ', 'охири кўринмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 103).

БЕПУЛ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'акча' маъносини англатадиган тожикча *пул* отига (ТжРС, 312) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 63), 'текин', маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 103). *Пул* оти асли юнонча *pholis* шаклида ёзилиб, араб тилига *фулус* шаклида, форс тилига *пул* шаклида олинган (ССТГН, I, 322); асли 'мисдан ясалган тийин' маъносини билдирган.

БЕРАҲМ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ачиниш', 'шафқат' маъноларини англатадиган арабча *раҳм* отига (АРС, 291) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'раҳм-шафқатсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 103).

БЕСАРАНЖОМ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тартибли', 'жой-жойига қўйилган' маъносини англатадиган тожикча *саранжом* отига (ТжРС, 343) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 64); *саранжом* сифати 'асосий' маъносини англатиб қатнашган тожикча *сар* оти билан (ТжРС, 342) 'уй-рўзғор буюмлари' маъносини англатадиган тожикча *анжом* отидан (ТжРС, 29) таркиб топган; *бесаранжом* сифати 'уй-рўзғор тутиши тартибсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 105). Ўзбек сўзлашув тилида бу сифат *бесарамжон* тарзида ҳам айтилади.

БЕСАРАМЖОН *қ. бесаранжом*

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕТАВФИҚ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) асли 'мослашиш' маъносини англатадиган арабча *тавфиқ* отига (АРС, 902) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ТжРСда 'баҳаё', 'уятсиз' маъносини англатиши айтилган (65), ЎТИЛда бу маъно иккинчи ўринда берилиб, асосий деб 'Оллога ишонмайдиган', 'диний ақидаларга амал қилмайдиган' маъноси келтирилган. Асли *тавфиқ* отининг 'динга эътиқод қилиш' маъноси ўзбек тилида юзага келган (ЎТИЛ, I, 405).

БЕТАЙИН Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'белгили', 'аниқ' маъносини англатадиган арабча *таъйин* сифатига (АРС, 554) қўшиб ҳосил қилинган; тожик тилига *й* товушини ташлаб *таъин* шаклида (ТжРС, 387), ўзбек тилига эса айн (ъ) товушини ташлаб *тайин* шаклида (ЎТИЛ, I, 408) олинган. *Бетайин* сифати ўзбек тилида 'аниқ бўлмаган', 'гапида турмайдиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТАКАЛЛУФ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ғайритабиийлик', 'тортинчоқлик' маъносини англатадиган арабча *такаллуф* отига (АРС, 696) қўшиб ҳосил қилинган. Бу равиш ўзбек тилида 'ортиқча мулозаматсиз', 'ортиқча илтифотсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТАМИЗ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ақл-идрок', 'фаҳм-фаросат' маъносини англатадиган тожикча *тамиз* отига (ТжРС, 379) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида 'дид-фаросатсиз', 'бефаҳм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТАРАФ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'томон', 'ён' маъносини англатадиган арабча *тараф* отига (АРС, 472) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 65); 'ҳеч қайси томонга ён босмайдиган', 'холис' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106). Бу сифатдан ўзбек тилида *бетарафлик* оти ҳосил қилинган.

БЕТАРАФЛИК қ. бетараф

БЕТАРТИБ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'маълум қоидага биноан, белги хусусиятларига кўра жойлаштирилган ҳолат' маъносини англатадиган арабча *тартиб* отига (АРС, 285) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган (ТжРС, 65); 'ўлда-жўлда', 'айқаш-уйқаш бўлиб ётган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТАШВИШ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'безовталик', 'сиқилиш' маъносини англатадиган арабча *ташвиш* отига (АРС, 421) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган (ТжРС, 66); 'безовталиксиз', 'ғам-ғуссасиз' каби маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕТАҲЛИКА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ўлимга олиб келиш даражасидаги хавф' маъносини англатадиган арабча *таҳлика* отига (АРС, 857) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида 'жиддий хавф-хатарсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТИНИМ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) ўзбекча *тиним* отига (ЎТИЛ, I, 179) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тинмай', 'елиб-югуриб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТОБ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'куч', 'мадор' маъносини англатадиган тожикча *тоб 1* отига (ТжРС, 395) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 66); 'мадорсиз', 'хасталанган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106).

БЕТОҚАТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'сабр-чидам' маъносини англатадиган арабча *тоқат* отига (АРС, 485) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 66); 'сабр-чидамсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 106). Ўзбек тилида бу равиш билан *бетоқатлан-* феъли ясалган.

БЕТОҚАТЛАН- қ. бетоқат

БЕФАЙЗ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) араб тилида асли 'мўл-кўлчилик' маъносини, 'фойда', 'жозибадорлик' каби кўчма маъноларни англатадиган *файз* отига (АРС, 616; ПРС, 374) қўшиб ҳосил қилинган (ПРС, 82); Ўзбек тилида бу сифат 'кўримсиз', 'жозибасиз' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕФАРЗАНД Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бола' маъносини англатадиган тожикча *фарзанд* отига (ТжРС, 406) қўшиб ҳосил қилинган; 'оиласида бола туғилмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107). Бу сифат *дунёдан бефарзанд ўтиб кет-* бирикмаси таркибида ишлатилади.

БЕФАРОСАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тез ва тўғри фаҳмлай олиш' маъносини англатадиган арабча *фаросат* отига (АРС, 589) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 66); 'унча-бунчага фаҳми етавермайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕФАРҚ: Мустақил ишлатилмайдиган бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тафовут қилиш' маъносини англатадиган арабча *фарқ 1* отига (АРС, 593) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 66). Ўзбек тилида асосан 'эътиборсизлик' маъноси билан *бефарқ қара-* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕФАҲМ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'кишининг тушуниш, идрок қилиш қобилияти'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатадиган арабча *фаҳм* отига (АРС, 611) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 66). *Бефаҳм* сифати ўзбек тилида 'тезда англаб, тушунавермайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107). Бу сифатдан ўзбек тилида *бефаҳмлик* оти ясалган.

БЕФОЙДА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'наф', 'манфаат' маъносини англатадиган арабча *фоидат* отига (АРС, 615) *-т* товушини (от ясовчи қўшимчасини) ташлаган ҳолда (ТжРС, 412) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган (ТжРС, 66); ўзбек тилига *фоида* оти таркибидаги *и* товуши *й* товушига алмаштириб олинган, шунга кўра *бефойда* сифати ҳам *й* ҳарфи билан ёзилади. Бу сифат 'наф, манфаат, даромад келтирмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХАБАР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ким ёки нима тўғрисида маълумот', 'дарак' маъносини англатадиган арабча *хабар* отига (АРС, 209) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 67); 'маълумотга эга бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХАВОТИР Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ўй-хаёллар' маъносини англатадиган арабча *хавотир* отига (АРС, 226) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 67); 'ташвишли ўй-хаёллардан холи ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХАРХАША Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'арзимаган нарса учун қилинадиган жанжал' маъносини англатадиган арабча *харҳаша* отига (ССТТН, I, 531) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида бу равиш 'ноўрин гап-сўзсиз', 'тинчлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХАТАР Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'хавф' маъносини англатадиган арабча *хатар* отига (АРС, 227) қўшиб ҳосил тузилган (ТжРС, 67); 'хавф-зарардан холи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107). Бу равиш асосан *Сафарингиз бехатар бўлсин* жумласи таркибида ишлатилади.

БЕХАТО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'янглишиш', 'адашиш' каби маъноларни англатадиган арабча *хато* отига (АРС, 225) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 67); 'хато қилмай', 'янглишмай', 'тўлиқ унуб чиқиб (экилган уруғ)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХИСЛАТ ПРСга, ТжРСга киритилмаган бу равиш асли 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ўзига хос хусусият', 'сифат' маъносини англатадиган арабча *хислат* отига (АРС, 223) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ижобий хусусиятга эга бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107). Бу равиш *Қиммат бехислат бўлмас, арзон – беиллат* ҳикмати таркибида ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕХОСИЯТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ажралиб турадиган ижобий хусусият' маъносини англатадиган арабча *хосият* отига (АРС, 222) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 67), 'ижобий хусусияти йўқ', 'яхшилик қилмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХОСТАН қ. бехостдан

БЕХОСТДАН Бу равиш асли 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчаси билан (ТжРС, 544) 'хоҳиш', 'истак' маъносини англатадиган *хост* отидан (ПРС, 199) тузилиб, 'истамаган ҳолда', 'кутмаган ҳолда' маъносини англатадиган *бехост* сифатига (Қиёс қилинг: *ба хост* – 'истаган ҳолда': ПРС, 199) ўзбекча *-дан* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қатор келиб қолган *стд* товушларидан *д* товуши сўзлашув тилида айтилмай қўйган (ЎТИЛ, I, 107).

БЕХУД: Бу сифат одатда мустақил ишлатилмай, тожик тилида *бехуд шудан,* ўзбек тилда *бехуд бўл-* феъллари таркибида қатнашади. Асли 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ўз' маъносини ифодалайдиган *худ* таъкид бирлигига қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 67); *Бехуд бўл-* феъли 'хушини йўқот-', 'хушсиз ҳолатда бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 107).

БЕЧИЗ қ. бежиз

БЕЧОРА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тадбир', 'илож', 'имкон' маъносини англатадиган тожикча *чора* отига (ТжРС, 445) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 67), 'ниманидир амалга ошириш учун имкон-илож йўқ', 'аҳволи танг', 'мухтожликда кун кечирувчи' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 107). Бу сифат *Борида чора-чора, йўгида – бандайи бечора* ҳикмати таркибида ишлатилади.

БЕШАФҚАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'раҳмдиллик' маъносини англатадиган арабча *шафқат* отига (АРС, 410) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 68); 'раҳмдиллик қилмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 108).

БЕШИКАСТ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'лат еган, синган жой', маъносини англатадиган тожикча *шикаст* отига (ТжРС, 456) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'лат емаган', 'зарарланмаган', 'синмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 108).

БЕҚАРОР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бирор масала бўйича тўхтамга келинган қатъий фикр' маъносини англатадиган арабча *қарор* отига (АРС, 628) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'фикрида қатъий турмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕҚИЁС Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'чоғиштириш' маъносини англатадиган арабча *қиёс* отига (АРС, 670) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'чоғиштириб бўлмайдиган даражада тенги йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҚУВВАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'куч' маъносини англатадиган арабча *қувват* отига (АРС, 668) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'кучсиз', 'дармонсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҒАЛВА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'шовқин-сурон' маъносини англатадиган ўзбекча *ғалва* отига (ЎТИЛ, II, 650) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шовқин-суронсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҒАМ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'руҳий азоб', 'қайғу' маъносини англатадиган арабча *ғам* отига (АРС, 570) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'ташвиш қилмайдиган', 'бепарво' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҒАРАЗ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ёмон ният' маъносини англатадиган арабча *ғараз* отига (АРС, 560) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'ёмон нияти йўқ', 'холис ёндашадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҒУБОР Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'чанг', 'гард' маъносини англатадиган арабча *ғубор* отига (АРС, 555) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'чанг-тўзонсиз', 'мусаффо' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҲАД Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'чегара', 'поён' маъносини англатадиган арабча *ҳад* отига (АРС, 159) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'чексиз', 'ўта даражада' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҲАЙО Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'уялиш', 'уятчанлик' маъносини англатадиган арабча *ҳаё* отига (АРС, 205) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'уятсиз', 'уят-андишани билмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

БЕҲАЛОВАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'мамнуният ҳисси' маъносини англатадиган арабча *ҳаловат* отига (АРС, 192) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69); 'мамнуниятсиз', 'нотинч' маъносини англатади (ТжРС, 69; ЎТИЛ, I, 109).

БЕҲАФСАЛА Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'бирор фаолиятга бўлган майл, истак' маъносини англатадиган арабча *ҳавсала* отига (АРС, 495) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 69) бўлиб, ўзбек тилида *с* товуши олдидаги *в* товуши *ф* товушига алмаштирилган. Бу сифат 'бирор фаолиятни бажаришга истаги йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 109).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕҲИКМАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ишончли асос' маъносини англатадиган арабча *ҳикмат* отига (АРС, 188) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 70); бўлишсиз шаклдаги *бул-* феъли билан, *эмас* шакл ясовчиси билан ишлатилиб, 'ишончли асоссиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БЕҲИСОБ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'саноқ' маъносини англатадиган арабча *ҳисоб* отига (АРС, 172) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 70); 'сон-саноқсиз', 'жуда кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БЕҲОЛ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'кишининг жисмоний, руҳий жиҳатдан ўзини сезиши' маъносини англатадиган арабча *ҳол* отига (АРС, 506; ЎТИЛ, I, 705) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 70); 'чарчаган', 'соғлиғи бироз ёмонлашган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БЕҲУЗУР *Беҳузур бўл-* феъли таркибида ишлатиладиган бу кесимлик 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ором', 'тинчлик' маъносини англатадиган арабча *ҳузур I* отига (АРС, 179) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 70); *Беҳузур бўл-* феъли 'ёмон кайфиятли холатда бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БЕҲУРМАТ Бу сифат 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'эҳтиром' маъносини англатадиган арабча *ҳурмат* отига (АРС, 169) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 70); 'ҳурмат-эҳтиром қилинмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БЕҲУШ Бу равиш 'йўқ' маъносини ифодалайдиган тожикча *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ҳис этиш', 'сезиш' маъносини англатадиган тожикча *ҳуш* отига (ТжРС, 508) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 70); 'ҳис этиш, сезиш хусусиятини йўқотган ҳолатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БИДЪАТКОР Бу сифат 'дин ақидаларига хилоф янгилик' маъносини англатадиган арабча *бидъат* отига (АРС, 60) 'шуғулланувчи' маъносини ифодалайдиган тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 71); 'диний ақидаларни ислоҳ қилиш, динга номақбул янгиликлар киритиш тарафтори' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 110).

БИЙОБОН Бу тожикча от 'чўл', 'сувсиз ер' маъносини англатади (ТжРС, 71; ПРС, 76; ЎТИЛ, I, 111). Бу от билан ўзбек тилида *чўл-биёбон* жуфт оти тузилган. Будагов луғатида "п., тур." таъкиди билан *ябанъ* келтирилиб, 'чўл' маъносини англатиши айтилган (ССТТН, II, 319). Демак, *биёбон* асли тожикча *би* ва *йобон* кисмларидан тузилган бўлиб, *би* қисми худди', 'яқин' маъносини ифодалайдиган олд кўмакчига тенг (Қиёс қилинг: *биайниҳӣ* – "точь-в-точь, точно так же" – ТжРС, 70); шунга кўра асли 'чўлнинг ўзи', 'чўлдан фарқ қилмайдиган ер' маъносини англатади (ТжРС, 71; ЎТИЛ, I, 111).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЛИМДОН Бу сифат ўзбек тилида 'маълумотлар мажмуаси' маъносини англатадиган ўзбекча *билим* отига (ЎТИЛ, I, 113) 'бил-' маъносини англатадиган тожикча *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 135) қўшиб ҳосил қилинган; 'бой билимга эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 113). Бу сифатдан *билимдонлик* оти ҳосил қилинган.

БИЛЛУР Бу форсча от ПРСда [*болур*] шаклида келтирилиб, "хрусталь, стекло" деб изоҳланган (72); Будагов луғатида бу от асли арабча дейилиб, *билуру* шаклида ёзилган (ССТТН, I, 269); ЎКААҚЛга *биллур* шаклида киритилиб, 'оқ шаффоф (ялтироқ) тош (хрусталь)' маъносини англатиши айтилган (118). Кўринадики, бу от ўзбек тилига *биллуру* оти охиридаги *у* қисмини ташлаб олинган.

БИНАФША Бу от ПРСда [*бänафше*] шаклида (7), ТжРСда *бунафша* шаклида (85) келтирилиб, "фиалка" деб изоҳланган; Будагов луғатида *банафша* шаклида келтирилиб, форсча дейилган, "фиалка" маъносини англатиши айтилган (I, 270). Кўринадики, форсча *бänафша* оти ўзбек тилига *ä* товушини *и* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, I, 115). *Бинафша* асли сифат бўлиб, кейинчалик шу рангдаги чечакни англата бошлаган. Бу от ўзбек сўзлашув тилида *гунафша* шаклида ҳам айтилади.

БИНОБАРИН 'Шунга кўра' маъносини ифодалайдиган бу тожикча боғловчи асли *бинобар ин* (ТжРС, 72), *бино барин* қисмларидан ("Форс тили", 369) иборат деб кўрсатилган. *Бино* қисми 'кўр-', 'қара-' маъносини англатадиган тожикча *дидан* феълининг (ТжРС, 128) *бин* ҳозирги замон асосига *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўриш' маъносини англатади (ТжРС, 543, 72). ТжРСда *бино II* деб келтирилган бу от *бино I* отидан фарқланмай арабча деб белгиланган. *Бинобарин* ТжРСда *бинобар ин* тарзида ёзилган (72); ваҳоланки шу луғатнинг ўзида *барин* олд кўмакчиси келтирилиб, қўшиб ёзилган (47). Бу олд кўмакчи асли 'йўналиш' маъносини ифодалайдиган *бар* олд кўмакчиси билан (ТжРС, 45) *ин* кўрсатиш олмошидан (ТжРС, 163) тузилган. Кўринадики, бу боғловчининг *бинобар ин* ва *бино барин* тарзида ажратиб ёзилганидан кўра ўзбек тилида *бинобарин* тарзида қўшиб ёзилгани тўғри.

БИНОЙИ Бу равишнинг *бино* қисми 'кўр-', 'қара-' маъносини англатадиган тожикча *дидан* феълининг *бин* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 128) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган *бино II* оти бўлиб, 'кўриш' маъносини англатади (ТжРС, 72, 543); шу отга *-й(-йи)* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб *бинойи* равиши ҳосил қилинган. Бу равиш ўзбек тилида асосан *-дай* қўшимчасини қўшган ҳолда *бинойидай* шаклида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 116).

БИНОЙИДАЙ *қ.* бинойи

БИНОКОР Бу от 'куриш', 'иморат' маъносини англатадиган арабча *бино* отига (АРС, 88) асли 'эк-' маъносини англатадиган тожикча *коштан* феълининг *кор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 195) қўшиб ҳосил қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 72); 'курувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 116). Бу отдан ўзбек тилида *бинокорлик* оти ҳосил қилинган.

БИРВАРАКАЙ(ИГА) Бу равиш ўзбек тилида *бир* санок сони билан 'марта' маъносини англатадиган тожикча *бор* отидан (ТжРС, 131) тузилган *бир бор* бирикмасига ўзбекча *-акай(ига)* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир йўла, 'биратўласи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 117).

БИРОДАР Бу от ПРСда [*берадăр*] шаклида (63), ТжРСда *бародар* шаклида (48) келтирилган; кўринадики, бу от ўзбек тилига форс тилидан *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган дейиш тўғрирок. Бу от асли 'туғишган ака-ука (брат)' маъносини англатиб, кейинчалик барча эркак кишига мурожаатда ҳам ишлатила бошлаган. Ўзбек тилига бу отдан *бародарлаш-* феъли, *бародарлик* оти ясалган.

БИРОДАРЛАШ- қ. биродар

БИРОДАРЛИК қ. биродар

БИСЙОР Ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу равиш 'ортик даражада', 'жуда' маъносини англатади (ТжРС, 72; ЎТИЛ, I, 121). Бу равиш Будагов луғатида *бисийор* шаклида ёзилган (ССТТН, I, 258). ПРСда 'кўп' маъносини ифодалайдиган *бăса, бăси* равишлари келтирилган (68, 69). Шу луғатда *бисйор* равиши *бесйор* шаклида ёзилган. Ушбу маълумотларга асосланиб бу равиш асли *бис* ва *йор* қисмларидан тузилган дейиш мумкин. Бу равиш таркибидаги 'кўп' маъносини англатадиган *бис* кисмига *йор* қисми 'бирга', 'мавжуд' маъносини англатиб қўшилган.

БИҲИШТ 'Жаннат' маъносини англатадиган бу от ПРСда [*беһешт*] шаклида (75), ТжРСда *биҳишт* шаклида ёзилган (73); ўзбек тилига тожикча шакли олинган (ЎТИЛ, I, 124).

БОБОКАЛОН Бу от тожик тилида 'ота-онанинг отаси' маъносини англатадиган ўзбекча *бобо* отига (ЎТЭЛ, 55) 'катта' маъносини англатадиган тожикча *калон* сифатини (ТжРС, 176) қўшиб тузилган бўлиб, 'катта бобо', 'бобонинг отаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 125).

БОВАР: Мустақил ишлатилмайдиган бу тожикча от *бовар қил-* феъли таркибида 'ишониш' маъносини англатиб қатнашади (ЎКААҚЛ, 50); бу феъл бўлишсиз шаклда ишлатилади: *Ақл бовар қилмайди* каби (ЎТИЛ, I, 125).

БОД Бу от ЎТИЛда *бод II* [*ф-т*] деб келтирилиб, 'бўғин ва мушакларнинг яллиғланиш касаллиги, ревматизм' маъносини англатиши айтилган (125); ТжРСда *бод II* отининг бош маъноси 'шамол' дейилиб, тўртинчи маъно сифатида "опухоль, злокачественная опухоль" деб изоҳланган (74), лекин ЎТИЛда берилган маъно келтирилмаган. Ревматизм касаллиги об-ҳавонинг ўзгариши, намгарчилик билан боғлик; шунга кўра ўзбек тилида *бод II* оти ревматизм касаллигини англатиш учун ишлатилганлиги табиий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОДОМ 'Шакли чўзинчоқ, мағзи сермой мева' маъносини англатадиган бу тожикча от (ТжРС, 74; ЎТИЛ, I, 125) асли 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *бо-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'тузоқ', 'қопқон' маъносини англатадиган *дом* отига (ТжРС, 134; ЎТИЛ, I, 233) қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак (Бу меванинг ўзи ҳам, мағзи ҳам қобиқ ичида жойдашган бўлади). Шаклий ўхшашлик (чўзинчоқ ҳолда дўмпайиб туриш) асосида аёл кишининг қовоғи ўзбек тилида *бодомқовоқ* деб ҳам тасвирий аталади.

БОДОМЗОР 'Бодом дарахти кўп экиладиган ер' маъносини англатадиган бу от (ЎТИЛ, I, 125) тожикча *бодом* отига (қ.) 'кўп ўсадиган ер' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган.

БОДОМҚОВОҚ *қ.* бодом

БОДРИНГ Бу от ТжРСда *бодринг* шаклида келтирилиб (75), *бодиринг* шаклига ҳавола қилинган, "огурец" деб изоҳланган (74). Будагов луғатида *бодринг* шаклида келтирилиб, 'қовунга ўхшаш сариқ рангли мева' ва "огурец" деб изоҳланган (ССТТН, I, 220). ПРСда [*бадрäнг*] шаклида келтирилган от 'цитрус ўсимликларидан бири' деб таъкидланган (53). Кўринадики, *бодринг* шакли *бодиринг* шаклининг иккинчи бўғинидаги *и* товушини айтмаслик натижасида юзага келган. Асли *бодиранг* товуш таркибига эга бўлган бу от *боди* ва 'бўёқ' маъносини англатадиган *ранг* қисмларидан ташкил топган, иккинчи бўғиндаги *и* товуши таъсирида учинчи бўғиндаги *а* товуши *и* товушига алмашган: *бодиранг → бодиринг; боди* қисми асли 'янги', 'ажайиб' маъносини англатадиган арабча *бадеъ* сифати бўлиб (АРС, 40), бу сифатнинг таркибидаги *а* товуши *о(â)* товушига, касрали айн товуши *и* товушига алмаштирилган (ЎТИЛ, I, 62), кейинчалик бу *и* товуши айтилмай қўйган: *бадеъранг → бодиринг → бодринг.*

БОЖХОНА Бу от 'бошқа давлатдан (ташқаридан) келтирилган мол юзасидан олинадиган маблағ' маъносини англатадиган арабча *бож* отига (АРС, 78) 'уй' маъносини англатадиган тожикча *хонá* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 84), 'бож олинадиган жой, идора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 126). Бу отдан ўзбек тилида *божхоначи* оти ҳосил қилинган.

БОЖХОНАЧИ *қ.* божхона

БОЗОР 'Савдо-сотиқ қилинадиган махсус жой' маъносини англатадиган бу тожикча от (ТжРС, 75) 'ёйиқ', 'очиқ' маъносини англатадиган тожикча *боз* сифатидан (ТжРС, 75) *-ор* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган (Илгари сотиладиган мол ерга ёйиб қўйилар эди). Бу отдан ўзбек тилида *бозорчи* оти ҳосил қилинган, *бозор-ўчар* жуфт оти тузилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЗОРБОП Бу тожикча сифат 'савдо-сотиқ қилинадиган махсус жой' маъносини англатадиган *бозор* оти билан (ТжРС, 75) 'мос', 'муносиб' маъносини англатадиган *боб II* сифатидан (ТжРС, 73) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *боб* сифати охиридаги *б* товуши *п* товушига алмаштирилган.

БОЗОРГИР Бу тожикча сифат 'савдо-сотиқ қиланадиган махсус жой' маъносини англатадиган *бозор* оти билан (ТжРС, 75) 'харид қил-' каби маънони англатадиган *гирифтан* феълининг (ТжРС, 103) *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тез сотилиб кетадиган' маъносини англатади (ТжРС, 76; ЎТИЛ, I, 126).

БОЙОН Бу от асли 'маблағи, мулки ва ҳоказолари меъёрдан ортиқ' маъносини англатадиган ўзбекча *бой* отига (ЎТЭЛ, 56) тожикча *-он* кўплик қўшимчасини (ТжРС, 536) қўшиб ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 125. Бу луғатда *бой* оти форс-тожикча дейилгани хато). *Бойон* оти таркибидаги *-он* қўшимчаси 'кўплик'ни эмас, 'бирликка ҳурмат'ни ифодалаш учун ишлатилгани сабабли 'кўплик' маъноси *-лар* қўшимчасини қўшиб *боёнлар* тарзида ифодаланади.

БОЙВАЧЧА Бу от асли 'маблағи, мулки ва ҳоказолари меъёрдан ортиқ' маъносини англатадиган ўзбекча *бой* отига (ЎТЭЛ, 56) 'бола' маъносини англатадиган тожикча *бача* отини (ТжРС, 52) қўшиб тузилган (ТжРС, 76). Ўзбек тилида *бача* оти таркибидаги *б* товуши *в* товушига алмаштирилган, *ч* товуши қатланган: *бача → бачча → вачча. Бойвачча* оти 'бойнинг ўғли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 126).

БОЙВУЧЧА Бу от ўзбек тилида *бойвачча* отининг (қ.) иккинчи бўғинидаги *а* товушини *у* товушига алмаштириб ҳосил қилинган бўлиб, 'бойнинг хотини', 'бойнинг қизи' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 127).

БОК: 'Қўрқинч' маъносини англатадиган бу от (ПРС, 57; ТжРС, 77) ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, *Ҳеч бокиси йўқ* жумласи таркибида қатнашади; бу жумла 'ҳеч кўркинчли эмас' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 127).

БОЛАЖОН Бу сифат ўзбек тилида *бола* отига тожикча *жон* отини (к.) қўшиб тузилган; 'болани жонидан ортиқ севадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 128).

БОЛИШ Бу от ПРСда [*балеш*] шаклида келтирилиб, 'ёстиқ' маъносини англатиши (57); кейинги саҳифада [*балешт*] шаклида келтирилиб, 'ёстиқ' маъносини англатиши (58) айтилган; [*балешт пошти*] мисоли келтирилиб, маъноси "валик (тахты)" деб изоҳланган. ТжРСда *болишт* шакли келтирилиб, *болин* шаклига ҳавола қилинган; у ерда *болин* оти 'бошучи', 'ёстиқ' маъноларини англатиши айтилган (77). Юқоридаги маълумотларни қиёслашдан маълум бўладики, бу от *боли-* асосига *-н, -шт, -ш* қўшиб ҳосил қилинган. ТжРСнинг 543- саҳифасида *-иш* қўшимчаси келтирилиб, феълнинг ҳозирги замон асосидан отдош шаклини ҳосил қилиши таъкидланган. Шу қўшимчага берилган изоҳга суяниб *болиш* оти асли 'ўс-',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'кўтарил-' маъносини англатадиган тожикча *болидан* феълининг (ТжРС, 77) *бол* ҳозирги замон асосига *-иш* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейиш мумкин. *Болиш* оти асли ҳар қандай ёстиқ эмас, 'ғўлага ўхшаш думалоқ ёстик'ни англатади (КРС, 105: *балиш* – "подушка в виде валика").

БОЛОХОНА Бу тожикча от 'тепадаги' маъносини англатадиган *боло* сифати билан (ТжРС, 77) 'уй', 'бўлма' маъносини англатадиган *хона* отидан (ТжРС, 126) тузилган бўлиб, асли 'бир қаватли бинонинг устига қурилиб, ўтин-чўп, ортиқча нарсалар сақланадиган иккинчи қават' маъносини англатади (ТжРС, 77; ЎТИЛ, I, 129). Ўзбек сўзлашув тилида бу от иккинчи бўғинидаги *о* товушини ташлаб *болхона* тарзида ҳам айтилади. Ўзбек тилида бу отдан *болхонали* сифати ҳосил қилинган.

БОЛОХОНАДОР Бу сифат тожикча *болохона* отига (қ.) асли 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, одатда 'дабдабали' кўчма маъноси билан ишлатилади: *болохонадор гаплар* каби.

БОЛОХОНАЛИ (БОЛХОНАЛИ) қ. болохона

БОЛХОНА қ. болохона

БОМАСЛАҲАТ қ. бамаслаҳат

БОМДОД Бу тожикча от 'эрта тонг', 'саҳар' маъносини англатиб, *бомдод намози* бирикмаси таркибида ишлатилади; шу маъно *бомдод* отининг ўзи билан ҳам билдирилади (ТжРС, 79; ЎТИЛ, I, 130). *Бомдод* оти асли 'тепа' маъносини англатадиган *бом* оти билан (ТжРС, 78) 'чақирик' маъносини англатадиган *дод* отидан тузилган.

БОНУ Бу тожикча от асли 'аслзода аёл', 'хонадон бекаси' маъноларини англатиб, аёлларнинг исмига қўшиб ишлатилади: *Нодирабону* каби (ЎТИЛ, I, 79). 'Бунёд қил-', 'асос бўл-' маъноларини англатадиган тожикча *бону* ва *бон* $\bar{u}$ отларининг асоси *бон* қисми бўлиб, 'қаровчи', 'парвариш қилувчи' маъносини ифодалайдиган *-бон* қўшимчаси (ТжРС, 452) шу асосдан ўсиб чиққан; *-*$\bar{u}$ қисми қўшимча экани аниқ (ТжРС, 542); *у* қисми шу қўшимчанинг товуш ўзгаришига учраган кўриниши дейиш мумкин.

БОНГ: Бу тожикча от 'бақирик', 'баланд овоз' маъносини англатиб (ТжРС, 79), ўзбек тилида *бонг ур-* бирикмаси таркибида ишлатилади; бу бирикма 'баланд товуш билан маълум қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 130).

БОП Бу сифат асли 'мос', 'муносиб' маъносини англатадиган тожикча *боб II* сифати (ТжРС, 73) охиридаги *б* товушини *п* товушига алмаштириш билан пайдо бўлган (ЎТИЛ, I, 130). Ўзбек тилига бу сифатдан *бопла-* феъли ҳосил қилинган; бу феълнинг *боплаб* равишдош шакли маъно тараққиёти йўли билан равишга айланган.

БОПЛА- қ. боп

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОР ТжРСда *бор I, боре* шаклларида келтирилган бу нумератив (79) ўзбек тилига 'карра', 'марта' маъноси билан қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 130: *бор II*).

БОР-БУД Бу тожикча от 'юк' маъносини англатадиган *бор II* оти (ТжРС, 79) билан асли 'мавжуд бўл-' маъносини англатадиган *будан* феълининг 'мавжуд нарсалар' маъносини англатадиган *буд* ўтган замон асосидан (ТжРС, 84) тузилган жуфт от бўлиб, тожик тилида *бору буд* шаклида орага *ва* боғловчисининг *у* шаклини қўшиб ишлатилади (ТжРС, 79). Бу жуфт от 'бисотдаги барча нарсалар' маъносини англатиб (ЎТИЛ, I, 131), *бор-будидан айрил-* бирикмаси таркибида ишлатилади.

БОРДОН Бу тожикча от 'юк' маъносини англатадиган *бор II* отига (ТжРС, 79) 'идиш' маъносини ифодалайдиган *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'юк солинадиган идиш' маъносини англатган; бундай идиш (сават) қамишдан тўқилган; шунга кўра кейинчалик 'қуруқ меволарни солиш учун ишлатиладиган тўқима сават' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 80); ўзбек тили луғатида таъкидланган 'қобиғи олинмаган қамишдан тўқилган қалин дағал тўшама' маъноси (ЎТИЛ, I, 131) кейин юзага келган.

БОСМАХОНА Бу от 'чоп этилган' маъносини англатувчи ўзбекча *босма* сифатига 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'нашр қилиш корхонаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 133).

БОТИР Бу сифат мўғилча бўлиб, *баҳодур* шаклига эга; тожик тилига шу шаклида олинган бўлиб, 'паҳлавон', 'жасур' маъноларини англатади (ТжРС, 53). Бу сифат тожик тилидан ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олиган: *баҳодур → баҳодир* (ЎТИЛ, I, 90); кейинчалик юз берган мураккаб товуш ўзгаришлари натижасида *ботир* шакли юзага келган (ССТТН, I, 218). Ўзбек тилида *ботир* сифати 'жасур', 'довюрак' маъносини англатади. Бу сифат билан ўзбек тилида *ботирлан-* феъли, *ботирларча* равиши ҳосил қилинган.

БОУМИД Бу равиш асли тожикча *ба умеди* шаклига эга бўлган, 'нимадандир умидвор бўл-' маъносини англатади (ТжРС, 402). Тожикча кўп маъноли *ба* олд кўмакчиси (ТжРС, 73) бу ерда 'билан' маъносида қатнашган; *умед* оти 'бирор нарсанинг амалга ошишини исташ' маъносини англатади (ТжРС, 402). Ўзбек тилида *умед* отининг иккинчи бўғинидаги *э(е)* товуши *и* товушига алмаштирилган; *умид* оти бошланишидаги *у* товуши таъсирида унга қўшиб ёзилган (айтилган) *ба* олд кўмакчиси таркибидаги *а* товуши *о(â)* товушига алмашган.

БОХАБАР Бу сифат 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган тожикча *бо-* олд қўшимчасини (ТжРС, 73) 'ким ёки нима ҳақда маълумот, дарак' маъносини англатадиган арабча *хабар* отига (АРС, 209) қўшиб ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган бўлиб, 'хабардор', 'хабари бор' маъносини англатади (ТжРС, 82; ЎТИЛ, I, 136).

БОҚИБЕҒАМ Бу сифат *боқи, беғам* қисмларидан ташкил топган. *Боқи* қисми 'доимий', 'абадий' маъносини англатадиган арабча *боқин* сифати бўлиб, (АРС, 80), тожик тилида *н* товуши ташланиб, *и* товуши *ӣ* товушига алмаштирилган (ТжРС, 83); ўзбек тилида тузилган *боқибеғам* сифати таркибида *ӣ* товушининг чўзиқлиги йўқолган (*Беғам* сифати ўз ўрнида изоҳланди). *Боқибеғам* сифати 'ўта даражада бепарво' маъносини англатади(ЎТИЛ, I, 136).

БОҚИМОНДА Бу от тожик тилида 'қолдиқ' маъносини англатадиган асли арабча *боқӣ* отига (ТжРС, 83) 'қолдир-' маъносини англатадиган тожикча *мондан* феълининг *монда* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС, 233) қўшиб тузилган бўлиб, 'қарзнинг, солиқнинг ундирилмаган қолдиғи' маъносини англатади (ПРС, 67; ЎТИЛ, I, 141). *Боқӣ* оти таркибидаги *ӣ* товушига хос чўзиқлик ўзбекча *боқимонда* оти таркибида йўқолган.

БОҒБОН Бу тожикча от 'ток, мевали дарахт кўп саҳн' маъносини англатадиган *боғ* отига (ТжРС, 83) 'кўриқловчи', 'парвариш қилувчи' маъносини ифодалайдиган *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'боғни парвариш қиладиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 142).

БОҒДОР Бу тожикча сифат *боғ* отига (ТжРС, 83) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида 'боғлар кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 142). Бу сифатдан ўзбек тилида *боғдорчилик* оти ҳосил қилинган бўлиб, 'мевали дарахт ниҳолларини етиштириш билан шуғулланадиган соҳа' маъносини англатади.

БОҒДОРЧИЛИК *қ.* боғ

БОҒИСТОН Бу тожикча от *боғ* отига (ТжРС, 83) 'кўп бўладиган' маъносини ифодаловчи *-(и)стон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'боғлар ўлкаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 143).

БОҒ-У БЎСТОН 'Ток, мевали дарахтлар кўп саҳн' маъносини англатадиган *боғ* оти билан (ТжРС, 83) 'гулзор' маъносини англатадиган *бўстон* отидан (ТжРС, 87) тузилган бу жуфт от 'боғлар, гулзорлар диёри' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 142).

БОҒЧА Бу от ўзбек тилида *боғ* отига (ТжРС, 83) 'кичик' маъносини ифодалайдиган ўзбекча *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'кичик боғ' маъносини англатади, кейин асосан 'мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия оладиган муассаса' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 143).

БУД-У ШУД: Бу тожикча от 'мавжуд бўл-' маъносини англатадиган *будан* феълининг 'мавжуд нарсалар' маъносини англатадиган *буд* ўтган

www.ziyouz.com kutubxonasi

замон асоси билан (ТжРС, 84) 'пайдо бўл-' маъносини англатади *шудан* феълининг 'пайдо бўлиши аниқ нарсалар' маъносини англатадиган *шуд* ўтган замон асосини (ТжРС, 462) *-у* боғловчиси орқали қўшиб тузилган жуфт от бўлиб, 'кишининг нақд ва нася мол-мулки, бисоти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 145); одатда *буд-у шудидан айрил-* бирикмаси таркибида ишлатилади.

БУЗИ Бу от 'эчки' маъносини англатадиган тожикча *буз* отига (ТжРС, 64) *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эчки терисидан тайёрланган чарм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 145). Бу отнинг тожикча экани ЎТИЛда таъкидланмаган.

БУЗРУК 'Энг катта' маъносини англатадиган бу тожикча сифат асли *бузург* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 84), ўзбек тилида *ур* товушлари ўрин алмаштирилган, кейин *г* товуши *к* товушига алмаштирилган: *бузург → бузруг → бузрук*; 'улуғ' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 84).

БУЗРУКВОР Бу тожикча сифат 'энг катта' маъносини англатадиган *бузург* сифатига (ТжРС, 84) 'мансуб' маъносини ифодалайдиган *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 84). Ўзбек тилида *ур* товушлари ўрин алмаштирилган, кейин *г* товуши *к* товушига алмаштирилган: *бузургвор → бузругвор → бузруквор*. Бу сифат 'ҳурмат-иззатга лойиқ' маъносини англатиб, *падари бузрукворимиз* изофа бирикмаси таркибида ишлатилади.

БУЙРУҚБОЗ Бу от ўзбек тилида 'фармойиш' маъносини англатадиган ўзбекча *буйруқ* отига 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) 'яхши кўрадиган' маъносини англатадиган *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 85) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фақат буйруқ бериш билан шуғулланадиган одам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 147).

БУЙРУҚОМИЗ Бу от ўзбек тилида 'фармойиш' маъносини англатадиган ўзбекча *буйруқ* отига 'қўш-', 'аралаштир-' маъносини англатадиган тожикча *омехтан-* феълининг 'кўшиб' маъносини англатадиган *омез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 286) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'буйруққа ўхшаб кетадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 147). Бу тожикча сифатнинг тўртинчи бўғинидаги *э(е)* товуши ўзбек тилида *и* товушига алмаштирилган.

БУЛБУЛ Бу тожикча от 'чумчуқсимон сайроқи қуш' маъносини англатади (ТжРС, 85; ЎТИЛ, I, 148). *Булбули гўё* изофа бирикмаси таркибида қатнашиб, 'сайроқи булбул' маъносини, кесатиқ билан 'тинмай жовраЙдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 201). Товуш тузилишини (*булбул*) ҳисобга олиб бу от *бул-бул* товушга тақлид такроридан ўсиб чиққан дейиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУНЙОД: Бу тожикча от мустақил ишлатилмай, *бунйод бўл-, бунйод қил-, бунйодга келтир-* феъллари таркибида қатнашади; бу феъллар 'юзага кел-, юзага келтир-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 149). ПРСда (73), ТжРСда (85) *бунйод* оти 'асос' маъносини англатиши айтилган. Ушбу луғатларда *Бунйон* оти ҳам келтирилиб, 'ўзак', 'асос' маъносини англатиши айтилган (ўша саҳифаларда). ПРСда *бонйе* оти ҳам келтирилиб, 'вужуд' маъносини англатиши айтилган (74). *Бунйод, бунйон, бунйе* отларини қиёслаш кўрсатадики, *бунйод* (шунингдек *бунйон*) оти охиридаги *-д(-н)* қисми қўшимчага тенг, лекин шундай эканини асослаш қийин.

БУНЙОДКОР Бу тожикча сифат *бунйод* отига (қ.) 'амалга оширувчи' маъносини ифодалайдиган *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган, 'яратувчи' маъносини англатади (ТжРС, 85; ЎТИЛ, I, 49).

БУРД Бу тожикча от *бардоштан* феълининг 'чида-' маъноси асосида (ТжРС, 47) ҳосил қилинган бўлиб, 'чидам', 'тоқат' маъносини англатади. Бундай маънони англатадиган от ПРСга ҳам, ТжРСга ҳам мустақил киритилмаган, фақат *бурдбор* сифатини ясаш асоси тарзида ажратиш мумкин; бу сифат 'чидамли', 'тоқатли' маъносини англатади (ПРС, 65; ТжРС, 85). Ўзбек тилида *бурд* оти 'ишончлилик', 'гапида туриш' маъносини англатиш учун *бурди йўқ* жумласи таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 150). Бу от *бебурд, бурдли, бурдсиз* сифатлари таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 93, 150).

БУРДА 'Синдириб ол-' маъносини англатадиган форсча [*бор(р)идан*] (ПРС, 67), тожикча *буридан* феълининг (ТжРС,85) *бурид* ўтган замон асосидан *-а* қўшимчаси билан ҳосил қилинган равишдош шакли бўлиб (ТжРС, 560), 'бирор нарсадан кесиб, синдириб олинган парча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 150): *бурда нон* каби. Ўзбек тилида *бурда* отининг *бурда-бурда* такрорига *қил-* феълини қўшиб *бурда-бурда қил-* феъли ҳосил қилинган; *бурда* оти бошидаги *б* товушини *с* товушига алмаштириб *бурда-сурда* такрори ҳам тузилган бўлиб, 'катта-кичик бўлаклар' маъносини англатади; *бурда* отидан *бурдала-* феъли ҳам ясалган.

БУРДА-БУРДА ҚИЛ- *қ.* бурда

БУРДАЛА- *қ.* бурда

БУРДА-СУРДА *қ.* бурда

БУРОМАД бу тожикча от асли 'кес-', 'ажрат-' маъносини англатадиган *буридан* феълининг *бур* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 85) 'кел' маъносини англатадиган *омадан* феълининг *омад* ўтган замон асосига (ТжРС, 286) қўшиб хосил қилинган бўлиб, 'чиқим', 'сарф-харажат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 152). ПРСда ва ТжРСда бу от келтирилмаган. Бу от ўзбек тилида *Даромадга яраша буромад* ҳикмати таркибида ишлатилади.

БУРРО 'Чечанлик билан аниқ-аниқ' маъносини англатадиган (ЎТИЛ, I, 152) бу тожикча равиш 'кес-' маъносини англатадиган *буридан* феълининг *бурр* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 85) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 86), *Тили бурро* жумласи, *бурро-бурро гапир-* бирикмаси таркибида ишлатилади.

БУРУНАКИ бу сифат 'ҳид билиш аъзоси' маъносини англатадиган ўзбекча *бурун* отига тожикча *-аки* қўшимчасини қўшиб (ТжРС, 543) ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'бурун билан ҳидланадиган томаки, нос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 152).

БУРУНДОР Бу сифат 'ҳид билиш аъзоси' маъносини англатадиган ўзбекча бурун отига 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бурни меъёрдан кўра катта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 153).

БУТ Бу тожикча от 'диндорлар чўқинадиган крест шаклидаги буюм' маъносини англатади (ТжРС, 86; ЎТИЛ, I, 154). Бу отга 'сажда қил-' маъносини англатадиган тожикча *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини қўшиб (Тж РС, 298) *бутпараст* сифати ҳосил қилинган бўлиб, 'бутга чўқинувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 154).

БУТА Бу форсча от ЎКААҚЛда 'туп' маъносини (138), ПРСда [*буте*] шаклида келтирилиб, 'шох-шабба' маъносини (74), ТжРСда *бутта* шаклида келтирилиб, 'шох-шабба' маъносини (86), ССТТНда *бута* шаклида келтирилиб, бошқа маънолар қатори 'паст бўйли дарахт' маъносини (I, 273), ЎТИЛда эса 'тагидан шохлаб ўсадиган майда дарахт' маъносини (I, 154) англатиши айтилган. Кўринадики, фақат ТжРСда бу от иккита *т* ҳарфи билан ёзилгани истисно бўлиб қолган. Маъно изоҳларидан ЎТИЛда берилган таърифни энг тўғриси деб қабул қилиш керак.

БЎТАЗОР Бу тожикча от *бута* отига (қ.) 'кўп' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бута кўп ўсадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 154).

БУТПАРАСТ *қ.* бут

БУТХОНА Бу тожикча от *бут* отига (қ.) 'бино' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'черков' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 155).

БУҒДОЙЗОР Бу от 'бошоқли ғалла ўсимлиги' маъносини англатадиган ўзбекча *буғдой* отига 'кўп' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС,542) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'буғдой экилган ер' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 156).

БУҒДОЙКОР Бу сифат 'бошоқли ғалла ўсимлиги' маъносини англатадиган ўзбекча *буғдой* отига 'шуғулланувчи' маъносини ифодалайдиган тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'буғдой етиштирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 156).

БУҒДОЙПОЙА Бу от 'бошоқли ғалла ўсимлиги' маъносини англатадиган ўзбекча *буғдой* отига 'ўриб олинган ўсимликнинг қолдиқ қисми'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатадиган тожикча *пойа* отини (ТжРС, 311) қўшиб тузилган бўлиб, 'буғдойи ўриб олинган ер' маъносини англатади. ЎТИЛда бу от *айнан бугдойзор* оти англатган маънони англатади дейилгани мақбул эмас (I, 156).

БЎЙ ПРСга [*бу*] ва [*буй*] шаклларида (74), ТжРСга *бӯ* шаклидан *бӯй* шаклига ҳавола билан (87) киритилган бу от 'ҳид' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 156).

БЎЙ-БАСТ Бу жуфт от 'киши қоматининг баландлиги' маъносини англатадиган ўзбекча *бўй* оти билан (ЎТИЛ, I, 156) 'боғла-' маъносини англатадиган тожикча *бастан* феълининг 'гавданинг тузилиши' маъносини англатадиган *баст* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 51) тузилган бўлиб, 'қомат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 156): *бўй-басти келишган* каби.

БЎЙДОР Бу сифат 'киши қоматининг баландлиги' маъносини англатадиган ўзбекча *бўй* отига 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) 'эга' маъносини ифодалайдиган *-дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) ўзбек тилида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бўйи меъёрдан ортиқроқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 159).

БЎЙРА Бу от ТжРСда *бурьё (бурйо)* шаклида келтирилиб, 'қамишдан тўқилган тўшама' маъносини англатиши айтилган (87); ЎТИЛда *бўйра* оти "ф-т" таъкиди билан *бурё (бурйо)* шаклида ҳам келтирилиб, 'тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама' маъносини англатиши айтилган (I, 160). ПРСда бу от [*бурийа*] шаклида келтирилиб, 'тўшама', 'қамиш' маъноларини англатиши таъкидланган (74). Асли 'қамиш' маъноси биринчи, 'қамишдан тўқилган тўшама' маъноси иккинчи (ҳосила) маъно дейиш тўғри. ПРСнинг шу саҳифасида *бури* оти ҳам келтирилиб, "труба, трубка; камыш" маъноларини англатиши айтилган; маънолар бу ерда ҳам тескари сираланган. *Бури* оти асли 'узунасига иккига кес-' маъносини англатадиган *буридан* феълининг (ТжРС, 85) *бур* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, *-и* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилинган. ПРСда келтирилган *бурийа* оти асли *бури* ҳозирги замон асосидан *-о* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган; *и* ва *о* товушлари оралиғига *й* товуши киритилган (Қиёс қилинг: *гири + а → гирйа*: ТжРС, 543); шундан кейин *и* товуши айтилмай қўйган: *бури + о → бурийо → бурйо*. Ўзбек тилига ўзлаштиришда *у* товуши *ў* товушига, *о* товуши *а* товушига алмашган, *рй* товушлари ўрин алмашган: *бурйо → бўрйо → бўйра*. Бу от *Юрган – дарё, ўтирган – бўйра* ҳикмати таркибида қофия талаби билан *бўйро* шаклида ҳам айтилади.

БЎРИКАЛЛА Бу от 'қашқир' маъносини англатадиган ўзбекча *бўри* отига (ЎТИЛ, I, 77) 'бош' маъносини англатадиган тожикча *калла* отини (ТжРС, 176) қўшиб тузилган бўлиб, 'шакли бўри калласига ўхшаш қовун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 164).

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎСА Бу от 'ўп-' маъносини англатадиган тожикча *бӯсидан* феълининг *бӯс* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 87) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўпич' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 165).

БЎСТОН Бу от ТжРСда *бӯстон* шаклида келтирилиб, 'боғ', 'гулзор' маъносини англатиши (87), ПРСда [*бостан*] ва [*бустан*] шаклларида келтирилиб, 'боғ', 'томорқа (огород)' маъноларини англатиши (68), ЎКААҚЛда *бӯстон* (араб ҳарфлари билан *бустӑн*) шаклларида келтирилиб, 'боғ', 'гулзор', 'чаман' маъноларини англатиши (142) айтилган. *Боғу-у бӯстон* (қ.) жуфт отидан аён бўладики, *бӯстон* оти асли 'гулзор' маъносини англатади. Ўзбек тилида бу от билан *Бӯстонлиқ* жой номи ҳосил қилинган.

БЎСТОНЛИҚ *қ.* бӯстон

БЎШТОБ Бу сифат ўзбек тилида 'пишиқ бўлмаган' маъносини англатадиган ўзбекча *бӯш* сифатига (ЎТИЛ, I, 167) 'куч, қувват' маъносини англатадиган тожикча *тоб* отини (ТжРС, 395) қўшиб тузилган бўлиб, 'унчалик пишиқ-пухта бўлмаган', 'бўшанг' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 167).

В

ВАЗМИН Бу сифат асли 'оғирлик' маъносини англатадиган арабча *вазн* отига (АРС,886) *-ин* қўшимчасини (ТжРС,542) қўшиб ҳосил қилинган *вазнин* сифати бўлиб, 'салобатли', 'ўзини тута биладиган', 'сипо' каби кўчма маъноларни англатади (ТжРС,68; ЎТИЛ, I, 170). Ўзбек тилида биринчи *н* товуши *м* товушига алмаштирилган.

ВАЙРОН Бу сифат ПРСда [виран] шаклида (590), ССТТНда вийран шаклида (II, 309), ТжРСда *вайрон* шаклида (89), ЎТИЛда *вайрон* шаклида (I, 171) ёзилган; 'тамомила бузилган', 'харобага айланган' маъносини англатиши айтилган. Кўринадики, асли *виран* сифатининг биринчи бўғинидаги *й* товуши *ай* товушларига, *а* товуши *о(â)* товушига алмаштирилган. Бу сифат билан ўзбек тилида *вайронгарчилик* оти ясалган, *вайрон-талқон* жуфт сифати тузилиб, ундан *вайрон-талқон қил-* феъли ҳосил қилинган.

ВАЙРОНА Бу тожикча от 'тамомила бузилган', 'харобага айланган' маъносини англатадиган *вайрон* сифатига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хароба' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171).

ВАЙРОНГАРЧИЛИК *қ.* вайрон

ВАЙРОН-ТАЛҚОН ҚИЛ- *қ.* вайрон

ВАКОЛАТНОМА Бу от 'кимгадир бошқа кишининг, ташкилотнинг номидан иш юритиш учун берилган ҳуқуқ' маъносини англатадиган арабча *ваколат* отига (АРС, 909) 'ёзма ҳужжат' маъносини англатадиган тожикча

www.ziyouz.com kutubxonasi

нома отини (ТжРС, 271) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ишонч қоғози' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171).

ВАКОЛАТХОНА Бу от арабча *ваколат* отига (АРС, 909) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир давлатнинг ўзга давлатдаги манфаатини кўзлаб, ёқлаб иш юритадиган муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 171).

ВАЛИШ Бу тожикча от асли *болишт* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 77), ўзбек сўзлашув тилида *б* товуши *в* товушига, *о* товуши *а* товушига алмаштирилган, қатор келган *шт* товушларидан *т* товуши айтилмай қўйган; 'ток новдаларини кўтариб турадиган қурилма', 'ишком' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 172).

ВАННАХОНА Бу от ўзбек тилида 'чўмилиш учун белгиланган махсус узун чуқур тоз' маъносини англатадиган русча *ванна* отига 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чўмилиш хонаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 172).

ВАРАҚИ Бу сифат асли 'барг' маъносини англатиб, кейинчалик 'қоғоз' маъносини англата бошлаган арабча *варақ* отидан (АРС, 883) *-и* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, асли 'варақлардан иборат', 'қават-қават' маъносини англатади; шу маъно асосида 'юпқа ёйилган бир неча варак ёғли хамир парчалари ичига қийма солиб тугиб, ёғда пишириладиган сомса' маъноси юзага келган (ЎТИЛ, I, 172). ТжРСда шу маънони *варақин* сифати англатиши айтилган; бу сифат арабча *варақ* отидан тожикча *-ин* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган; *варақи* сифати эса арабча *варақ* отига ўзбекча *-и* қўшимчасини қўшиб ясалган (*қишлоқи, ислиқи* сифатлари каби). ЎТИЛда *варақи* сифатига [ф-т < а] деб берилган изоҳ тўғри эмас.

ВАФОДОР Бу сифат 'аҳдида, ваъдасида қатъий туриш' маъносини англатадиган арабча *вафо* отига (АРС, 903) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'аҳдида қатъий', 'бевафолик қилмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). Бу сифатдан ўзбек тилида *вафодорлик* оти ҳосил қилинган.

ВАЪДАБОЗ Бу сифат 'ниманидир бажаришни ўз зиммасига олиш' маъносини англатадиган арабча *ваъда* отига (АРС, 898) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82) қўшиб тузилган бўлиб, 'амалга ошира олиш-олмаслигини ўйламай ҳар қандай ишни бажариш ҳақида сўз берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 174). Бу сифатдан ўзбек тилида *ваъдабозлик* оти ҳосил қилинган.

ВАЪДАБОЗЛИК *қ.* ваъдабоз

ВАҚТ-БЕВАҚТ ТжРСда *бевақт* равиши 'ўз вақтида эмас' маъносини англатиши айтилиб, *вақт бевақт шуд* жумласи таркибида ишлатилишига мисол келтирилган (56, 91). ЎТИЛда *бевақт* равиши *вақт* отига

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуфтланган ҳолда келтирилиб, 'ҳар қандай пайтда', маъносини англатилиши айтилган (175). ТжРСда бундай маъно *вақту новақт* равиши билан англатиши айтилган (91). Кўринадики, тожик тилида *вақт-бевақт* равиши йўқ, бу равиш ўзбек тилида тузилган.

ВАҚТХУШЛИК Бу от 'Унинг вақти яхши' маъносини англатадиган тожикча *Вақташ хуш* жумласининг (ТжРС, 91; *вақт* маколаси охирида) *вақташ* эга бўлаги охиридаги *-аш III* шахс қўшимчасини ташлаб, 'яхши' маъносини англатадиган *хуш* сифатини (ТжРС, 432) қўшиб тузилган *вақтхуш* сифатига ўзбекча *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хушвактлилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 175).

ВАҲОЛАНКИ Бу равиш асли 'маълум вақтда мавжуд вазият' маъносини англатадиган арабча *ҳол* оти (АРС, 203), 'бу' маъносини ифодалайдиган тожикча *он* кўрсатиш олмоши (ТжРС, 287), тожикча *-ки* боғловчисидан (ТжРС, 186) иборатлиги ТжРСнинг *ҳол* отига бағишланган мақоласида қайд этилган (506); кейинчалик бу уч қисм олдига арабча *ва* боғловчиси (АРС, 868) қўшилиб, бу тўрт қисм ўзбек тилида *ваҳолонки* шаклида бирлаштирилган, фақат учинчи бўғиндаги *о* товуши *а* товушига алмаштирилган (ЎТИЛ, I, 176). Бу равиш 'аслида', 'балки' маъносини англатади.

ВАҲШИЙОНА Бу равиш 'йиртқич', 'ёввойи' маъноларини англатадиган арабча *ваҳший* сифатига (АРС, 878) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 91), 'ваҳшийларча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 176).

ВОБАСТА Бу кесимлик 'бир-бирига боғлан-' маъносини англатадиган тожикча *вобастан* феълининг (ТжРС, 92) ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб, 'бир-бирига боғлиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 179), *Муҳаббат ҳуснга вобаста* ҳикмати таркибида ишлатилади.

ВОДАРИҒ(О) Бу ундов тожик тилида 'эҳ' маъносини ифодалайдиган *во* ундови билан (ТжРС, 92) афсуслаишни ифодалайдиган *дареғ* ундовидан (ТжРС, 117) таркиб топган бўлиб, ўзбек тилида *э(е)* товуши *и* товушига алмаштирилган. ТжРСда бу ундов *войдареғ* шаклида келтирилган. Ана шу шаклини асосий деб ҳисобласак, ўзбек тилида *вой дариғ* қисмларини қўшиб ёзиш оқибатида *й* товуши талаффуз қилинмай қўйган бўлади. Бу ундов афсусланиш туйғусини ифодалайди.

Г

ГАДО ССТТНда "форсча" таъкиди билан олдин *гад* оти келтирилиб, 'фақирлик', 'ўта даражада камбағаллик' маъносини англатиши айтилган, кейин *гадо, гадой* отлари келтирилиб, 'тиламчи', 'ўта камбағал одам' маъносини англатиши айтилган (II, 117). Шу маълумотларга кўра *гадо* асли *гад* отидан *-о* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган бўлиб чиқади. Бу от ПРСда [*гӑда, геда*] шаклларида (417), ТжРСда *гадо* шаклида (95),

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎКААҚЛда ҳам *гадо* шаклида (154) келтирилган. Кўринадики, бу отнинг *гадой* шакли кейинчалик ўзбек тилида пайдо бўлган: *о* товушига тугайдиган айрим ўзлашма отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда *й* товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *парво + инг → парво + й + инг* каби (Жорий имло қоидалари 35- параграфидаги 3- бандининг "б" қисмига қаранг). Бу қоидага биноан *гадо* отига ҳам эгалик қўшимчаси *гадойинг* тарзида қўшилади. *Гадой* оти охиридаги *й* товуши ана шу орттирма товуш бўлиб, эгалик қўшимчаси қўшилмайдиган ҳолатда ҳам сақланиб қолган. Шуниси қизиқки, ЎТИЛда *гадо* отидан *гадой* отига ҳавола берилган; демак, ўзбек тилида асосий деб *гадой* шакли тушунилган.

ГАДОЙ *қ.* гадо

ГАЖАК Бу от асли 'эгилган', 'эгри' маъносини англатадиган тожикча *каж (кач)* сифатига (ТжРС, 185) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 185), 'икки чеккага хусн учун ярим ҳалқа шаклида тушириб қўйиладиган соч' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 162). Ўзбек тилида бу от бошланишидаги *к* товуши *г* товушига алмаштирилган: *(каж + ак= кажак) → гажак.*

ГАЗ Бу от метр ўлчови қабул қилингунгача узунлик ўлчовининг номи сифатида ишлатилган бўлиб, асосан '71 сантиметрга тенг ўлчов бирлиги' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 182). ПРСда [гез] шаклида келтирилиб, 'тахминан уч футга тенг узунлик ўлчови' деб изоҳланган (423). ТжРСда *газII* шаклида келтирилиб, 'тахминан бир метрга тенг узунлик ўлчови' деб изоҳланган (95). Кўринадики, бу отнинг маъносига энг аниқ изоҳ ЎТИЛда берилган. Бу от билан ўзбек тилида *ўз гази билан ўлча-* ибораси тузилган; *газла-* феъли ва ундан *газлама* оти, *газмол* қўшма оти ҳосил қилинган.

ГАЗАК I Бу от 'чақ-', 'жароҳатла-' маъносини англатадиган тожикча *газидан* феълининг *газ* ҳозирги замон асосига (ТжРС,95) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу отнинг маъноси ТжРСда (95) ва ЎТИЛда (182) 'яранинг, шикастланган жойнинг яллиғланиши' деб, ССТТНда (II, 127) 'шамоллаш оқибатидаги шиш' деб, ЎКААҚЛда (155) 'яранинг совуқ тегиб қизариши' деб изоҳланган. Кўринадики, бу отнинг маъносини 'жароҳатланган жойда пайдо бўладиган яллиғланиш' деб изоҳлаш тўғри. Бу от билан ўзбек тилида *газакла-* феъли ҳосил қилинган, *газак ол-* бирикмаси тузилган.

ГАЗАК II Бу от асли 'тишла-' маъносини англатадиган тожикча *газидан* феълининг *газ* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 95) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу отнинг маъноси ТжРСда (95) 'закуска' деб, ЎКААҚЛда (68) 'май ичишда кетидан ейиладиган оз миқдор овқат ёки ширинлик, закуска' деб, ЎТИЛда (182) 'ичкилик устидан ейиладиган овқат, закуска' деб изоҳланган. Демак бу отнинг маъносини 'ичган заҳоти ейиладиган бир тишлам овқат' деб таърифлаш тўғри. Бу от

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ўзбек тилида *газак ҳам бўлмайди* ('асло кифоя қилмайди ') ибораси тузилган.

ГАЗАН Бу от асли 'тишла-' маъносини англатадиган *газандан* феълининг (ПРС, 423) *газанд* ўтган замон асосига тенг; отлашиб 'косибнинг чарм қирқадиган махсус пичоғи' маъносини англатади. Бу от ўзбек тилига охиридаги *д* товушини ташлаб қабул қилинган (ЎТИЛ, I, 183).

ГАЗАНДА Бу от асли 'чақ-', 'найза санч-' маъносини англатадиган тожикча *газидан* феълининг *газ* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 95) *-анда* қўшимчаси билан (ТжРС, 561) ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши шаклига тенг; отлашиб 'чақадиган, найза санчадиган ари, чаён, илон каби жониворлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 183).

ГАЗЕТХОН Бу от тожик тилида асли итальянча бўлиб, рус тилидан ўзлашган *газета* отига (ЎТИЛ, 183) 'ўқи' маъносини англатадиган тожикча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 95: *газетахон*); ўзбек тилига *газета* оти охиридаги *а* товушини ташлаб олинган; 'газетани муттасил ўқиб борадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 183).

ГАЗЛА- *қ.* газ

ГАЗЛАМА *қ.* газ

ГАЗЛАМАФУРУШ Бу от ўзбекча *газлама* отига (ЎТИЛ, I, 183) 'савдо қилиш билан шуғулла-' маъносини англатадиган тожикча *фурўхтан* феълининг *фурўш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 415) *ў* товушини *у* товушига алмаштириб *фуруш* шаклида қўшиб ҳосил қилинган; 'газлама савдоси билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 183).

ГАЗМОЛ Бу от тожикча *газ* оти билан (к.) 'мулк', 'маблағ' маъносини англатадиган арабча *мол* отидан (АРС, 774) тузилган бўлиб, 'газлама' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 183).

ГАЗЧЎП Бу от тожикча 'узунлик ўлчови бирлиги' маъносини англатадиган *газ* отига (ТжРС, 95) 'таёқча' маъносини англатадиган *чўб* отини (ТжРС, 96) қўшиб тузилган; 'газлаб ўлчаш таёқчаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 183). Бу маъно тожик тилида *чўбгаз* оти билан англатилади (ТжРС, 448). *Газчўб* оти охиридаги *б* товуши ўзбек тилида *п* товушига алмаштирилган.

ГАНДА Бу от 'саси-' маъносини англатадиган тожикча *гандидан* феълининг *ганд* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида 'мараз', 'ифлос', 'бўлмағур' маъноларини англатади (ТжРС, 96): ўзбек тилида 'ахлат', 'нажас' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 184).

ГАНЖ Бу от 'сиғ-', 'сақлан-' маъносини англатадиган *ганжидан* феълининг (ПРС, 428) *ганж* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, асли 'жамланган нарсалар' маъносини англатади; кейинчалик 'қимматбаҳо

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарсалар жамлаб сақланадиган жой', 'хазина' маъносини англата бошлаган (ПРС, 428; ЎТИЛ, I, 184).

ГАНЖИНА Бу от 'бойлик' маъносини англатадиган тожикча *ганж* отига (қ.) *-ина* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хазина' маъносини англатади (ТжРС, 96; ЎТИЛ, I, 184).

ГАНЧКОР Бу от 'алебастранинг бир тури' маъносини англатадиган *ганч* отига 'иш' маъносини англатадиган *кор* отини (ТжРС, 192) қўшиб тузилган бўлиб, 'ганч сувоқ устаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 185).

ГАП Бу тожикча от (ТжРС, 96) ўзбек тилига жуда сингишиб кетган бўлиб, 'сўзлашиш, фикр англатиш бирлиги' маъносига боғлиқ ҳолда, турли турғун боғланмалар таркибида бир неча маъноларни англатади. Бу маъно асосида 'улфатларнинг вақти-вақти билан дастурхон атрофида суҳбат қуриши' маъноси ҳам ўсиб чиққан. Бу от билан *гапир-, гаплаш-* феъллари ҳосил қилинган, *гапсотар* қўшма сифати, *гап-сўз* жуфт оти тузилган (ЎТИЛ, I, 165, 186).

ГАП-ГАШТАК Бу жуфт от 'улфатларнинг вақти-вақти билан дастурхон атрофида суҳбат қуриши' маъносини англатадиган *гап II* оти билан (ЎТИЛ, I, 185) 'ўйин-кулги, базм' маъносини англатадиган тожикча *гаштак* отидан (ТжРС, 100) тузилган бўлиб, 'зиёфат, ўйин-кулги билан ўтадиган йиғин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 185).

ГАПДОН Бу сифат 'сўзлаш', 'гапириш қобилияти' маъносини англатадиган тожикча *гап* отига (ТжРС, 96) 'топ-' маъносини англатадиган *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 135) қўшиб тожик тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'гапиришга чечан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 185).

ГАПИР- , ГАПЛАШ- қ. гап

ГАПСОТАР қ. гап

ГАР Тожикча *агар* шарт боғловчисининг (ТжРС, 17) бошланишидаги *а* товушини айтмаслик натижасида ҳосил бўлган қисқа шаклли бўлиб (ТжРС, 97), асосан шеъриятда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 186).

ГАРД Бу от асли 'кичрай-' маъносини англатадиган тожикча *гардидан* феълининг (ТжРС, 98, 100) *гард* ҳозирги замон асосига тенг; отлашиб 'чанг', 'кукун', 'зарра' маъносини англатади (ТжРС, 98; ЎТИЛ, I, 166).

ГАРДАН Бу от асли 'ён томонга айлан-' маъносини англатадиган тожикча *гаронидан* феълининг *гардон* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 99). биринчи бўғиндаги *а* товуши таъсирида иккинчи бўғиндаги *о* товуши *а* товушига алмашган дейиш мумкин. ЎКААҚЛда бу от 'бўйин' маъносини англатиши айтилган (69); ЎТИЛда (I, 169) бу отнинг маъноси 'бўйиннинг орқа қисми' деб изоҳлангани ўринли эмас.

ГАРДИШ Бу от 'айлан-' маъносини англатадиган тожикча *гардидан* феълининг *гард* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 98) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида 'айланиш',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'айлана' маъносини англатиши айтилган (ТжРС, 98). Ўзбек тилида бу от юқоридаги маънодан ташқари 'чамбар', 'чамбарак' маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 186).

ГАРМДОРИ Бу от тожик тилида 'иссиқ' маъносини англатадиган *гарм* сифати билан (ТжРС, 99) 'даволанишда истеъмол қилинадиган нарса' маъносини англатадиган тожикча *дору* отидан (ТжРС, 136) тузилган бўлиб (ТжРС, 99), ўзбек тилига охиридаги *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'аччиқ қизил қалампир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 187).

ГАРМСЕЛ Бу от 'иссиқ' маъносини англатадиган тожикча *гарм* сифатига (ТжРС, 99) асли 'кучли сув оқими' маъносини англатадиган арабча *сел (←сайл)* отини (АРС, 367) 'кучли оқим' маъносида ишлатган ҳолда қўшиб тузилган бўлиб, 'ўсимликларга зарарли иссиқ қуруқ шамол' маъносини англатиш учун ишлатилади (ТжРС, 99; ЎТИЛ, I, 187).

ГАРОВ Бу тожикча от асли *гарав* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 96), ўзбек тилида *в* товушидан олдинги *а* товуш *о* товушига алмаштирилган. Бу от 'қарзни қайтиришга, мажбуриятни бажаришга ишончли далил сифатида бериб қўйиладиган нарса' маъносини англатади (ТжРС, 97; ЎТИЛ, I, 189).

ГАРЧАНД Бу тўсиқсизлик боғловчиси тожикча *агар* шарт боғловчисининг *гар* қисқартирилган шаклига (ТжРС, 97) 'қанча' сўроғини ифодалайдиган *чанд* олмошини (ТжРС, 437) қўшиб тузилган; ўзбек тилида 'қанчалик бўлганда ҳам' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 187). ТжРСда (437) бундай боғловчи *ҳар чанде ки* шаклида келтирилган.

ГАРЧИ Бу тўсиқсизлик боғловчиси тожикча *агар* шарт боғловчисининг *гар* қисқартирилган шаклига (ТжРС, 97) 'таъкид' маъносини ифодалайдиган ўзбекча *-чи* юкламасини (ЎТИЛ, II, 365) қўшиб тузилган (ЎТИЛ , I, 167).

ГАШТ Бу кўп маъноли тожикча отнинг 'сайр қилиш' маъноси асосида (ТжРС, 100) ўзбек тилида 'эстетик завқ' маъноси юзага келган: *Ҳар бир касб-ҳунарнинг ўз гашти бор* каби. Бу от билан ўзбек тилида *гаштини сур-* ибораси тузилган.

ГАШТАК Бу от 'ўйин-кулги, базм' маъносини англатиб қатнашаётган *гашт* отига кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'ихчам базм' маъносини англатади; одатда *гап-гаштак* жуфт оти таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 185, 187).

ГАҲИ Бу равиш 'пайт' маъносини англатадиган тожикча *гоҳ* отининг (ТжРС, 104) *гаҳ* шаклига (ТжРС, 100) ноаниқлик маъносини ифодалайдиган йо-йе вақдатни ("Форс тили",115) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'баъзан' маъносини англатади; одатда шеърий асарларда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 187).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГИЖЖА Бу от ТжРСда *кичча* шаклида келтирилиб, "глист" деб изоҳланган (189). Асли 'эгилувчан', 'ҳар тарафга букилувчан' маъносини англатадиган форсча [*кәдж*] сифатидан (ПРС, 397) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 452) ясалган от бўлиб, қўшимча қўшилганидан кейин *ж* товуши қатланган, бошланишидаги *ка* товушлари *ги* товушларига алмаштирилган. Бу от 'одам ёки ҳайвон ичида яшайдиган чуволчангсимон жониворлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 190).

ГИЙОҲ 'Ўт', 'кўкат' маъносини англатадиган бу от ПРСда [*гийаһ*] ва [*гийа*] шаклларида (431); ТжРСда *гийоҳ* шаклида (102), ЎТИЛда эса *гийо(ҳ)* шаклида (190) келтирилган. Кўринадики, бу от охиридаги *ҳ* товуши форс тилидаёқ айтилмай қўйган.

ГИЙОҲВАНД Бу от тожик тилида 'наша', 'кўкнори ' (наркотик моддали ўсимлик) маъносини англатадиган *гийоҳ* отига (ТжРС, 102; ЎТИЛ, I, 190) 'боғлан-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51, 44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'наркотик моддаларни истеъмол қиладиган', 'наркоман' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 190). Бу от таркибидаги *б* товуши ўзбек тилида *в* товушига алмаштирилган; *ҳ* товуши эса кўпинча айтилмайди.

ГИЛ 'Тупроқ', 'лой' маъноларини англатадиган бу от ПРСда [*гел*] шаклида (425), ТжРСда *гил* шаклида (102), ЎТИЛда ҳам *гил* шаклида (190) келтирилган. Бу от ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди.

ГИЛАМ Бу от 'одатда жундан тўқилиб, полга тўшаладиган ёки деворга осиладиган буюм 'маъносини англатиб, АРСда [*гелим*] ва [*келим*] шаклларида чўзиқ *ӣ* товуши билан (427), ТжРСда *гилем* шаклида (102), ЎКААҚЛда ҳам *гилем* шаклида (160), ЎТИЛда эса *гилам* шаклида (190) келтирилган. Кўринадики, бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган, иккинчи бўғиндаги *э(е)* товуши ўзбек тилида *а* товушига алмаштирилган.

ГИЛАМДЎЗ Бу от *гилам* отига (қ) 'тик-' маъносини англатадиган тожикча *дӯхтан* феълининг *дӯз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 144) ўзбек тилида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гилам тўқувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 190). Шу маъно тожик тилида *гилембоф* оти билан (ТжРС, 102) англатилади. Бу от таркибидаги *боф* қисми 'тўқи-' маъносини англатадиган *бофтан* феълининг ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'гилам тўқувчи' маъносини аниқ англатади.

ГИЛВАТА Бу от ПРСда *гел бута* тарзида ёзилиб, 'ўтга чидамли лой' маъносини англатиши (425), ТжРСда *гилбӯта* тарзида қўшиб ёзилиб, 'фарфор тайёрлашда ишлатиладиган ўтга чидамли лой' маъносини англатиши (102) айтилган. ЎТИЛда *гилвата* тарзида қўшиб ёзилиб, 'кулранг юмшоқ тоғ жинси' маъносини англатиши (190) айтилган. Ўзбек сўзлашув тилида бу отнинг *гилвута* тарзида айтилиши аслига тўғрироқ. Маъно таърифлари орасида ЎТИЛдаги таъриф – энг ўринлиси. Бу от

www.ziyouz.com kutubxonasi

таркибидаги *б* товуши *в* товушига алмаштирилгани асосли; лекин *у* товушининг *а* товушига алмаштирилганини тушуниш қийин.

ГИЛМОЙА Бу от 'чинни буюмлар ясашда ишлатиладиган тоғ жинси' маъносини англатадиган *гил* отига (ТжРС,102) 'асосини ташкил қиладиган нарса' маъносини англатадиган *мойа* отини (ТжРС, 234) қўшиб тожик тилида тузилган; 'ўтга чидамли коришма' маъносини англатади (ТжРС, 102). ЎТИЛда бу от айнан *гилвата* оти маъносини англатади дейилгани тўғри эмас (I, 190).

ГИЛОС Русча "черешня " деб аталадиган меванинг номи бўлиб, ПРСда [гилас] тарзида чўзиқ овоз товушлар билан (432), ТжРСда *гелос* тарзида (101), ЎТИЛда эса *гилос* тарзида (190) ёзилган. Кўринадики, ўзбек тилидаги шакл форсча шаклга тўғри келади, фақат иккинчи бўғиндаги *а* товуши *о(ā)* товушига алмаштирилган. Бу от таркибидаги чўзиқ *и* товуши тожик тилида *э(е)* товушига алмаштирилган.

ГИЛОСЗОР Бу от *гилос* отига (қ.) 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'гилос дарахтлари кўп экилган ер' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 190).

ГИНА Бу от ЎКААҚЛда *кийна, кина* шаклида (311), ПРСда араб алифбосида чўзиқ *ӣ* билан ёзилган-у, кирилл алифбосида [*кине*] тарзида қиска *и* билан ёзилган (415); ТжРСда эса *кина* шаклида келтирилган (187). Фақат ўзбек тилида (ЎТИЛ, I, 191) бу от бошланишидаги *к* товушига *г* товушига алмаштирилган. Бундан ташқари, *ӣ* товушига хос чўзиқлик ЎКААҚЛда *й* ҳарфини қўшиб ёзиш билан, форсчада чўзиқ *ӣ* ҳарфини ёзиш билан акс эттирилган, лекин тожик тилидаги бу товушнинг чўзиқлиги акс эттирилмай қолган. Бу от асли 'ўч' маъносини англатадиган *кин* отига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кек', 'дилда сақланиб турган норозилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 190). Бу от билан ўзбек тилида *гиначи* оти, *гиналаш-* феъли ҳосил қилинган, *гина-кудурат* жуфт оти тузилган.

ГИНАДОР Бу сифат тожикча *кинадор* отининг бошланишидаги *к* товушини ўзбек тилида *г* товушига алмаштирилган шакли бўлиб, 'ўч' маъносини англатадиган *кина* отига (ТжРС, 187) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС,136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнглида гинаси бор', 'гина сақлаб юрувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 191).

ГИРД Бу тожикча от 'чека', 'зиҳ', 'чегара', 'атроф' маъноларини англатади (ТжРС,102); ўзбек тилида 'ниманингдир чека айланаси' маъносини англатиш учун ишлатилади: *патниснинг гирди* каби (ЎТИЛ, I, 192).

ГИРДБОД Бу от 'айланма' маъносини англатадиган тожикча *гирд* оти билан (қ.) ' шамол' маъносини англатадиган *бод* отидан (ТжРС, 74)

www.ziyouz.com kutubxonasi

тузилган бўлиб (ТжРС,102), 'буралиб кўтариладиган кучли шамол' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГИРДИКАПАЛАК: Одатда *бўл-* феъли билан ишлатиладиган бу равиш 'айланма' маъносини англатадиган тожикча *гирд* оти билан (к.) ўзбекча *капалак* (ЎТЭЛ, 198) отидан тузилган изофа бирикмаси бўлиб, 'парвона бўл-' 'ёнидан силжима-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГИРДОБ Бу от 'айланма' маъносини англатадиган тожикча *гирд* оти билан (к.) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб (ТжРС, 102), 'чуқур кенг ариқ ёки дарёда сувнинг айлана ҳосил қиладиган ери' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГИРИФТОР Бу сифат 'ушла-', 'тобе қил-' маъносини англатадиган тожикча *гирифтан* феълининг (ТжРС, 103) *гирифт* ўтган замон асосига *-ор* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, одатда *бўл-* феъли билан ишлатилади; 'дучор бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГИРЙА Бу от 'йиғла-' маъносини англатадиган тожикча *гиристан* феълининг ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 103), отлашиб 'йиғи', 'нола' маъносини англатади (ТжРС,104; ЎТИЛ, I, 192). ТжРСнинг 543-саҳифасидаги 23- бандда *гиристан* феълининг ҳозирги замон асоси *гири* деб таъкидланган ва унга *-а* қўшимчаси қўшиб *гирья* оти ҳосил қилингани мисол сифатида келтирилган. Бу икки хил талқиндан биринчиси (луғат мақоласида келтирилгани) тўғрирок.

ГИРЙОН Бу кесимлик 'йиғлаш ҳолатига келтир-' маъносини англатади-ган тожикча *гирйон(и)дан* [*гирьёнидан*] феълининг ҳозирги замон асосига (ТжРС, 104) тенг бўлиб, отлашиб 'йиғлаш ҳолатида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГИРЙОНА Асли равишдош шакли бўлиб, *гирйон* кесимлигига (к) *-а* қўшимчасини (ТжРС,560) қўшиб ҳосил қилинган; одатда *бўл-* феъли билан ишлатилади, 'йиғла-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГОВРОН Бу от 'қора мол' маъносини англатадиган тожикча *гов* отига (ТжРС,104) 'ҳайда-' маъносини англатадиган *ронд'ан* феълининг *рон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 327) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'подачининг йўғон новдадан қилинган таёғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 192).

ГОҲ.., ГОҲ.. Асли 'пайт', 'жой' маъноларини англатадиган бу от (ТжРС, 104) ўзбек тилида *гоҳ..., гоҳ...* тарзида 'галма-гал' маъносини ифодалайдиган айирув боғловчиси вазифасида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 193).

ГОҲИ Бу равиш 'пайт' маъносини англатадиган *гоҳ* отига (ТжРС, 104) ноаниқлик маъносини ифодалайдиган *и* йо-йе вахдатни ("Форс тили", 115) қўшиб тузилган бўлиб, тожик тилида *гоҳе* шаклида айтилади (ТжРС, 104); 'баъзан' маъносини англатади; кўпинча *-да* келишик қўшимчаси қўшилган ҳолда (*гоҳида* шаклида) ишлатилади (ЎТИЛ, I, 193).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГОҲО Бу равиш ЎТИЛда (I, 193) *гоҳи* шаклида, ТжРСда *гоҳе* шаклида ёзилган ва ёнма-ён *гоҳо* шаклида ҳам келтирилган, 'баъзан' маъносини англатиши айтилган (104). *Гоҳо* равиши ПРСга киритилмаган. Бу равиш охиридаги *о* товушини *э(е)* товушининг талаффуз шакли дейиш мумкин.

ГОҲ ХУД, ГОҲ БЕХУД қ. худ

ГУВОҲ Бу от ПРСда [*гäваһ*] ва [*говаһ*] шаклларида (429), ТжРСда *гувоҳ* шаклида (105), ЎТИЛда ҳам *гувоҳ* шаклида (195) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган: 'бирор воқеа-ҳодисанинг содир бўлганини кўрганлигини тасдиқловчи киши', 'шоҳид' маъносини англатади. Бу от билан ўзбек тилида *гувоҳлик* оти ҳосил қилинган бўлиб, *гувоҳлик бер-* бирикмаси таркибида ишлатилади.

ГУВОҲНОМА Бу от *гувоҳ* отига (қ) 'хат' маъносини англатадиган *нома* отини (ТжРС,271) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 105); 'ниманидир тасдикловчи, имзо қўйилиб, муҳр босилган расмий ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 195).

ГУГУРТ Бу от ПРСда [*гугäрд*] шаклида келтирилиб, "сера" , "спички" деб (430), ТжРСда *гўгирд* шаклида келтирилиб, "сера" , "спички" деб (110), ЎКААҚЛда *гугурд* шаклида келтирилиб, "спички" деб (162) изоҳланган. Кўринадики, бу от асли 'олтингугурт' маъносини англатган, кейинчалик "спички" маъноси юзага келган. Ўзбекча *гугурт* отининг товуш таркиби бу отнинг юқоридаги манбаларда келтирилган товуш таркибига айнан эмас: биринчи бўғинда *ў* эмас, *у* товуши келиши ПРС ва ЎКААҚЛ билан бир хил, иккинчи бўғинда *а, и* эмас, *у* товуши, охирида *д* эмас, *т* товуши келиши ҳар уч манбадагидан фарқли. Биринчи бўғиндаги *у* товушига монанд иккинчи бўғинда ҳам *и* эмас, *у* товуши келиши, охиридаги *д* товушининг *т* товушига алмашинуви ўзбек тилида мавжуд товуш ўзгаришлари қоидалари асосида воқеа бўлган. Бу от билан ўзбек тилида *гугурт қутиси (гугурт қутичаси)* бирикмаси тузилган (ЎТИЛ, I, 195).

ГУГУРТЧЎП Бу қўшма от *гугурт* отига (к) асли 'дарахт' маъносини англатган, бу ерда 'кичкина ингичка таёқча' маъноси билан қатнашаётган *чуб* отини (ПРС,167) қўшиб тузилган; ўзбек тилида *чуб* оти таркибидаги *у* товуши *ў* товушига, *б* товуши *п* товушига алмаштирилган; 'ўт олдириш учун бир бошига ёнувчи модда суркалган чўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 195).

ГУЗАР Бу от 'ўт-' маъносини англатадиган тожикча *гузаштан* феълининг *гузар* ҳозирги замон асосига тенг; отлашиб асли 'ўтиш жойи' маъносини англатади (ТжРС, 105). Бу от ўзбек тилида 'маҳалланинг дўкон, сартарошхона, чойхона жойлашган серқатнов жойи' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 195).

ГУЛ I Бу от ПРСда [*гол*] шаклида (425), ТжРСда *гул* шаклида (106) келтирилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган; 'ўсимликнинг урчиш учун хизмат қиладиган гулбарг, чангдон, гулкосадан иборат қисми',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'чечак' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 195). Бу от билан ўзбек тилида *гулла-* феъли, *гулчи* оти ясалган, *гулқайчи* қўшма оти тузилган.

ГУЛ II Бу от маъно тараққиёти йўли билан *гул I* отидан ('қизил рангли гул' → 'қизил рангли тошма') ўсиб чиққан бўлиб, 'қизилча, қизамиқ' каби касалликларда баданда пайдо бўладиган майда қизил рангли тошма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛАНДОМ Бу от тожик тилида *гул I* оти билан (к.) 'қад-комад', 'бадан' маъносини англатадиган *андом* отидан (ТжРС, 28) тузилган бўлиб, 'қад-комати хушбичим (аёл)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБАДАН Бу от тожикча *гул I* оти билан (қ.) 'киши танасининг сирти' маъносини англатадиган арабча *бадан* отидан (АРС,61) тузилган бўлиб, 'гулдай нирийли бадан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБАНД I Бу от тожикча *гул I* отига (к.) 'боғла-' маъносини англатадиган тожикча *бастан* феълининг *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51, 44) қўшиб тузилган бўлиб, 'гулни ўсимлик танасига боғлаб турувчи новдача' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБАНД II Бу от маъно тараққиёти йўли билан *гулбанд I* отидан (к.) ўсиб чиққан бўлиб, 'пичоқнинг дастаси билан тиғи бириккан жойига ўрнатилган махсус металл ҳалқача' маъносини англатади; бу ҳалқага одатда нақш туширилган бўлади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБАРГ Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) 'япроқ' маъносини англатадиган *барг* отидан (ТжРС, 46) тузилган бўлиб, 'гултожни қуршаб турадиган япроқчалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБАҲОР Бу от ўзбек тилида тожикча *гул I* отига (к.) *баҳор* отини (к.) қўшиб тузилган бўлиб, 'баҳорнинг гуллар очилган пайти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБЕОР Бу от асли тожикча *гули беор* изофа бирикмасига тенг бўлиб, *-и* изофаси айтилмай қўйганидан кейин қўшиб ёзиладиган бўлган (Жорий имло қоидаларининг 65- параграфига қаранг). *Гул* оти (қ) ва *беор* сифатидан (к.) таркиб топган бу от 'ҳар қандай жойда, шароитда ўсаверадиган ўтсимон гул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛБОҒ Бу от тожикча *гул I* оти билан (қ.) *боғ* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'гул ўстириладиган боғ', 'гул мўл-кўл боғ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛГУН Бу сифат тожик тилида *гул I* отига (к.) 'ўхшаган', 'каби' маъносини ифодалайдиган *-гун* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қирмизи' маъносини англатади (ТжРС, 107; ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛДАСТА Бу от тожик тилида *гул I* оти билан (к.) 'боғлам' маъносини англатадиган *даста II* отидан (ТжРС, 121) тузилган бўлиб, 'гул боғлами' (букет) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196). Бу маъно тожик тилида *дастаи гул* изофа бирикмаси билан ҳам англатилади (ТжРС,121).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛДОН Бу от тожикча *гул I* отига (қ.) 'сақланадиган ўрин' маъносини ифодалайдиган *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гул солиб қўйиладиган идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛДОР Бу сифат тожик тилида *гул I* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гулга ўхшаш нақшлар билан безатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 196).

ГУЛЗОР Бу от тожик тилида *гул I* отига (қ.) 'мўл' маъносини ифодалайдиган *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гул кўп жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛИСТОН Бу от тожик тилида *гул I* отига (қ.) 'мўл ерлар' маъносини ифодалайдиган *-(и)стон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гуллар макони' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛКАРАМ Бу от тожикча *гул I* отига (қ.) 'палахса барглари думалоқ ўрамли полиз экини' маъносини англатадиган *карам* отини (ТжРС, 181) қўшиб тузилган бўлиб, 'карамнинг гулга ўхшаган нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛКОР Бу от тожикча *гул I* отига (қ.) 'ясовчи', 'қилувчи' маъносини ифодалайдиган *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гул шаклидаги нақш ўювчи ёки ясовчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛКОСА Бу от тожикча *гул I* отига (қ.) 'суюк овқат солинадиган пиёладан катта рўзғор буюми' маъносини англатадиган тожикча *коса* отини (ТжРС, 194) ўзбек тилида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гулнинг гултож, чангча, уруғчаларини ўраб тутиб турувчи қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛКЎРПА Бу от тожикча *гул I* оти билан (қ.) 'совуқдан сақланиш учун ғилоф ичига пахта солиб қавилган катта чорбурчак ёпинчиқ' маъносини англатадиган *кўрпа* отидан (ЎТИЛ, I, 421) тузилган бўлиб, 'сидирға матога гул нашқлари тикилиб, деворга осиб қўйиладиган безак буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛЛА- *қ.* гул

ГУЛМОҲИ Бу от тожик тилида *гул I* отига (қ.) 'балиқ' маъносини англатадиган тожикча *моҳи* отини (ТжРС, 234) қўшиб тузилган бўлиб, 'тоғ сувларида яшайдиган холдор балиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛНОР Бу сифат асли тожикча *гул I* (қ.) ва 'гули ва думалоқ меваси ичидаги доналари қизил рангли дарахт' маъносини англатадиган *анор* отидан (ТжРС, 28) тузилган *гули анор* изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 106), *-и* изофаси ва *а* товуши айтилмай *гулнор* шакли юзага келган; 'анор гули рангидаги', 'қирмизи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197). Бу сифат аёлларнинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУЛОБ Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) 'сув', 'шарбат' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 270) тузилган бўлиб (ТжРС, 107), 'атиргул япроқчаларидан тайёрланган ширин ичимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛРАЪНО Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) асли 'енгилтак' маъносини англатадиган арабча *раъно* отидан (ЎТЭЛ, II, 355) тузилган *гули раъно* изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 106), *-и* изофаси айтилмай қўйганидан кейин ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бўлган (Жорий имло қоидаларининг 65- параграфига қаранг). Бу от ўзбек тилида 'усти сариқ, ичи қизил, гўзал ва нафис гул' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎҚААҚЛ, 163; ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛРЎ Бу тожикча сифат *гул I* оти билан (к.) 'чеҳра', 'юз' маъносини англатадиган *рў* отидан (ТжРС, 329) тузилган бўлиб, 'гул юзли', 'гўзал юзли' маъносини англатади (ЎҚААҚЛ,166; ЎТИЛ, I, 197). Бу от одатда шеъриятда ишлатилади.

ГУЛСАПСАР Бу от асли *гул I* оти билан (к.) 'оч бинафша рангли кўп йиллик ўсимлик' маъносини англатадиган *сапсар* отидан тузилган изофа бирикмаси бўлиб (*гули сапсар*), *-и* изофаси айтилмай қўйганидан кейин ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бўлган (Жорий имло қоидаларининг 65-парагафига қаранг); 'қиёқ баргли, оч бинафша гулли кўп йиллик ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛТОЖ Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) 'хукмдорнинг бошга киядиган зийнатли буюми' маъносини англатадиган *тож* отидан (ТжРС, 398) таркиб топган бўлиб, 'гулнинг япроқлари ва гулкосасидан иборат тепа қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛТОЖИХЎРОЗ Бу от асли тожикча *гул I* (к.), 'қушнинг боши тепасидаги этдор ўсимта' маъносини англатадиган *тож* оти (ТжРС, 398) ва 'товукнинг эркаги' маъносини англатадиган *хурўс* отидан (ТжРС, 432) таркиб топган *гули тожи хурўс* изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 106), олдин *тожи хурўс* изофа бирикмаси тузилиб, кейин бу бирикма ва *гул* оти билан яна изофа бирикмаси тузилган: *(гули) Х (тожи Х хурўс)*. Ўзбек тилида *хурўс* отининг иккинчи бўғиндаги *ў* товуши *о (а)* товушига, биринчи бўғиндаги *у* товуши *ў* товушига алмаштирилган; бу бирикма қисмлари оралиғидаги биринчи *-и* изофаси айтилмай қўйган ва қолган кисмлар бир бутун ҳолда қўшиб ёзиладиган бўлган. Бу от 'хўрознинг тожига ўхшаб кетадиган гул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛУЗОР Бу сифат тожикча *гул I* оти билан (к.) 'чеҳра', 'бетларнинг йўқори бўртиқ қисми' маъносини англатадиган *узор* отидан (ЎҚААҚЛ, 351; ЎТИЛ, II, 268) тузилган бўлиб, 'гул юзли' маъносини англатади (ТжРС, 107; ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛХАЙРИ Бу от асли тожикча *гул I* оти билан (к.) 'хайрли', 'яхшилик келтирувчи' маъносини англатадиган арабча *хайр II* сифатидан (АРС, 242)

www.ziyouz.com kutubxonasi

тузилган изофа бирикмасига тенг бўлиб (*гули хайри:* ТжРС, 417), 'баланд пояли, йирик гулли манзара ўсимлиги ва унинг гули' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛХАН Бу от ПРСда [*голхӓн*] шаклида келтирилиб, 'ҳаммомнинг ўт ёқиш жойи' маъносини (426), ТжРСда *гулхан* шаклида келтирилиб, "1) костёр, 2) углубление в земляном полу для разведения огня" маъносини (107), ЎТИЛда ҳам *гулхан* шаклида келтирилиб, 'исиниш ёки бирор бошқа мақсадда ўтин қалаб атайлаб ёндирилган ўт' маъносини (197) англатиши айтилган. Кўринадики, бу от асли 'ҳаммомнинг ўт ёқиладиган катта ўтхонаси'ни англатган; бундай кучли олов билан ҳаммом тагидан иситилган, шунга кўра ҳаммом ўтхонаси чуқур тупроқ ўрада жойлашган; демак, *гулхан* оти 'тупроқ', 'ер' маъносини англатадиган [*гел*] → *гул* оти билан (ПРС, 425) 'чуқурлик', 'ўра' маъносини англатадиган *хӓн* отидан тузилган бўлиб (Қиёсланг: *хандақ:* ЎТИЛ, II, 315), 'чуқур тупроқ ўра' маъносини англатган дейиш мумкин. 'Олов ёқиладиган ўра' маъноси асосида кейинчалик 'кучли ёлқин (аланга) берадиган олов' маъноси ўсиб чиққан.

ГУЛХОНА Бу от тожик тилида *гул I* отига (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'гул ўстириладиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛЧАМБАР Бу от тожик тилида *гул I* оти билан (қ.) 'ўрам' 'ҳалқа' маъносини англатадиган *чанбар* отидан (ТжРС,436) ўзбек тилида тузилган бўлиб, *чанбар* оти таркибидаги *н* товуши *м* товушига алмаштирилган. Бу қўшма от 'гулдаста' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛЧЕҲРА Бу сифат тожикча *гул I* оти билан (қ.) 'юз' маъносини англатадиган *чеҳра* отидан (ТжРС, 442) ўзбек тилида тузилган; 'гул юзли', 'гўзал сиймоли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197).

ГУЛЧИ Бу от тожикча *гул I* отига (қ.) 'бирор фаолият билан шуғулланадиган шахс' маъносини ифодалайдиган ўзбекча *-чи* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'гул ўстирувчи', 'гул сотувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197). Бу отдан ўзбек тилида *гулчилик* оти ҳосил қилинган.

ГУЛЧИН Бу от тожик тилида *гул I* отига (қ.) 'йиғ-', 'ёпиштир-' маъносини англатадиган *чидан* феълининг *чин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 442) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 107), 'оёқ кийими бошлиғининг товон остидаги орқа қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 197); косиблар бундай чарм парчасига одатда нақш туширади.

ГУЛЧИНОР Бу от тожикча *гул I* отига (қ.) 'йиғ-', 'тўпла-' маъносини англатадиган *чидан* феълининг *чин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 442) қўшиб ҳосил қилиниб, 'гулига мослаб тўпланган' маъносини англатадиган *гулчин* қисмига *-ор* от ясовчи қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган; 'пирра' (карта ўйинининг бир тури) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУЛШАН Бу от тожик тилида *гул I* отига (к.) 'мўл жой' маъносини ифодалайдиган *-шан* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гул мўл-кўл жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУЛҚАЙЧИ Бу от тожикча *гул I* отига (к.) 'икки тиғни ўртароқ еридан винт билан бирлаштириб тайёрланган кесиш асбоби' маъносини англатадиган ўзбекча *қайчи* отини қўшиб ҳосил қилинган; 'гул кесишда ишлатиладиган қайчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУЛҚАНД Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) 'шакардан махсус шакл бериб тайёрланган маҳсулот' маъносини англатадиган тожикча *қанд* отидан (ТжРС, 465) тузилган бўлиб, 'қанд билан гул япроқчаларини биргаликда эзғилаб тайёрланадиган, қорин касаллигини даволашда ишлатиладиган маҳсулот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУЛҚОҒОЗ Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) 'ёзиш-чизиш учун ишлатиладиган юпқа буюм' (бумага) маъносини англатадиган *қоғоз* отидан тузилган бўлиб, 'бирор сатҳга, асосан деворга ёпиштириладиган гулли қоғоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУЛҒУНЧА Бу от тожикча *гул I* оти билан (к.) 'гулнинг ҳали очилмаган ҳолати' маъносини англатадиган *ғунча* отидан (ТжРС, 481) тузилган бўлиб, 'ҳали очилмаган гул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУЛҲАМИШАБАҲОР Бу от тожикча *гул I* отига (к.) 'доимо' маъносини англатадиган *ҳамеша* равиши билан (ТжРС,498) 'кўклам' маъносини англатадиган *баҳор* отини қўшиб (ТжРС,53) тузилган, 'доим гуллаб-яшнаб турадиган' маъносини англатадиган *ҳамешабаҳор* сифатидан (ТжРС,498) иборат бўлиб, 'йилнинг баҳор,ёз, куз фаслларида доим очилиб турадиган қизғиш-сарғиш рангли гул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198). Бу қўшма от ўзбек тилига *ҳамеша* қисми таркибидаги *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган.

ГУМАШТА Бу от тожикча 'ишончли кишини вакил қилиб белгила-' маъносини англатадиган *гумоштан* феълининг *гумошта* ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС,108), ўзбек тилида бу отнинг иккинчи бўғинидаги *о(â)* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'катта савдогарнинг савдо ишларини олиб борадиган ишончли кишиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУМБАЗ Бу от ПРСда [*гомбӑд*] ва [гомбӣз] тарзида (араб ҳарфлари билан ёзилишидаги *н* товушини *м* товушига, *д* товушини *дз* товушига алмаштириб ёзилган (427). ТжРСда *гумбад* ва *гумбаз* шакллари келтирилиб, *гумбаз* шаклига ҳавола берилган (108). Кўринадики, бу отнинг таркибида асли *н* товуши қатнашади, лекин ўзбек тилига *м* товуши қатнашадиган шакли олинган; 'юқори қисми қубба шаклида қурилган иморат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГУМБАЗСИМОН Бу сифат тожикча *гумбаз* отига (к.) 'ўхшаш' маъносини ифодалайдиган *-симон* қўшимчасини ("Ҳозирги замон ўзбек тили", 1957, 352) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гумбазга ўхшаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУМДОН: *гумдон бўл-, гумдон қил-* феъллари таркибида ишлатиладиган бу от асли 'ўпқон' маъносини англатадиган тожикча *гум* отига (ТжРС, 107) 'жой' маъносини ифодалайдиган *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'оқар сувнинг ўпқонли жойи' маъносини, шунга кўра юқорида таъкидланган феъллар 'йўқол-', 'йўқот-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУМДОН БЎЛ-, ГУМДОН ҚИЛ- *қ.* гумдон

ГУМОН Бу от ПРСда [*гӓмон, гоман*] тарзида (427), ТжРСда *гумон* тарзида, ЎТИЛда ҳам *гумон* тарзида (I, 198) ёзилган; демак, бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган; 'тахмин қилинаётган ўй-хаёл' маъносини англатади. Бу от билан ўзбек тилида *гумон қил-, гумонсира-* феъллари ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 198).

ГУМОНА Бу от *гумон* отига (к.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'она қорнида пайдо бўлган бола', 'ҳомила' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУМОНДОР Бу сифат тожикча *гумон* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС,136,137) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гумони бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 198).

ГУМОНСИРА- *қ.* гумон

ГУМРОН: *гумрон бўл-, гумрон қил-* феъллари таркибида ишлатиладиган бу от асли 'ўпқон' маъносини англатадиган тожикча *гум* отига (ТжРС,107) 'ҳайда-' маъносини англатадиган *рондан* феълининг *рон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 327) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сувнинг ўпқонли жойи' маъносини, шунга кўра юқоридаги феъллар 'қатъий равишда ҳайдал-', 'қатъий равишда ҳайда-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 199).

ГУМРОҲ Бу сифат 'йўқолган' маъносини англатадиган тожикча *гум* сифатига (ТжРС, 107) 'йўл' маъносини англатадиган тожикча *роҳ* отини (ТжРС,328) қўшиб тузилган бўлиб, 'йўлдан адашган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 199).

ГУНАФША *қ.* бинафша

ГУНОҲ Бу от ПРСда [*гонаһ*] шаклида келтирилиб, "вина, проступок; преступление, грех" деб изоҳланган (427); ТжРСда *гунаҳ* шаклида келтирилиб, *гуноҳ* шаклига ҳавола берилган (108); ЎКААҚЛда ҳар икки шаклда келтирилиб, ҳар бирига изоҳ берилган (168, 169). ЎТИЛда фақат *гуноҳ* шаклида келтирилиб, '1) шариатга хилоф иш; 2) одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, ножўя хатти-ҳаракат; айб' деб таърифланган (199).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўринадики, бу отнинг асл шакли *гуноҳ* бўлиб, асосий маъноси – 'шароитга хилоф хатти-ҳаракат'.

ГУНОҲКОР Бу сифат ТжРСда *гуноҳгор, гуноҳкор* шаклларида келтирилиб, *гуноҳкор* шаклига ҳавола берилган (108); ПРСда [*гонаһкар*] шаклида келтирилган (427). Кўринадики, бу сифат ўзбек тилига форс тилидан олинган. Бу сифат *гуноҳ* отига (қ.) асли 'иш' маъносини ифодалайдиган *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шариатга хилоф, айб деб қараладиган хатти-ҳаракатни амалга оширган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 199).

ГУРЗИ Бу от ПРСда [*горз*] ва [*горзе*] шаклларида (421), ТжРСда *гурз* шаклида (109), ЎКААҚЛда ҳам *гурз* шаклида (169), ЎТИЛда эса *гурзи* шаклида (I, 200) келтирилган. Кўринадики, бу от ўзбек тилига форсча *горзе* шакли охиридаги *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган. Бу от 'чўкмор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 200). Бу отнинг *гурз* шакли мавжуд эканлиги *гурзи* охиридаги *и* қисми қўшимчага тенг эканини кўрсатади.

ГУРУ(Н)Ч Бу от ПРСда [*горонджс*] ва [*беренджс*] (67) шаклларида келтирилиб, мисоллар кейингисида берилган; ТжРСда *гурунч* шакли шевага хос деб (109), *биринч* шаклига ҳавола берилган, изоҳ ва мисоллар ўша ерда келтирилган (72); ЎТИЛда бу от *гуру(н)ч* тарзида ёзилиб, *гуруч* ва *гурунч* шаклларида ишлатилиши кўрсатилган (I, 200), ўзбек тилининг имло луғатига ҳам шундай шаклда киритилган (2003, 74). Кўринадики, форс ва тожик тилларида *б* товуши билан бошланадиган шакл асосий ҳисобланади; ўзбек тилига эса *г* товуши билан бошланадиган *гурунч* шакли олиниб, икки хил ўзгартириш билан: а) Охиридаги *ч (дж)* товушини *ч* товушига алмаштириб *гурунч* шаклида, б) *гурунч* шакли таркибидаги *н* товушини талаффуз қилмай *гуруч* шаклида ишлатиш қабул қилинган. Бу от 'шолининг пўстлоғидан ажратиб олинган дони' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 200).

ГУРУҲ Бу от ПРСда [*горуһ*] шаклида (422), ТжРСда *гурўҳ* шаклида, ЎТИЛда *гуруҳ* шаклида (I, 200) келтирилган. Кўринадики, бу от ўзбек тилига тожик тилидаги *гурўҳ* шаклининг иккинчи бўғинидаги *ў* товушини *у* товушига алмаштириб олинган. Бу от 'тўда', 'тўп' маъносини англатади. Бу от билан ўзбек тилида *гуруҳла-* феъли ҳосил қилинган.

ГУРУҲБОЗ Бу сифат тожикча *гуруҳ* отига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одамларни тўдага бирлаштиришга тарафдор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 200). Бу сифат билан ўзбек тилида *гуруҳбозлик* оти ҳосил қилинган.

ГУРУҲБОЗЛИК *қ.* гуруҳбоз

ГУСТОХ Бу сифат ПРСда [*гостах*] шаклида (424), ТжРСда *густох* шаклида (110) келтирилган; кўринадики, бу сифат ўзбек тилига тожик

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилидан олинган; 'беадаб', 'сурбет' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 200). Бу сифат билан ўзбек тилида *густохлик* оти ҳосил қилинган.

ГУФТУГЎ Одатда *гуфтугў қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу от ПРСда [*гофт-о-гу*] шаклида келтирилиб, [*гофтгу*] шаклига ҳавола берилган (425), ТжРСда *гуфтугў(й)* шаклида келтирилган; кўринадики, бу от ўзбек тилига тожик тилидан охиридаги қавсларга олинган (демак, қатнашуви шарт бўлмаган) *й* товушини ташлаб олинган. Бу от асли 'гапир-' маъносини англатадиган *гуфтан* феълининг (ТжРС,110) *гуфт* ўтган замон асоси билан *гў* ҳозирги замон асосини *ва* боғловчисининг *у* шакли орқали жуфтлаб тузилган бўлиб, 'фикрлашиш', 'маслаҳатлашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 200).

ГУШНА Бу сифат ПРСда [*горосне*] ва [*гошне*] шаклларида келтирилиб (421), бошқа ўринда [*гошне*] шаклидан [*горосне*] шаклига ҳавола берилган (425); ТжРСда *гошна* шаклидан *гурусна* шаклига ҳавола берилган бўлиб, 'оч', 'очкўз', 'тўймас' маъноларини англатиши айтилган (109). Кўринадики, форс, тожик тилларида *горсне, гурусна* шакллари асосий ҳисобланади; ўзбек тилига бу от тожикча *гошна* шакли таркибидаги *о* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; асли 'очкўз' маъноси асосида пайдо бўлган 'ашаддий' маъносини англатиш учун ишлатилади; ЎТИЛда бу сифатнинг маъноси 'зўр', 'зўравон' деб нотўғри изоҳланган (ЎТИЛ, I, 200).

ГЎЙО I: Тожикча *булбули гўйо* изофа бирикмаси таркибида қатнашадиган *гўйо* сифати 'гапир-' маъносини англатадиган *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 110) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гапиришни биладиган' маъносини англатади (ТжРС, 110); шунга кўра *булбули гўйо* бирикмаси 'тинмай гапирадиган (одам)' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 201: гўё: ◊).

ГЎЙО II, ГЎЙОКИ 'Худди', 'каби' маъносини ифодалайдиган бу ўхшатиш бирлиги (эргаштирув боғловчиси) ПРСда [*гуйа*] сифатининг иккинчи маъноси ("повидимому, кажется, как будто, словно") деб келтирилган (431); шунга ўхшаш маъно ("словно, можно сказать, можно подумать") [*гуи*] бирлиги билан ҳам ифодаланиши айтилган. Кўринадики, бу боғловчи асли *гўйи* товуш таркибига эга бўлиб, 'айтиш мумкин' маъносини билдирган. Бу боғловчи охиридаги *и* товуши кейинчалик *гўйо I* сифати охиридаги товушга монанд равишда *о* айтиладиган бўлган, натижада шаклан бир хиллик юзага келган. *Гўйоки* боғловчиси 'айтиш мумкинки' маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 201).

ГЎЛ ПРСга [*гул*] шаклида чўзиқ *у* товуши билан киритилиб, "обман", "ошибка" маъноларини англатиши (430), ТжРСга *гўл* шаклида киритилиб, "глупец, дурак", "слабоумный, слабовольный" маъноларини англатиши (110), ЎТИЛда *гўл* шаклида келтирилиб, 'ҳар нарсага ишонаверадиган, лақма' маъносини англатиши (I, 201) айтилган. Кўринадики, бу бирлик форс тилида отга тенг бўлиб, кейинчалик тожик тилида ундан сифат

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноси ўсиб чиққан: 'алдаш' – 'алданаверадиган' каби. Демак, бу сифат ўзбек тилига тожик тилидан олинган.

ГЎР 'Қабр' маъносини англатадиган бу от ПРСда [*гур*] шаклида (129), ТжРСда *гўр I* шаклида (110), ЎТИЛда ҳам *гўр* шаклида (I, 201) келтирилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган. ЎТИЛда бу от қатнашиб тузилган жуда кўп бирикмалар, ҳикматлар келтирилган.

ГЎРКОВ Бу от тожик тилида *гўр* отига (к.) 'ковла-' маъносини англатадиган *кофтан* феълининг *ков* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 195) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қабристонда гўр қазувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 202). Бу отдан ўзбек тилида *гўрковлик* оти ясалган.

ГЎРСЎХТА Бу қарғиш тожик тилида *гўр* отига (қ.) 'куй-','ён-' маъносини англатадиган тожикча *сўхтан* феълининг *сўхта* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС, 372) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'Гўрингда куйгур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 202).

ГЎШ қ. гўшт

ГЎША Бу от ПРСда [*гуше*] шаклида (430), ТжРСда *гўша* шаклида (111), ЎТИЛда ҳам *гўша* шаклида (I, 202) ёзилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган бўлиб, 'овлоқ ердаги фақирона турар жой' маъносини англатади.

ГЎШТ Бу от ПРСда [*гушт*] шаклида (430), ТжРСда *гўшт* шаклида (111), ЎТИЛда ҳам *гўшт* шаклида (I, 202) ёзилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган бўлиб, 'эт' маъносини англатади. Сўзлашув тилида бу от охиридаги *т* товуши талаффуз қилинмай *гўш* тазрида ҳам айтилади.

ГЎШТДОР Бу сифат тожик тилида *гўшт* отига (к.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС,137) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'эти меъёридан ортиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 202).

ГЎШТКУЙДИ Бу от асли тожикча *гўшт* оти (қ.) ва ўзбекча *куй-* феълининг *куйди* ўтган замон шакли билан тузилган *Гўшт куйди* жумласига тенг бўлиб, отлашиб, қўшиб ёзиладиган бўлган (ЎТИЛ, I, 202); 'гўштни майда тўғраб, юпқа хамирга ўраб тандирда пиширилади ган сомса' маъносини англатади.

ГЎШТХЎР Бу сифат тожикча *гўшт* отига (қ.) 'еб-ич' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг *хўр* хозирги замон асосини ("Форс тили", 307) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гўштни кўп истеъмол киладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 202).

Д

ДАВЛАТМАНД Бу сифат 'бойлик' маъносини англатадиган арабча *давлат* отига (АРС, 268) 'эга' маъносини ифодалайдиган тожикча *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'мол-мулк, бойлик соҳиби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 203).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАВРА Бу от тожик тилида арабча *давр* отига (АРС, 265) тожикча *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'доира, гуруҳ тарзида бирлашган кишилар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 204).

ДАВРОН Бу от асли арабча *давр* отининг (АРС,265) *-он* кўплик қўшимчаси (ТжРС, 536) қўшилган шакли бўлиб, кўплик маъноси уқилмай кетган, 'замон' маъносини англатадиган отга айланган (ЎТИЛ, I, 204).

ДАЗМОЛ Бу от тожик тилида 'чок чизиғи' маъносини англатадиган *дарз* отига (ТжРС, 117) 'нарса', 'буюм' маъносини англатадиган *мол* отини (ТжРС, 232) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *дарз* қисми таркибидаги *р* товушини ташлаб олинган; 'ўтик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 205). Бу от билан ўзбек тилида *дазмолла-* феъли ҳосил қилинган.

ДАЗМОЛЛА- қ. дазмол

ДАЛА-ДАШТ Бу жуфт от ўзбекча 'кенг майдон' маъносини англатадиган *дала* отига (ЎТИЛ, I, 206) 'чўл', 'сайҳонлик' маъносини англатадиган тожикча *дашт* отини (ТжРС, 124) қўшиб тузилган бўлиб, 'экин экилмаган ерлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 206).

ДАЛАТОБ Бу сифат 'сайҳон ер' маъносини англатадиган ўзбекча *дала* отига (ЎТИЛ, I, 206) 'чидам' маъносини англатадиган тожикча *тоб* отини (ТжРС, 395) қўшиб ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'чидамли', 'чайир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 206).

ДАМ-БАДАМ Тожик тилида *дам ба дам* тарзида ажратиб ёзиладиган бу равиш 'лаҳза', 'он' маъносини англатадиган *дам* отини (ТжРС, 114) *ба* боғламаси орқали такрорлаб тузилган (ТжРС, 539); ўзбек тилида *ба* такрорланувчи қисмга қўшиб, бош қисмга чизиқча орқали ярим қўшиб ёзилади. Бу равиш 'кетма-кет', 'дам ўтмай' маъносини англатади. Ўзбек тилида *ба* боғламасининг *ма* шаклини *дам* қисмига қўшиб *дамма-дам* шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, I, 107).

ДАМГИР Бу от 'буғ' маъносини англатадиган *дам* отига (ТжРС, 114) 'ол-' маъносини англатадиган *гирифтан* феълининг *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 115) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 115), 'пиширилади ган овқат дам ейиши учун қопқоқ устига ёпиладиган қалин мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 207).

ДАМ.., ДАМ.. Бу такрорий тарзда ишлатиладиган боғловчи ўзбек тилида тожикча 'лаҳза', 'он' маъносини англатадиган *дам* оти (ТжРС, 114) асосида юзага келган бўлиб, 'галма-гал' маъносини ифодалайди ("Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати", 1984, 49).

ДАММА-ДАМ қ. дам-бадам

ДАМЛА- Бу феъл ўзбек тилида тожикча 'буғ' маъносини англатадиган *дам* отидан (ТжРС,114) *-ла* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, асли 'дам едир-' маъносини англатади; амалда эса 'чойнакка бир дамлам қурук чой солиб, устига қайнаб турган сувни қуй-' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 207).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАНАК Бу от тожик тилида *донак* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 135), асли *дон* отидан (ТжРС, 135) *-ак* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган; ўзбек тилига *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган. Бу от ҳар икки тилда 'ўсимлик мевасининг ичидаги қаттик пўчоқ ва мағиздан иборат уруғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 207).

ДАНДАНА Бу от ПРСда [*дăндоне*] шаклида (226), ТжРСда *дандона* шаклида (115) келтирилган. Асли тожикча *дандон* отига (к.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига иккинчи бўғинидаги *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'тишли нарса', 'тишга ўхшатиб ясалган нарса' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 208).

ДАНДОН Бу тожикча от ўзбек тилига шу товуш таркиби билан ва 'тиш' маъноси билан олинган (ТжРС,115; ЎТИЛ, I, 208): ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилади.

ДАРА Бу от 'ажрат-' маъносини англатадиган тожикча *даридан* феълининг (ТжРС, 118) *дар* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 115) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'икки тоғ оралиғидаги узун пастқам жой', 'тоғ оралиғидаги ўтиш йўли' маъносини англатади (ТжРС, 116; ЎТИЛ, I, 208).

ДАРАХ қ. дарахт

ДАРАХТ Бу от ПРСда [*дерăхт*] шаклида (213), ТжРСда *дарахт* шаклида (116) ёзилган; демак, ўзбек тилига тожик тилидан олинган; 'тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209). Сўзлашув тилида бу от охиридаги *т* товуши туширилиб, *дарах* тарзида ҳам айтилади.

ДАРАХТЗОР Бу от тожик тилида *дарахт* отига (к.) 'кўп' маъносини ифодалайдиган *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 116), 'кўп дарахт ўсадиган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРБАДАР Бу сифат ПРСда [*дăр-бе-дăр*] шаклида (213), ТжРСда *дарбадар* шаклида (116) ёзилган; кўринадики, бу сифат ўзбек тилига тожик тилидан олинган. Асли 'эшик' маъносини англатадиган тожикча *дар* отини (ТжРС,116) *ба* боғламаси орқали такрорлаб тузилган; форс тилида *дар ба дар* тарзида ажратиб, тожик тилида қўшиб ёзилади; 'эшикма-эшик дайдиб юрувчи', 'ватанидан узоқда, мусофирликда, мухтожликда кезиб юрувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209). Бу сифатдан ўзбек тилида *дарбадарлик* оти ҳосил қилинган.

ДАРБАНД Бу от тожик тилида 'ажрат-' маъносини англатадиган *даридан* феълининг (ТжРС,118) *дар* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 115) 'боғлам' маъносини англатадиган *банд* отини (ТжРС,144) қўшиб ҳосил қилинган; 'тоғлар оралиғидаги тор ўтиш йўли' маъносини англатади (ТжРС, 116; ЎТИЛ, I, 209).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРВЕШ Бу от ПРСда [*дӓрвиш*] шаклида чўзиқ *ӣ* товуши билан (216), ТжРСда *дарвеш* шаклида (117) ёзилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Аслида эса ўзбек тили товуш қонуниятига форсча шакли мос: иккинчи ва кейинги бўғинда *э(е)* товуши келмайди, шунга кўра *дарвиш* шаклини танлаш тўғри. Бу от 'бу дунёнинг ташвишларидан воз кечиб, фақирона ҳаёт кечириш йўлини танлаган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВЕШНАМО Бу сифат тожикча *дарвеш* отига (қ.) 'ўхшаб кет-' маъносини англатадиган тожикча *намудан* феълининг *намо* ҳозирги замон асосини (ТжРС,257) қўшиб ҳосил қилинган; 'дарвешларга ўхшаб иш тутувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВЕШОНА Бу равиш тожикча *дервеш* отига (қ.) 'ўхшаб' маъносини ифодалайдиган *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'дарвешларга ўхшаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВЕШСИФАТ Бу сифат тожикча *дарвеш* отига (қ.) 'белги-ҳусусият' маъносини англатадиган арабча *сифат* отини (АРС, 891) қўшиб ҳосил қилинган; 'давешлик хусусиятига эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВИШ *қ.* дарвеш

ДАРВОЗА Бу от тожик тилида 'катта эшик' маъносини англатадиган *дар* оти билан (ПРС,211) 'очиқ' маъносини англатадиган *боз* сифатидан тузилган *дарбоз* бирлигига *-а* қўшимчасини (ТжРС,543) қўшиб ҳосил қилинган; тожик тилининг ўзида бу от таркибидаги *б* товуши *в* товушига алмашган ва шу шаклида ўзбек тилига олинган; 'ҳовлига, қўрғонга кириладиган, очилиб-ёпиладиган катта эшик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВОЗАБОН Бу от тожик тилида *дарвоза* отига (қ.) 'қўриқловчи' маъносини ифодалайдиган *-бон* қўшимчасини (ТжРС,542) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС,117); ҳозирги ўзбек тилида 'спорт ўйинида дарвозани ҳимоя қилувчи' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВОЗАХОНА Бу от тожик тилида *дарвоза* отига (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС,426) қўшиб ҳосил қилинган; 'дарвозанинг ич томонидаги усти ёпиқ жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРВОҚЕ Бу модал 'юз бераётган', 'ҳақиқий' каби маънони англатадиган арабча *воқе* сифатдоши олдига (АРС,905) 'пайт' маъносини ифодалайдиган тожикча *дар* олд кўмакчисини (ТжРС,547) қўшиб ҳосил қилинган; 'ҳақиқатда', 'ҳақиқатан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209). Бу бирлик ПРСда ҳам, ТжРСда ҳам келтирилмаган.

ДАРГОҲ Бу от 'эшик' маъносини англатадиган *дар* отига (ТжРС, 116) 'жой' маъносини англатадиган *гоҳ* отини (ТжРС, 104) қўшиб тузилган; асли 'эшик олди' маъносини англатиб, ҳозирги ўзбек тилида 'яшайдиган, ишлайдиган макон' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 209).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРГУМОН Бу от тожикча 'шубҳа' маъносини англатадиган *гумон* отига (ТжРС,108) 'маълум ҳолатда бўлиш' маъносини ифодалайдиган *дар* олд кўмакчисини (ТжРС, 116) қўшиб ҳосил қилинган; 'шубҳа қилиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 209).

ДАРД Бу тожикча от кўп маъноли бўлиб, 'оғриқ', 'касаллик', 'қайғу' каби маъноларни англатади. Бу отдан ўзбек тилида *дардлаш-* феъли ҳосил қилинган; тожик тилидан шу от билан тузилган *дарди бедаво* изофа бирикмаси ҳам олинган (ЎТИЛ, I, 210).

ДАРДИ БЕДАВО қ. дард, бедаво

ДАРДИСАР Бу сифат тожик тилида *дард* (к.) ва 'бош' маъносини англатадиган *сар* отларидан тузилган *дарди сар* изофа бирикмасига тенг бўлиб, 'бош оғриғи' маъносини англатади (ТжРС,117); ўзбек тилида қўшиб ёзилади, 'ортикча ташвиш', 'дахмаза' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 210).

ДАРДЛАШ- қ. дард

ДАРДМАНД Бу сифат тожик тилида *дард* отига (к.) 'мавжуд' маъносини ифодалайдиган *-манд* қўшимчасини (ТжРС,542) қўшиб ҳосил қилинган; 'дарди бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 210).

ДАРДЧИЛ Бу сифат тожикча *дард* отига (к.) 'доимий хусусият' маъносини ифодалайдиган *-чил* қўшимчасини ("Ҳозирги ўзбек адабий тили", 1975, 155) қўшиб хосил қилиниб, 'хасталикка чалиниб юрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 210).

ДАРЙО Бу от ТжРСда *дарьё* тарзида (120), ЎТИЛда *дарё* тарзида ёзилган (I,210); 'катта оқар сув' маъносини англатади. Форс, тожик тилларида бу от 'денгиз' маъносини англатиш учун ишлатилади (ПРС, 216; ТжРС, 120).

ДАРЗ Бу тожикча от 'ёрик', 'ёрилган жой' маъносини англатиб (ТжРС, 117), ўзбек тилида асосан *дарз кет-* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 211).

ДАРИҒ ПРСда [*дариг*] шаклида келтирилиб, 'афсусланиш' (от) маъносини англатиши (216), ТжРСда эса *дарег* шаклида келтирилиб, 'афсус', 'аттанг' маъносини ифодалайдиган ундов деб таъкидланган (ТжРС,117). Ўзбек тилига бу ундов форс тилидаги шаклида олиниб, ЎТИЛда *дариғо* ундовига *айнан* деб изохланган (I, 211); асли *дариғо* ундовига *вой дарег* айнан.

ДАРИҒО Бу ундов тожик тилида афсусланиш туйғусини ифодалайдиган *дарег (дариг)* ундовига (к.) кучайтириш маъносини ифодалайдиган *-о* юкламасини қўшиб тузилган бўлиб, 'афсус-эй' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 211).

ДАРКОР Бу модал 'иш', 'машғулот', 'фаолият' каби маъноларни англатадиган тожикча *кор* оти (ТжРС, 192) олдига 'пайт' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодалайдиган *дар* олд кўмакчисини (ТжРС, 547) қўшиб тузилган бўлиб, 'керак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 211).

ДАРМАНА 'Тижжага қарши дори тайёрланадиган ўсимлик' маъносини англатиб (ЎТИЛ, I, 211), асли *дармон* отига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; биринчи ва учинчи бўғиндаги *и* товуши таъсирида иккинчи бўғиндаги *о(ô)* товуши *а* товушига алмашган.

ДАРМОН Бу от ПРСда [*дăрман*] шаклида келтирилиб, 'дори', 'даволаш' маъноларини англатиши (215), ТжРСда *дармон* шаклида келтирилиб, 'дори', 'куч', 'мадор' маъноларини англатиши (118), ЎТИЛда *дармон* шаклида келтирилиб, 'қувват', 'мадор', 'куч' маъноларини англатиши (I, 211) айтилган. Кўринадики, бу от ўзбек тилига тожик тилидан 'мадор' маъноси билан олинган. Бу отдан ўзбек тилида *дармонсизлик* оти, *дармонсизлан-* феъли ҳосил қилинган, *дармонга кир-, дармони қуриди* иборалари тузилган.

ДАРМОНСИЗЛАН- *қ.* дармон

ДАРМОНСИЗЛИК *қ.* дармон

ДАРОЗ Бу сифат ПРСда [*дераз*] шаклида келтирилиб, 'узун','узоқ муддатли' маъноларини (212), ТжРСда *дароз* шаклида келтирилиб, юқоридаги каби маъноларни англатиши (118) айтилган. Ўзбек тилига бу сифат тожик тилидаги шаклида олинган бўлиб, асосан 'кишининг бўйи меъёрдан узун' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 211).

ДАРОЙИ Узум навларидан бирининг номи бўлиб, 'пайдо бўл-' маъносини англатадиган тожикча *даромадан* феълининг *дарой* ҳозирги замон асосига (ПРС,212) *-и* қўшимчасини (ТжРС,542) қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак (ЎТИЛ, I, 211).

ДАРОМАД Бу от тожикча 'кир-' маъносини англатадиган *даромадан* феълининг ўтган замон асосига тенг бўлиб, 'бирор фаолият натижасида пайдо бўлган маблағ' маъносини англатади (ПРС, 212, ТжРС, 118; ЎТИЛ, I, 211). Бу от билан ўзбек тилида *даромад қил-* феъли ҳосил қилинган.

ДАРПАРДА Бу от тожик тилида 'эшик' маъносини англатадиган *дар* оти билан (ТжРС,116) 'тутуқ' маъносини англатадиган *парда* отидан (ТжРС, 298) тузилган бўлиб, дастлаб 'эшик тутуғи' маъносини англатиш учун ишлатилган; кейинчалик асосан 'деразага осиладиган безак ва тутуқ буюми' маъносини англатиш учун ишлатиладиган бўлган (ЎТИЛ, I, 212).

ДАРРА Бу от ПРСда [*дорре*] шаклида (216), ТжРСда *дарра* шаклида (119) келтирилиб, 'кишига жазо бериш мақсадида қайишни эшиб тайёрланадиган зарба бериш қуроли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212). Асли 'кўп карра уриб жазола-' маъносини англатадиган тожикча *дарридан* феълининг (ПРС,216) *дарр* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу от тарихан *дарра ур-* бирикмаси таркибида ишлатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРРАНДА Бу от ПРСда [*дäррäнде*] шаклида (215), ТжРСда *дарранда* шаклида келтирилган. Асли форс тилида [*дäр(р)идäн*] феълининг (216) *дäрр* ҳозирги замон асосига *-анда* ҳозирги замон сифатдоши қўшимчасини (ТжРС, 561) қўшиб ҳосил қилинган; *дäр(р)идäн* феъли 'йирт-', 'парчала-' маъносини англатади, шунга кўра *дарранда* оти 'йиртқич ҳайвон' маъносини англатиш учун ишлатилади (ТжРС, 119). Бу отнинг маъноси ЎТИЛда 'сутэмизувчи ҳайвон' деб ноаниқ таърифланган (I, 212).

ДАРРОВ Бу равиш тожикча 'жўна-', 'кет-' маъносини англатадиган *рафтан* феълининг (ТжРС,322) *рав* ҳозирги замон асоси олдига (ТжРС,317) 'пайт' маъносини ифодалайдиган *дар* олд кўмакчисини (ТжРС, 547) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, иккинчи бўғинидаги *а* товуши ўзидан кейин келган *в* товушининг таъсирида *о(â)* товушига алмаштирилган; 'шу онда', 'шу заҳоти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212).

ДАРСХОНА Бу от 'ўқув машғулоти' маъносини англатадиган арабча *дарс* отига (АРС,250) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'ўқув машғулоти ўтказиладиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212).

ДАРЧА Бу от ПРСда [*дäриче*] шаклида (216), ТжРСда *дарича* шаклида (118) келтирилган; ЎТИЛда эса *дарича* шаклида ҳам келтирилиб, изоҳ *дарча* мақоласида берилган (211, 212). Кўринадики, бу от 'эшик', 'дераза' маъносини англатадиган *дар[и]* отига (ТжРС, 116) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган ўзбекча *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'кичик дераза' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I. 212).

ДАРҒАЗАБ Бу сифат тожик тилида 'каттиқ аччиқланиш' маъносини англатадиган арабча *ғазаб* оти (АРС, 565) олдидан 'пайт' маъносини ифодалайдиган *дар* олд кўмакчисини (ТжРС, 547) қўшиб ҳосил қилинган; 'каттиқ аччиқланган ҳолатдаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212).

ДАРҲАҚИҚАТ Бу модал 'чин воқелик' маъносини англатадиган арабча *ҳақиқат* оти (АРС, 185) олдидан 'ҳолат' маъносини ифодалайдиган *дар* олд кўмакчисини (ТжРС, 547) қўшиб ҳосил қилинган; 'ҳақиқатан', 'чиндан ҳам' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 212).

ДАРҲОЛ Бу равиш 'маълум вақтда мавжуд вазият' маъносини англатадиган арабча *ҳол* оти (АРС,203) олдидан 'таъкид' маъносини ифодалайдиган *дар* олд кўмакчисини (ТжРС, 547) қўшиб ҳосил қилинган; 'ҳозироқ', 'дарров' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212).

ДАСТ Бу кўп маъноли тожикча от (ТжРС, 120) ўзбек тилида 'қўл' маъносини англатиш учун ишлатилиб (ЎТИЛ, I, 212), *дасти алиф-лом қилиб, гарданини ҳам қилиб* ибораси таркибида қатнашади.

ДАСТА I Бу от 'қўл' маъносини англатадиган тожикча *даст* отига (к.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'соп','тутқич'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212). Бу от билан ўзбек тилида *дастала-* феъли, *дасталик* оти ҳосил қилинган.

ДАСТА II Бу от 'қўл' маъносини англатадиган тожикча *даст* отига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'боғлам', 'туруҳ', 'сўкчакка бостириладиган шох-шабба' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 212). Бу от билан ўзбек тилида *дастала-* феъли ҳосил қилинган.

ДАСТАВВАЛ Бу равиш тожикча *даст* отига (қ.) 'олдин' маъносини англатадиган арабча *аввал* равишини (АРС, 50) қўшиб тузилган (ТжРС, 121); 'энг олдин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАСТАК Бу от тожик тилида *даст* отига (қ.) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС,543) қўшиб ҳосил қилинган; 'кичик тутқич', 'кичик бир асос' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАСТАЛА- *қ.* даста I, даста II

ДАСТАЛИК *қ.* даста I

ДАСТАРРА Бу от тожикча *даст* (қ.) ва *арра* (ТжРС, 30) отларини қўшиб тузилган: 'қўларра' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАСТГОҲ Бу от тожик тилида *даст* отига (қ.) 'ўрин', 'қурилма' маъносини англатадиган *гоҳ* отини (ТжРС, 122) қўшиб тузилган бўлиб (ТжРС, 104), 'косиб, тўқимачилар қурилмаси, дўкони' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАСТЙОР Бу от тожик тилида *даст* отига (қ.) 'ёрдамчи' маъносини англатадиган *йор* отини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 123), 'кўмаклашадиган ёш йигит-қиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213). Бу отдан ўзбек тилида *дастйорлик* оти ҳосил қилинган.

ДАСТЙОРЛИК *қ.* дастйор

ДАСТКАЛЛАК Бу от тожикча *даст* оти билан (қ.) 'дарахтнинг қирқиладиган тепа қисми, шох-шаббаси' маъносини англатадиган *каллак* отидан (ТжРС,176) тузилган бўлиб, 'дарахтнинг шох-шаббасини кесиш асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАСТЛАБ Бу равиш ўзбек тилида тожикча 'қўл', 'олдин' маъносини англатадиган *даст* отига (қ.) ўзбекча *-лаб* қўшимчасини ("Ҳозирги ўзбек адабий тили", 1975, 232) қўшиб ҳосил қилинган; 'энг аввал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213). Бу равишдан ўзбек тилида *дастлабги* сифати ҳосил қилинган.

ДАСТЛАБГИ *қ.* дастлаб

ДАСТМОЙА Бу от 'қўл', 'бирламчи' маъноларини англатадиган тожикча *даст* оти билан (қ.) 'асос', 'ўзак' каби маъноларни англатадиган *мойа (моя)* отидан (КрРС, 521) тузилган бўлиб, 'бирор фаолиятни бошлаш учун асос бўладиган маблағ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 213).

ДАСТПАНЖА Бу от асли тожикча 'қўлнинг кафт ва бармоқлардан иборат қисми' маъносини англатадиган *панжа* оти билан (ТжРС,279) *даст* отидан (қ.) тузилган тожикча *панжаи даст* изофа бирикмасининг ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилига ағдарилган шакли бўлиб, 'қўлнинг кафт ва беш бармоқдан иборат қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАСТРЎМОЛ Бу от ТжРСда *дастрў(й)мол* тарзида ёзилган, ўзбек тилига *й* товуши қатнашмайдиган шакли олинган; асли *даст* (қ.) ва *рўмол* отларидан тузилган; *рўмол* қисми ТжРСда *рўймол* шаклида ёзилган, 'бошга ўраладиган мато' маъносини англатиши айтилган; *рўмол* оти асли 'юз' маъносини англатадиган *рў(й)* оти билан (ТжРС,329) *мол* отидан (АРС, 774) тузилган бўлиб, олдин 'юзга ўраладиган мато' маъносини, кейин 'бошга ўраладиган мато' маъносини англатган; шунга кўра *дастрўмол* оти 'юз-кўзни, бурунни артиш учун ишлатиладиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАСТТЕША Бу от тожикча *даст* (қ.) ва 'тиғи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган чопиш, кесиш асбоби' маъносини англатадиган ўзбекча *теша* отидан (ЎТИЛ, I, 169) тузилган; 'қўл теша' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАСТУР Бу от тожик тилида *даст* отига (қ.) *-ур* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган, 'йўл-йўриқ', 'кўрсатма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАСТУРУЛАМАЛ Бу от тожикча *даст* (к.) ва арабча *ал* аниқлик артикли (АРС,39), 'иш', 'фаолият' маъносини англатадиган *амал* отидан (АРС,542) тузилган бўлиб, араб тили талаффуз қоидасига биноан *ал* артикли таркибидаги *а* товуши олдинги бўғиндаги *у* товуши таъсирида *у* товушига алмаштириб айтилади ва шундай ёзилади (ЎТИЛга бу от *дастуриламал* шаклида хато ёзиб киритилган). Бу от 'бирор фаолият учун кўрсатма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАСТАРХОН Бу от ПРСда [*дăстархан*] шаклида (218), ЎКААҚЛга *дасторхон* шаклида (183) киритилган: ТжРСда *дастурхон* шакли ҳам келтирилиб (123), *дастархон* шаклига ҳавола қилинган (122). ЎТИЛда *дастурхон* шаклида (I, 214) келтирилган. Ўзбек сўзлашув тилида бу от *дастирхон* тарзида ҳам айтилади. Манбаларни қиёслаш кўрсатадики, бу отни *дастархон* шаклида ёзиш тўғри. ПРСда келтирилган [*дăстарче*] отига (218) берилган 'кичик дастархон' изоҳидан аёнки, *дастур* оти асли 'устига истеъмол қилинадиган овқат қўйиладиган мато' маъносини англатади (*-ча* – кичрайтириш маъносини ифодалайдиган ўзбекча қўшимча). *Дастар* оти *даст* отига (қ.) *-ор* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'тузилган', 'тартиб топтирилган' маъносини англатган. *Дастархон* отининг *хон* қисми ПРСда *хван [хан]* тарзида ёзилиб, 'устига истеъмол қилинадиган овқат қўйиладиган мато' маъносини англатиши айтилган (199); ЎКААҚЛда ҳам шундай изоҳ берилиб, 'таом' маъносини ҳам англатиши айтилган (660). Охирги изоҳга кўра *дастархон* оти 'таом билан тўлдирилган махсус мато' маъносини англатиши аён бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАСТАРХОНЧИ Бу от *дастархон* отига (к.) ўзбек тилининг *-чи* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'тўй, маъракаларда дастархон тузаш ишлари билан шуғулланадиган аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214; ТжРС, 122). Бу отдан ўзбек тилида *дастархончилик* оти ҳосил қилинган.

ДАСТУРХОН *қ.* дастархон

ДАСТУРХОНЧИ *қ.* дастархончи

ДАСТХАТ Бу от тожикча *даст* оти билан (к.) 'ёзув', 'мактуб' маъносини англатадиган арабча *хат* отидан (АРС, 224) тузилган бўлиб, асли 'қўл билан ёзилган матн' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 214).

ДАСТШЎ Бу от тожикча *даст* отига (к.) 'юв-' маъносини англатадиган *шустан* феълининг *шў* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 462, 463) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юз-қўл ювишда ишлатиладиган сувнинг йиғилиши учун махсус ясалган металл идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215).

ДАФ Бу тожикча от 'чилдирмага ўхшаш музика асбоби' маъносини англатиб, ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди (ЎТИЛ, I, 214).

ДАХЛДОР Бу сифат 'муносабатда бўлиш' маъносини англатадиган арабча *дахл* отига (АРС, 147) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб тузилган; 'алоқаси бор', 'тегишли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215).

ДАХМА Бу тожикча от (ТжРС, 124) 'қабр устига қуриладиган ёдгорлик', 'мақбара' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215). Бу от асли *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган, лекин *дахм* қисмига изоҳ топилмади.

ДАХМАЗА Бу от 'ортиқча ташвиш, бош оғриғи' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 215). Бу от ТжРСга *дахмаса* шаклида *разг* таъкиди билан киритилган (124). Шунга суяниб *дахмаза* оти асли *дахма* отидан (к.) *-со* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилинган дейиш мумкин; унда бу от асли 'дахма қуришдек ортиқча ташвиш' маъносини англатиши аён бўлади. Ўзбек тилида бу тожикча отнинг учинчи бўғинидаги *о* товуши *а* товушига, *а* товушлари оралиғидаги *с* товуши *з* товушига алмаштирилган.

ДАШНОМ: *дашном бер-* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу от 'койиш', 'уялтириш' маъносини англатади. *Дашном* оти ПРСда [*дошнам*] тарзида (220), ТжРСда (124) ва ЎТИЛда (I, 215) *дашном* тарзида ёзилган; лекин бу отнинг таркибини изоҳлаш имкони бўлмади.

ДАЪВОГАР Бу от арабча *даъво* отига (АРС, 255) тожикча *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'даъво билан мурожаат қилган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 215). Бу отдан ўзбек тилида *даъвогарлик* оти, *даъволаш-* феъли ҳосил қилинган.

ДАҲА I Бу от тожикча 'ўн' маъносини англатадиган *даҳ* саноқ сонига (ТжРС, 124) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'шаҳар таркибига кирадиган маҳаллалар мажмуи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 216): *Ибн Сино даҳаси* каби.

ДАҲА II Бу от тожикча 'ўн' маъносини англатадиган *даҳ* санок сонига (ТжРС, 124) *-а* қўшимчасини (ТжРС,543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ипак куртининг уйқуга кириш палласи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 216). Ипак қуртининг биринчи, иккинчи, учинчи уйқуси *кичик даҳа,* тўртинчи, бешинчи уйқуси *катта даҳа* дейилади. Бу от билан *даҳага кир-* бирикмаси ҳосил қилинган.

ДАҲАН Бу от ПРСда [*дāһан*] ва [*дāһāн*] шаклларида келтирилган (231); ТжРСда ҳам икки шаклда келтирилиб, *даҳан* шаклидан *даҳон* шаклига ҳавола берилган (124, 125), ЎТИЛда *даҳан* шаклида келтирилиб, *с. т. айн. оғиз I* изоҳи берилган (I, 216). Кўринадики, *даҳон* шакли – асосий; лекин ўзбек тилига *даҳан* шаклида олинган. Ҳар уч луғатда бу от асосан 'оғиз' (нутқ аъзоси) маъносини англатиши айтилган.

ДАҲАНА Бу от тожикча *даҳан* отига (к.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'экинга катта арикдан сув олинадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 216).

ДАҲАНАКИ Бу сифат тожик тилида *даҳан* отига (к.) *-аки* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оғзаки', 'сўз билан' маъносини англатади; ўзбек тилида *даҳанаки жанг* бирикмаси таркибида ишлатилади; бу бирикма 'дўк, пўписа қилиш', 'айтишиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 216).

ДАҲСАР Оғирлик ўлчовини англатадиган бу от 'ўн' маъносини англатадиган тожикча *даҳ* санок сони билан (ТжРС, 124) 'оғирлик ўлчови' маъносини англатадиган *сер* (5 сер = 16 кг) отини (ТжРС, 353) қўшиб тузилган бўлиб, 'тўртдан бир ботмон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 216). ўзбек тилига *э(е)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган.

ДАҲЙАК Бу от тожикча 'ўн' маъносини англатадиган *даҳ* санок сонига (ТжРС, 124) 'бир' маъносини англатадиган *йак* сонини (ТжРС, 468) қўшиб тузилган бўлиб, 'ўндан бири' маъносини англатади; тарихан 'деҳқонлардан ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида олинадиган солиқ'ни билдиради (ЎТИЛ, I, 217). Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бу от тожик тилида асли *аз даҳи як* тарзида ажратиб ёзилган (ТжРС,124).

ДЕБОЧА Бу от тожик тилида 'нозик ва нафис нақшлар солиб тўқиладиган ипак мато' маъносини англатадиган *дибо* отининг (ТжРС, 128) *дебо* талаффуз шаклига (ЎҚААҚЛ, 187) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган ўзбекча *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 125), асли 'китобнинг ранг ва зарҳал билан зийнатланган бош саҳифаси' маъносини ва шундан ўсиб чиққан 'асарга ёзиладиган қиска нафис муқаддима' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 217).

ДЕВ Бу от ПРСда [*див*] шаклида чўзиқ *и* товуши билан (234), ТжРСда *дев* шаклида (125), ЎҚААҚЛда ҳам *дев* шаклида ёзилган (88); демак, ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилига тожик тилидаги шакли билан олинган бўлиб, 'жуда кучли, баҳайбат одам қиёфасида тасаввур қилинадиган хаёлий махлуқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 217).

ДЕВЗИРА Бу от тожикча *дев* отига (қ.) арабча 'эк-' маъносини англатадиган *зараъа* феълининг (АРС, 327) 'экин', 'ўсимлик' маъносини англатадиган *заръа* масдарининг (АРС, 328) *зира* шаклини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гурунчнинг йирик, сув кўтарадиган нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 218).

ДЕВКОР Бу сифат тожик тилида *дев* отига (қ.) 'иш', 'меҳнат' маъносини англатадиган *кор* отини (ТжРС, 192) қўшиб тузилган; 'чарчашни билмайдиган, ҳар қандай оғир ишни бажара оладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 218).

ДЕВКОРОНА Бу равиш тожикча *девкор* сифатига (қ.) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ниҳоятда тез' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 216).

ДЕВОНА Бу сифат ПРСда [*диване*] шаклида чўзиқ *и* товуши билан (234), ТжРСда *девона* шаклида (126), ЎТИЛда ҳам *девона* шаклида (I, 218) ёзилган; демак, ўзбек тилига тожик тили шаклида олинган; 'ақлдан озган', 'телба' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 218).

ДЕВПЕЧАК Бу от тожикча *дев* оти билан (қ.) 'чирмовиқ' маъносини англатадиган *печак I* отини (ЎТИЛ, I, 582) қўшиб ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'ўсимликка, дарахтга чирмашиб ўсадиган ёввойи ўт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 219).

ДЕВОР Бу от ПРСда [*дивар*] шаклида чўзиқ *и* товуши билан (234), ТжРСда *девор* ва *девол* шаклларида, кейингисини *разг.* таъкиди билан (126), ЎТИЛда *девор, девол* (I, 218), *довол* (I, 230) шаклларида, кейинги иккисини *с.т.* таъкиди билан келтирилган; демак, бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган; сўзлашув тилида биринчи бўғиндаги *э(е)* товуши *о* товушига алмаштирилган (*р* товушининг *л* товушига алмаштирилганини изоҳлаш қийин). Бу от 'иморатнинг тик ҳолдаги қисмлари', 'бирор майдонни ташқаридан ажратишга хизмат қиладиган тик ўрам' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 218).

ДЕВОР-ДАРМИЙОН Бу сифат ТжРСда *девордармиён* шаклида қўшиб ёзилган (126), ўзбек тилида нимагадир *девор* қисми кейинги қисмдан чизиқча билан ажратиб ёзилиб қолган. Асли *дармийон* қисми ўзбек тилида мустақил ишлатилмаслигини инобатга олиб қўшиб ёзиш тўғри. Бу сифат *девор* (к.), 'эшик', 'уй' маъносини англатадиган *дар* (ТжРС, 116) ва 'ора', 'ўрта' маъносини англатадиган *мийон* (ТжРС, 228) отларидан тузилган бўлиб, 'ўртадаги девор билан ажратилган', 'ён' маъносини англатади, *девордармиён қўшни* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 218).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕВОРИЙ Бу сифат тожикча *девор* отига (к.) *-ий* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *деворий газета* бирикмаси таркибида 'деворга осиладиган' маъноси билан қатнашади (ЎТИЛ, I, 219).

ДЕГРЕЗ Бу касб оти 'қозон' маъносини англатадиган тожикча *дег* отига (ТжРС,126) 'куй-' маъносини англатадиган *рехтан* феълининг *рез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 324) қўшиб тузилган бўлиб, 'чўяндан турли асбоблар ясовчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 219).

ДЕКЧА Бу от 'қозон' маъносини англатадиган тожикча *дег* отига (ТжРС, 126) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *г* товуши *к* товушига алмаштирилган; 'кичкина қозон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 220).

ДИД Бу от эроний тиллар тараққиётининг қадимги даврига мансуб туркум синкретизмининг ҳозирги тилга етиб келган вакили бўлиб, *дид(ан)* феълининг асоси билан товуш жиҳати бир хил. Бу от ПРСда [*дид*] шаклида чўзиқ *и* товуши билан (232), ТжРСда *дид* шаклида қисқа *и* товуши билан (128), ЎТИЛда ҳам шундай шаклда (223) ёзилган. ПРСда ва ТжРСда бу от асли 'кўриш', 'кўз билан кузатиш' маъносини англатиши таъкидланган; ЎТИЛда бу отга берилган 'гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти' маъноси кейинчалик пайдо бўлган, энг кейин 'фаҳм', 'идрок' маъноси юзага келган. Бу от билан ўзбек тилида *дид-фаросат* жуфт оти тузилган.

ДИЙДА Бу от ПРСда [*диде*] шаклида чўзиқ *и* товуши билан (233), ТжРСда *дида* шаклида қисқа *и* товуши билан (128), ЎҚААҚЛда *дийда* шаклида чўзиқ *и* товуши ўрнига *ий* товушлари билан (190) ёзилган, ЎТИЛга ҳам шу шаклда киритилган (I, 223). Кўринадики, форсча шакл асосида ўзбек тили тарихида *дийда* шаклида ёзиш пайдо бўлган ва бундай ёзиш ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланган. *Дийда* оти асли 'кўр-' маъносини англатадиган *дидан* феълининг *дид* асосига *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши бўлиб (ТжРС, 560), маъно тараққиёти йўли билан 'кўз' маъносини англатадиган от юзага келган. Бу от ўзбек тилида *дийдаси қаттиқ* ибораси таркибида ишлатилади.

ДИЙДАГИРЙОН Бу сифат *дийда* отига (к.) 'йиғлат-' маъносини англатадиган тожикча *гирьёнидан (гирйонидан)* феълининг 'йиғлоқи', 'фарёд чекиб йиғловчи' маъносини англатадиган *гирйон* асосини (ТжРС, 104) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мўл-кўл кўз ёши тўкаётган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 224).

ДИЙДОР Бу от ПРСда [*дидар*] шаклида чўзиқ *и* товуши билан (232), ТжРСда *дидор* шаклида қисқа *и* товуши билан (129), ЎҚААҚЛда *дийдор* шаклида *и* ўрнига *ий* ёзиб келтирилган (80); ҳозирги ўзбек тилига шу шаклида олинган. Бу от асли 'кўр-' маъносини англатадиган *дидан* феълининг *дид* асосига (ТжРС, 128) *-ор* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; бош маъноси 'учрашув' бўлиб (ПРС, 232), 'юз' маъноси

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин пайдо бўлган (ЎТИЛ, I, 224). Бу от ҳозирги ўзбек тилида *дийдор кўриш-, дийдорига тўй-* каби бирикмалар таркибида ишлатилади.

ДИЛ Бу от ПРСда [*дел*] шаклида (222), ТжРСда ва ЎТИЛда *дил* шаклида (129; I, 224) ёзилган; кўринадики, бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган. Кўп маъноли бу отнинг бош маъноси деб ҳар уч луғатда 'юрак' маъноси келтирилган, бошқа маънолар шу маънодан ўсиб чиққан.

ДИЛАФГОР Бу тожикча сифат *дил* отига (к.) 'шикастланган', 'яраланган' маъносини англатувчи *афгор* сифатини (ТжРС, 34) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дард-алам чекиб кўнгли вайрон бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 225). Бу сифат таркибидаги *афгор* қисми тожик сўзлашув тилида *абгор* шаклида ҳам айтилади (ТжРС, 15), *дилабгор* (ТжРС, 130). ЎТИЛда бу сифатнинг *дилабгор* шакли асосий деб келтирилгани ўринли бўлмаган.

ДИЛАФРУЗ Бу тожикча сифат *дил* отига (к.) 'ёрит-', 'куйдир-' маъносини англатадиган *афрўхтан* феълининг *афрўз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 35) қўшиб тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ў* товушини *у* товушига алмаштириб олинган. Бу сифат 'дилга ёруғлик бахш этувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 225). Бу сифат аёлларнинг атоқли оти сифатида ишлатилади.

ДИЛБАНД Бу тожикча сифат *дил* отига (к.) 'боғла-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб тузилган; 'ўзига мафтун этувчи', 'азиз' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 225).

ДИЛБАР Бу тожикча сифат *дил* отига (к.) 'ол-' маъносини англатадиган *бурдан* феълининг *бар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 85) қўшиб тузилган; 'кўнгилни ўзига муфтун этувчи', 'жозибали' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 225). Бу сифат аёлларнинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ДИЛГИР Бу сифат *дил* отига (к.) 'ғижимла-' маъносини англатадиган [*гирифтан*] феълининг (ПРС, 421, 5- маъно) *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 130); 'ғамгин', 'хафа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 225). Бу сифат билан ўзбек тилида *дилгирлик* оти ҳосил қилинган.

ДИЛДОР Бу сифат *дил* отига (к.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137) қўшиб ҳосил қилинган; 'ёқимли', 'гўзал' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 225). Бу сифат ўзбек тилида аёлларнинг атоқли оти сифатида ҳам ишлатилади.

ДИЛИКАПТАР Бу от асли тожикча *дили каптар* изофа бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилган; ўхшатишга асосланган бу от узум навларидан бирининг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 225). Бу изофа бирикмасининг иккинчи қисми асли *кабутар* товуш шаклига эга (ТжРС, 175).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЛКАШ Бу сифат *дил* отига (к.) 'торт-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дилни ўзига тортувчи', 'суҳбати ширин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 225).

ДИЛКУШО Ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган бу сифат *дил* отига (к.) 'оч-' маъносини англатадиган *кушодан* феълининг (ТжРС,198) *кушо* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дилни ўзига ром қиладиган' маъносини англатади (ТжРС, 197; ЎТИЛ, I, 225).

ДИЛНАВОЗ Бу сифат *дил* отига (к.) 'эркалат-' маъносини англатадиган *навохтан* феълининг *навоз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 253) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дилни яйратадиган', 'кўнгилни хушнуд қиладиган' маъносини англатади (ТжРС, 130; ЎТИЛ, I, 225).

ДИЛОВАР Бу сифат *дил* отига (к.) 'келтир-', 'бағишла-' маъносини англатадиган *овардан* феълининг *овар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 282) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қўрқмас', 'ботир' маъносини англатади (ТжРС, 131; ЎТИЛ, I, 225).

ДИЛОЗОР Бу сифат *дил* отига (к.) 'кўнгилни оғрит-' маъносини англатадиган *озурдан* феълининг *озор* ҳозирги замон асосини (ТжРС,284) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгилга озор берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 225). Бу сифатдан ўзбек тилида *дилозорлик* оти ҳосил қилинган.

ДИЛОРО Бу сифат *дил* отига (к.) 'беза-' маъносини англатадиган *оростан* феълининг *оро* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 288) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгилни хушнуд қиладиган киёфали' маъносини англатади (ТжРС, 131; ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛОРОМ Бу сифат *дил* отига (к.) 'осойишталик', 'роҳат', 'ҳузур' маъноларини англатадиган *ором* отини (ТжРС, 288; ЎТИЛ, I, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгилга осойишталик, роҳат бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226). Бу сифат аёлларнинг исми сифатида ишлатилади.

ДИЛПАЗИР Бу сифат *дил* отига (к.) 'кутиб ол-' маъносини англатадиган *пазируфтан* феълининг *пазир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 295) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'очиқ кўнгил билан кутиб оладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛПОРА Бу сифат *дил* отига (к.) 'парча', 'синиқ' маъноларини англатадиган *пора I* отини (ТжРС,310) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ғам-азобдан кўнгли вайрон бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛРАБО Бу сифат *дил* отига (к.) 'тортиб ол-', 'таслим қил-' маъносини англатадиган *рабудан* феълининг *рабо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 317) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгилни ўзига ром қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЛСИЙОҲЛИК Бу от асли ўзбекча *Дили сийоҳ* жумласига *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин бу жумла қисмлари қўшиб айтиладиган ва ёзиладиган бўлган; шундан кейин *дили* қисми охиридаги *-и* қўшимчаси айтилмайдиган ва ёзилмайдиган бўлган. Бу от таркибидаги тожикча *сийоҳ* сифати 'қора' маъносини англатади, шунга кўра бу от 'кўнгли ранжиш', 'хафа бўлиш' маъносини билдиради.

ДИЛСЎЗ Бу сифат *дил* отига (қ.) 'ён-', 'куй-' маъносини англатадиган *сўхтан* феълининг (ТжРС, 372) *сўз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 371) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ЎТИЛда 'дилни куйдирадиган (иш, гап)' маъносини англатиши айтилган (I, 226); ТжРСда эса бу сифат 'ҳамдардлик кўрсатадиган', 'ғамгин' маъноларини англатиши айтилган (131). Кўринадики, ўзбек адабиётида бу сифат аслига нисбатан бошқача маънони англатиш учун ишлатиб юборилган.

ДИЛТАНГ Бу сифат *дил* оти (қ.) ва 'сиқиқ' маъносини англатадиган *танг* сифати билан (ТжРС, 380) тузилган тожикча *Дилаш танг* жумласининг ўзбекчалаштирилган *Дили танг* шакли бўлиб, кейинчалик *-и* қўшимчаси айтилмай *дилтанг* шаклида қўшиб ёзиладиган бўлган. Бу сифат 'юраги сиқилган, ғоят хафа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226). Бу сифатдан ўзбек тилида *дилтанглик* оти ҳосил қилинган.

ДИЛТОРТАР Бу сифат тожикча *дил* оти (қ.) ва *торт-* феъли билан тузилган ўзбекча *дил[ни] торт-* бирикмасининг *-ар* қўшимчаси қўшилган сифатдош шакли бўлиб, қисмлари қўшиб ёзилади; 'кўнгилга хуш келадиган', 'кўнгилга яқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛХАСТА Бу сифат *дил* отига (қ.) 'жароҳатла-' маъносини англатадиган *хастан* феълининг *хаста* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС,420) қўшиб тузилган бўлиб, 'кўнгли вайрон бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226). Бу сифатдан ўзбек тилида *дилхасталик* оти ҳосил қилинган.

ДИЛХИРОЖ Бу сифат *дил* отига (қ.) 'олувчи' маъносини англатадиган *хирож* сифатини (ТжРС, 423) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек халқ куйларидан бирининг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛХОҲ Бу сифат *дил* отига (қ.) 'иста-' маъносини англатадиган *хостан* феълининг *хоҳ* ҳозирги замон асосини (ТжРС,427) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгил суйган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛХУН Бу сифат *дил* отига (қ.) 'қон' маъносини англатадиган *хун* отини (ТжРС,430) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кучли даражада хафа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛХУШ Бу сифат *дил* отига (қ.) 'яхши', 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифатини (ТжРС,432) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'кўнгли шод' маъносини англатади, одатда *дилхушлик қил-* феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 226).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИЛШИКАСТ(А) Бу сифат *дил* отига (к.) 'синдир-', 'жароҳатла-' маъносини англатадиган *шикастан* феълининг *шикаста* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС,456) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгли жароҳатланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226).

ДИЛШОД Бу сифат *дил* отига (к.) 'хурсанд' маъносини англатадиган *шод* сифатини (ТжРС,460) қўшиш билан ҳосил қилинган бўлиб, 'кўнгли хурсанд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 226). Бу сифат ўзбек тилида эркак ва аёл кишининг исми сифатида ишлатилади.

ДИМОҒ Бу от ПРСда [*дӓмаг*] шаклида келтирилиб, 'бурун', 'мия', 'танглай', 'кайфият' маъноларини (225), ТжРСда *димоғ* шаклида келтирилиб, 'бурун', 'кайфият' маъноларини англатиши (132), ЎТИЛда *димоғ* шаклида келтирилиб, 'бурун ва оғиз бўшлиқларининг тутaшган ери', 'кайфият', 'такаббурлик' маъноларини (I, 227) англатиши айтилган. Кўринадики, шаклан бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган; маъно жиҳатидан умумийлик кўчма маънода кўринади; лекин бош маъно ўзбек тилида бошқача изоҳланган; мисоллардан эса 'бурун' маъноси ҳам англашиб турибди. Бу от ўзбек тилида *димоғи куйган, димоғига қурт тушибди* каби бир неча иборалар таркибида қатнашади.

ДИМОҒДОР Бу сифат 'кибр-ҳаво' маъносини англатадиган *димоғ* отига (к.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС,136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кибр-ҳаволи', 'ўзини ўзгалардан катта тутадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 227).

ДИМОҒ-ФИРОҚ ҚИЛ- Бу феъл ўзбек тилида *димоғ* оти (к.) ва асли 'айрилиқ' маъносини, бу ерда эса 'инжиқлик, зарда' маъносини англатиб қатнашаётган арабча *фироқ* отидан (АРС, 593) тузилган жуфт отга *қил-* ёрдамчисини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зарда қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 227).

ДИНДОР Бу сифат 'илоҳий кучга эътиқод' маъносини англатадиган арабча *дин* отига (АРС,271) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'Оллоҳга ишонадиган, диний ақидаларга амал қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 227).

ДОД Бу от ПРСда [*дад*] шаклида келтирилиб, 'адолат', 'ҳақ', 'қасос', 'ёрдам сўраб қичқириш' маъноларини (206), ТжРСда *дод I* 'адолат '; 'ёрдам сўраб қичқириш' маъноларини (133), ЎТИЛда [*ф-т*] таъкиди билан '1 *унд.с.* Руҳий ёки жсмоний азобга чидай олмай қичқирилган қаттиқ товуш; бақириқ, фарёд. 2 *кўчма* Адолатсизлик ёки азоб-уқубатдан нолиб қилинган арз, шикоят, афғон' маъноларини (231) англатиши айтилган. Кўринадики, луғатларда *дод* ундови билан *дод* оти бир мақолада бирлаштириб берилган; маъно жиҳатидан умумийлик мавжуд эканига қарамай ундов билан отни луғатга мустақил киритиш тўғри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОЛОН Бу от асли 'эгилган' маъносини англатувчи *дол I 2* сифатидан (ТжРС,134) *-он* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган бўлиб, '(дарвозадан то ҳовлигача) усти ёпиқ кенг йўлак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 232). Изоҳли луғатда бу от *диал.* деб таъкидланган, лекин адабий тилда бу отга муқобил йўқ.

ДОЛЧИН Бу от асли *дорчин* шаклига эга бўлиб (ТжРС, 136), сўзлашув тилида *р* товуши *л* товушига алмаштирилган: *долчин* (ТжРС, 134); ўзбек тилига шундай талаффуз шаклида олинган; 'тропик ўсимликнинг доривор сифатида ишлатилувчи қуритилган пўстлоғи' маъносини англатадиган бу от (ЎТИЛ, I, 232) асли 'касалликни даволашда ишлатиладиган модда' маъносини англатадиган тожикча *дору* отига (ТжРС,136) 'ол-', 'йиғ-' маъносини англатадиган *чидан* феълининг *чин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) қўшиб ҳосил қилинган, иккинчи бўғиндаги *у* товуши айтилмагани оқибатида *дорчин* шакли ва ундан *долчин* шакли юзага келган.

ДОМАНГИР Бу сифат 'этак' маъносини англатадиган тожикча *доман* отига (ТжРС,134) 'ушла-', 'ёпиш-' маъносини англатадиган *гирифтан* феълининг *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102, 103) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, кўчма маъносида 'бирор фаолиятнинг амалга ошувини кимдандир кўрувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 233).

ДОНА Кўп маъноли бу тожикча от бош маъносида 'ўсимлик ҳосилининг (уруғининг) бир донаси' маъносини билдириб, 'бошоқли, дуккакли ўсимлик ҳосили' маъносини англатадиган *дон* отидан (ТжРС, 135) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган бўлиб, саноқ сон билан ишлатилганида *-та* қўшимчаси ифодалайдиган маънони ифодалайди: *бир дона* каби; такрорлаб *дона-дона* шаклида ишлатилганида 'ҳар бири алоҳида-алоҳида' маъносини англатади. Ўзбек тилида *дона* отидан *-лаб* қўшимчаси билан *доналаб* равиши ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 233).

ДОНАБАЙ Бу равиш ўзбек тилида тожикча *дона* отига (қ.) арабча 'савдо-сотиқ билан шуғулланди' маъносини англатувчи *баъа* феълининг (АРС, 95) 'нарх, ишҳақи бўйича келишув' маъносини англатадиган *бай* масдарини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'доналаб сотиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 73).

ДОНАДОР Бу сифат тожик тилида *дона* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида асосан 'уруғи кўп (мева)' маъносини (ТжРС, 135), ўзбек тилида эса 'доналари йирик', 'дона-дона' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 233).

ДОНГДОР Бу сифат 'довруқ' маъносини англатадиган ўзбекча *донг* отига (ЎТЭЛ,94) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) қўшиб ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'довруқ таратган', 'машҳур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 234).

ДОНИШМАНД Бу сифат 'бил-' маъносини англатадиган тожикча *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 135) *-иш* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилиниб, 'билим' маъносини англатадиган *дониш* отидан (ТжРС, 135) 'эга', 'молик' маъносини ифодалайдиган *-манд* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилинган; 'билимдон', 'юксак ақл-заковатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 234).

ДОНО Бу сифат 'бил-' маъносини англатадиган тожикча *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 135) *-о* қўшимчаси билан (ТжРС,543) ҳосил қилинган бўлиб, 'ақл-заковатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 234).

ДОР Бу от асли 'хода', 'тўсин' маъносини англатган (ПРС, 207: [*дар*] I 2); кейинчалик бу от 'устига кийим-кечакни буклаб ташлаб (осиб) қўйиладиган ингичка узун текис ёғоч' ва 'осиб қатл қилиш учун ходадан ясалган қурилма' маъноларини англатиш учун ишлатилган (ТжРС, 136; I, 234).

ДОРИ Бу тожикча от асли *дору* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 136), ўзбек тилига охиридаги *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; ҳар икки тилда бу от 'касални даволаш учун ишлатиладиган модда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 234). Бу от билан ўзбек тилида *дори-дармон* жуфт оти, *дорила-* феъли ҳосил қилинган.

ДОРИВОР Бу сифат тожикча *дору (→ дори)* отига (к.) 'хусусиятга эга' маъносини ифодалайдиган *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'дори сифатида ишлатиладиган модда' маъносини англатиб, кейинчалик 'овқатни хушхўр қилиш учун солинадиган зира, қалампир каби ўсимлик моддалари' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 136; ЎТИЛ, I, 234).

ДОРИГАР Бу от ўзбек тилида *дори* отига (к.) 'шуғулланувчи', 'тайёрловчи' маъносини ифодалайдиган *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дори тайёрловчи ' (фармацевт) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 234).

ДОРИХОНА Бу от *дору* (→ *дори*) отига (к.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дори тайёрланадиган, сотиладиган жой ' (аптека) маъносини англатади (ТжРС, 136; ЎТИЛ, I, 235).

ДОРПЕЧ Ҳозир деярли ишлатилмайдиган бу от 'устига кийим-кечак буклаб ташлаб (осиб) қўйиладиган ингичка узун текис ёғоч' маъносини англатадиган *дор* отига (к.) 'устини ёп-', 'ўра-' маъносини англатадиган *печидан* феълининг *печ* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 304) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дорга ташланган кийим-кечак устини ёпиш учун ишлатиладиган, одатда безакли мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 235).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУВАРАК Бу от 'икки' маъносини англатадиган тожикча *ду* саноқ сонига (ТжРС,137) 'марта' маъносини ифодалайдиган *бор I* нумеративининг *боре* (→ *бора*) шаклини (ТжРС,79) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иккиламчи' маъносини англатадиган *дубора* сифатига (ТжРС,I 38) *-(а)к* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'мевали дарахтнинг, токнинг бир ҳосил йилида иккинчи марта (кечикиб) ҳосил қилган меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 237). Ўзбек тилида *б* товуши *в* товушига, ундан кейин *о(â)* товуши *а* товушига алмаштирилган.

ДУГОНА Бу от 'икки' маъносини англатадиган тожикча *ду* саноқ сонига (ТжРС,I 37) *-(г)она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аёлнинг ўртоғи, яқин кишиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 237).

ДУГОҲ Бу от "Шашмақом" таркибига кирувчи мақомлардан бирининг номи бўлиб, 'икки' маъносини англатадиган тожикча *ду* саноқ сонига (ТжРС,137) 'ўрин', 'йўл' маъносини англатадиган *гоҳ* отини (ТжРС, I04) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 138; ЎТИЛ, I, 237).

ДУД 'Тутун' маъносини англатадиган бу тожикча от таркибидаги *у* товуши асли чўзиқ (*ӯ*) бўлиб (ПРС, 228), ўзбек тилида чўзиқлик белгисини йўқотган (ЎТИЛ, I, 237).

ДУДАМА Бу сифат 'икки' маъносини англатадиган тожикча *ду* саноқ сонига (ТжРС, 137) 'тиғ' маъносини англатадиган тожикча *дам III* отини (ТжРС, 114) қўшиб тузилган *ду дам* бирикмасига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'икки ён томонида тиғи бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 237).

ДУҚ 'Чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борувчи қисми' маъносини англатадиган бу от (ЎТИЛ, I, 237) ПРСда [*дук*] шаклида келтирилган (230); ТжРСда эса *дук* шаклидан *дуг* шаклига ҳавола берилган, асосий деб *дуг* шакли таъкидланган (139, 138). ТжРСда *дуги ҷайра* бирикмасининг "игла дикобраза" деб таржима қилинишидан маълум бўладики, *дук* отининг маъно таърифида 'учи ингичка тайёқча' изоҳи берилиши лозим. Ўзбек тилида *дуг* шакли эмас, *дук* шакли асосий дейилганидан бу от форс тилидан олинганлиги аён бўлади.

ДУМБА Бу от ЎТИЛга шундай шаклда [*ф-т*] таъкиди билан киритилиб, маъноси 'қўйнинг кет томонида, сон билан бел орасида ўсган ёғ қисми', 'одам танасининг сон билан бел орасидаги юмшоқ орқа қисми' деб таърифланган (I, 238). ТжРСда *думба* шаклидан *дунба* шаклига ҳавола қилиниб, изоҳлар ўша ерда берилган (139). ПРСда бу от араб ҳарфлари билан терилганда *н* ҳарфи билан, кирилл ҳарфлари билан терилганда эса м ҳарфи билан ёзилган. Демак, бу отнинг асл товуш таркиби *дунба (дунбе)* бўлиб, *б* товуши таъсирида унинг олдидаги *н* товуши *м* товушига алмашган. *Думба* оти билан ўзбек тилида *думба-жигар* жуфт оти тузилган бўлиб, 'думба ёғи ва жигардан тайёрланган овқат' маъносини англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУМБАДОР Бу сифат *думба* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'думбаси меъёрдан катта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 238).

ДУМБУЛ Бу сифат ТжРСга шу шаклидан *дунбул* шаклига ҳавола билан киритилган, маъноси 'пишган', 'етилган' деб изоҳланган (139). ЎТИЛга *думбул* шаклида киритилиб, маъноси 'етилиб пишмаган' деб изоҳланган (I, 236). Товуш таркибида *н* товуши *м* товушига алмашгани тўғри; лекин икки луғатда маъноси жиддий фарқ билан изоҳлангани ажабланарли. Бу сифатга ЎТИЛда берилган маъно таърифини тўғри дейиш лозим.

ДУМДОР Бу сифат *дум* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'думи меъёрдан узун ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 236).

ДУРАДГОР Бу от ТжРСга *дуредгар* ва *дурезгар* шаклларида киритилиб, биринчи шакли асосий деб белгиланган (141); ўзбек тилига *э(е)* товуши *а* товушига, *а* товуши *о(â)* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, I, 240). Ҳар икки тилда айни бир маънони – 'ёғоч устаси ' маъносини англатади.

ДУРАЙА қ. дурўйа

ДУРАФШОН Бу сифат 'инжу', 'гавҳар' маъносини англатадиган *дур II* отига (ТжРС,140) 'соч-' маъносини англатадиган *афшондан* феълининг *афшон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 35) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида 'сўзлашга чечан ' маъносини (ТжРС,140), ўзбек тилида эса 'дурдек ялтираб турадиган' маъносини (ЎТИЛ,I,240), демак, бошқа-бошқа маъноларни англатади.

ДУРБИН Асли 'узоқ ' маъносини англатадиган *дур I* сифатига (ТжРС, 140) 'кўр-' маъносини англатадиган *дидан* феълининг (ТжРС,128) *бин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 71) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'узоқни кўрадиган' маъносини англатади (ТжРС, 140: *дурбин II*); шу маъно асосида 'узоқни яқин ва йирик қилиб кўрсатадиган асбоб' маъносини англатадиган от юзага келган (ТжРС, 140: *дурбин I*); ўзбек тилига от маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 240).

ДУРДА Бу от 'қуйқа' маъносини англатадиган тожикча *дурд* отига (ТжРС, 140) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чўкинди', 'қумоқ-қумоқ қисм' маъносини англатади (ТжРС, 140; ЎТИЛ, I, 240).

ДУР-ДАРОЗ ТжРСга *дуру дароз* шаклида (140) киритиган бу сифат 'узоқ' маъносини англатадиган *дур* сифатини (ТжРС, 140) *-у* боғламаси орқали 'узун' маъносини англатадиган *дароз* сифатига (ТжРС, 116)

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуфтлаб ҳосил қилинган бўлиб, 'меъёрдан ортиқ вақт чўзилган' (ТжРС, 140), 'узундан узун, чўзиқ ' (ЎТИЛ, I, 240) маъносини англатади.

ДУРЎЙА Бу от 'икки' маъносини англатадиган тожикча *ду* саноқ сони (ТжРС, 137) ва 'бет (юз)' маъносини англатадиган *рӯ* отининг (ТжРС, 329) *рӯй* шакли билан (ТжРС, 331) тузилган *ду рӯй* бирикмасига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'икки томони бир хил килиб тўқилган мато ' маъносини англатади (ТжРС, 141; ЎТИЛ, I, 241). Бу сифат билан тожик тилида 'иккиюзламачи' маъноси ҳам англатилади. Ўзбек сўзлашув тилида бу тожикча отнинг иккинчи бўғинидаги *ӯ* товуши *а* товушига алмаштириб айтилади.

ДУТОР Бу от 'икки' маъносини англатадиган тожикча *ду* саноқ сони (ТжРС, 137) ва 'чолғу асбобининг чертиб тебратиладиган махсус ипи' (струна) маъносини англатадиган *тор* отидан тузилган *ду тор* бирикмасининг яхлитланиши билан ҳосил қилинган бўлиб, 'дастаси узун, икки торли, чертиб чалинадиган чолғу асбоби ' маъносини англатади (ТжРС, 142; ЎТИЛ, I, 241).

ДУЧОР: Бу от *дучор бўл-, дучор қил-* феъллари таркибида қатнашиб, 'йўлиқиш' маъносини англатади; асли 'юзма-юз' маъносини англатадиган *дуч* равишидан (ЎТИЛ, I, 241) *-ор* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган.

ДУШАНБА Бу от асли *душанбе* шаклига эга бўлиб (ТжРС, 142), 'икки' маъносини англатадиган *ду* саноқ сони (ТжРС, 137) ва 'жумадан кейинги кун' маъносини билдирадиган *шанбе* отидан (ТжРС, 451) иборат *ду шанбе* бирикмасига тенг бўлиб, кейинчалик яхлитланган. Илгари жумадан (дам олиш кунидан) кейинги учинчи куннинг номи эди, ҳозир якшанбадан (дам олиш кунидан) кейинги биринчи куннинг номи сифатида ишлатилади.

ДУШВОР Бу сифат асли кўчма маъносида 'тортиб ол-' маъносини англатадиган *душидан* феълининг (ПРС, 230; қ. *духтан* – ПРС, 239) *душ* ҳозирги замон асосига (ПРС, 230) 'эга' маъносини ифодалайдиган *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қийин', 'мушкул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 241).

ДЎЗАХ Бу от асли [*дузах*] шаклига эга бўлиб, 'бадахлоқлик', 'бузғунчилик' маъносини англатган (ПРС,229); шу маънодан 'нариги дунёда гуноҳкор бандалар абадий азобланадиган жой', 'жаҳаннам' маъноси ўсиб чиққан (ПРС, 229; ЎТИЛ, I, 241). Бу от тожик тилида *дӯзах* товуш таркибига эга (ТжРС, 143), ўзбек тилига шу шакли олинган.

ДЎЗАХИ Бу сифат *дӯзах* отига (қ.) *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бу дунёда қилган гуноҳлари туфайли дўзахга тушадиган (киши)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 242).

ДЎКОНДОР Бу от 'савдо шохобчаси', 'магазинча' маъносини англатадиган арабча *дуккон* отига (АРС,259) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига *у* товушини *ў* товушига алмаштириб, *кк* товушларидан бирини ташлаб олинган; 'ҳусусий савдо шахобчасига эга киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 244).

ДЎЛ Бу от асли [*дул*] шаклига эга бўлиб, 'идиш (халта, қоп каби)' маъносини англатган, маънода хосланиш (торайиш) йўли билан 'унга айлантириладиган дон солинадиган, тепаси кенг, пасти тор идиш ' маъносини англатишга хизмат қилдирилган (ПРС, 230). Тожик тилида бу от таркибидаги *у* товуши *ў* товушига алмаштирилган ва шу шаклида ўзбек тилига олинган (ТжРС, 143; ЎТИЛ, I, 242).

ДЎЛАНА Бу тожикча от асли *дӯлона* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 143), ўзбек тилида *о* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'юмалоқ муз шаклидаги ёғин' маъносини англатадиган *дўл* отига (ТжРС, 143; ЎТИЛ, I, 242) 'ўхшаш' маъносини ифодалайдиган *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тоғ ёнбағрида ёввойи тарзда ўсадиган бута дарахтининг сариқ-қизғиш рангли дўлга ўхшаш юмалоқ меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 243).

ДЎСТОНА Бу сифат ПРСда [*дустане*] шаклида (229), ТжРСда *дӯстона* шаклида (ТжРС, 144) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган: 'аҳиллик, тотувлик муносабати билан боғланган' маъносини англатувчи *дӯст* сифатига (ТжРС, 143) 'ўхшаш' маъносини ифодалайдиган *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'дўст каби', 'дўстлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 244).

Ж

ЖАВДАР(И) Бу от ПРСда [*джоудӓр*] ва [*джоудӓре*] шаклларида келтирилиб, 'ёввойи қора буғдой' деб изоҳланган (156); ТжРСда *ҷавдор* шаклида келтирилиб, 'қора буғдой (рожь)' деб изоҳланган (509); демак, бу от ўзбек тилига тожикча шаклидаги *о* товушига *а* товушига алмаштириб олинган; 'маҳаллий буғдой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 268).

ЖАВДАРИ Бу сифат ўзбек тилига форсча [*джоудӓре*] сифати (ПРС, 156) таркибидаги *оу* товушини *в* товушига, *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган бўлиб, 'маҳаллий' (дон, ҳайвон кабилар) маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАВОБГАР Бу сифат арабча *жавоб* отига (АРС, 147) тожикча *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 510), 'масъул', 'зиммасига масъулият юкланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 259).

ЖАНГАРИ Бу сифат 'уруш', 'кураш' маъносини англатадиган тожикча *жанг (ҷанг)* отига (ТжРС, 512) 'олиб бор-', 'амалга ошир-' маъносини англатадиган *овардан* феълининг *ор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 282 ,287) қўшиб тузилган *жангор* сифатига *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги *о* товуши *а*

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушига алмаштирилган; 'урушқоқ', 'жанжалкаш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 272). Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *ар* олдига *г* товуши қўшилгани (*жанг + гар + и* каби) ортиқча, чунки бу сифат ТжРСга *ҷангара* шаклида киритилган (512).

ЖАНГОВАР Бу сифат 'уруш', 'кураш' маъносини англатадиган тожикча *жанг (ҷанг)* отига (ТжРС,512) 'олиб бор-', 'амалга ошир-' маъносини англатадиган *овардан* феълининг *овар* ҳозирги замон асосини (ТжРС,282) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жангда, курашда чиниққан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 272).

ЖАНГЧИ Бу от ўзбек тилида тожикча 'уруш' маъносини англатадиган *жанг (ҷанг)* отига *-чи* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жанг қатнашчиси', 'оддий аскар' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 272).

ЖАФОКАШ Бу сифат 'азоб-уқубат, эзилиш' маъносини англатадиган арабча *жафо* отига (АРС, 132) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 514), 'жафо чеккан, эзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАФОКОР Бу сифат 'азоб-уқубат, эзилиш' маъносини англатадиган арабча *жафо* отига (АРС, 132) 'қил-' маъносини ифодалайдиган *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 514.), 'жафо қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 275).

ЖАҲОНГАШТА Бу сифат 'дунё', 'ер юзи' маъносини англатадиган тожикча *жаҳон* оти билан (ТжРС, 514) 'кез-', 'айлан-' маъносини англатадиган тожикча *гаштан* феълининг *гашт* ўтган замон асосига (ТжРС, I00) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 560) қўшиб ҳосил қилинган *гашта* равишдош шаклидан таркиб топган бўлиб, 'кўп ерларга саёҳат қилган', 'кўп ерларга борган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖАҲОНГИР Бу сифат 'дунё', 'ер юзи' маъносини англатадиган тожикча *жаҳон (ҷаҳон)* отига (ТжРС, 514) 'ўзиники қил-', 'забт эт-' маъносини англатадиган *гирифтан* феълининг *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 103, 102) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жаҳонни забт этган (забт этувчи)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 270).

ЖИГАРБАНД Бу от 'ўт (сафро) ишлаб чиқарадиган аъзо' маъносини англатадиган тожикча *жигар (ҷигар)* отига (ТжРС, 514) 'боғла-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС,44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'энг яқин туғишган қариндош' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 277).

ЖИНОЙАТКОРОНА Бу равиш 'қонун-қоидага зид, жазога лойиқ хатти-ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *жиноят* отига (АРС, 144) 'қил-' маъносини ифодалайдиган *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган *жинойаткор* сифатига *-она* қўшимчасини (ТжРС, 516)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 516); 'жиноий тарзда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 282).

ЖИҒА Бу от ПРСда [*джеғе*] шаклида (151), ТжРСда *ҷега* шаклида (514) келтирилиб, 'бош кийимига тақиладиган безак' деб изоҳланган; ўзбек тилига тожик тилидан *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'никоҳ тўйида куёвнинг, суннат тўйида қўли ҳалолланадиган боланинг бош кийимига тақиладиган укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 283).

ЖОДУГАР Бу от тожик тилида 'сеҳр' маъносини англатадиган *ҷоду* отига (ТжРС, 517) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'сеҳрлаш қобилиятига эга киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 284).

ЖОЙ Бу от ПРСда [*джа*] ва [*джай*] шаклларида (143), ТжРСда *ҷой* шаклидан *ҷо* шаклига ҳавола билан (517, 516) келтирилган; ўзбек тилига *жой* шаклида олинган бўлиб, 'ишғол қилинадиган юза' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 284). Бу от билан ўзбек тилида *жойла-* феъли ясалган.

ЖОЙНАМОЗ Бу от тожикча *ҷой* (қ.) ва 'муслимларнинг кунига беш маҳал бажарадиган ибодати' маъносини англатадиган *намоз* отидан (ТжРС, 454) тузилган бўлиб, 'намоз ўқишда оёқ остига тўшаладиган махсус мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 286).

ЖОМ Бу от асли 'мис' маъносини англатган бўлиб (*жом тос* каби), кейинчалик авваллари 'мисдан ясалган идиш' маъносини, сўнгра 'катта ҳажмли қадаҳ' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 286).

ЖОМАШОВ Бу от 'кийим' маъносини англатадиган тожикча *жома* отига (ТжРС, 286) ' юв-' маъносини англатадиган *шустан* феълининг *шӯ* ҳозирги замон асосини қўшиб тузилиб, форс тили луғатида *ш* ва *вов* арабча ҳарфлар [*шоу*] тарзида ёзилган бўлиб (315), ўзбек тилида *шов* деб ўқилиб, шундай ёзилиб қолган; 'кир ювиладиган сопол тоғора' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 286).

ЖОНАЖОН Бу сифат 'барҳаётликни таъминловчи омил' маъносини англатадиган *жон (ҷон)* отининг (ТжРС,517) *о* боғламаси билан такрорланган шакли бўлиб, ўзбек тилида *о* боғламаси *а* товушига алмаштирилган; 'энг қадрдон' маъносини англатади (ЎТИЛ,I, 288).

ЖОНЗОТ Бу от охиридаги *т* ҳарфи (товуши) ЎТИЛда хато равишда *д* ҳарфи билан ёзилган (I, 288); асли тожикча *жон* отига 'жинс', 'нав' маъносини англатадиган *зот* отини (ТжРС, 157) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 518), 'тирик жон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 288).

ЖОНИВОР Бу от ПРСда [*джанвăр*] шаклида келтирилган (146); ТжРСга *ҷонавар, ҷонвар* шаклларида киритилиб, асосий шакл деб иккинчиси таъкидланган (518). Демак, *и* товушини киритма товуш дейиш мумкин. Асли *жон* отига 'эга' маъносини ифодалайдиган *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бу отнинг қўшимча

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисми ПРСда ҳам, ТжРСда ҳам *-вар* тарзида, ЎТИЛда *-вор* тарзида аслига мувофиқ ёзилган; *и* товуши эса ноўрин қўшилган (ЎТИЛ, I, 288).

ЖОНКУЙАР Бу сифат ўзбек тилида тожикча *жон* оти ва ўзбекча *куй-* феъли билан тузилган *Жони куйди* ибораси асосида замон ва тусловчи қўшимчаларни сифатдош қўшимчасига алмаштириб, *-и* қўшимчасини ташлаб ҳосил қилинган; 'куйиб-пишиб ишлайдиган', 'ғамхўрлик кўрсатадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 288).

ЖОНОН Бу сифат тожик тилида *жон* отига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ёқимли', 'барно', 'гўзал' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 289).

ЖОНОНА Бу от тожик тилида *жонон* сифатига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'севимли аёл' маъносини англатади (ТжРС, 518; ЎТИЛ, I, 289).

ЖОНСАРАК Бу сифат ЎТИЛда [*ф-т*] деб (I, 289), ТжРСда эса *разг.* деб (518) таъкидланган. ТжРСда *сарак* оти 'бошоқ' маъносини англатиши айтилган; демак, 'бош' маъносини англатадиган тожикча *сар* отига (ТжРС, 341) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Аён бўладики, *жонсарак* сифати таркибида тожикча *сарак* ('кичкина бош ') оти эмас, балки ўзбекча *сарак-сарак* такрорининг бир қисми қўшилган бўлиб, 'безовта', 'саросимага тушган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 289).

ЖОН -У ДИЛИМ БИЛАН *қ.* бажонидил

ЖУВОЛДИЗ Бу от 'қоп' маъносини англатадиган тожикча *жувол (ҷувол)* отига (ТжРС,519) 'тик-' маъносини англатадиган *дӯхтан* феълининг *дӯз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 144) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 519); ўзбек тилига *ӯ* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'қоп, тюк тикишда ишлатиладиган йўғон эгик игна' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 290).

ЖУВОН Бу от ТжРСга *жувон* шаклида киритилиб, сўзлашув тилига хос дейинган (519) ва *жавон* шаклига (5I0) ҳавола берилган; демак, ўзбек тилига тожикча сўзлашув тили шакли олинган. ТжРСда бу бирликнинг маъноси сифат тарзида 'ёш' деб ва от тарзида 'йигитча ' деб изоҳланган, *жавондухтар* оти 'ёш қиз'ни, *жавонзан* оти 'ёш хотин'ни англатиши айтилган (5I0). Ўзбек тилида *жувон* оти ўзгача маънони – 'эрга теккан, қизлик иффатини йўқотган ёш аёл' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 290).

ЖУВОНМАРГ Бу бирлик ПРСга [*джäванмäрг*] шаклида (156), ТжРСга *ҷавон(и)марг* шаклида (5I0), ЎТИЛга эса *жувонмарг* шаклида киритилган (I, 290); демак, ўзбек тилига форс тилидаги шаклнинг биринчи бўғиндаги *а* товушини *у* товушига алмаштириб олинган. Бу бирлик 'ёш' маъносини англатадиган *жувон* оти билан (қ.) 'ўлим' маъносини англатадиган *марг* отидан таркиб топган бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ёшлигида вафот этган' маъносини англатади. Катта ёшдаги аёллар нутқида бу бирлик *жувоннимак бўлгур* карғиш феъли таркибида ишлатилади; бу ерда *н* товушидан кейин *ни* товушлари киритилади, *р* товуши айтилмайди, охиридаги *г* товуши *к* товушига алмашади.

ЖУНБИШ: *жунбишга кел-* бирикмаси таркибида қатнашадиган бу от 'ҳаракатлан-', 'силкин-' маъносини англатадиган тожикча *ҷунбидан* феълининг (ТжРС, 520) *ҷунб* ҳозирги замон асосига ("Форс тили"-71, 307) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 520), 'мавж', 'тўлқин ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 291).

ЖЎР Асли 'мос', 'уйғун' маъносини англатадиган бу тожикча сифат (ТжРС, 521) ўзбек тилида *жўр бўл-* феъли таркибида қатнашиб, 'уйғун ҳолда қўшилиб куйла-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎРА Бу от тожикча *ҷўр* сифатига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яқин ўртоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎРАБОШИ Бу от асли ўзбек тилида тожикча *жўра* оти (қ.) ва ўзбекча *боши* отидан тузилган бирикма бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзиладиган бўлган; 'гап-гаштак қатнашчиларининг бошлиғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎХОРИЗОР Бу от ўзбекча 'сўтали ва бошоқли ғалла ўсимлиги' маъносини англатадиган *жўхори* отига ўзбек тилида тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жўхори экилган ер' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎХОРИПОЙА Бу от 'сўтали ва бошоқли ғалла ўсимлиги' маъносини англатадиган ўзбекча *жўхори* оти ва тожикча *поя* отидан (қ.) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'жўхори ўсимлигининг дони олинган ер усти қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ,I, 293).

ЖЎШ: *жўш ур-* ибораси таркибида қатнашадиган бу тожикча бирлик асли 'қайна-' маъносини англатадиган *ҷўшидан* феълининг ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 521), 'тўлқинланиш', 'мавжланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎШ- Бу феъл ўзбек тилида тожикча *ҷўшидан* феълининг *ҷўш* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 521) ўсиб чиққан бўлиб, 'жўш ур-', 'кучли даражада тўлқинлан-', 'мавждан-' маъносини англатади (ЎТИЛ,I, 293).

ЖЎШҚИН Бу сифат асли тожикча *ҷўшидан* феълининг *ҷўш* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 521) ўсиб чиққан ўзбекча *жўш-* феълига (қ.) ўзбекча *-қин* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жўш урган', 'кучли даражада тўлқинланган', 'мавжланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎЙАК Бу от 'ариқ' маъносини англатадиган тожикча *ҷўй* отига (ТжРС, 521) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'экинни суғориш учун пушта олиб очиладиган ариқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎЙАЛИ Бу сифат 'қидириб топ-' маъносини англатадиган тожикча *қустан* феълининг *қўй* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 520, 521) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалиб, 'ўрин', 'асос' маъносини англатадиган *жўйа* отига ўзбекча *-ли* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўринли', 'маъқул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

ЖЎЙАСИЗ Бу сифат 'қидириб топ-' маъносини англатадиган тожикча *қустан* феълининг *қўй* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 520, 521) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалиб, 'ўрин', 'асос' маъносини англатадиган *жўйа* отига ўзбекча *-сиз* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ноўрин', 'номаъқул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 293).

З

ЗАБАР Бу тожикча сифат асли 'тепа', 'юқори' маъносини англатиб, 'арабча қисқа *а* товушини кўрсатиш учун ҳарф устига бироз ётиқ ҳолда ёзиладиган чизиқча'ни билдиради; араб тилида бу чизиқча *фатҳа* дейилади (ТжРС, 147; АРС, 580; ЎТИЛ, I, 294).

ЗАБАРДАСТ Бу сифат тожик тилида 'устун', 'юқори' маъносини англатадиган *забар* сифати билан (қ.) 'қўл' маъносини англатадиган *даст* отидан (ТжРС, 120) тузилган бўлиб, асли 'қўли юкори', 'устунликка эга' маъносини англатган; кейинчалик 'энг кучли' маъносини англатиш учун ишлатилган (ТжРС, 147; ЎТИЛ, I, 294).

ЗАДА: *зада бўл-* феъли таркибида қатнашади. Асли 'ур-' маъносини англатадиган тожикча *задан* феълининг (ТжРС,148) *зад* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, аввал 'урилиш' маъносини англатиб, кейинчалик 'безиш' маъносини англатадиган бўлган (ЎТИЛ, I, 295).

ЗАМБИЛ Бу от асли 'ур-', 'сол-' маъносини англатадиган тожикча *задан* феълининг *зан* ҳозирги замон асоси билан (ТжРС, 148, 149) 'ер', 'тупроқ' маъносини англатадиган *бар* отидан (ТжРС, 43) тузилган бўлиб, 'тупроқ ташиш асбоби' маъносини англатади (ПРС, 261; ТжРС, 150). Бу отнинг биринчи бўғини охирида *н* ўрнига *м* айтиладиган шакли мавжуд эканлиги ТжРсда акс эттирилган (150). Асли *б* товуши таъсирида *н* товуши *м* товушига алмашган; шундан кейин *бар* таркибидаги *а* товуши *и* товушига, сўнгра *р* товуши *л* товушига алмашган.

ЗАМБИЛҒАЛТАК Бу от асли тожикча *занбар* отининг (ТжРС, 150) ўзбек тилида товуш ўзгаришлари билан юзага келган *замбил* шакли (к.) ва асли 'ип, сим ўраладиган буюм' маъносини англатиб, кейинчалик 'ғилдирак' маъносини ҳам англатиш учун ишлатилган *ғалтак* отидан (ТжРС, 476) тузилган бўлиб, 'ғалтакли замбил ' (тачка) маъносини англатади (ТжРС, 150; ЎТИЛ, I, 296).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАНГОРИ Бу сифат 'металл сиртида ҳосил бўладиган оксид қатлами' маъносини англатадиган тожикча *занг* отидан (ТжРС, 150) *-ор* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган *зангор* отига (ПРС, 252: [*зăнгар*]) I. 1) ярьмедянка; 2) ржавчина) *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тўқ қизил' маъносини англатади (ТжРС, 150); ЎТИЛда 'яшил билан кўк ўртасидаги рангга эга бўлган; ҳаворанг, мовий' деб изоҳлангани ўринли бўлмаган (I, 298).

ЗАНЖИР ТжРСга киритилган *занжила* отини *занжир* оти билан (150) қиёслаш кўрсатадики, бу отлар таркибидаги *-ла, -р* қисмлари асли қўшимча бўлиб, *-ла* қўшимчаси билан кичрайтириш маъноси (ТжРСда *занчила* – "цепочка"), *-р* қўшимчаси билан 'йирик' маъноси ифодаланган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб 'металл ҳалқалар' маъноси асли *занжи* оти билан англатилган, *занжир* оти 'йирик металл ҳалқалар' маъносини англатган дейиш мумкин. Ўзбек тили тарихида *занжир* отидан *занжирла-* феъли ясалган бўлиб, 'эшик, дарвозани занжир билан беркит-' маъносини англатган.

ЗАНЖИРБАНД Бу сифат тожикча *занжир* отига (қ.) 'боғла-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг (ТжРС,5I) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'занжир билан боғланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 298).

ЗАНЖИРЛА- қ. занжир

ЗАНҒАР Бу сўкиш оти 'хотин' маъносини англатадиган тожикча *зан* оти билан (ТжРС, 149) 'енгил табиат', 'бузуқ' маъносини англатадиган *ғар* сифатидан (ТжРС, 477) тузилган бўлиб, 'бузуқ аёл' маъносини англатади. Бу сифат маъносининг ЎТИЛда 'баччағар', 'лаънати ' деб изоҳлангани ўринли бўлмаган (I, 298). *Занғар* сифати ПРСда, ТжРСда келтирилмаган.

ЗАРАФШОН Бу сифат 'олтин' маъносини англатадиган тожикча *зар* отига (ТжРС, 150) 'соч-' маъносини англатадиган *афшондан* феълининг *афшон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 35) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олтиндай товланувчи', 'ярқировчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 299).

ЗАРБОФ Бу сифат 'олтин' маъносини англатадиган тожикча *зар* отига (ТжРС, 150) 'тўқи-' маъносини англатадиган *бофтан* феълининг *боф* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олтиндан ёки олтин қўшиб тўқиладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРГАР Бу от 'олтин' маъносини англатадиган тожикча *зар* отига (ТжРС, 150) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'қимматбаҳо металл ва тошлардан зийнат буюмлари ясайдиган уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРДА Бу от 'сариқ' маъносини англатадиган тожикча *зард* сифатидан (ТжРС, 151) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган бўлиб, 'сафро' маъносини англатади; кейинчалик 'жиғилдони қайнаш', 'жахл' маъноларини англатиш учун ҳам ишлатила бошлаган (ЎТИЛ,I, 300).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАРДОБ Бу от 'сариқ' маъносини англатадиган тожикча *зард* сифати билан (ТжРС, 151) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'қатиқдан, ивиган сутдан ажралиб чиқадиган сарғиш суюқлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРДЎЗ Бу от 'олтин' маъносини англатадиган *зар* отига (ТжРС, 150) 'тик-' маъносини англатадиган *дўхтан* феълининг *дўз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 144, 143) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зардан гул тикувчи чевар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300). Бу отдан ўзбек тилида *зардўзлик* оти ясалган.

ЗАРДЎЗИ Бу сифат тожикча *зардўз* отига (к.) *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зар билан тикилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРДЎЗЛИК *қ.* зардўз

ЗАРКОКИЛ Бу от 'олтин' маъносини англатадиган тожикча *зар* оти билан (ТжРС, 150) 'соч ўрими' маъносини англатадиган *кокул* отидан (ТжРС, 189) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'бир-бирига занжирбанд қилиб уланадиган кумуш тангалардан тузилиб, аёллар соч ўримига тақадиган безак буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРПЕЧАК Бу от 'сариқ' маъноси билан қатнашган тожикча *зар* отига 'чирмовиқ' маъносини англатадиган *печак* отини (ТжРС, 304) қўшиб тузилган бўлиб, 'бошқа ўсимлик танасига чирмашиб ўсадиган баргсиз ингичка сариқ рангли ёввойи ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 300).

ЗАРРИН Бу сифат 'олтин' маъносини англатадиган тожикча *зар* отига (ТжРС,150) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, қўшимча қўшилганидан кейин *р* товуши қатланган (ПРС, 260; [*заррин*]); 'олтиндай товланиб турадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 301).

ЗАРЧЎВА Бу от 'сариқ' маъносини англатадиган тожикча *зард* сифати билан 'дарахт' маъносини англатадиган *чўб* отидан (ТжРС,448) тузилган бирикмага *-а* қўшимчасини (ТжРС,543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *зард* қисми охиридаги *д* товуши айтилмай қўйган, *б* товуши *в* товушига алмашган. Бу от 'овқатга (паловга) сарғиш ранг бериш учун доривор сифатида солинадиган тропик ўсимлик илдизи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 301).

ЗАРҲАЛ Бу от 'олтин' маъносини англатадиган тожикча *зар* оти билан (ТжРС, 150) 'бўёқ' маъносини англатадиган *ҳал* отидан (ТжРС, 497) тузилган бўлиб, 'бронза кукунидан тайёрланган бўёқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 301). Ўзбек тилида бу отдан *зарҳалла-* феъли ясалган.

ЗАХМ Бу от тожик тилида асли 'бирор нарсадан баданга етган жароҳат', 'яра' маъносини англатади (ТжРС, 152); ҳозирги ўзбек тилида бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

от 'оғир оқибатларга олиб келадиган юқумли таносил касаллиги' (сифилис) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 302).

ЗАҲАР ' Оғу' маъносини англатадиган бу тожикча от асли *заҳр* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 153), ўзбек тилида талаффуз қулайлигини таъминлаб *ҳр* товушлари оралиғига *а* товуши киритилган (ЎТИЛ, I, 302). Бу от 'оғу сингари жуда аччиқ' белги маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади. *Заҳар* отидан ўзбек тилида *заҳарла- (заҳарлан-)* феъли, *заҳарли* сифати ҳосил қилинган.

ЗАҲАР-ЗАҚҚУМ Бу сифат тожик тилида 'жуда аччиқ' маъносини англатадиган *заҳр* (қ.) ва арабча *заққум* (АРС, 331) сифатлари билан *заҳру заққум* тарзида. тузилган (ТжРС, I том, 1946, 195); ўзбек тилида *у* боғламаси ташланиб, *заҳр* қисми таркибига *а* товуши киритилиб олинган (ЎТИЛ, I, 302). *Заққум* оти 'анчар' дарахтини англатади, унинг сутсимон ширасида ўткир заҳарли модда бўлиб, шу асосда 'жуда аччиқ' маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади.

ЗАҲАРХАНДА 'Аччиқ киноя', 'пичинг' маъносини англатадиган бу от тожикча *заҳр* оти (қ.) ва 'кулги' маъносини англатадиган *ханда* отидан (қ.) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ҳр* .товушлари оралиғига талаффуз қулайлигини таъминлаш учун *а* товушини киритиб олинган (ТжРС, 153; ЎТИЛ, I, 303).

ЗАҲМАТКАШ Бу сифат 'қийланиш', 'азоб' маъносини англатадиган арабча *заҳмат* отига (АРС, 326) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қийинчилик билан, оғир меҳнат билан (яшайдиган)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 303).

ЗЕБ 'Безак' маъносини англатадиган бу от ПРСда [*зиб*] шаклида (264), ТжРСда *зеб* шаклида (153) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган (ЎТИЛ, I, 303).

ЗЕБ-ЗИЙНАТ Бу жуфт от тожикча *зеб* оти билан (қ.) 'безак' маъносини англатадиган арабча *зийнат* отидан (АРС, 341) таркиб топган бўлиб, 'турли хил безак буюмлари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 303).

ЗЕБИГАРДАН Бу от асли тожикча *зеб* оти (қ.) ва 'бўйин' маъносини англатадиган *гардан* оти билан (ТжРС, 98) тузилган изофа бирикмаси бўлиб (ТжРС,153; *зеби гардан*), ўзбек тилида қўшма отга айлантирилган; ЎТИЛга *гардан* шаклида киритилган бу от (I, 188) ушбу қўшма от таркибида *гардон* шаклида *а* ўрнида *о* ҳарфи билан хато ёзилган (I, 303).

ЗЕБО Бу сифат тожикча *зеб* отига (қ.) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'безакли' маъносини, ҳозир эса 'ғоят гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 303).

ЗИЙОРАТГОҲ Бу от 'сиғиниш, эҳтиром билдириш учун бориш' маъносини англатадиган арабча *зийорат* оти билан (АРС, 338) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *гоҳ* отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'сиғиниш учун бориладиган муқаддас жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 305).

ЗИЙРАК Бу сифат ТжРСга *зирак* товуш таркиби билан киритилган бўлиб, ундан ҳосил қилинган *зиракона* равиши, *зираки* мавҳум оти ҳам келтирилган; *зирак* сифатининг маъноси 'тез фаҳмлайдиган' деб таърифланган (156). Кўринадики, бу сифат ўзбек тилига *й* товушини киритиб олинган (ЎТИЛ, I, 305). Ўзбек тилида бу сифатдан *зийраклик* оти ҳосил қилинган.

ЗИМЗИЙО Бундай товуш таркибли сифат ТжРСда йўқ. ЎТИЛга бу сифат "сўзлашув тилига хос" таъкиди билан киритилиб, асли 'қоронғи' маъносини англатадиган *сиёҳ* сифатининг *сим-сиёҳ* кучайтирма шакли таркибида мураккаб товуш ўзгариши билан юзага келган дейилган [*ф-т сим-сиёҳ*]. Бу сифатнинг кучайтирма шакли ТжРСда *сип-сийоҳ* тарзида *п* товуши билан ҳосил қилиниши мисолда акс этган (538). *Зийо* оти 'нур', 'ёруғлик' маъносини англатади (ТжРС, 154); демак, асли *сийоҳ* сифати дейиш, *сийоҳ* сифатининг кучайтириш шакли *сип-сийоҳ* дейиш тўғри. Ўзбек сўзлашув тилида аввало охирги *ҳ* товуши айтилмай қўйгани натижасида *сийо* шакли юзага келган, сўнгра *зийо* оти таъсири билан *с* товуши *з* товушига, *з* товушининг таъсири билан *п* товуши *м* товушига алмаштирилган ; *сип-сийоҳ* → *сип-сийо* → *зип-сийо* → *зим-зийо;* шундай товуш ўзгаришларидан кейин бу сифат қисмлари чизиқчасиз қўшиб ёзиладиган бўлган.

ЗИМИСТОН Бу от ПРСда ҳам (261), ТжРСда ҳам (155). ЎТИЛда ҳам (I,306) 'қиш' маъносини англатиши айтилган, лекин таркиби тўғрисида ҳеч нима дейилмаган. Юзаки ёндашиб бу от охиридаги *-(и)стон* қисмини қўшимча деб ажратиш тўғри эмас, чунки бу қўшимча ҳалқ, миллат номига қўшилиб, мамлакат, давлат; нарса номига қўшилиб, 'маълум бир нарса кўп жой' номини англатади (ТжРС, 542); 'қиш' эса жой номи эмас, балки 'пайт (фасл)' номи. Шуни ҳисобга олиб бошқача фаразни билдирамиз. Бу от *зим, ист, -он* қисмларидан таркиб топган бўлиб, I) *ист* қисми – кўп маъноли *истидан* феълининг 'қатъий ўрин ол-' маъносидан ҳосил қилинган *ист* ҳозирги замон асоси (ТжРС, 169); 2) *-он* қисми – от ва сифат ясовчи қўшимча (ТжРС, 543); 3) *зим* асли 'қиш' маъносини англатадиган от бўлиб, рус тилидаги *зима* отининг асоси билан муштарак (Тожик тили ҳам, рус тили ҳам ҳинд-европа тиллари оиласининг шохобчаларига мансуб). Агар шу фараз ҳақиқатга мос бўлса, *зимистон* оти 'қиш қатъий кучга кирган пайт' маъносини англатиши аён бўлади.

ЗИНАПОЙА Бу қўшма от 'чиқиш, тушиш учун хизмат қиладиган қурилма', 'нарвон' маъносини англатадиган тожикча *зина* оти билан (ТжРС,155) 'оёқ қўйиладиган босқич' маъносини англатадиган *пойа* отидан (ТжРС,311) тузилган бўлиб, тожик тилида 'нарвон', 'поғона', 'босқич'

www.ziyo.com kutubxonasi

маъноларини англатади (ТжРС, 151); ўзбек тилига 'поғона', 'босқич' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 306).

ЗИНҲОР Бу бирлик тожик тилида 'ҳимоя', 'кечирим', 'албатта', 'ҳеч шубҳасиз', 'Сақлан!', 'ҳеч қачон' маъноларини англатади (ТжРС, 155, 156); ўзбек тилида бир маънони – 'асло', 'мутлақо' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 306).

ЗИРАВОР Бу от 'уруғи гўштли овқатга солинадиган ўтсимон ўсимлик' маъносини англатадиган тожикча *зира* отига (ТжРС, 156) 'ўхшаш' маъносини ифодалайдиган *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'овқатни хушбўй ва хушхўр қилиш учун ишлатиладиган зира, мурч, қорақанд кабилар қоришмаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 307).

ЗОДАГОН Бу от асли 'туғ-' маъносини англатадиган тожикча *зондан* феълининг *зонд* ўтган замон асосидан (ТжРС, 156) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 560) ясалган *зонда* ўтган замон равишдоши шаклига *-(г)он* қўшимчасини (ТжРС, 537) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *н* товуши айтилмай қўйган: *(зонд + а) + гон → зодагон.* ПРСга, ТжРСга киритилмаган бу от ЎТИЛга киритилиб, 'оксуякларга, юқори табақага мансуб киши' маъносини англатиши айтилган (I, 308).

ЗОР Бу бирлик 'йиғла-', 'илтижо қил-', 'ноли-' маъносини англатадиган [*заридан*] феълининг (ПРС, 256) *зор* ҳозирги замон асоси бўлиб, 'нола', 'илтижо', 'мухтож' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 309). Бу бирликдан ўзбек тилида *зориқ-, зорлан-, зорилла-* феъллари, *зорлик* оти ясалган.

ЗОРА Бу модал 'илтижо қил-' маъносини англатадиган [*заридан*] феълининг (ПРС, 256) *зор* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кошки', 'кошки эди' каби истак маъносини билдиради (ЎТИЛ, I, 309).

ЗОРИҚ-, ЗОРЛАН-, ЗОРИЛЛА- *қ.* зор

ЗОРЛИК *қ.* зор

ЗОРМАНДА Бу сифат (қарғиш) 'йиғи', 'илтижо', 'мухтож' маъносини англатадиган тожикча *зор* отига (ЎТИЛ, I, 309) 'маълум ҳолатда бўл-' маъносини англатадиган *мондан* феълининг *монда* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС, 233) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *м* товушидан кейинги *о* товуши ўзбек тилида *а* товушига алмаштирилган; 'зор қолгур' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 309).

ЗОҒЧА Бу от 'қарға' маъносини англатадиган тожикча *зог* отига (ТжРС, 157) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қарғадан кичикроқ, патлари қорамтир қуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 310).

ЗУДЛИК БИЛАН Бу равиш 'тез' маъносини англатадиган тожикча *зуд* равишига (ТжРС, 157) ўзбек тилида *-лик* қўшимчасини ва *билан*

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўмакчисини кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жуда тез' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 310).

ЗЎР Бу бирлик ПРСда [*зур*] шаклида (263), ТжРСда *зўр* шаклида (158) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'куч' каби от маъносини ҳам, 'кучли', 'улкан' каби сифат маъносини ҳам англатиш учун ишлатилади (ТжРС, 158). Бу бирликдан ўзбек тилида *зўрай-, зўриқ-, зўрла-* феъллари, *зўрма-зўраки, зўрға* равишлари ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 312).

ЗЎРАЙ-, ЗЎРИҚ- қ. зўр

ЗЎРМА-ЗЎРАКИ Бу равиш *зўр* сифатига (к.) *-ма* (ба) олд кўмакчисини (ТжРС,544) кўшиб тузилган *зўрма* қисми ва такрорланган *зўр* сифатига *-аки* кўшимчасини (ТжРС, 543) кўшиб ҳосил қилинган *зўраки* (ТжРС, 158) сифатидан тузилган бўлиб, 'истамаган ҳолда', 'зўрлик йўли билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312).

ЗЎРҒА Бу равиш 'куч' маъносини англатадиган тожикча *зўр* отига (к.) ўзбекча *-(и)қ* кўшимчасини (ЎТЛТҚ, 222) кўшиб ҳосил қилинган *зўриқ-* феълига *-а* равишдош кўшимчасини (ЎТЛТҚ, 205) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, олдин *и, а* товушлари оралиғидаги *қ* товуши *ғ* товушига алмашган, кейин *и* товуши айтилмай кўйган; 'бир амаллаб', 'аранг' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 312).

И

ИЖОДКОР Бу сифат 'яратиш', 'вужудга келтириш' маъносини англатадиган арабча *ижод* отига (ЎКААҚЛ, 131) шахс оти ясовчи тожикча *-кор* кўшимчасини (ТжРС, 542) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ижод қилувчи', 'яратувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 315).

ИККАМ Асли ўзбекча *икки* саноқ сони билан 'оз' маъносини англатадиган тожикча *кам* равишидан (ТжРС, 177) тузилган *икки кам* бирикмаси бўлиб, сўзлашув тилида *икки* сонининг *ки* товушларини айтмаслик натижасида юзага келади (ЎТИЛ, I, 319).

ИЛМОҚДОР Бу сифат 'илгак' маъносини англатадиган ўзбекча *илмоқ* отига 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136, 137) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'замирида киноя, ғараз бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 323).

ИНСОНПАРВАР Бу сифат 'одам' маъносини англатадиган арабча *инсон* отига (АРС, 47) 'қара-', 'боқ-', 'тарбияла-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг (ТжРС, 298) *парвар* ҳозирги замон асосини кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одамларга ғамхўр' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 329).

ИСТАК Бу от 'ушлаб тур-' маъносини англатадиган тожикча *истодан* феълининг (ТжРС, 169) *ист* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 167) *-ак* кўшимчасини (ТжРС, 543) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ток пояларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлаш учун ишлатиладиган тол новдаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 337). Изоҳли луғатда бу от тожикча экани таъкидланмаган.

ИСТАРАСИ ИССИҚ Бу ибора 'юлдуз' маъносини англатадиган тожикча *ситора* отини (ТжРС, 360) *-си* қўшимчаси қўшилган бош келишик шаклида *иссиқ* сифати билан боғлаб ҳосил қилинган жумлага тенг: сўзлашув тилида *ситора* оти олдига *и* товуши қўшилиб, *с* товушидан кейинги *и* товуши ташланиб, *о(â)* товуши *а* товушига алмаштирилиб *истара* тарзида айтилади; 'юз кўриниши ёқимли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 337).

ИСРОФГАРЧИЛИК Бу мавҳум от 'ортиқ даражада бехуда, бефойда сарфлаш' маъносини англатадиган арабча *исроф* отидан (АРС, 543) тожикча *-гар* қўшимчаси билан (ТжРС,542) ясалган *исрофгар* сифатига ўзбекча *-чилик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқ даражада бехуда, бефойда сарфлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 336).

ИТВАЧЧА Бу сўкиш оти ўзбекча *ит* оти билан тожикча 'бола' маъносини англатадиган *бача* отидан (ТжРС, 52) тузилган бўлиб, *ч* товуши қатланган; 'итдан туғилган бола' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339).

ИТОАТКОР Бу сифат 'бўйсуниш' маъносини англатадиган арабча *итоат* отига (АРС, 484) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бўйсунувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339).

ИТОАТКОРОНА Бу равиш тожикча *итоаткор* сифатига (к.) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бўйсунган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 339).

ИХЛОСМАНД Бу сифат 'чин кўнгилдан ишонч билдириб улуғлаш' маъносини англатадиган арабча *ихлос* отига (АРС, 232) тожикча *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чин кўнгилдан ишонч билдириб улуғловчи, ҳурмат қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 341).

ИЧКИЛИКБОЗ Бу сифат ўзбекча *ичкилик* отига 'берил-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ичкилик ичишга ўта берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 342).

ИШБОП Бу сифат ўзбекча *иш* оти билан 'мос', 'тўғри келадиган' маъносини англатувчи тожикча *боб* сифатининг (ТжРС, 73) охиридаги *б* товуши *п* товушига ўзбек тилида алмаштирилган *боп* шаклини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иш пайтида фойдаланиш учун қулай' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 343).

ИШВАКОР Бу сифат асли тожик тилида 'ноз-карашма' маъносини англатадиган *ишва* отига (ТжРС, 171) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига бу қўшимчанинг *-кор* шакли қўшилган кўриниши олинган; 'меъёрдан ортиқ ноз-карашма қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 343).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИШКОМ Бу от тожик тилида *шиком* товуш таркибига эга бўлиб, 'қорин', 'дўнг шаклида бўртиб чиққан жой' маъноларини англатади (ТжРС, 456); ўзбек тилига *ши* товушларини ўрин алмаштириб, *а* товушини *о(ӑ)* товушига алмаштириб олинган; 'токларни кўтариб қўйиш учун қурилган гумбазсимон сўри', 'валиш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 344). ЎТИЛда бу от тожикча эканлиги таъкидланмаган.

ИШПЕЧ Бу от ўзбекча *иш* отига 'ўра-' маъносини англатадиган тожикча *печидан* феълининг *печ* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 304) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чеварларнинг иш ашёларини солиб, тиззасига қўйиб иш тикадиган халтаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШХОНА Бу от ўзбекча *иш* отига 'бинонинг ҳар бир бўлмаси' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'меҳнат билан шуғулланиш жойи (корхона, идора каби)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 345).

ИШҚИБОЗ Бу сифат 'кучли мойиллик', 'иштиёқ' маъносини англатадиган арабча *ишқ* отига (АРС, 517) 'берил-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб *ишқбоз* шаклида (ТжРС, 172) ҳосил қилинган; ўзбек тилида *шқб* товушларини айтишдаги қийинчиликни йўқотиш учун *қб* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган. Бу сифат 'кучли даражада берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346). Бу сифатдан ўзбек тилида *ишқибозлик* мавҳум оти ясалган.

ИҒВОГАР Бу сифат 'адаштириш, нотўғри йўлга чалғитиш мақсади билан тарқатилган уйдирма' маъносини англатадиган арабча *иғво* отига (АРС, 575) тожикча *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иғво тарқатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 346).

Й

ЙАГАНА Бу от ўзбек тилида тожикча *йагона* сифатининг (қ.) иккинчи бўғинидаги *о* товушини *а* товушига алмаштирилган шакли бўлиб, 'ўсиб чиққан экин ниҳолларининг ортиқчасини юлиб ташлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 476).

ЙАГОНА Бу сифат асли 'битта' маъносини англатадиган тожикча *йак* санок сонига (ТжРС, 468) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган, тожик тилида *а* ва *о* товушлари оралиғидаги *к* товуши *г* товушига алмашиб, шундай ёзиладиган бўлган; 'бирдан бир', 'ёлғиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 476).

ЙАКАНДОЗ Бу от 'битта' маъносини англатадиган тожикча *йак* санок сонига (ТжРС, 468) 'тўша-' маъносини англатадиган *андохтан* феълининг *андоз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 27) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'матодан тайёрланиб, оёқ остига, ўриндиққа бир қават солинадиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 476).

ЙАКБОРА Бу равиш 'битта' маъносини англатадиган тожикча *йак* санок сони билан (ТжРС, 468) 'марта' маъносини англатадиган *бор* отидан (ТжРС, 79) тузилган *йак бор* бирикмасига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир марта', 'бир йўла' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

ЙАКДИЛ Бу кесимлик 'битта' маъносини англатадиган тожикча *йак* санок сони билан (ТжРС, 468) 'кўнгил' маъносини англатадиган *дил* отидан (ТжРС, 129) тузилган бўлиб, 'фикри, мақсади бир', 'ҳамжиҳат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

ЙАКДОНА Бу от асли 'битта' маъносини англатадиган тожикча *йак* санок сони билан (ТжРС, 468) 'миқдор' маъносини англатадиган *дона* отидан тузилган бирикма бўлиб (ТжРС, 135), ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'донаси йирик ва сийрак узум нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

ЙАККА Бу бирлик ПРСда [*йеке*] шаклида (604), ТжРСда эса *йакка* шаклида (ТжРС, 469) келтирилган; демак, *к* товуши асли битта бўлиб, тожик тилида қатланган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган. Асли 'битта' маъносини англатадиган *йак* санок сонига (ТжРС, 468) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'битта', 'ёлғиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477). Бу бирлик билан ўзбек тилида *якка-якка* такрори, *йаккаю ягона* жуфт равиши тузилган.

ЙАККАБОШ Бу сифат ўзбек тилида тожикча *йакка* бирлиги билан (к.) ўзбекча *бош* отидан тузилган бирикма бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзилган; 'кимсасиз', 'сўққабош' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

ЙАККАМОХОВ Би сифат ўзбек тилида тожикча *йакка* бирлиги билан (к.) ўзбекча *мохов* отидан тузилган бирикма бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзилган; 'эл-юртга қўшила олмайдиган', 'жамоатчиликдан ажралиб қолган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

ЙАККАХОН Бу сифат тожикча *йакка* бирлигига (к.) 'куйла-' маъносини англатадиган *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'якка ўзи куйлайдиган' маъносини англатади (ТжРС, 469; ЎТИЛ, I, 477).

ЙАККАЧЎП Бу от тожикча *йакка* бирлигига (к.) 'дарахт', 'хода' маъносини англатадиган тожикча *чўб* отини ўзбекча *чўп* талаффуз шаклида қўшиб тузилган бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзиладиган бўлган. Бу от 'кенг оқар сувдан ўтиш учун қўйилган ходадан иборат кўприк' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

ЙАККАҚЎЛ Бу сифат ўзбек тилида тожикча *йакка* бирлиги билан (к.) ўзбекча *қўл* отидан тузилган бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзиладиган бўлган; 'оиласида бир ўзи ишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАКРЎЙА Бу сифат асли тожикча *йак* саноқ сони (қ.) ва 'юз (бет)' маъносини англатадиган *рў* отининг (ТжРС, 329) *рўй* шакли билан (ТжРС, 331) тузилган бирикмага *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир томонига пардоз берилган (мато)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

ЙАКСОН ҚИЛ- Бу феъл тожикча *йаксон кардан* феълининг ўзбекча мукобили бўлиб, 'емир-', 'йўқ қил-' маъносини англатади (ТжРС, 470; ЎТИЛ, I, 478). *Йаксон* сифати *йак* саноқ сонига 'тенг', 'баробар' маъносини англатадиган тожикча *сон* сифатини (ТжРС, 363) қўшиб тузилган бўлиб, 'емириш', 'йўқ қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478). Ўзбек тилига тожикча *бо замин яксон кардан* иборасининг *ер билан яксон қил-* мукобили ҳам олинган.

ЙАКТАК Бу от асли сифат бўлиб, тожик тилида *йак* саноқ сони билан (қ.) 'ост', 'пастки қисм' маъносини англатадиган *таг* отидан (ТжРС, 375) тузилган; тожик тилида охирги *г* товуши *к* товушига алмашган (ТжРС, 470); 'юпқа матодан яккақават тикилиб, эркаклар киядиган узун ёзги кийим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

ЙАКТАКЧАН Бу сифат ўзбек тилида тожикча *уактак* отига (қ.) *-чан* қўшимчасини (ЎТГ, I, 1975, 281) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фақат яктак кийган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

ЙАКТАН Бу равиш тожик тилида *йак* саноқ сони (қ.) ва 'вужуд' маъносини англатадиган *тан* отидан (ТжРС, 115) тузилган бўлиб, 'ҳамжиҳат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

ЙАКШАНБА Бу от тожик тилида *йак* саноқ сони билан (қ.) 'ҳафтанинг жумадан кейинги куни' маъносини англатадиган *шанбе* отидан (ТжРС, 451) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *э(е)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ҳафтанинг шанбадан кейинги куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478). Шарқда 'дам олиш куни' деб жума куни ҳисобланади, шу туфайли *якшанба* ҳафтанинг иккинчи кунига тўғри келади; бизда *якшанба* дам олиш куни деб белгиланган.

ЙАЛЛА-БЕПАРВО Бу сифат 'енгил, шўх қўшиқ' маъносини англатадиган ўзбекча *йалла* оти билан тожикча *бепарво* сифатидан (қ.) тузилган бўлиб, 'ҳеч нарсанинг ташвишини қилмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

ЙАЛОВБАРДОР Бу сифат 'байроқ', 'туғ' маъносини англатадиган ўзбекча *йалов* отига 'кўтар-' маъносини англатадиган тожикча *бардоштан* феълининг *бардор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 47) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'байроқ кўтариб борувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

ЙАХМАЛАК Бу от тожик тилида 'муз' маъносини англатадиган *йах* оти (ТжРС, 472) ва 'ишқала-', 'тойган-' маъносини англатадиган *молидан* феълининг *мол* ҳозирги замон асосидан тузилган бирликка *-ак*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, таркибидаги *а* товушлари таъсирида *о* товуши ҳам *а* товушига алмашган; 'тойғоқ ях' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

ЙАХНА Бу сифат тожик тилида 'муз' маъносини англатадиган *йах* отидан (ТжРС, 472) *-ин* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган *йахин* нисбий сифатига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'совитилган', 'муздай' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

ЙАХОБ Бу от тожик тилида 'муз' маъносини англатадиган *йах* оти билан (ТжРС, 472) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб. 'экин майдонига қишда мўл-кўл бериладиган сув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

ЙЕТТИ ЁТ-БЕГОНА- *қ. бегона*

ЙОВОН Бу тожикча от асли *йобон* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 144), ўзбек тилида *б* товуши *в* товушига алмаштирилган; 'дала', 'дашт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 252).

ЙОДГОР Бу от тожик тилида 'хотира', 'эс' маъносини англатадиган *йод* отига (ТжРС, 145) *-гор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кимни, нимани эслатиб турувчи нарса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 253). Бу отдан ўзбек тилида *ёдгорлик* оти ясалган.

ЙОКИ Бу айирув боғловчиси тожикча *йо* боғловчиси билан *ки* боғловчисидан таркиб топган бўлиб, асли *йо ки* тарзида ажратиб ёзилади (ТжРС, 144, 186); ўзбек тилида эса қўшиб ёзилади (ЎТИЛ, I, 255).

ЙОЛДОР Бу сифат ўзбек тилида 'ҳайвон бўйнидаги узун туклар' маъносини англатадиган ўзбекча *йол* отига (ЎТЭЛ, 164) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'қалин ва узун ёлли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 255). *Ёл* оти ЎТИЛда хато равишда [*ф-т*] деб таъкидланган.

ЙОЛПЎШ Бу от 'ҳайвон бўйнидаги узун туклар' маъносини англатадиган ўзбекча *йол* отига (ЎТЭЛ, 164) 'ёп-' маъносини англатадиган тожикча *пўшидан* феълининг *пўш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 317) қўшиб ғосил қилинган бўлиб, 'отнинг ёлини ўраб қўйиладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 256).

ЙОСУМАН 'хушбўй, оқ тўп гулли манзарали бўта' маъносини англатадиган бу от ПРСда [*йас*] ва [*йасäмän*] шаклларида (601), ТжРСда эса *йосуман* шаклида келтирилган (146); демак, бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган (ЎТИЛ, I, 263). ПРСда берилишига кўра бу от *йос* ва *уман* қисмларидан таркиб топган, лекин бу қисмлар қандай маънони билдиришини аниклаб бўлмади.

ЙОТОҚХОНА Бу отнинг *йотоқ* қисми ўзбекча ясама от бўлиб (*йот + оқ),* 'ётадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 264); шунга кўра *йотоқхона* оти таркибидаги *хона* қисми мантиқан ортиқча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОҚАВАЙРОН Бу сифат ўзбекча *йоқа* отига 'очиқ, тугмаланмаган' маъносини англатадиган тожикча *вайрон* сифатини (ТжРС, 89) қўшиб тузилган бўлиб, 'ёқаси очиқ, тугмаланмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 265).

ЙУВУНДИХЎР Бу от ўзбекча *йувунди* отига 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини ("Форс тили", 307) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бировлар овқатининг қолдиғини еб кун кўрадиган одам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 461).

ЙУККАШ Бу от ўзбекча *йук* отига 'таши-', 'кўтариб олиб бор-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юкни бирор ерга олиб бориб берувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 465).

ЙУЛҒУНЗОР Бу от ўзбекча *йулғун* отига 'кўп' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юлғун кўп ўсадиган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

К

КАБОБПАЗ Бу от тожик тилида 'сихга тортилган гўштни чўғ устида айлантириб (ағдариб) туриб пиширадиган таом' маъносини англатувчи арабча *кабоб* отига (АРС, 673) 'пишир-' маъносини англатадиган тожикча *пухтан* феълининг (ТжРС, 315) *паз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 295) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кабоб пиширувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 357).

КАБУТАР || КАПТАР Бу от ПРСда [*кäбутäр*] ва [*кäфтäр*] тарзида ёзилиб, "голубь" деб изоҳланган (304); алоҳида [*кäфтäр*] шаклида келтирилиб, *кäбутäр* шаклига ҳавола қилинган (402); демак, асосий шакл *кäбутäр* экани аён бўлади. ТжРСда *кабўтар* шаклида келтирилиб, "голубь" леб изоҳланган (175); алоҳида *кафтар* шаклида келтирилиб, *кабўтар* шаклига ҳавола қилинган (184); демак, асосий шакл деб *кабўтар* шакли таъкидланган; фарқ шундаки, форс тили луғатида *у* ҳарфи билан ёзилган товуш тожик тили луғатида *ў* ҳарфи билан ёзилган; ҳар ҳолда, бу ўринда *у* товуши (ҳарфи) қатнашаётир дейиш тўғри. Ўзбек сўзлашув тилида бу от *каптар* шаклида айтилади. ТжРСда 'кўк', 'кўкат' маъносини англатадиган *кабудӣ* отининг сўзлашув тилида *кабути* тарзида *д* товушини *т* товушига алмаштириб айтилиши ҳам акс эттирилган (175). Шундан келиб чиқиб *кабутар* оти асли 'кўк' маъносини англатадиган *кабуд* сифатининг *кабут* шаклига *-тар* қиёсий даража қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейиш мумкин. Унда *кабуттар* шакли таркибидаги *тт* товушларидан бири тожик тилининг ўзидаёқ айтилмай қўйилган бўлиб чиқади. Ўзбек тилидаги *каптар* шакли *кабутар* шакли таркибидаги *у*

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушини талаффуз қилмаслик ва *б* товушини *п* товушига алмаштириш билан ҳосил қилинган дейиш мумкин. Бу от асли 'кўкиш тусли қуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 368).

КАВУШ Бу от асли *кафш* товуш таркибига эга бўлиб (ПРС, 402), ўзбек тилига *ф* товушини *в* товушига алмаштириб, *вш* товушлари оралиғига *и* товушини киритиб қабул қилинган; 'бошлиғи қаттиқ чарм билан тикилган оёқ кийими' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 357). Ўзбек сўзлашув тилида бу от таркибидаги *а* товуши *в* товуши таъсирида *о(ô)* айтилади.

КАВУШДЎЗ Бу от тожик тилида *кафшдўз* товуш таркибига эга (ТжРС, 184); ўзбек тилида *кавушдўз* тарзида айтилади (ЎТИЛ, I, 357). Бу от таркибидаги *дўз* қисми 'тик-' маъносини англатадиган тожикча *дўхтан* феълининг (ТжРС, 144) ҳозирги замон асосига тенг (ТжРС, 143). *Кавушдўз* оти 'кавуш тикувчи уста' маъносини англатади.

КАЖБАС қ. кажбаҳс

КАЖБАҲС Бу сифат 'қийшиқ', 'тескари' маъносини англатадиган тожикча *кач* оти билан (ТжРС, 185) 'мунозара тарзида фикр юритиш', 'тортишув' маъносини англатадиган арабча *баҳс* отини (АРС, 56) қўшиб тузилган бўлиб, 'асоссиз қарши чиқувчи', 'ўжар' маъносини англатади (ПРС, 396; ЎТИЛ, I, 358). Ўзбек сўзлашув тилида бу сифат *кажбас* тарзида (таркибидаги *ҳ* товушини ташлаб) айтилади.

КАЖРАФТОР Бу от тожикча 'тескари' маъносини англатадиган *кач* сифати билан (ТжРС, 185) 'юриш', 'айланиш' маъносини англатадиган *рафтор* отидан (ТжРС, 322) тузилган бўлиб, 'тескари юриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 358).

КАЛАКА: *калака қил-, калака бўл-* феъллари таркибида қатнашадиган бу от 'жиғига тегиш', 'майда-чуйда' маъноларини англатадиган [*кәләк*] отига (ПРС, 404) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кимнингдир устидан кул-', 'мазах қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 360).

КАЛАМУШ Бу от ТжРСда *калламуш* тарзида келтирилиб, "крыса" деб (176), *муш* оти "мышь" деб (246) изоҳланган; демак, *калла* оти бу ерда 'катта' маъноси билан қатнашаётир дейиш мумкин. Ўзбек тилига бу қўшма от таркибидаги *лл* товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'сичқондан катта кемирувчи ҳайвон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 360).

КАЛВАК Бу сифат ПРСга [*колук*] шаклида киритилган: вов ҳарфи *в* деб эмас, *у* деб ўқилган (404); маъноси "1) невоспитанный; 2) бесстыдный, дерзкий" деб изоҳланган. Тахминимизча бу сифат 'гандиракла-' маъносини англатадиган тожикча *калавидан* феълининг (ТжРС, 176) *калав* ҳозирги замон асосига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғинидаги *а* товуши айтилмай қўйган. Бу сифат асли 'гангиб юрган' маъносини англатади; ЎТИЛда

www.ziyouz.com kutubxonasi

'бефаросат, бефаҳм' маъносини англатади дейилгани ўринли бўлмаган (360).

КАЛИТ 'Қулфни беркитиш ва очиш учун ишлатиладиган металл асбоб' маъносини англатадиган бу тожикча от асли *калид* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 176), ўзбек тилига охиридаги *д* товушини *т* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, I, 360).

КАЛЛАВАРАМ Бу тожикча сифат 'бош' маъносини англатадиган *калла* оти билан (ТжРС, 176) 'шиш-' маъносини англатадиган *варамидан* феълининг *варам* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 89) тузилган бўлиб, асли 'боши шишган' маъносини, кейинчалик шу маънодан ўсиб чиққан 'мияси яхши ишламайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 361).

КАЛЛАК Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *калла* отига (ТжРС, 176) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-к* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дарахтнинг учи кесилган шохлари' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 361). Бу от билан ўзбек тилида *каллакла-* феъли ясалган.

КАЛЛАКЕСАР Бу сифат 'бош' маъносини англатадиган *калла* оти (ТжРС, 176) ва ўзбекча *кес-* феълидан тузилган бирикмага *-(а)р* сифатдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одам ўлдиришдан ҳам қайтмайдиган ашаддий жиноятчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 361).

КАЛЛАПАЗ Бу от 'бош' маъносини англатадиган тожикча *калла* отига (ТжРС, 176) 'пишир-' маъносини англатадиган *пухтан* феълининг (ТжРС, 315) *паз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 295) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'калла гўштини пиширив сотувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 361).

КАЛЛА-ПОЧА Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *калла* оти билан (ТжРС, 176) 'ҳайвон оёғи' маъносини англатадиган *поча* отидан (ТжРС, 311) тузилган бўлиб, тожик тили луғатида қўшиб, ўзбек тили луғатида чизиқча билан ажратиб ёзилган; 'сўйилган ҳайвоннинг калласи билан оёғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 361).

КАЛЛАХУМ *қ.* хумкалла

КАЛОНДИМОҒ Бу сифат тожикча 'баланд' маъносини англатадиган *калон* сифати билан (ТжРС, 176) 'бурун' маъносини англатадиган *димоғ* отидан (ТжРС, 132) тузилган бўлиб, 'ўзини катта тутадиган', 'кибр-ҳаволи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 361, 227). Бу сифатнинг қисмлари ўзбек тилининг изоҳли луғатида нимагадир ажратиб ёзилган.

КАЛТАБИН Бу сифат тожикча *калта* сифатига (ТжРС, 177) 'кўр-' маъносини англатадиган *дидан* феълининг (ТжРС, 129) *бин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 71) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'узоқни кўра олмайдиган', 'юзаки ўйлаб, пала-партиш ҳукм чиқарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 362).

КАМ Бу тожикча равиш 'оз' маъносини англатади (ТжРС, 177). Бу равишдан ўзбек тилида *камай-* феъли ясалган (ЎТИЛ, I, 363).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАМАЛАК Бундай товуш таркибли от ПРСда, ТжРСда йўқ, ЎТИЛга *камон* оти "[ф-т] *айн. камалак I*" изоҳи билан киритилган (I, 365). *Камалак* оти ҳам [ф-т] таъкиди билан киритилиб, 'ёй', 'камон' маъносини англатиши айтилган (I, 363). Шу изоҳлар асосида *камалак* оти асли тожикча *камон* отига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган *камонак* оти таркибидаги *он* товушларини ўзбек тилида *ал* товушларига алмаштириш билан юзага келган дейиш мумкин.

КАМАР Бу от асли 'бел' маъносини англатади (ТжРС, 178); шу маънодан 'белбоғ', 'қайиш' маънолари ўсиб чиққан (ПРС, 406, ТжРС, 178). ЎТИЛда *камар* отининг асосий маъноси деб 'қайиш' маъносининг, кўчма маъноси деб 'бел' маъносининг таъкидлангани нотўғри (I, 363). Бу ердаги хато *камарбанд* ('бели боғлиқ') сифатидан аниқ англашилиб турибди (Ўша саҳифада).

КАМАРБАНД қ. камар

КАМАРБАСТА 'шай', 'тайёр' маъносини англатадиган бу кесимлик тожикча *камар* отига (к.) 'боғла-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг *баста* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 178; ЎТИЛ, I, 363).

КАМБАР Бу сифат тожик тилида 'оз' маъносини англатадиган *кам* равиши билан (ТжРС, 177) 'эн', 'ён кўлами' маъносини англатадиган *бар V* отидан (ТжРС, 45) тузилган бўлиб (ТжРС, 178), 'энсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 363).

КАМБАҒАЛ Бу сифат тожикча *кам* равиши билан (к.) 'қўйин', 'ён' маъносини англатадиган *бағал* отидан (ТжРС, 53; ПРС, 70) таркиб топган бўлиб, 'қашшоқ', 'мухтожликда яшовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 363).

КАМГАП Бу сифат тожик тилида *кам* равиши билан (к.) 'жумла' маъносини англатадиган *гап* отидан (ТжРС, 96) тузилган бўлиб, 'кўп гапирмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 363).

КАМГЎШТ Бу сифат тожик тилида *кам* равиши билан (к.) 'эт' маъносини англатадиган *гўшт* отидан (ТжРС, 111) тузилган бўлиб, 'гўшт оз солинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 364).

КАМЙОБ Бу сифат тожик тилида *кам* равишига (к.) 'топил-' маъносини англатадиган *йофтан* феълининг (ТжРС, 146) *йоб* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 144) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ПРС, 407), 'оз топиладиган', 'топилиши қийин бўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 364).

КАМ-КЎСТ Бу от тожикча *кам* равиши билан (к.) 'озлик қил-', 'етма-' маъносини англатадиган *костан* феълининг *кост* ўтган замон асосидан (ТжРС, 195) тузилган жуфт от бўлиб, 'етишмай турган нарсалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 364). ТжРСда бу от *кам* равиши мақоласи ичида *каму кост* шаклида келтирилган (177); демак, ўзбек тили луғатида *о*

www.ziyouz.com kutubxonasi

товуши ўрнига *ў* товуши билан ёзилган. ТжРСга 'камчилик' маъносини англатадиган *кўс* оти ҳам киритилган (199), лекин *кўст* оти йўқ. Шунга кўра асли ўзбек тилида *кам-кўс* берилиши лозим эди.

КАМНАМО Бу равиш тожик тилида *кам* равишига (к.) 'кўрин-' маъносини англатадиган *намудан* феълининг (ТжРС, 257) *намо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 256) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 179), 'аҳён-аҳёнда кўринадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 364).

КАМОМАД Бу от тожик тилида *кам* равишига (к.) 'кел-' маъносини англатадиган *омадан* феълининг *омад* ўтган замон асосини (ТжРС, 286) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 179); 'тегишли миқдордан кам чиққан қисм (пул, мол кабилар)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 365).

КАМОН Бу тожикча от бош маъносида ўзбекча *йой* отига синоним бўлиб, 'ғижжак каби чолғу асбоблари торларига ишқалаб куй чиқаришда ишлатиладиган қил тутами тортилган таёқча' маъносини англатади; айни шу маъно *камонча* оти билан ҳам англатилади (ЎТИЛ, I, 365).

КАМПИР Бу тожикча отнинг *пир* қисми 'чол' маъносини англатади (ТжРС, 307); *кампир* оти эса 'кексайган аёл' маъносини англатади (ТжРС, 179; ЎТИЛ, I, 365); лекин 'аёл' маъносини англатадиган *кам* оти луғатларга киритилмаган.

КАМТАР Бу сифат 'оз' маъносини англатадиган *кам* равишининг (к.) *-тар* қўшимчаси билан (ТжРС, 538) ҳосил қилинган қиёсий даража шакли бўлиб (ТжРС, 177: *кам* мақоласи ичида), асли 'озроқ' маъносини англатади; ўзбек тилида *камтар* яхлитлигича 'мақтанишдан, мағрурланишдан ўзини тиядиган одам' каби маънони англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 365).

КАМТАРОНА Бу равиш тожикча *камтар* сифатига (к.) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'камтарлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАМЧИЛ Бу равиш 'оз' маъносини англатадиган тожикча *кам* равишига (к.) ўзбекча *-чил* қўшимчасини қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'оз топиладиган', 'оз учрайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАМЧИЛИК Бу от тожикча *кам* равишига (к.) ўзбекча *-чилик* қўшимчасини (ЎТГ-75, I, 256) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'нуқсон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАМҚОНЛИК Бу от асли русча *малокровие* отининг калькаси (ағдармаси) бўлиб, *кам қон* бирикмасига *-лик* қўшимчасини қўшиб (ЎТГ-75, I, 254) ҳосил қилинган; 'қони озайиш касаллиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАМҚУВВАТ Бу сифат тожикча *кам* равиши билан (к.) 'куч' маъносини англатадиган арабча *қувват* отидан (АРС, 668) тожик тилида тузилган бўлиб, 'куч-қуввати меъёрдан оз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАМҲОСИЛ Бу сифат тожикча *кам* равиши билан (к.) 'экиндан, дарахтдан олинадиган махсулот' маъносини англатадиган арабча *ҳосил* отидан (АРС, 177) тожик тилида тузилган бўлиб, 'оз ҳосил берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАНА Бу от ПРСда [*кäне*] шаклида (409), ТжРСда *кана* шаклида (180) ёзилган бўлиб, ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'танага ёпишиб, қон сўрадиган майда жонивор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАНАКУНЖУТ Бу от тожикча *кана* (к.) ва *кунжут* (к.) отларидан ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'кунжутнинг уруғи канага ўхшаш тури' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366). Бу отга ЎТИЛда берилган маъно изоҳи ўринли эмас.

КАНДА: Ўзбек тилида *канда қил-* феъли таркибида ишлатиладиган *канда* қисми 'уз-', 'кес-' маъносини англатадиган тожикча *кандан* феълининг (ТжРС, 180) *канд* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одатдаги хатти-ҳаракатни тўхтатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 366).

КАНИЗАК Бу от 'тутқин аёл', 'чўри' маъносини англатиб, ўзбек тилида деярли ишлатилмайдиган *каниз* отига (ПРС, 410; ТжРС, 180) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тутқин қиз', 'чўри қиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 367).

КАПА Бу от асли *каппа I* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 181), ўзбек тилига *п* товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган; 'усти шохшабба билан ёпилган омонат турар жой', 'чайла' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 367).

КАПГИР Бу от тожик тилида 'гўшт қайнай бошлаганда ҳосил бўладиган дағал кўпик' маъносини англатадиган *кафк* отига (ТжРС, 184) 'ол-' маъносини англатадиган *гирифтан* феълининг (ТжРС, 103) *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида *кафк* оти охиридаги *к* товуши айтилмай, *кафгир* шаклида ишлатилади (ТжРС, 183); ўзбек тилига бу тожикча от таркибидаги *ф* товуши *п* товушига алмаштириб олинган; асли 'суюқ овқат қайнаганда ҳосил бўладиган устки кўпикни олиб ташлашга хосланган, тешикчалар билан ясалган япалоқ юпқа рўзғор буюми' маъносини англатган бу от кейинчалик 'қуюқ овқатни ковлаш ва сузишда ишлатилади-ган рўзғор буюми' маъносини англатиш учун ишлатиладиган бўлган (ЎТИЛ, I, 367).

КАППОН Бу от 'усти ёпиқ жой' маъносини англатадиган тожикча *каппа* отига (ТжРС, 181) *-(о)н* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (*каппа + н → каппон)*, 'бозорда ғалла билан савдо қилинадиган усти ёпиқ жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 368).

КАПТАР қ. кабутар

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАПТАРБОЗ Бу от ўзбек тилида *каптар* отига (к.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'каптар боқиш ва уларни учиришга берилган одам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 368).

КАПТАРХОНА Бу от ўзбек тилида *каптар* отига (к.) 'яшаш жойи' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (к.) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'каптарларнинг яшаши учун махсус қурилган каталаклардан иборат уйча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 368). Бу от ПРСда *кабутархан, кабутархане, кафтархане* шаклларида (394), ТжРСда *разг.* таъкиди билан *кафтархона* шаклида (184) келтирилган.

КАРАХТ Бу сифат ПРСда [*карах*] ва [*карахт*] шаклларида (398), ТжРСда фақат *карахт* шаклида (181) келтирилган; ўзбек тилига шу тожикча шакли олинган; 'ҳеч нарсани сезмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 368).

КАРАШ Бу от ТжРСда *карахш* шаклида (182), ЎТИЛда *х* товушини ташлаб *караш* шаклида (I, 368) келтирилган. Бу от 'ички касаллик туфайли тил устида пайдо бўладиган оқ қатлам' маъноси англатиб, *караш бог*ла-бирикмаси таркибида ишлатилади. ЎТИЛда бу от тожикча экани таъкидланмаган.

КАРВОН Бу от ПРСда [*кар(е)ван*] шаклида (391), ТжРС *карвон* шаклида келтирилган. Форс тили луғатида берилишига кўра бу отнинг биринчи қисми асли *коре* экани, бу қисм охиридаги э мавҳум от ясовчи *-и* қўшимчаси экани, бу қўшимча талаффуз қилинмаслиги мумкинлиги аён бўлади. Тожик тили луғатида бу қўшимчали шакл келтирилмаган. *Кор[е]* оти 'иш, меҳнат, вазифа' каби маъноларни англатади (ТжРС, 192, 193). *Кор* оти таркибидаги *о* товуши ўзбек тилида *а* товушига алмаштирилган. *Карвон* оти таркибидаги иккинчи қисм асли кузатувчи' маъносини англатадиган *-бон* қўшимчаси бўлиб, тожик тилида бу қўшимча таркибидаги *б* товуши *в* товушига алмаштирилган; ўзбек тилига шу шаклида олинган. Асли 'бошқарувчи киши' маъносини англатган бу от кейинчалик 'узоқ ерларга юк ташувчи туялар ва уларга қарайдиган шахслар' маъносини англатадиган бўлган. Бу от билан ўзбек тилида *карвонбоши, карвонсарой* отлари тузилган.

КАРНАЙ Бу от асли 'хайвон шохи' маъносини англатадиган арабча *қарн* оти билан (АРС, 635) асли 'камиш' маъносини англатиб, кейинчалик 'ичи ковак узун новда, шундай новдадан ясалган чолғу асбоби' маъноларини англата бошлаган тожикча *най* отидан (ТжРС, 255) тузилган бўлиб, бу от бошланишидаги *қ* товуши *к* товушига алмашган, қатор келиб колган *нн* товушларидан бири айтилмай қўйган. Бу от 'мисдан ясалиб, дастаси узун, тепа қисми кенг, пуфлаб чалинадиган, йўғон (баланд) овозли чолғу асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 369). Бу отдан ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

карнайчи оти ясалган. Сўзлашув тилида бу от таркибидаги *р* товуши *н* товушига алмаштириб *каннай* тарзида айтилади.

КАРНАЙГУЛ Бу от ўзбек тилида тожикча *карнай* (к.) ва *гул* (к.) отларидан тузилган бўлиб, 'гули карнай шаклига эга чирмовик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 369). Сўзлашув тилида *р* товушини *н* товушига алмаштириб *каннайгул* тарзида айтилади.

КАРТОШКАГУЛ Бу от 'таом тайёрлашда озуқа сифатида ишлатиладиган, ҳосили илдизида пайдо бўладиган ўсимлик' маъносини англатадиган русча *картошка* оти билан (ЎТИЛ, I, 370) *гул* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'илдизида кўчат қилишда ишлатиладиган картошкасимон қуббачалар ҳосил бўладиган, ер усти қисмида япрокчалари тўп бўлиб ўсадиган гул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 370). Сўзлашув тилида *о* товушини *и* товушига алмаштириб *картишкагул* тарзида айтилади.

КАСАЛМАНД Бу сифат 'бетоблик' маъносини англатадиган арабча *касал* отига (АРС, 689) тожикча *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тез-тез бетоб бўлиб турадиган', 'дардчил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАСАЛХОНА Бу от 'бетоблик' маъносини англатадиган арабча *касал* отига (АРС, 689) 'жой', 'уй' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'касал киши ётиб даволанадиган шифохона' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 371).

КАТАК Бу от 'ўтириш, ётиш жойи' маъносини англатадиган тожикча *кат* отига (ТжРС, 183) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'паррандалар ўтириши, ётиши учун ясалган кичик бўлмалардан иборат уйча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 372).

КАТАЛАК Бу от тожикча *катак* отига (к.) яна кичрайтириш маъносини ифодалайдиган тожикча *-акак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўта даражада кичик катак', 'жуда кичик, кўримсиз яшаш хонаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 372). Ўзбек тилида *-акак* қўшимчаси таркибидаги биринчи *к* товуши *л* товушига алмаштирилган.

КАФАНГАДО Бу сифат 'мурдани ўрайдиган оқ мато' маъносини англатадиган арабча *кафан* оти билан (АРС, 694) тожикча *гадо* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'ҳеч нарсаси йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 373).

КАШАНДА Бу сифат 'чек-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 184) ҳозирги замон сифатдоши шаклини ясовчи *-анда* қўшимчасини (ТжРС, 561) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'узлуксиз чекадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374).

КАШТА Бу от 'накш тушир-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *кашида* ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 184), ўзбек тилига *и* товушини ташлаб, *д* товушини *т* товушига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштириб олинган; 'матога турли рангли иплар билан нақш тушириб тикилган безак буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374).

КАШТАДЎЗ Бу от тожикча *кашта* отига (к.) 'тик-' маъносини англатадиган *дўхтан* феълининг (ТжРС, 144) *дўз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 143) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кашта тикувчи чевар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374).

ҚАҲРАБО Бу от 'сомон' маъносини англатадиган тожикча *каҳ* отига (ТжРС, 185) 'торт-' маъносини англатадиган *рабудан* феълининг *рабо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 317) қўшиб тузилган бўлиб, 'зийнат буюмлари ясашда ишлатиладиган сомон рангли шаффоф ялтироқ тош' маъносини, шу маънодан ўсиб чиққан 'сариқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374). Бу тош ўзига сомонни тортиш хусусияти борлиги туфайли шундай номланган дейилади (ЎҚААҚЛ, 154).

КЕМАСОЗЛИК Бу от ўзбекча *кема* отига (ЎТЭЛ, 201) 'яса-' маъносини англатадиган *сохтан* феълининг (ТжРС, 364) *соз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 362) қўшиб ҳосил қилинган *кемасоз* отидан *-лик* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'кема қуриш билан шуғулланадиган соҳа' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 374). ЎТИЛда *кема* оти хато равишда *ф-т* деб таъкидланган (378).

КИЗАК Бу от асли 'букур', 'букчайган жой' маъносини англатадиган тожикча *кўз* отига (ТжРС, 198; ЎҚААҚЛ, 162) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *ў* товуши *и* товушига алмаштирилган; 'дўппининг тепа қисми билан жияги оралиғидаги гардиш қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 385).

КИМЙОГАР Бу от 'моддаларнинг хоссаларини ўрганувчи фан' маъносини англатадиган арабча *кимийо* отига (АРС, 708) 'шуғулланувчи шахс' маъносини ифодалайдиган *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги *и* товушини ташлаб қабул қилинган; 'химия мутахассиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 385).

КИН қ. гина

КИНА қ. гина

КИНДОР қ. гинадор

КИРАКАШ Бу от арабча *кира* отига (АРС, 686) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб тузилган бўлиб, 'киши ёки нарсани бирор манзилга транспорт воситасида маълум ҳақ эвазига ташиш билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 387). Бу отдан ўзбек тилида *киракашлик* мавҳум оти ясалган.

КИРДИКОР Бу от ПРСда [*кӓрде-кор*] шаклида келтирилиб, 'кўпни кўрган' каби маънони англатиши айтилган (398). Асли 'қил-' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган тожикча *кардан* феълининг 'қилган' маъносини англатувчи *карда* ўтган замон сифатдоши шаклига (ТжРС, 182) 'иш' маъносини англатадиган *кор* отини (ТжРС, 192) қўшиб тузилган бўлиб, ўзбек тилида бу отнинг *карда* қисми таркибидаги *а* товушлари *и* товушларига алмаштирилган; 'ёмон, ярамас ишлар, хатти-ҳаракатлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 387).

КИРПЕЧ Бу от ўзбекча *кир* оти билан 'олд томон' маъносини англатадиган тожикча *пеш* отидан (ТжРС, 304) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *ш* товуши *ч* товушига алмаштирилган; 'ювилган кир тахланадиган токча олдига тутиладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 388).

КИССА Бу тожикча от асли *киса* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 187), ўзбек тилида *с* товуши қатланган; 'ҳамён', 'чўнтак' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 388).

КИССАВУР Бу от тожикча *кисса* отига (к.) 'олиб кет-' маъносини англатадиган *бурдан* феълининг *бурд* ўтган замон асосини (ТжРС, 85) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *бурд* қисми бошланишидаги *б* товуши *в* товушига алмаштирилган, охиридаги *д* товуши айтилмай қўйган; 'чўнтак ўғриси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 389).

КИТОБХОН Бу от арабча *китоб* отига (АРС, 676) 'ўқи-' маъносини англатадиган тожикча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'китоб (асар) муталаа қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 389).

КОВАТОК Бу от тожик тилида 'аралаштир-' маъносини англатадиган *кофтан* феълининг *ков* ҳозирги замон асосидан *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 396) ясалиб, 'уяча' маъносини англатадиган *кова* отига 'узум ўсимлиги' маъносини англатадиган *ток* отини (ТжРС, 396) қўшиб тузилган бўлиб, 'киймани ток баргига ўраб пиширилади ган таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 391).

КОВУШ *қ* кавиш

КОКИЛ Бу от ПРСда [*какол*] шаклида келтирилиб, "чолка, хохол" деб изоҳланган (302); ТжРСда *кокул* шаклида келтирилиб, "чуб, хохол", "коса, косички" деб изоҳланган (189); ўзбек тилига тожикча от таркибидаги *у* товуши *и* товушига алмаштириб олинган. ЎТИЛда бош маъноси 'соч ўрими' дейилгани ўринли бўлмаган; асли 'назр қилиб ёш болалар бошида ўстириш учун қолдириладиган бир тутам соч' маъносини асосий маъно дейиш тўғри (I, 392).

КОМ Бу от ПРСда [*кам*] шаклида (393: *кам II*), ТжРСда *ком II* шаклида (190) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'ҳайвоннинг оғзи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 393).

КОРАНДА Бу от 'деҳқончилик билан шуғулан-' маъносини англатадиган тожикча *коштан* феълининг (ТжРС, 195) ҳозирги замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 193), 'ўсимлик ҳосилининг маълум бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмини олишга байлашиб ёлланиб ишлайдиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 398).

КОРЖОМА Бу от тожик тилида 'иш' маъносини англатадиган *кор* оти билан (ТжРС, 192) 'устки кийим' маъносини англатадиган *жома* (*ҷома*) отидан тузилган бўлиб, 'иш кийими' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 398).

КОРХОНА Бу от тожик тилида 'иш' маъносини англатадиган *кор* оти билан (ТжРС, 192) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'ишлабчиқариш ташкилоти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 399).

КОРЧАЛОН Бу сифат 'иш' маъносини англатадиган тожикча *кор* отига (ТжРС, 192) 'ҳаракатга келтир-' маъносини англатадиган форсча [*чăланидăн*] феълининг (ПРС, 165) *чалон* (*чăлан*) ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўзини ишбилармон қилиб кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 399). Тожик тили луғатида бундай маъноли феъл *чаллондан* шаклида келтирилган (ТжРС, 436); ўзбек сўзлашув тилидаги *корчаллон* шаклли сифат ана шу феъл асосида юзага келган (ТжРС, 194; ЎТИЛ, I, 399).

КОСА Бу от ПРСда "[*кă'с*] мн. [*кă'сат*] ва [*коус*]" шаклларида келтирилиб, "чаша, кубок" деб (391), [*касе*] шаклида келтирилиб, "большая чашка, чаша" деб (392) изоҳланган; ТжРСда *коса* шаклида келтирилиб, "большая чашка, чаша" деб изоҳланган (194); ўзбек тилига шу шакли олинган; ЎТИЛда бош маъноси 'пиёладан каттароқ, асосан суюқлик, суюқ овқат солиб ичиш учун ишлатиладиган идиш' деб аниқ таърифланган (I, 399).

КОСАГУЛ Бу от тожикча *коса* оти билан (қ.) *гул* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'соқий', 'ўтиришни бошқарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 399).

КОШИН Бу от 'рангдор кафель' маъносини англатадиган [*каши*] отига (ПРС, 392) *-н* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'турли рангдаги қурилиш ашёларидан фойдаланиб ҳосил қилинган накш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 400).

КОШИНКОР Бу сифат тожикча *кошин* оти билан (қ.) *кор* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'кошин билан безатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 400).

КОШОНА Бу от 'безакли' маъносини англатадиган [*каши*] отига (ПРС, 392) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; қатор келиб қолган *ио* товушларидан *и* товуши айтилмай кўйган; тожик тилида 'одам яшайдиган уй' маъносини (ТжРС, 195), ўзбек тилида эса 'ҳашаматли кўркам бино' маъносини (ЎТИЛ, I, 400) англатади.

КУВ Бу от 'кўп марта юқоридан пастга ур-' маъносини англатадиган [*кубидан*] феълининг [*куб*] ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ПРС, 410), ўзбек тилида бу от охиридаги *б* товуши *в* товушига алмаштирилган; 'сутни

www.ziyouz.com kutubxonasi

чайқатиб ёғини ажратиб олиш учун ишлатиладиган цилиндр шаклидаги ёғоч мослама ва унинг таёқсимон сопидан иборат рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 401).

КУЛДОН Бу от ўзбекча *кул* отига 'идиш' маъносини ифодалайдиган тожикча *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чекилаётган нарсанинг кулини, қолдиғини солиш учун ишлатиладиган идишча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 400).

КУНГУРА Бу от ПРСда [*конгоре, кангäре*] шаклларида (409), ТжРСда *кунгура* шаклида (196), ЎКААҚЛда *кунгура, кунгир* шаклларида (160) келтирилган. Кўринадики, бу от ўзбек тилига тожик тилидаги шакли билан олинган; 'том қирғоқлатиб тиш шаклида ясаб ўрнатилган қурилма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 405).

КУНДА Бу от ПРСда [*конде*] шаклида (409), ТжРСда *кунда* шаклида (197) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган. Асли 'юқори қисми кесилган' маъносини англатадиган *кунд* сифатидан (ТжРС, 196) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган бўлиб, 'дарахтнинг танаси қисқагина кесилган ер усти қисми илдизи билан бирга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 405).

КУНДАКОВ Бу от тожикча *кунда* отига (к.) 'ковла-' маъносини англатадиган тожикча *кофтан* феълининг (ТжРС, 195) *ков* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 189) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кундани ковлаб олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 405).

КУНЖУТ Бу от ПРСда [*конджод*] ва [*конджид*] шаклларида (408), ТжРСда *кунҷит* шаклида келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли *и* товушини аслига мувофиқ *у* товушига алмаштириб олинган; 'уруғидан ёғ олинадиган жануб ўсимлиги ва шу ўсимликнинг уруғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 406).

КУТУБХОНА Бу от арабча *китоб* отининг (АРС, 676) *кутуб* кўплик шаклига 'уй' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'китобларни жамлаб, тартиблаб, улардан китобхонларнинг фойдаланишини таъминловчи муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 408). Қизиғи шундаки, шундай маънони англатувчи *мактабат(ун)* оти бўла туриб араб тили луғатига *кутубхона* оти ҳам киритилган (АРС, 677). *Кутубхона* отидан ўзбек тилида *кутубхоначи* оти ясалган.

КУШАНДА Бу сифат 'ўлдир-' маъносини англатадиган тожикча *куштан* феълининг (ТжРС, 198) *кушанда* ҳозирги замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 197), 'йўқ қилувчи', 'кириб ташловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 410).

КУШХОНА Бу от 'ўлдир-' маъносини англатадиган тожикча *куштан* феълининг (ТжРС, 198) *куш* ҳозирги замон асосига 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426), қўшиб тузилган бўлиб, 'чорва

www.ziyouz.com kutubxonasi

молларини сўйиш билан шуғулланадиган корхона' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 410). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *қушхона* тарзида айтилади (ЎТИЛ, I, 629).

КЎЗОЙНАК Бу от ўзбекча *кўз* оти билан тожикча *ойнак* отидан (ЎТИЛ, I, 528) тузилган бўлиб, 'нормал кўриш ёки ҳимоя қилиш учун кўз олдига тақиладиган асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 412).

КЎЙЛАКБОП Бу сифат ўзбекча *кўйлак* отига 'мос' маъносини англатадиган тожикча *боб* сифатини (ТжРС, 73) қўшиб тузилган бўлиб, ўзбек тилида охирги *б* товуши *п* товушига алмаштирилган; 'кўйлак тикиш учун мос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 412).

КЎКАЛАМЗОР Бу от ўзбекча *кўклам* отининг сўзлашув тилидаги *кўкалам* шаклига (ЎТИЛ, I, 413) тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'кўкариб турган ўт-ўсимлик билан қопланган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 413).

КЎКРАКДОР Бу сифат ўзбекча *кўкрак* отига (ЎТЭЛ, 225) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўкраги кенг', 'яғриндор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 414).

КЎПКАРИ Бу от 'тортқила-' маъносини англатадиган тожикча *кўфтан* феълининг (ТжРС, 200) *кўб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 198) 'иш-ҳаракат' маъносини англатадиган *кор* отини (ТжРС, 192) қўшиб тузилган *кўбкор* отидан *-ӣ* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган; ўзбек тилига *б* товушини *п* товушига алмаштириб, *ӣ* товушининг чўзиқлигини ташлаб олинган; 'улоқ (от спорти ўйини)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 388).

КЎРАК Бу от 'кўрмайдиган' маъносини англатадиган тожикча *кўр* сифатига (ТжРС, 199) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'совуқ уриб очилмай қолган кўсак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 419).

КЎР-КЎРОНА Бу равиш 'кўрмайдиган' маъносини англатадиган тожикча *кўр* сифатига (ТжРС, 199) шу сифатдан *-она* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилинган *кўрона* шаклини жуфтлаб тузилган бўлиб (ПРС, 411), 'аниқ тасаввур қилмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 420).

КЎРНАМАК Бу сифат 'кўрмайдиган', 'қадрламайдиган' маъносини англатиб қатнашаётган *кўр* сифатига (ЎТИЛ, I, 420) 'овқат' маъносини англатиб қатнашаётган *намак* отини (к.) қўшиб тузилган бўлиб, 'яхшиликни қадрламайдиган', 'яхшилик қилган кишига ёмонлик қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 420).

КЎРШАПАЛАК Бу тожикча от мураккаб тузилишли *кўршабпарак* шаклига эга бўлиб (ТжРС, 199), 'кўрмайдиган' маъносини англатадиган *кўр* сифатига (ТжРС, 199), 'тун' маъносини англатадиган *шаб* оти (ТжРС, 448), 'уч-' маъносини англатадиган *паридан* феълининг (ТжРС, 299) *пар* ҳозирги

www.ziyouz.com kutubxonasi

замон асосидан таркиб топган *кўршабпар* бирлигига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек сўзлашув тилида *б* товуши *п* товушига алмаштирилиб, катор келиб қолган *пп* товушларидан бири айтилмай, охири *р* товуши *л* товушига алмаштирилган. Бу от 'қоронғида учадиган қушсимон ҳайвон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 421).

КЎСА Бу сифат 'нуқсон', 'камчилик' маъносини англатадиган тожикча *кўс* отига (ТжРС, 199) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'соқол-мўйлови сийрак ёки умуман чиқмайдиган эркак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 421).

КЎСАНАМО Бу сифат тожикча *кўса* отига (қ.) 'ўхшаб кўрин-' маъносини англатадиган *намудан* феълининг (ТжРС, 257) *намо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 256) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'соқол-мўйлови сийракроқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 421).

КЎЧАТЗОР Бу от ўзбекча *кўчат* отига (ЎТЭЛ, 232) тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўчат етиштириладиган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 423).

КЎҲНА Бу сифат 'қадимги' маъносини англатадиган [*коҳан*] сифатига (ПРС, 414) *-а* кўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; бу қўшимча қўшилганидан кейин олдинги бўғиндаги *а* товуши айтилмай кўйган. Бу сифат 'жуда қадамги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 424).

Л

ЛАБ-ДАҲАН Бу жуфт от тожикча *лаб* (ТжРС, 201) ва 'оғиз' маъносини англатадиган *даҳон* (ТжРС, 125) отларидан тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ҳ* товушидан кейинги *о* товуши *а* товушига алмаштириб олинган; 'бирор нарса ҳақида ўз фикрини маъқул қила олиш қобилияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 424).

ЛАБОЛАБ Бу равиш 'идиш тепа оғзининг зиҳи' маъноси билан қатнашаётган тожикча *лаб* отини (ТжРС, 201) орага *о* боғламасини қўшиб такрорлаш билан ҳосил қилинган бўлиб, 'лабигача' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 425).

ЛАГАН Бу тожикча от бош маъносида 'мис тоз'ни, кўчма маъносида 'патнис'ни англатади (ТжРС, 202); ўзбек тилида 'куюк овқат солинадиган, тарелкадан катта рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 425). ЎТИЛда бу от тожикча эканлиги таъкидланмаган.

ЛАГАНБАРДОР Бу сифат тожик тилида *лаган* отига (қ.) 'кўтар-' маъносини англатадиган *бардоштан* феълининг *бардор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 47) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор манфаатни кўзлаб ўзини тубан тутадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 425).

ЛАРЗА Бу от тожик тилида 'титра-' маъносини англатадиган *ларзидан* феълининг (ТжРС, 203) *ларз* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 203), 'титраш' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ЎТИЛ, I, 427). Бу от ПРСда [*лäрз*] ва [*лäрзе*] шаклларида, ЎҚААҚЛда фақат *ларз* шаклида (166) келтирилган.

ЛАРЗОН: *ларзон ур-* бирикмаси таркибида қатнашадиган бу от 'титра-', 'силкин-' маъносини англатадиган *ларзидан* феълининг (ТжРС, 203) *ларз* ҳозирги замон асосига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кучли даражада титраш, лапанглаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 427).

ЛАТ: *лат йе-* бирикмаси таркибида қатнашадиган бу тожикча от 'жароҳат' маъносини (ТжРС, 204), бирикма эса 'жароҳатлан-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 427).

ЛАХТА: *лахта қон-* бирикмаси таркибида қатнашадиган бу сифат 'парча', бўлак' маъносини англатадиган тожикча *лахт* отига (ТжРС, 204) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ивиб қолган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 428).

ЛАХТАК Бу от 'парча', 'бўлак' маъносини англатадиган тожикча *лахт* отига (ТжРС, 204) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'газлама ёки терининг бичиқдан кейинги кичик парчаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 428). Бу от *лахтак-лухтак* шаклида ҳам ишлатилиб, "газлама ёки терининг парча-пурчалари' маъносини англатади.

ЛИППА Бу от 'букиш' маъносини англатадиган [*лäфф*] отига (ПРС, 439) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу отнинг биринчи бўғинидаги *ä* товуши форс, тожик тилидаёқ *и* товушига алмашган (ПРС, 443: [*лифе*] 2; ТжРС, 206: *лифа*). Ўзбек тилида *фф* товушлари *пп* товушларига алмаштирилган. Бу от 'иштоннинг иштонбоғ ўтказиш учун букиб тикилган юқори қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 432). ЎТИЛда бу от [*ф-т*] деб таъкидланмаган.

ЛОВИЙА Бу от ПРСда [*лубийа*] шаклида (441), ТжРСда *лӯбийо* шаклида (208) келтирилган; ўзбек тилига *у/ӯ* товушларини *о* товушига, *б* товушини *в* товушига, *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'оқ рангдаги чўзикроқ дони мош донига ўхшаб бирин-кетин қобиққа уланиб ўралган ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 433).

ЛОЖУВАРД Бу от ПРСда [*ладжвäрд*] шаклида (433), ТжРСда *лоҷвард* (асосий) ва *лоҷувард* (ҳавола билан) шаклларида (ТжРС, 208) келтирилган; ўзбек тилига тожикча *ложувард* шакли олинган; 'безак буюмини ясашда ишлатиладиган тўқ кўк рангли минерал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 433).

ЛОЗИМАНДА қ. лозимомада

ЛОЗИМОМАДА Бу от 'зарур' маъносини англатадиган арабча *лозим* кесимлиги билан (АРС, 719) 'олиб бор-' маъносини англатадиган тожикча *омадан* феълининг *омад* ҳозирги замон асосидан тузилган *лозимомад* бирлигига (ТжРС, 206) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хурсандчилик маросимига олиб бориш лозим бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

совға' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 433). Бу от ўзбек сўзлашув тилида (аёллар нутқида) *лозиманда* шаклида айтилади.

ЛОЙХЎРАК Бу от 'нам, сув таъсирида юмшоқ, ёпишқоқ ҳолатга келган тупроқ', 'ботқоқ' маъносини англатадиган *лой* оти билан (ТжРС, 207) 'овқат' маъносини англатадиган тожикча *хўрок* отидан (ТжРС, 434) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *к* товуши олдидаги *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ботқоқ ерларда яшайдиган узун тумшуқли қуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 434).

ЛОКЛА- Бу феъл 'буюмларни ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик' маъносини англатадиган тожикча *лок* отидан (ТжРС, 207) ўзбек тилида *-ла* қўшимчаси билан ясалган; 'нарсанинг сиртига лок сурт-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 434).

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ Бу от 'баҳорда очиладиган қизил, сариқ, тарғил рангли гул' маъносини англатадиган тожикча *лола* оти билан (ТжРС, 435) ўзбекча *қизғалдоқ* отидан (ЎТЭЛ, 539) тузилган бўлиб, 'баҳорда очиладиган лоласимон гулли ёввойи ўт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 435).

ЛОФЧИ Бу сифат 'ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ҳаддан ташқари бўрттирилган гап' маъносини англатадиган тожикча *лоф* отига (ТжРС, 207) ўзбекча *-чи* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳақиқатга тўғри келмайдиган гапларни гапирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 435).

ЛУНГИ Бу от ПРСда [*лонг*] шаклида (440), ТжРСда *лўнгӣ* шаклида (208) келтирилган; ўзбек тилига тожикча *лўнгӣ* оти таркибидаги *ў* товушини *у* товушига алмаштириб, *ӣ* товушининг чўзиқлик белгисини ташлаб олинган. *Лўнгӣ* оти асли *лўнг* отидан *-и* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган; 'ҳаммомга киришда яланғоч баданнинг белдан пастки қисмини ёпиш учун ўраладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 436).

ЛУНЖ Бу от ПРСда [*лондж*] шаклида келтирилиб, 'лаб' деб (440), ТжРСда *лунҷ* шаклида келтирилиб, 'ёнокнинг лабга туташган пастки қисми' деб (208), ЎТИЛда 'бетнинг пастки жағ билан туташ қисми' деб (I, 435) изоҳланган. Бу отнинг маъносини асли 'ёнок билан пастки жағ орасидаги юпқа юмшоқ эт' деб изоҳлаш маъқул; *лунжини шишириб* бирикмаси шундай изоҳ бериш тўғрилигини тасдиқлайди.

ЛЎЛА: *лўла болиш, лўла кабоб* бирикмалари таркибида қатнашадиган бу сифат асли [*луле*] шаклига эга бўлиб, "труба, ствол" (ПРС, 442), 'узун думалоқ нарса' маъносини (ТжРС, 208) англатади; юқоридаги бирикмалар таркибида бу от 'қиймани думалоқ узун шаклга келтириб пиширилади' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 437).

М

МАБОДО Тожик тилида 'агар' каби боғловчи вазифасида ишлатиладиган бу бирлик ўзбек тилида ҳам боғловчи вазифасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлатилади. Асли инкор маъносини ифодаловчи тожикча *ма* олд юкламаси билан (ТжРС, 209) 'бўлсин' маъносини англатадиган *бод* буйруқ феълидан (ТжРС, 74) тузилган *мабод* модалига *-о* қўшиб ҳосил қилинган (ЎТИЛ, I, 437). Бу боғловчи ПРСга [*набодо*] шаклида ҳам киритилиб (558), [*мабада*] шаклига хавола қилинган; у ерда [*набада*] шаклидан ташқари [*набад*] шакли ҳам келтирилган (450). Бу боғловчининг ўзбек тилида ишлатиладиган *набодо* шакли форс тилидан олинган; бундай шакл ТжРСда, ЎТИЛда келтирилмаган.

МАДАДКОР Бу сифат 'қўллаб-қувватлаш' маъносини англатадиган арабча *мадад* отига (АРС, 746) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўмаклашувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 439).

МАЖЛИСБОЗЛИК Бу мавҳум от 'бирор сабаб-мақсад билан бир ерга йиғилиш' маъносини англатадиган арабча *мажлис* отига (АРС, 135) 'берилиб шуғуллан-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб ҳосил қилинган сифатга ўзбек тилида *-лик* қўшимчасини қўшиб ясалган; 'бўлар-бўлмасга мажлис ўтказавериш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 440).

МАЗАХЎРАК Бу сифат тожикча 'таъм-лаззат' маъносини англатадиган *маза* оти билан (ТжРС, 211) 'овқат' маъносини англатадиган *хўрак* отидан (ТжРС, 434) тузилган бўлиб, 'бирор нарсанинг мазасига тушуниб қолиб, унга интиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЗМУНДОР Бу сифат 'маъно мундарижаси' маъносини англатадиган арабча *мазмун* отига (АРС, 462) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сермазмун' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАИШАТБОЗ Бу сифат 'айш-ишрат', 'кайф-сафо' маъносини англатадиган арабча *маишат* отига (АРС, 553) 'берилиб шуғуллан-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган бўлиб, 'айш-ишратга берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАИШАТПАРАСТ Бу сифат 'айш-ишрат', 'кайф-сафо' маъносини англатадиган арабча *маишат* отига (АРС, 553) 'сажда қил-' маъносини англатадиган *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 82, 75) қўшиб тузилган бўлиб, 'маишатга муккасидан кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЙГУН Бу сифат 'асосан қизил узумдан тайёрланадиган мусаллас' маъносини англатадиган тожикча *май* отига (ТжРС, 21) 'ўхшаш' маъносини англатадиган *-гун* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'май рангидаги', 'қизил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЙДАГАП Бу сифат тожикча 'эътибор беришга арзимайдиган' маъносини англатувчи *майда* сифати билан (ТжРС, 211) 'сўз', 'нутқ' маъносини англатадиган *гап* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'эътибор беришга арзимайдиган сўзларни гапиришга ўрганган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЙДАЛА- Бу феъл 'кичик (бўлаклар)' маъносини англатадиган тожикча *майда* сифатидан (ТжРС, 211) ўзбек тилида *-ла* қўшимчаси билан ясалган; 'майда бўлакларга ушат-, айлантир-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 441).

МАЙДА-ЧУЙДА Бу сифат тожикча *майда* сифатини (ТжРС, 211) ўзбек тилида *ма → чу* товуш ўзгариши билан такрорлаб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳар хил майда', 'арзимас' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 442).

МАЙДОНЧА Бу от 'кенг текис ер' маъносини англатадиган тожикча *майдон* отига (ТжРС, 212) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган ўзбекча *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кичик майдон' маъносини англатади (ТжРС, 212). Бу от ЎТИЛга нимагадир киритилмаган.

МАЙНАБОЗЛИК, МАЙНАБОЗЧИЛИК Бу отлар 'чуғурчиқсимон сайроқи қуш' маъносини англатадиган *майна* отига 'шуғуллан-', 'ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган *майнабоз* сифатига ўзбекча *-лик, -чилик* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'енгилтаклик, юзакичилик билан айтилган гап, қилинган иш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 442). Ўзбек сўзлашув тилида бу от товуш ўзгаришларига учраб, *майнавозлик, майнавозчилик* тарзида айтилади.

МАЙНАВОЗЛИК, МАЙНАВОЗЧИЛИК қ. майнабозлик

МАЙПАРАСТ Бу сифат 'кайф қилиш учун ичиладиган спиртли ичимлик' маъносини англатадиган тожикча *май* отига (ТжРС, 211) 'сажда қил-' маъносини англатадиган *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ичкилик ичишга муккасидан кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАЙСАЗОР Бу от 'яқинда униб чиққан ўт, экин' маъносини англатадиган *майса* отига 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'майса билан қопланган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАЙХОНА Бу от 'спиртли ичимлик' маъносини англатадиган тожикча *май* оти билан (ТжРС, 211) 'уй' маъносини англатадиган *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'май сотиб олиб, шу ернинг ўзида ичиладиган уй' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАЙХЎР Бу сифат тожик тилида 'спиртли ичилик' маъносини англатадиган *май* отига (ТжРС, 211) 'истеъмол қил-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг *хўр* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 434)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'май ичишга берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443). Бу сифатдан ўзбек тилида *майхўрлик* оти ясалган.

МАКИЙОН 'Товуқ' маъносини англатадиган бу от *мокийон* товуш таркибига эга бўлиб (ПРС, 447; ТжРС, 232), ўзбек тилига биринчи бўғиндаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'товуқнинг урғочиси', 'бедананинг урғочиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443; 469: *мода*).

МАККОРОНА Бу равиш 'ҳийла-найранг ишлатувчи киши' маъносини англатадиган арабча *маккор* отига (АРС, 762) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳийла-найранг ишлатиб, маккорлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАКТАБДОР Бу от 'ўқитиш, тарбиялаш билан шуғулланувчи муассаса' маъносини англатадиган арабча *мактаб* отига (АРС, 677) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хусусий мактаб соҳиби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 443).

МАНСАБДОР Бу сифат 'эгаллаб турилган лавозим' маъносини англатадиган арабча *мансаб* отига (АРС, 805) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маълум бир юқори мансабда ишлаб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНСАБПАРАСТ Бу сифат 'эгаллаб турилган лавозим' маъносини англатадиган арабча *мансаб* отига (АРС, 805) 'сажда қил-' маъносини англатадиган тожикча *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юқори лавозим кетидан қувадиган', 'мансабга муккасидан кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНТИПАЗ Бу от 'гўшт ва пиёз қиймасини юпқа ёйилган хамир парчасига тугиб қасқонда пишириладиган овқат' маъносини англатадиган асли хитойча *мантy* отига (ТжРС, 215) 'пишир-' маъносини англатадиган тожикча *пухтан* феълининг (ТжРС, 315) *паз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 295) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *мантy* оти охиридаги *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; *мантипаз* оти 'манти пиширищ билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАНФААТДОР Бу сифат 'бирор фаолиятдан кўзланган фойда', 'наф' маъносини англатадиган арабча *манфаат* отига (АРС, 821) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор иш-фаолиятдан манфаат кутувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466).

МАНФААТПАРАСТ Бу сифат 'бирор фаолиятдан кўзланган фойда', 'наф' маъносини англатадиган арабча *манфаат* отига (АРС, 821) 'берилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуғуллан-' маъносини англатадиган тожикча *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фақат шахсий манфаатини кўзлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАРВАРИД Бу от ПРСда [*мӓрворид, морварид*] шаклларида (485), ТжРСда *марворид* шаклида (215) келтирилган; ўзбек тилига тожикча *марворид* шакли *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'молюска чиғаноғидан олинадиган турли ранг қимматбаҳо садаф' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 447).

МАРВАРТАК: *марвартак тут* бирикмаси таркибида қатнашадиган бу сифат (от) асли *марворидак* шаклига эга бўлиб (ТжРС, 225), *марворид* отига (қ.) 'майда',• 'кичик' маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига *о* товушини *а* товушига алмаштириб, *и* товушини ташлаб, *д* товушини *т* товушига алмаштириб олинган; 'майда марварид', 'кеч пишадиган майда ширин тут' маъноларини англатади (ТжРС, 215; ЎТИЛ, I, 447).

МАРГИМУШ Бу от асли 'ўлим' маъносини англатадиган тожикча *марг* отини (ТжРС, 216) *-и* изофаси билан (ТжРС, 545) 'сичқон' маъносини англатадиган *муш* отига (ТжРС, 246) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзиладиган бўлган; 'сичқонни ўлдирадиган кимёвий модда (мышьяк)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 446).

МАРД Бу бирлик тожик тилида аввал 'эркак' маъносини (*шоҳи мардон* – '*эркаклар шоҳи*') англатиб, кейинчалик 'ботир' маъносини англатиш учун ишлатила бошлаган (ТжРС, 216); ўзбек тилига кейинги маъноси билан олинган (ЎТИЛ, I, 447).

МАРДИКОР Бу от асли 'эркак' маъносини англатадиган *мард* отини (к.) *-и* изофаси (ТжРС, 545) билан 'иш' маъносини англатадиган *кор* отига (ТжРС, 192) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзиладиган бўлган; 'ёлланиб меҳнат қиладиган ишчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 447). Бу отдан ўзбек тилида *мардикорлик* оти ясалган. Ўзбек сўзлашув тилида бу отлар *маткор, маткорлик* тарзида *р, и* товушларини ташлаб, *д* товушини *т* товушига алмаштириб айтилади.

МАРДОН Бу от 'эркак' маъносини англатадиган тожикча *мард* отининг (к.) *-он* қўшимчаси билан (ТжРС, 536) ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб, 'эркаклар' маъносини англатади; *саҳари мардон* изофа бирикмаси таркибида қатнашади (ЎТИЛ, I, 447).

МАРДОНА Бу равиш тожик тилида 'ботир' маъносини англатадиган *мард* сифатига (ТжРС, 216) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мардларча', 'мардлик кўрсатиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 447).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРДОНАВОР Бу равиш тожикча *мардона* равишига (қ.) 'ўхшаб' маъносини ифодалайдиган *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мардларга ўхшаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 447).

МАРДУМ Бу от асли 'эркак киши' маъносини англатадиган тожикча *мард* отига (ТжРС, 216) 'оддий' маъносини англатадиган арабча *[амм]* сифатини (АРС, 342) қўшиб *мардамм* шаклида ҳосил қилинган (ПРС, 340), кейинчалик форс тилида *мардом* шакли (ПРС, 482), тожик тилида *мардум* шакли (ТжРС, 216) юзага келган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'оддий киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 447).

МАРДЧАСИГА Бу равиш 'ботир' маъносини англатадиган *мард* отига (қ.) ўзбекча *-часига* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ботирларга ўхшаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 447).

МАСАЛНАВИС Бу от 'ўгит мазмунли кичик ҳажмдаги мажазий ҳикоя' маъносини англатадиган арабча *масал* отига (АРС, 742) 'ёз-' маъносини англатадиган тожикча *навиштан* феълининг *навис* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 253) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'масал ижод қиладиган ёзувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 449). Ўзбек тилида бу тожикча отга синоним сифатида *масалчи* оти ҳам ҳосил қилинган.

МАСАЛЧИ *қ.* масалнавис

МАСЛАҲАТГЎЙ Бу от ўзбек тилида 'бирор фаолиятни тўғри, фойдали амалга ошириш бўйича айтиладиган фикр-мулоҳазалар' маъносини англатиш учун ишлатиладиган арабча *маслаҳат* отига (АРС, 442) 'гапир-' маъносини англатадиган тожикча *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маслаҳат берувчи', 'маслаҳат бериш билан кифояланувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450).

МАСТАВА Бу от 'қатиқ' маъносини англатадиган тожикча *мост* оти билан (ТжРС, 233) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бирликка *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 216), ўзбек тилига биринчи, иккинчи бўғинлардаги *о(ӑ)* товушларини *а* товушларига, *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'қатиқ солиб ичиладиган гурунчли суюқ овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 450).

МАСХАРАБОЗ Бу от 'устидан кулиш' маъносини англатадиган арабча *масхара* отига (АРС, 350) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одамларни кулдириш учун турли гап-сўз айтадиган, ҳаракатлар қиладиган артист' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 451). Бу отдан ўзбек тилида *масхарабозлик* мавҳум оти ясалган.

МАТКОР *қ.* мардикор

МАФТУНКОР Бу сифат 'эс-ҳушини йўқотиш даражасида шайдо бўлган' маъносини англатувчи арабча *мафтун* сифатига (АРС, 582)

www.ziyouz.com kutubxonasi

тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) ўзбек тилида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўзига мафтун қилиб олувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 452).

МАШИНАСОЗЛИК Бу от рус тилидан олинган *машина* отига 'яса-' маъносини англатадиган тожикча *сохтан* феълининг (ТжРС, 364) *соз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 362) қўшиб ҳосил қилинган *машинасоз* отига ўзбекча *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'машиналар ва машина учун асбоб-ускуналар ишлабчиқариш билан шуғулланадиган саноат соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 453).

МАШИНАШУНОСЛИК Бу от рус тилидан олинган *машина* отига 'бил-', 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 358) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 357) қўшиб ҳосил қилинган *машинашинос* оти таркибидаги *и* товушини *у* товушига алмаштириб, ўзбекча *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'машиналар бўйича билим берадиган фан соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 453).

МАЪНОДОР Бу сифат 'сўз ёки қўшимча билдирадиган мазмун' маъносини англатадиган арабча *маъно* отига (АРС, 546) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 222), ўзбек тилида 'киноя ли, қочирикли мазмунга эга' каби маънони англатади. Бу сифатнинг маъносини *маъноли* сифатининг маъносига тенг дейиш тўғри эмас (ЎТИЛ, I, 455).

МАЪРИФАТПАРВАР Бу сифат ўзбек тилида 'ўқитиш-тарбиялаш, билим бериш' маъносини англатиш учун ишлатиладиган арабча *маърифат* отига (АРС, 510) 'ўстир-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг *парвар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маърифат учун курашувчи', 'маърифат ҳомийси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 455).

МАҒИЗ I Бу кўп маъноли *мағз* оти асли 'мия', 'ички қисм' каби маъноларни англатади (ТжРС, 222; ПРС, 514). Ўзбек тилига *ғз* товушлари оралиғига *и* товушини киритиб қабул қилинган; 'ёнғоқ, бодом, писта каби қаттиқ қобиқли меваларнинг ейиладиган ички қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҒИЗ II Бу от ПРСда [*мäʒи*] шаклида ёзилиб, "кайма, обшивка" каби маъноларни англатиши айтилган (514). Ўзбек тилига охиридаги *и* товушини ташлаб, *ғз* товушлари оралиғига *и* товушини киритиб олинган; 'кўрпа-кўрпача, тўн кабилар зиҳининг ост-уст томонига буклаб тикилган тасма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҒРУРОНА Бу равиш 'ғурурланиш ҳиссига берилган' маъносини англатувчи арабча *мағрур* сифатига (АРС, 559) тожикча *-она* қўшимчасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ғурурланган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲВАШ Бу сифат тожик тилида 'ой' маъносини англатиб, *моҳ* ва *маҳ* тарзида икки хил айтилади (ТжРС, 234); шу отга 'ўхшаш' маъносини ифодалайдиган *-ваш* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *маҳ* шакли қатнашадиган кўриниши олинган; 'ойга ўхшаш гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 457).

МАҲЛИҚО Бу сифат 'ой' маъносини англатадиган тожикча *маҳ* оти билан (ТжРС, 234) 'чеҳра' маъносини англатадиган *лиқо* отидан (ПРС, 439) таркиб топган бўлиб (ПРС, 449; ТжРС, 224), 'ой юзли', 'гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲМАДОНА Бу сифат асли 'мақталган' маъносини англатадиган арабча *маҳмуд* сифати билан (АРС, 194) 'билимдон' маъносини англатадиган тожикча *доно* сифатидан (ТжРС, 135) тузилган бўлиб, тожик сўзлашув тилида *маҳмаддоно* тарзида айтилади (ТжРС, 224); ўзбек тилига шу шакли ёнма-ён келган *дд* товушларидан бирини ташлаб, *доно* қисми охиридаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ўзини билимдон ҳис қилиб гапга аралашаверадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458). Бу сифатдан ўзбек тилида *маҳмадоналик* оти ясалган.

МАҲПОРА Бу сифат 'ой' маъносини англатадиган тожикча *моҳ* оти билан (ТжРС, 234) 'қисм', 'бўлак' маъносини англатадиган *пора* отидан (ТжРС, 310) тузилган бўлиб, тожик тилида *моҳпора* ва *маҳпора* шаклларида ишлатилади (ТжРС, 234, 224); ўзбек тилига *маҳпора* шаклида олинган бўлиб, 'ойпарча', 'гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458). Мумтоз ўзбек шеъриятида бу сифат *моҳпора* шаклида ишлатилган (ЎКААҚЛ, 199).

МАҲСИДЎЗ Бу от ўзбек тилида 'узун кўнжли, пошнасиз, таг чарми юмшоқ миллий оёқ кийими' маъносини англатадиган *маҳси* отига 'тик-' маъносини англатадиган тожикча *дўхтан* феълининг (ТжРС, 144) *дўз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 143) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маҳси тикувчи косиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МАҲСУЛДОР Бу сифат 'етиштирилган, ишлаб чиқарилган нарса' маъносини англатадиган арабча *маҳсул* отига (АРС, 178) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'мўл ҳосил берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МЕВА Бу от ПРСда [*миве*] шаклида чўзик *и* товуши билан (549), ТжРСда *мева* шаклида *е* ҳарфи билан (226) ёзилган; демак, бу от ўзбек тилига тожик тилидан олинган; 'дарахт, буталарнинг истеъмол қилинадиган ҳосили' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 458).

МЕВАЗОР Бу от тожикча *мева* отига (к.) 'мўл' маъносини ифодалайдиган *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ўзбек тилида ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган бўлиб, 'мевали дарахтлар кўп экилган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 459).

МЕВАФУРУШ Бу от тожикча *мева* отига (к.) 'савдо қил-' маъносини англатадиган *фурўхтан* феълининг *фурўх* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 415) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига бу от таркибидаги *ў* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'мева сотиш билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 459).

МЕВА-ЧЕВА Бу от тожикча *мева* отининг (к.) бошланишидаги *м* товушини *ч* товушига алмаштириб такрорлаш усули билан ҳосил қилинган бўлиб, 'турли-туман мева ва ширинликлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 459).

МЕЗБОН Бу от 'дастурхон ёзишда ишлатиладиган курси' маъносини англатадиган *миз* отига (ПРС, 228) 'қара-' маъносини ифодалайдиган *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *и* товушини *э(е)* товушига алмаштириб олинган; 'зиёфат ўтказаётган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 459).

МЕРОСХЎР Бу от 'марҳумдан ворисларга қолган мулк' маъносини англатадиган арабча *мерос* отига (АРС, 881) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мерос олишга ҳақли киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 460).

МЕТАЛЛШУНОСЛИК Бу от рус тилидан олинган *металл* отига 'бил-', 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 457) қўшиб тузилган *металлшинос* отидан *-лик* қўшимчаси билан ўзбек тилида ҳосил қилинган; бу отнинг *шинос* қисмидаги *и* товуши *у* товушига алмаштирилган; 'металлнинг тузилишини, хоссаларини ўрганувчи фан соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 460).

МЕШ Бу от ПРСда [*миш*] шаклида (548), ТжРСда *меш* шаклида (ТжРС, 227) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; асли 'қўй' маъносини англатадиган бу от ўзбек тилида 'сув, қимиз каби суюқлик солиб қўйиш учун қўй терисидан ясалган идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 461).

МЕҲМОН Бу от ПРСда [*меһман*] (546), [*миһман*] (549) шаклларида, ТжРСда *меҳмон* шаклида (227) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган бўлиб, 'зиёфатга келган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462). Бу от асли 'улуғ' маъносини англатадиган [*меһ*] сифати билан (ПРС, 544) 'ўхша-' маъносини англатадиган [*манестан*] феълининг [*ман*] ҳозирги замон асосидан (ПРС, 448) тузилган бўлса керак; шунга кўра асли 'улуғсифат киши' маъносини англатган.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК Бу от тожикча *меҳмон* отига (к.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги

www.ziyouz.com kutubxonasi

замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб тузилган *меҳмондор* сифатидан ўзбекча *-чилик* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'меҳмон кутиш', 'зиёфат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462).

МЕҲМОНДЎСТ Бу сифат тожикча *меҳмон* оти билан (к.) 'иноқ', 'ёқтирадиган' маъносини англатувчи *дўст* сифатидан (ТжРС, 143) тузилган бўлиб, 'меҳмон чақиришни севадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462). Бу сифатдан ўзбек тилида *меҳмондўстлик* мавҳум оти ясалган.

МЕҲМОНХОНА Бу от тожикча *меҳмон* оти билан (к.) 'уйнинг девор билан ўралган ҳар бир бўлмаси' маъносини англатадиган *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'меҳмон кутишга атаб қурилган уй, хона' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462). Кейинчалик бу от русча *гостиница* отининг ўзбекча муқобили сифатида ҳам ишлатилди; кейингича маъно тарихан *мусофирхона* оти билан англатилган.

МЕҲНАТКАШ Бу сифат 'жисмоний ёки ақлий иш, фаолият' маъносини англатадиган арабча *меҳнат* отига (АРС, 744) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462).

МЕҲР Бу тожикча от ўзбек тилида асли 'юрагига яқин тутиш туйғуси', 'суйиб муносабатда бўлиш туйғуси' каби маънони англатади. ПРСда 'муҳаббат', 'дўстлик', 'қуёш' маъноларини (515), ТжРСда 'муҳаббат', 'дўстлик', 'илиқ муносабатда бўлиш', 'қуёш' маъноларини (227), ЎКААҚЛда *миҳр I* 'қуёш' маъносини, *миҳр II* 'муҳаббат' маъносини (197) англатиши айтилган. Кўринадики, ТжРСда берилган изоҳлар орасидаги 'илиқ муносабатда бўлиш туйғуси' – энг ўринли изоҳ. Бу от билан ўзбек тилида *меҳр-шафқат* жуфт оти, *меҳри тош || тош меҳр* ибораси тузилгани ҳам юқоридаги фикрни тасдиклайди. Бу от ўзбек сўзлашув тилида *миҳир* тарзида ҳам айтилади.

МЕҲРИБОН Бу сифат ПРСда [*меҳребон*] шаклида (545), ТжРСда *меҳрубон* шаклида (228) келтирилган. Асли *меҳр* отига (к.) 'қара-' маъносини ифодалайдиган *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; қатор келган *ҳрб* товушларининг айтилишини енгиллаштириш учун *ҳр* оралиғига форс тилида *е(э)* товуши, тожик тилида *у* товуши киритилган; Ўзбек тилида киритма товуш вазифаси *и* товушига юкланган. Бу сифат 'раҳм-шафқат кўрсатадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462). Ўзбек тилида бу сифатдан *меҳрибонлик, меҳрибончилик* мавҳум отлари ясалган. Ўзбек сўзлашув тилида бу сифат ва отлар *миҳривон, миҳривонлик, миҳривончилик* тарзида ҳам айтилади.

МИҲРИВОН, МИҲРИВОНЛИК, МИҲРИВОНЧИЛИК *қ.* меҳрибон

МЕҲРИГИЙО(Ҳ) Бу от ПРСда [*меҳр-гийаҳ*] шаклида (545), ТжРСда ҳам *меҳргийоҳ* шаклида келтирилган; ЎТИЛда эса қатор келган *ҳрг* товушларининг айтилишини енгиллаштириш учун *рг* товушлари оралиғига

www.ziyouz.com kutubxonasi

и товуши киритилган; айни вақтда бу от охиридаги *ҳ* товуши айтилмайдиган бўлган. Бу от асли *мандрагора* деб аталадиган ўсимликнинг номи бўлиб, 'меҳр уйғотувчи гиёҳ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 462).

МЕҲР-ШАФҚАТ Бу от тожикча *меҳр* оти билан (к.) 'ачиниш', 'аяш', 'раҳм' маъносини англатадиган арабча *шафақат* отидан (АРС, 410) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *шафақат* отининг иккинчи бўғинидаги *а* товушини ташлаб олинган; 'раҳмдиллик' маъносини англатади. Нимагадир бу жуфт от ЎТИЛга киритилмаган.

МИЙОНЧА Бу от 'ўрта' маъносини англатадиган тожикча *мийон* отига (ТжРС, 228) 'кичик' маъносини ифодалайдиган *-ча* қўшимчасини ўзбек тилида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аёллар тўйга патнисга солиб олиб борадиган қуруқ мева, ширинликлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 463).

МИЖГОН Бу бирлик 'киприк' маъносини англатадиган форсча [*можe*] отининг (ПРС, 487) *-гон* қўшимчаси билан ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб, *о(ў)* товушини *и* товушига, сирғалувчи *ж* товушини портловчи *ж(ч)* товушига алмаштириб, *э(е)* товушини ташлаб олинган. Асли 'киприклар' маъносини англатади, лекин амалиётда кўплик шакли экани уқилмайди (ЎТИЛ, I, 463).

МИЖЖА 'Киприк" маъносини англатадиган бу от ПРСда [*можe*] шаклида сирғалувчи *ж* товуши билан (487), ТжРСда *мижа* шаклида сирғалувчи *ж* товуши билан (228) ва *мичa* шаклида ҷ портловчи товуши билан (231) келтирилган. Ўзбек тилига *мичa* шакли ҷ товушини қатлаб олинган (ЎТИЛ, I, 463).

МИЛК II Бу от 'тиш, тирноқ асосини қоплаб турадиган, кўз косаси қирғоғини ташкил қиладиган эт' маъносини англатадиган тожикча *милк I* отидан (ТжРС, 229) маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан бўлиб, 'мато тўқишда икки ёнидан узунасига қолдириладиган қирғоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 464).

МИЛКАК Бу от 'тирноқ милкининг йиринглаб яллиғланиш касаллиги' маъносини англатадиган *милк II* отига (ЎТИЛ, I, 464) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 229).

МИНГДЕВОНА Бу от ўзбекча *минг* санок сони билан тожикча *девона* сифатидан (қ.) ташкил топган бўлиб, 'ҳиди одамни тангитадиган заҳарли ўт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 465).

МИННАТДОР Бу сифат 'қилган яхшиликни таъкидлаб гапириш' маъносини англатадиган арабча *миннат* отига (АРС, 769) 'эга бўл' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яхшилик қилган киши олдида бурчлик ҳисси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466). Бу сифатдан ўзбек тилида *миннатдорлик, миннатдорчилик* отлари ясалган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИННАТДОРЛИК, МИННАТДОРЧИЛИК *қ.* миннатдор

МИРЗА Бу бирлик асли 'саводли', 'ўқимишли', 'ёзув-чизув ишларини олиб борадиган ходим', 'котиб' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 466). Бу отнинг 'котиб' маъноси асосида тарихан *мирзабоши* оти тузилган.

МИРЗАБОШИ *қ.* мирза

МИРЗАТЕРАК Бу от 'тик ва текис ўсадиган терак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466); мирзоларга (амирзодаларга) нисбат бериб шундай атаб юборилган.

МИРЗО Бу от 'ҳукмдор' маъносини англатадиган арабча *амир* отининг (АРС, 44) қисқартирилган *мир* шакли билан (ЎТЭЛ, II, 269) 'ўғил' маъносини англатадиган тожикча *зода* отининг (ТжРС, 156) қисқартирилган *зо* шаклидан тузилган бўлиб, 'амирнинг ўғли' маъносини англатади, *Мирзо Улуғбек* каби бирикмалар таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 466).

МИРЗОЙИ Бу сифат *мирзо* отига (к.) *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *ои* товушлари оралиғига *й* товуши киритилган; 'учли' маъносини англатади: *мирзойи сабзи* каби (ЎТИЛ, I, 466).

МИРИ Бу от асли арабча *амир* отига (к.) тожикча *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли *амири* шаклига эга бўлган; кейинчалик бу от бошланишидаги *а* товуши айтилмай қўйган; 'қиймати беш тийинга тенг чақа пул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 466). Бу отдан ўзбек тилида *-лик* қўшимчаси билан *мирилик* (*уч мирилик* каби) оти ҳосил қилинган.

МИРОБ Бу от арабча *амир* отининг (қ.) қисқартирилган *мир* шакли билан (ЎТЭЛ, II, 269) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'катта оқар сувни таксимлаш вазифасини бажарадиган амалдор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

МИРШАБ Бу от арабча *амир* отининг (к.) қисқартирилган *мир* шаклига (ЎТЭЛ, II, 269) 'тун' маъносини англатадиган тожикча *шаб* отини (ТжРС, 448) қўшиб тузилган бўлиб, тарихан 'тунги шаҳар соқчиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

МИС Бу от ПРСда [*мес*] шаклида (487), ТжРСда *мис* шаклида (230) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'қайишқоқ қизғиш рангли металл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

МИСКАР Бу от тожикча *мис* отига (қ.) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб *мисгар* шаклида ҳосил қилинган (ТжРС, 230); ўзбек тилида эса бу қўшимчанинг *-кар* шакли танланган; 'мисдан рўзғор буюмлари ясаш ва шундай буюмларни тузатиш билан шуғулланадиган ҳунарманд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 467).

МИХ Бу от ПРСда чўзиқ *и* товуши билан [*мих*] шаклида (547), ТжРСда *мех* шаклида (227) келтирилган; ўзбек тилига *и* товушининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўзиқлигини ташлаб форсча шакли олинган; 'икки нарсани бир-бирига бириктириш учун қоқиладиган, бошланиши қалпоқли, охири учли қурилиш ашёси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 468). Бу отдан ўзбек тилида *михла-* феъли ясалган.

МИХЧЎП Бу от тожикча *мих* оти билан (қ.) 'шох-шабба' маъносини англатадиган *чўб* отидан (ТжРС, 448) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'этикдўзликда ишлатиладиган ёғочдан ясалган михча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 468).

МОБАЙНИДА Бу кўмакчи от 'ҳозирги вақт' маъносини англатадиган *мо* оти билан (ПРС, 443) 'ора' маъносини англатадиган арабча *байн* отидан (АРС, 96) тузилган *мабайн* отига (ПРС, 443: [*ма-бейн*]; ТжРС, 231: *мобайн*) ўзбек тилида *-и, -да* қўшимчаларини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оралиғидаги вақтда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 469).

МОДА Бу сифат ПРСда [*маде*] шаклида (444), ТжРСда *мода* шаклида (231) келтирилиб, 'урғочи' маъносини англатиши айтилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган, лекин маънода торайиш воқе бўлган: 'товуқ ва беданадан бошқа паррандаларнинг урғочиси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 469).

МОЗОР Бу от ПРСда (486) ва ТжРСда (211) *мазор* шаклида келтирилиб, ўзбек тилига *а* товушини *о* товушига алмаштириб олинган; 'ўлган кишилар кўмиладиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 469).

МОЙАНА Бу от 'йилнинг ўн икки қисмидан ҳар бири' маъносини англатадиган тожикча *моҳ* отига (ТжРС, 234) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *ҳ* товушини *й* товушига, шу товушдан кейинги *о(а)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'бир ойлик иш ҳақи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МОЙХЎРАК Бу от *мой* оти билан (ЎТИЛ, I, 470) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг *хўр* ҳозирги замон асосига *-ок* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилиниб, 'емиш' маъносини англатувчи *хўрок* отидан (ТжРС, 434) тузилган бўлиб, ўзбек тилига охирги бўғиндаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'отнинг ёлида, одамнинг бошида пайдо бўладиган тери касаллиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

МОКИ Бу от ПРСда [*маку*] шаклида (447), ТжРСда *моку* шаклида (232) келтирилган; ўзбек тилига *у* товуши *и* товушига алмаштириб олинган; 'тўқув дўконида (станогида) газмолнинг ўришига арқоғини ўтказиш вазифасини бажарадиган ғалтак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

МОЛА Бу от 'ишқала-', 'текисла-' маъносини англатадиган тожикча *молидан* феълининг (ТжРС, 232) *мол* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳайдалган ернинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кесакларини майдалаб текислайдиган қишлоқ хўжалиги асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470). Бу отдан ўзбек тилида *молала-* феъли ясалган.

МОЛДОР Бу сифат 'мулк', 'бойлик' маъносини англатадиган арабча *мол* отига (АРС, 774) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бадавлат, моли кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 470).

МОЛПАРАСТ Бу сифат 'мулк', 'бойлик' маъносини англатадиган арабча *мол* отига (АРС, 774) 'сажда қил-' маъносини англатадиган тожикча *парастидан* феълининг (ТжРС, 137) *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мол-мулк тўплашга ўта берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 471).

МОЛХОНА Бу от 'шохли йирик уй ҳайвони' маъносини англатадиган арабча *мол* отига (АРС, 774) 'иморат' маъносини англатадиган тожикча *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'уй ҳайвонлари турадиган иморат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 471).

МОНАНД Бу сифат 'ўхшаш бўл-' маъносини англатадиган *монестан* феълининг (ПРС, 448) *мон* ҳозирги замон асосига *-анд* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 232), 'ўхшаш', 'мос' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 471). Бу сифат тожик тилида қўшимча вазифасини ҳам бажаради: *газмонанд* – "газообразный" каби (ТжРС, 542).

МОТ Бу от асли 'ҳайратланиш' маъносини англатиб, шаҳмат ўйинида 'енгилиш' маъносини англатади (ТжРС, 233; ЎҚААҚЛ, 198; ЎТИЛ, I, 472). Бу от билан ўзбек тилида *мот қил-, мот бўл-* феъллари ҳосил қилинган.

МОЧАҒАР Бу от ПРСда [*мече-хăр*] шаклида (444), ТжРСда *мочахар* шаклидан (234) *модахар* шаклига (231) ҳавола билан келтирилган; *мече, мода* сифати 'урғочи' маъносини (ПРС, 444), *хар* оти 'эшак' маъносини (ТжРС, 419) англатади; шунга кўра *мочахар* 'эшакнинг урғочиси' маъносини англатиб, сўкишда ишлатилади. Ўзбек тилига тожикча *мочахар* шакли *х* товушини *ғ* товушига алмаштириб олинган.

МОШ-ГУРУЧ Бу жуфт сифат 'дони юмалоқ, тўқ яшил рангли дуккакли ўсимлик' маъносини англатадиган тожикча *мош* оти билан (ТжРС, 234) 'шолидан оқлаб олинган дон' маъносини англатадиган тожикча *биринҷ* отининг (ТжРС, 72) *гурунч* шакли таркибидаги *н* товушини ташлаб ҳосил қилинган *гуруч* отидан тузилган; *мош* оти 'тўқ яшил' маъно қирраси ва *гуруч* оти 'оқиш' маъно қирраси билан қатнашган; шунга кўра 'оқ оралаган' маъносини англатиб, *мош-гуруч соқол (соч)* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 473).

МОШКИЧИРИ Бу от 'дуккакли ўсимликнинг юмалоқ, тўқ яшил рангли дони' маъносини англатадиган тожикча *мош* оти билан (ТжРС, 234) 'мош билан гуручдан тайёрланган қуюқ овқат' маъносини англатадиган ўзбекча *кичири* отидан (ЎТИЛ, I, 389) тузилган бўлиб, шундай таомнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 463). Бу бирлик 'оқ-қора аралаш' маъносини ҳам англатиб, *мошкичири соқол* бирикмаси таркибида ишлатилади.

МОШОВА Бу от 'дуккакли ўсимликнинг юмалоқ, тўқ яшил рангли дони' маъносини англатадиган *мош* оти (ТжРС, 234) ва 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган *мошоб* отига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 234), ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; ўзбек тилида 'мош билан қовоқ солиб пиширилади ган суюқ овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МОШУГРА Бу от ўзбек тилида 'дуккакли ўсимликнинг юмалоқ, тўқ яшил рангли дони' маъносини англатадиган тожикча *мош* оти билан (ТжРС, 234) 'юпқа ёйилган хамирни 3-4 см узунликда жуда энсиз кесиб пиширилади ган суюқ овқат' маъносини англатадиган ўзбекча *угра* отидан (ЎТЭЛ, 380) тузилган бўлиб, 'мош қўшиб пиширилган угра' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МОШХЎРДА Бу от 'дуккакли ўсимликнинг юмалоқ, тўқ яшил рангли дони' маъносини англатадиган тожикча *мош* оти билан (ТжРС, 234) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўрд* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган *хўрда* ўтган замон равишдоши шаклидан (ТжРС, 560) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'мош билан гуручдан тайёрланадиган суюқ овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 473).

МОҲПОРА *қ.* маҳпора

МУБОРАКБОД Бу от асли 'қутлуғ' маъносини англатадиган арабча *муборак* сифати билан (АРС, 67) 'бўлсин!' маъносини англатадиган *бод* хитобидан тузилган *муборак бод!* бирикмаси бўлиб (ТжРС, 74), ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган бўлган; 'қутлуғ бўлсин' маъносини англатади; ўзбек тилида *муборакбод айла-* феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 474).

МУЖДА Бу от ПРСда [*мождe*] шаклида (487), ТжРСда *мужда* шаклида (237) келтирилган; ҳар иккисида *ж* ҳарфи сирғалувчи товушни кўрсатиш учун ёзилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган бўлиб, 'хушхабар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 476). Бу от ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди.

МУЛКДОР Бу сифат 'хусусий мол-дунё' маъносини англатадиган арабча *мулк* отига (АРС, 766) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'катта мулк эгаси', 'давлатманд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 477).

МУЛЛАВАЧЧА Бу от 'ўкимишли киши' маъносини англатадиган арабча *мулло* оти билан (АРС, 763; ПРС, 524; ТжРС, 238) 'ўғил бола'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатадиган тожикча *бача* отидан (ТжРС, 52) тожик тилида тузилган бўлиб (ТжРС, 238), ўзбек тилига *о* товушини *а* товушига, *б* товушини *в* товушига алмаштириб, *ч* товушини қатлаб олинган; 'мадрасада муллаликка ўқиётган талаба' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

МУЛЛАНАМО Бу сифат 'ўқимишли киши' маъносини англатадиган арабча *мулло* отига (АРС, 763) 'ўхшаш қилиб кўрсат-' маъносини англатадиган тожикча *намудан* феълининг (ТжРС, 257) *намо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 256) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига *л* товушидан кейинги *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ташқи қиёфаси ўқимишли кишига ўхшаб кетадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 478).

МУМЛА- Бу феъл 'корамойга бошқа моддалар қўшиб тайёрланадиган сунъий модда' маъносини англатадиган тожикча *мум* отига (ТжРС, 238) *-ла* қўшимчасини қўшиб ўзбек тилида ясалган феъл бўлиб, 'оёқ кийимини тикишда, ямашда ишлатиладиган ипга мум сурка-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 479).

МУНОФИҚОНА Бу равиш 'иккиюзламачи', 'носамимий' маъносини англатадиган арабча *мунофиқ* сифатига (АРС, 821) тожик тилида *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иккиюзламалик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 480).

МУРДА Бу от 'вафот эт-' маъносини англатадиган тожикча *мурдан* феълининг *мурда* ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 240), 'жасад' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРДОР Бу сифат 'ўл-' маъносини англатадиган тожикча *мурдан* феълининг *мур* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 240) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳаром ўлган', 'нопок' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРОДБАХШ Бу сифат 'амалга ошуви исталган орзу, мақсад' маъносини англатадиган арабча *мурод* отига (АРС, 320; ЎТИЛ, II, 293) 'инъом қил-' маъносини англатадиган тожикча *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'орзу-мақсадни инъом қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 481).

МУРОЖААТНОМА Бу от 'кимларгадир қарата айтилган гап' маъносини англатадиган арабча *мурожаат* оти билан (АРС, 288) 'хат' маъносини англатадиган тожикча *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, 'мурожаат хати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482).

МУРОСА Бу от ПРСда [*моваса*] шаклида (539), ТжРСда *мувосо* (236) ва *муросо* (*разг* таъкиди билан) шаклида (241), ЎКААҚЛда *мувосо* шаклида (202) келтирилган; тожик тилидаги сўзлашув шакли *в* товушини *р* товушига алмаштириш билан ҳосил қилинган; ўзбек тилига ана шу *муросо*

www.ziyouz.com kutubxonasi

шакли охиридаги *о(â)* товуши *а* товушига алмаштириб олинган; 'ўзаро келишиш', 'бир-бирига ён босиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482).

МУРОСАСОЗЛИК Бу от тожикча *муросо* отининг ўзбекчалаштирилган *мурoса* шаклига (к.) 'пайдо қил-' маъносини англатадиган *сохтан* феълининг (ТжРС, 364) *соз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 362) қўшиб ҳосил қилинган *муросасоз* сифатидан *-лик* қўшимчаси билан ясалган; 'муроса билан муомалада бўлишга, яшашга берилиб кетиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482).

МУРЧДОН Бу от тожик тилида 'тропик ўсимликнинг зиравор сифатида ишлатиладиган кичкина думалоқ шаклли аччиқ меваси' маъносини англатадиган *мурч* отига (ТжРС, 241) 'идиш' маъносини ифодалайдиган *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 241), 'янчилган қора мурч солиб қўйиладиган, қопқоғида тешиклари бор кичкина идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 482). Ўзбек сўзлашув тилида *рч* товушлари оралиғига *у* товуши киритилиб, *муручдон* тарзида айтилади.

МУРҒАК Бу сифат 'қуш' маъносини англатадиган тожикча *мурғ* отига (ТжРС, 241) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'қушча', 'жўжа' маъносини англатади (ПРС, 484); ўзбек тилида 'ўсимликнинг энди ўсиб чиққан кучсиз, нозик ниҳоли' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 482).

МУШАК Бу от 'сичқон' маъносини англатадиган тожикча *муш* отига (ТжРС, 246) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'сичқонча' маъносини англатади (ПРС, 542); кейинчалик мажозан 'ранг-баранг ёнадиган модда билан тўлдириб, осмонга отиладиган снарядча' маъносини англата бошлаган (ПРС, 542; ТжРС, 246; ЎТИЛ, I, 485).

МУШАКБОЗЛИК Бу от тожикча *мушак* отига (к.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган *мушакбоз* сифатидан *-лик* қўшимчаси билан ясалган; 'сайил ва тантаналарда ранг-баранг мушаклар отиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 485).

МУШКУЛКУШОД Бу от 'ечимини топиш қийин иш' маъносини англатадиган арабча *мушкил* отига (АРС, 414) асли 'олиб ташла-' маъносини англатадиган тожикча *кушодан* феълининг (ТжРС, 199) *кушо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 197) қўшиб тузилган (ТжРС, 246: *мушкилкушо*); ўзбек тилида нимагадир *кушод* ўтган замон асоси қўшилган. Ўзбек тилида *мушкил* оти таркибидаги *и* товуши *у* товушига алмаштирилган; 'қийинчиликни бартараф қилиш мақсадида ўқиладиган дуолар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486).

МУШТИПАР Бу сифат таркибида *мушт* оти 'зарба', 'зўрлик' маъноси билан қатнашиб (ПРС, 247), унга 'учиб кет-' маъносини англатадиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

паридан феълининг (ТжРС, 299) *пар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган; *итп* товушларининг айтилишини енгиллаштириш учун *тп* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган; 'ожиз', 'овозини баланд қилиб гапиришга ҳам ботина олмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486). Бу сифат одатда аёлларга нисбатан ишлатилади.

МУШТЛАШ- Бу феъл 'панжанинг кафтга букиб сиқиладиган ҳолати' маъносини англатадиган тожикча *мушт* отига (ТжРС, 247) *-лаш* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'бир-бирини мушт билан ур-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486).

МУШТУМЗЎР Бу бирлик асли 'зўравон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 486). ТжРСда бу бирлик *муштзўр* шаклида келтирилган (ТжРС, 247). Ўзбек тилидаги *муштум* шакли асли *мушт* отига *-ум* қисмини қўшиб ҳосил қилинган, лекин бу қисм нимани ифодалашини аниқлаб бўлмади (балки *муштим зўр* жумласи таркибидаги *-им* қўшимчасининг *-ум* шаклидир).

МЎЙ 'Соч', 'тук' маъносини англатадиган бу от ПРСда [*му*], [*муй*] шаклларида (538), ЎКААҚЛда *мӯ, мӯй* шаклларида (228), ТжРСда *мӯ* шаклидан *мӯй* шаклига ҳавола билан келтирилган; ўзбек тилига тожикча *мӯй* шакли олинган (ЎТИЛ, I, 489).

МЎЙЛОВ Бу от тожикча *мӯй* оти билан (к.) 'дудоқ' маъносини англатадиган *лаб* отидан (ТжРС, 201) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига, шундан кейин *а* товушини *о(ô)* товушига алмаштириб олинган; 'юқори лаб устини қоплаб ўсадиган сочлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

МЎЙЛОВДОР Бу сифат *мӯйлов* отига (к.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зич ёки узун ўсган мӯйловли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

МЎЙНА Бу от 'тукли' маъносини англатадиган форсча *муин* (ПРС, 544), тожикча *мӯин* (ТжРС, 250) сифатидан *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *и* товушини *й* товушига алмаштириб олинган; 'кийим тикишда ишлатиладиган жунли тери' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

МЎЙНАДЎЗ Бу от тожикча *мӯина* отининг ўзбек тилига олинган *мӯйна* шаклига (к.) 'тик-' маъносини англатадиган *дӯхтан* феълининг (ТжРС, 144) *дӯз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 143) қўшиб ҳосил қилинган; 'мўйнадан кийим-кечак тикувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

МЎЙСАФИД Бу от тожик тилида 'соч' маъносини англатадиган *мӯй* оти билан (к.) 'оқ' маъносини англатадиган *сафед* сифатидан тузилган бўлиб, ўзбек тилига *е* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'сочи оқ эркак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЎЙЧИНАК Бу от 'тук' маъносини англатадиган *мўй* оти билан (к.) 'юл-' маъносини англатадиган тожикча *чидан* феълининг (ТжРС, 442) *чин* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 443) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ясалган *чинак* отидан (ТжРС, 443) тузилган бўлиб, 'ортикча тукларни юлиб ташлашда ишлатиладиган қисқича' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 489).

МЎРИ Бу от ПРСда [*мури*] *I* шаклида келтирилиб, 'сопол труба' маъносини (541), ТжРСда *мўрӣ* шаклида келтирилиб, 'тутун чиқиб кетиши учун қўйиладиган труба' маъносини (250) англатиши айтилган; ўзбек тили луғатида *мўри* шаклида келтирилиб, 'тутун чиқиб кетиши учун қўйиладиган труба' маъносини (250) англатиши айтилган; ўзбек тилига тожикча *мўрӣ* шакли охиридаги чўзиқ *и* товушини ўзбекча *и* товушига алмаштириб олинган; 'ўт ёқиладиган қурилма тепасига тутун чиқиб кетиши учун қўйиладиган тешик ёки труба' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

МЎР-МАЛАҲДАЙ Бу равиш тожик тилида 'қумурсқа' маъносини англатадиган *мўр* оти билан (ТжРС, 250) 'чигиртка' маъносини англатадиган *малах* отидан (ТжРС, 213) тузилган жуфт отга *-дай* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қумурсқа билан чигирткадай кўп (кўплашиб)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

МЎРЧАМИЙОН Бу сифат тожик тилида 'қумурсқа' маъносини англатадиган *мўрча* оти билан (ТжРС, 250) 'бел' маъносини англатадиган *мийон* отидан (ТжРС, 228) тузилган бўлиб, 'хипча бел' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

МЎЪЖИЗАКОР Бу сифат 'ақл бовар қилмайдиган ҳодиса' маъносини англатадиган арабча *мўъжиза* отига (АРС, 499) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мўъжизалар яратувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 490).

Н

НАБИРА Бу от ПРСда [*набире*] шаклида (559), ТжРСда *набера* шаклида (251) келтирилган бўлиб, ўзбек тилига форсча шакли охиридаги *е(э)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; ўзбек сўзлашув тилида бу от таркибидаги *б* товуши *в* товушига, *и* товуши *а* товушига алмаштириб *навара* тарзида, шу шаклнинг биринчи бўғиндаги *а* товушини *е(э)* товушига алмаштириб *невара* тарзида айтилади; 'ота-она фанзандининг фарзанди' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 491).

НАВБАҲОР Бу от тожик тилида 'янги', 'ёш' маъносини англатадиган *нав* сифати билан (ТжРС, 252) 'кўклам' маъносини англатадиган *баҳор* отидан (ТжРС, 53) тузилган бўлиб, 'эрта кўклам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 491).

НАВЖУВОН Бу от тожик тилида 'ёш' маъносини англатадиган *нав* сифати билан (ТжРС, 252) 'йигит' маъносини англатадиган *жавон (ҷавон)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

отидан (ТжРС, 510) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ж* товушидан кейинги *а* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'ёш йигит', 'йигитча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 491).

НАВКАР Бу от форс тилида 'ёш' маъносини англатадиган [*ноу*] (*нав*) сифати билан (ПРС, 579) 'хизмат' маъносини англатадиган [*кар*] отидан (ТжРС, 390) тузилган бўлиб, 'хизматкор' (ПРС, 574), 'аскар' маъносини (ЎКААҚЛ, 229; ЎТИЛ, I, 491) англатади.

НАВНИҲОЛ Бу от тожик тилида 'ёш', 'энди униб чиққан' маъносини англатадиган *нав* сифати билан (ТжРС, 252) 'кўчат' маъносини англатадиган *ниҳол* отидан (ТжРС, 268) тузилган бўлиб, 'энди униб чиққан кўчат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 491).

НАВО Бу от асли 'овоз' маъносини англатиб, кейин 'куй' маъносини ҳам англата бошлаган (ПРС, 572; ЎКААҚЛ, 229); ҳозирги адабий ўзбек тилида 'куй' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 491). Алишер ҳазратларининг тахаллуси шу отга *-ий* ёйи нисбатни қўшиб *Навоий* шаклида ҳосил қилинган бўлиб, асли 'куйловчи' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 230).

НАВОЗАНДА Бу тожикча от асли 'куй чал-' маъносини англатадиган *навохтан* феълининг *навоз* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 253) *-анда* ҳозирги замон сифатдоши қўшимчасини (ТжРС, 561) қўшиб ҳосил қилинган; 'куй ижро этувчи', 'созанда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАВОЗИШ Бу от 'мехрибонлик кўрсат-', 'эркалат-' маъносини англатадиган тожикча *навохтан* феълининг *навоз* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 253) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'мехрибонлик билан, илтифот кўрсатиб қилинган муомала' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАВОИЙШУНОС Бу от *Навоий* атоқли отига 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 457) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *шинос* асоси таркибидаги *и* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'Навоий ижодини тадқиқ қилувчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492). Бу отдан *навоийшунослик* оти ясалган.

НАВОИЙШУНОСЛИК *қ.* навоийшунос

НАВРЎЗ Бу от тожик тилида 'янги' маъносини англатадиган *нав* сифати билан (ТжРС, 252) 'кун' маъносини англатадиган *рўз* отидан (ТжРС, 330) тузилган бўлиб, 'янги йил бошланадиган 21- март куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАВҚИРОН Бу сифат тожикча 'ёш' маъносини англатадиган *нав* сифати билан (ТжРС, 252) 'бирлашиш' маъносини англатадиган арабча *қирон* отидан (АРС, 634) тузилган бўлиб, 'куч-кувватга тўлган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЖОТКОР Бу сифат ўзбек тилида 'қутулиш' маъносини англатадиган арабча *нажот* отига (АРС, 787) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қутулиш йўлини кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 492).

НАЗАР-ПИСАНД: *назар-писанд қилма-* феъли таркибида қатнашадиган бу жуфт от 'қараш' маъносини англатадиган арабча *назар* отига (АРС, 811) 'ҳисоблаш-' маъносини англатадиган *писандидан* феълининг *писанд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 307) қўшиб тузилган бўлиб, 'менсимаслик', 'эътиборга нолойиқ деб ҳисоблаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 493).

НАИНКИ Бу юклама тожикча *на* инкор юкламаси (ТжРС, 251), 'бу' маъносини ифодалайдиган *ин* кўрсатиш олмоши (ТжРС, 163), *ки* боғловчисидан (ТжРС, 186) таркиб топган бўлиб, тожик тилида *на ин ки* тарзида ажратиб ёзилади (ТжРС, 251), ўзбек тилида эса қўшиб ёзилади; 'наҳотки' каби норозилик ҳис-туйғусини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 493).

НАЙ Бу тожикча от асли 'қамиш' маъносини англатади (ТжРС, 255; ЎКААҚЛ, 232), 'сибизға' маъноси – асли кўчма маъно (ЎТИЛ, I, 493).

НАЙЗА Бу от асли бош маъносида 'қамиш' маъносини, кўчма маъносида 'ингичка узун текис таёқча' маъносини англатадиган *най* оти билан (қ.) 'камон' маъносини англатадиган *зеҳ* отидан (ТжРС, 154) тузилган бўлиб, кейинчалик *ҳ* товуши айтилмай, *е(э)* товуши *а* товушига алмашган; 'узоққа отиб ёки уриб санчиладиган учи ингичка қурол' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 493).

НАЙНОВ Бу сифат тожикча *най* оти билан (қ.) 'сунъий узун сув йўли' маъносини англатадиган [*нав*] отидан (ПРС, 557) тузилган бўлиб, кўчма маъносида 'жуда баланд бўйли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАЙРАНГ Бу от ПРСда [*нейранг, нирáнг*] ва [*нирáндж*] шаклларида (576) келтирилган; *ранг* оти 'макр-ҳийла' маъносини ҳам англатиши айтилган (249). Шунга кўра *найранг* отининг маъноси ЎТИЛда 'ҳийла', 'алдамчилик' деб изоҳланган (494). *Найранг* оти бошланишидаги *най* қисмининг маъносини аниқлаб бўлмади.

НАЙРАНГБОЗ Бу сифат тожик тилида *найранг* отига (қ.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'макр-ҳийла билан, алдамчилик билан иш тутадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494). Бу сифатдан ўзбек тилида *найрангбозлик* мавҳум оти ясалган.

НАЙЧА Бу от ўзбек тилида тожикча *най* отига (қ.) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кичкина найча' ва 'йигирув машинасида ип ўраладиган найчага ўхшаш ғалтак' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАЙЧАЛА- Бу феъл 'ўсимлик ўсимтаси' маъносини англатадиган тожикча *найча* отидан (ТжРС, 255) *-ла* қўшимчасини қўшиб ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган; 'полиз экинларида тугунча ҳосил бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМАКОБ Бу от 'туз' маъносини англатадиган *намак* оти билан (ТжРС, 256) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'шўр сув', 'кўп туз солинган сув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМАТ Бу от *намад* товуш таркибига эга бўлиб (ПРС, 571; ТжРС, 256), ўзбек тилига *д* товушини *т* товушига алмаштириб олинган; 'юнгни зич босиб тайёрланадиган палос' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМГАРЧИЛИК Бу от ўзбек тилида 'ўзига сув зарраларини шимиб олган' маъносини англатувчи *нам* сифатидан (ТжРС, 256) *-гарчилик* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'ёмғир кўп ёғиб, нам меъёрдан ортиб кетиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМИҚ- Бу феъл ўзбек тилида 'ўзига сув зарраларини шимиб олган' маъносини англатадиган тожикча *нам* сифатидан (ТжРС, 256) *-иқ* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'ўзига сув зарраларини ортиқ даражада шимиб ол-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМЛА- Бу феъл ўзбек тилида 'ўзига сув зарраларини шимиб олган' маъносини англатадиган тожикча *нам* сифатидан (ТжРС, 256) *-ла* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'нам сингдир-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМОЗ Бу тожикча от 'муслимларнинг Оллоҳга сиғиниш ибодати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494; ТжРС, 257).

НАМОЗГАР Бу от тожикча *намоз* оти билан (қ.) 'кейинги' маъносини англатадиган *дигар* сифатидан тузилган *намози дигар* изофа бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилига *-и* изофасини, *дигар* сифати бошланишидаги *ди* товушларини ташлаб, қолган қисмларни қўшиб ёзиб олинган; 'пешин намозидан кейинги намоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМОЗХОН Бу сифат тожикча *намоз* отига (қ.) 'ўқи-' маъносини англатадиган *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'намозни канда қилмай ўқийдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМОЗШОМ Бу от тожикча *намоз* оти билан (к.) 'кечкурунги ғира-шира пайт' маъносини англатадиган *шом* отидан тузилган *намози шоми* изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 257), ўзбек тилига *-и* изофасини, охирги *-и* қўшимчасини ташлаб, қолган қисмларни қўшиб ёзиб олинган; 'шом пайтида ўқиладиган намоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *а* товушини *о (â)* товушига, *з* товушини *ш* товушига алмаштириб *номошшом* тарзида айтилади.

НОМОЗШОМГУЛ Бу от ўзбек тилида тожикча *намозшом* оти билан (к.) *гул* отини (к.) қўшиб тузилган бўлиб, 'кечки пайтда очилиб, эрталаб ёпиладиган гул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 495).

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАМОЙАНДА Бу от 'кўрин-' маъносини англатадиган тожикча *намудан* феълининг *намой* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 257) *-анда* кўшимчасини (ТжРС, 561) қўшиб ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши шакли бўлиб, 'бирор соҳа ёки ижтимоий гуруҳнинг вакили' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 495).

НАМОЙИШ Бу от 'кўрин-' маъносини англатадиган тожикча *намудан* феълининг *намой* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 257) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оммавий юриш', 'кўрсатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 495).

НАМОЙИШКОРОНА Бу равиш тожикча *намойиш* отидан (к.) *-кор* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ясалган *намойишкор* отига *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'очиқдан очиқ', 'ҳаммага кўрсатиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 495).

НАМОЙОН: *Намойон бўл-, намойон қил-* феъллари таркибида қатнашадиган бу сифат 'кўрин-' маъносини англатадиган тожикча *намудан* феълининг *намо(й)* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 257) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яққол кўриниб турадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 494).

НАМУНА Бу от ПРСда [*немуне*] шаклида (571), ТжРСда *намуна* шаклида (257) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'бирор нарса ҳақида тасаввур берадиган нарса', 'ўрнак бўладиган киши' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 495).

НАРВОН Бу тожикча от асли 'шохча' маъносини англатадиган *нард* отига (ТжРС, 257) 'боғла-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида воқе бўлган товуш ўзгаришлари натижасида *нардбон* шакли юзага келган (ТжРС, 257); ўзбек тилига шу шакли таркибидаги *д* товушини ташлаб, *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'юқорига чиқиб-тушишда ишлатиладиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 495).

НАРГИС Бу от ПРСда [*наргес*] шаклида (561),. ТжРСда *наргис* шаклида (257) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган бўлиб, 'оқ, сариқ гулли кўп йиллик ўт, шу ўтнинг кўзга ўхшаб кетадиган чиройли гули' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 495; ЎКААҚЛ, 233).

НАРХ-НАВО Бу от 'нарсанинг пул билан ўлчанадиган қиймати' маъносини англатадиган тожикча *нарх* оти билан (ТжРС, 258) 'турмуш кечириш учун зарур шарт-шароит' маъносини англатадиган *наво* отини (ТжРС, 253) жуфтлаб ҳосил қилинган бўлиб, 'турмуш кечириш учун зарур нарсаларнинг қиймати, нархи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496).

НАСИҲАТГЎЙ Бу от тожик тилида *арабча насиҳат* отига (АРС, 806) 'гапир-' маъносини англатадиган тожикча *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'насиҳат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилишни ёктирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 496). Бу отдан ўзбек тилида *насиҳатгўйлик* мавҳум оти ясалган.

НАСИҲАТОМУЗ Бу сифат тожик тилида арабча *насиҳат* отига (АРС, 806) 'аралаштир-' маъносини англатадиган тожикча *омехтан* феълининг *омез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 286) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *е(э)* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'насиҳат йўсинида' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАСЛДОР Бу сифат тожик тилида 'зот' маъносини англатадиган арабча *насл* отига (АРС, 800) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, I, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'зотли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 497).

НАФРАТОМУЗ Бу сифат 'кучли даражада жирканиш' маъносини англатадиган арабча *нафрат* отига (АРС, 818) 'аралаштир-' маъносини англатадиган тожикча *омехтан* феълининг *омез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 286) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *е(э)* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'нафратланаётгани сезилиб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498).

НАШАВАНД Бу сифат 'поясида наркотик модда бор ўсимлик' маъносини англатадиган арабча *наша* отига (АРС, 805) 'боғлан-' маъносини англатадиган тожикча *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'наша чекишга одатланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 498). Бу сифатдан ўзбек тилида *нашавандлик* мавҳум оти ясалган.

НАШТАР *қ.* ништар

НАҚШДОР Бу сифат 'ўйиб, ранг бериб ҳосил қилинган безак' маъносини англатадиган арабча *нақш* отига (АРС, 824) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нақш солинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҚШИН Бу сифат 'ўйиб, ранг бериб ҳосил қилинган безак' маъносини англатадиган арабча *нақш* отига (АРС, 824) тожикча *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нақш билан безатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҚШИНКОР Бу сифат тожикча *нақшин* сифатига (қ.) *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нақшлар билан безатиб ишланган (қурилган)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 499).

НАҲАНГ Бу от ПРСда 'кит', 'тимсоҳ', 'акула' маъноларини (575), ТжРСда 'кит' маъносини (962), ЎКААҚЛда 'тимсоқ', 'акула' маъноларини (237), ЎТИЛда 'акула' маъносини (500) англатиши айтилган. Изоҳлардан аён бўладики, бу от 'сувда яшайдиган баҳайбат йиртқич ҳайвон' маъносини англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕВАРА қ. набира

НЕВАРА-ЧЕВАРА Бу от тожикча *набира* отининг (к.) ўзбек тилида юзага келган *невара* шаклини *н* товушини *ч* товушига алмаштириб такрорлаш билан ҳосил қилинган бўлиб, 'турли неваралар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 500).

НЕСТ–НОБУД: *нест-нобуд бўл-, нест-нобуд қил-* феъллари таркибида қатнашадиган бу бирлик *не* инкор юкламасини (ТжРС, 262) *аст* боғламасига (ТжРС, 33) қўшиб ҳосил қилинган *нест* бирлиги билан (ТжРС, 263) *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 268) 'бор бўл-' маъносини англатадиган *будан* феълининг *буд* ўтган замон асосига (ТжРС, 84) қўшиб ҳосил қилинган *нобуд* бирлигидан (ПРС, 269) тузилган; ҳар икки бирлик 'йўқлик' маъносини, биргаликда 'бефойда воке бўлган йўқлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 501).

НИГАРОН Бу бирлик 'интизор бўлиб кут-' маъносини англатадиган тожикча *нигаристон* феълининг *нигар* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 263) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'интизор бўлиб кутувчи' маъносини англатади (ТжРС, 263). ЎТИЛда бу бирлик *нигорон* тарзида хато ёзилган (I, 502): *нигоштан* феълининг ҳозирги замон асосига тенг *нигор* отидан (к.) фарқланмаган.

НИГОР Бу от 'бўёқли расм сол-' маъносини англатадиган *нигоштан* феълининг (ТжРС, 264) *нигор* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 263) тенг бўлиб, асли 'бўёқ билан солинадиган расм' маъносини англатади; шу маънодан 'чиройли' маъноси ўсиб чиққан (ЎТИЛ, I, 502). Шу кўчма маъноси билан атоқли от сифатида ишлатилади.

НИГОҲ Бу тожикча от асли 'тикилиб қара-' маъносини англатадиган *нигаристан* феълининг (ТжРС, 263) асосига тенг, лекин буни аниқ айтишга эришилмади. Бу от 'назар', 'кўз ташлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 502).

НИЙОЗ Бу от ПРСда [*нийаз*] шаклида келтирилиб, 'муҳтожлик', 'илтижо', 'совға' маъноларини англатиши айтилган (575); ўзбек тилида *назр-нийоз* жуфт оти таркибида (ЎТИЛ, I, 493) 'хайр-садақа' маъноси билан қатнашади.

НИЛУФАР Бу от ПРСда [*нилуфăр*], [*нилу-бăрг*], [*нилу-пăр*] шаклларида келтирилган (577). Ушбу луғатга *нилу* қисми [*нил*], [*нили*] шаклларида киритилиб, 'кўк', 'тўқ кўк' маъносини англатиши айтилган (577); *фар* қисми 'ярқираш', 'чирой' маъносини англатади (ПРС, 365). Шу изоҳларга кўра *нилуфар* асли 'кўк рангли чирой' маъносини англатиб, 'сувда ўсадиган чиройли йирик гулли ўсимлик'нинг номи сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 502).

НИМ Бу тожикча сифат 'ярим', 'ёрти' маъносини англатиб (ТжРС, 264), бир қанча қўшма бирликларда биринчи қисм сифатида қатнашади: *нимжон* ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НИМЖОН Бу от тожикча *ним* сифати билан (к.) *жон* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'куч-куввати йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИМКОСА Бу от тожик тилида *ним* сифати билан (к.) *коса* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'пиёладан каттароқ, косадан кичикроқ идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИМПУШТИ Бу сифат тожикча *ним* сифати билан (к.) *пушти* сифатидан (к.) тузилган бўлиб, 'оч пушти рангли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИМРАНГ Бу сифат тожикча *ним* сифати билан (к.) *ранг* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'оч рангли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИМТА Бу от тожикча *ним* сифатига (к.) ўзбекча *-та* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сўйилган мол, қўй танасининг бўйлама ярми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503). Бу от билан ўзбек тилида *нимтала-* феъли ясалган.

НИМТАТИР Бу сифат тожикча *ним* сифатига (к.) ўзбекча 'кифоя қил-' маъносини англатадиган *тати-* феълини *татир* сифатдоши шаклида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'меъёр даражасига етказиб дамланмаган' (чой) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИМЧА Бу от тожикча *ним* сифатига (к.) кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қўйлак устидан, камзул, пиджак остидан кийиладиган енгсиз, ёқасиз калта, ихчам кийим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИМЧОРАК Бу миқдор оти тожикча *ним* сифати билан (к.) *чорак* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'чоракнинг ярми', 'саккиздан бир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 503).

НИШ Бу от ПРСда [*ниш*] шаклида (576), ТжРСда *неш* шаклида (263) келтирилган; ўзбек тилига форс тилидаги шакли олинган бўлиб, 'ингичка уч', 'газанданинг чаққанда санчиладиган аъзоси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИШАБ Бу тожикча от *нишеб* шаклига эга бўлиб (ТжРС, 267), ўзбек тилига *е(э)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'бирор юзанинг қиялик даражаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИШОЛДА Бу от асли *нишолло* шаклига эга бўлиб (ТжРС, 266), ўзбек тилига *ло* товушларини *да* товушларига алмаштириб олинган; 'рўза кунларида тайёрланадиган кўпиксимон қуюқ оқ ширинлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИШОНДОР Бу сифат 'орден' маъносини англатадиган арабча *нишон* отига (АРС, 804) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'орден соҳиби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИШТАР Бу от асли 'газанданинг санчадиган аъзоси' маъносини англатадиган тожикча *неш* отининг *-тар* қўшимчаси билан ҳосил қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиёсий даража шакли бўлиб (ТжРС, 538), ўзбек тилига *е(э)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'газанданинг санчиш аъзоси', 'жарроҳликда ишлатиладиган кескир асбоб' маъносини англатади (ТжРС, 263; ЎТИЛ, I, 504). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *наштар* шаклида ҳам айтилади.

НИШХЎРТ Бу отнинг иккинчи қисми асли 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС434) *хўрд* ўтган замон асосига тенг бўлиб, ўзбек тилига *д* товушини *т* товушига алмаштириб олинган; 'истеъмол қилиш' маъносини англатади. Бу от таркибида қатнашган *ниш* қисми асли *ним* оти бўлиб (к.), *хўрд* оти бошланишидаги *х* товуши таъсирида *м* товушига алмашган (ТжРС, 266; *нимхўрд;* 268: *нишхўрд*); 'еб турган овқатдан чиқариладиган қолдиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 504).

НИҲОН Бу сифат ПРСда [*неһан*] шаклида (575), ТжРСда *ниҳон* шаклида (268) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'яширин-' маъносини англатадиган тожикча *нуҳуфтан* феълининг *ниҳон* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 268), 'яширин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505).

НОАНИҚ Бу сифат ўзбекча *аниқ* сифатига (ЎТЭЛ, 29) тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 268) қўшиб ҳосил қилинган; 'етарли даражада аниқ бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505). Бу сифатдан ўзбек тилида *ноаниқлик* мавҳум оти ясалган.

НОАҲИЛ ПРСда [*на-аһл*] сифати келтирилиб, 'нолойиқ', 'қабиҳ' маъноларини (550), ТжРСда *ноаҳл* сифати келтирилиб, 'дўстона маносабатда бўлмайдиган', 'чиқишиб кетмайдиган', 'бўйсунмайдиган' маъноларини англатиши (269) айтилган. Бу сифат ЎТИЛга *ноаҳил* шаклида киритилиб, 'бир-бири билан иноқ бўлмаган' маъносини англатиши айтилган (505). ТжРСдаги маъно изоҳларига ЎТИЛдаги маъно изоҳлари яқин. Бу сифатнинг иккинчи қисмини *аҳл* тарзида ёзиш хато, чунки *аҳл* бирлиги сифат эмас, от: 'аҳоли' (*маҳалла аҳли*), 'бир оила, соҳа, касб одамлари' маъносини англатади (ЎТЭЛ, II, 61). ЎТИЛда бу сифат тўғри ёзилган: *аҳил* аслий сифат бўлиб, 'тотув', 'иноқ' маъносини (ЎТЭЛ, II, 60), шунга кўра *ноаҳил* сифати 'иноқ бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505). ТжРСда *ноаҳл* тарзида хато ёзиб юборилган. Бу сифат таркибидаги *но-* қисми – тожикча инкор олд қўшимчаси, иккинчи қисми – арабча *аҳил* аслий сифати.

НОБАКОР Бу тожикча сифат *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 268) *бакор* қисмига қўшиб ҳосил қилинган; *бакор* қисми асли 'бор' маъносини ифодалайдиган *ба-* олд қўшимчасини 'иш' маъносини англатадиган *кор* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иш билан', 'ишли' маъносини англатади (ТжРС, 43); шунга кўра *нобакор* сифати асли 'бирор меҳнат билан шуғалланмайдиган' маъносини, кўчма маънода 'ёмон хулқли, хатти-ҳаракатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505).

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОБОП Бу тожикча сифат *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 268) 'мос', 'ярокли' маъносини англатадиган *боб II* отига (ТжРС, 73) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига охиридаги *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган: 'мос келмайдиган', 'ярамайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505).

НОБУД: *нобуд бўл-, нобуд қил-* феъллари таркибида ишлатиладиган бу бирлик тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 268) 'бор бўл-' маъносини англатадиган *будан* феълининг *буд* ўтган замон асосига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'йўқ ҳолат' маъносини, шунга кўра *нобуд бўл-* феъли 'бефойда йўқ бўл-', 'исроф бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505). Ўзбек сўзлашув тилида *нобуд* бирлиги таркибидаги *б* товуши *в* товушига, *д* товуши *т* товушига алмаштирилиб, *новут* тарзида ҳам айтилади (ЎТИЛ, I, 506).

НОБУДГАРЧИЛИК Бу от ўзбек тилида тожикча *нобуд* бирлигига (қ.) ўзбекча *-гарчилик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бефойда сарфлаш', 'исрофгарчилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 505). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *новутгарчилик* тарзида айтилади.

НОВВОЙ Бу от асли 'хамирга маълум шакл бериб тандирда, печда пишириладиган емак' маъносини англатадиган тожикча *нон* оти билан (ТжРС, 273; ЎТИЛ, I, 510) 'нимадир кўп, мўл' маъносини англатадиган *бой* сифатидан (ЎТИЛ, I, 126: *бой I 3*) тузилган бўлиб, ўзбек сўзлашув тилида олдин *бой* қисми бошланишидаги *б* товуши *в* товушига (Тожик тили туғатига шундай шакли киритилган: ТжРС, 273), кейин шу *в* товушининг таъсирида *нон* оти охиридаги *н* товуши ҳам *в* товушига алмаштирилган; ана шу сўзлашув тили шакли адабий тил шакли деб белгиланган (ЎТИЛ, I, 506).

НОВВОЙХОНА Бу от ўзбек тилида *новвой* отига (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (қ.) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нон пишириладиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506).

НОВВАТ Бу от асли 'ўсимлик', 'ўт' маъносини англатадиган тожикча *набот I* оти бўлиб (ТжРС, 252), кўчма маъносида 'оч сариқ ранг' маъносини англатади (ЎКААҚЛ, 229). Ана шу кўчма маъно асосида 'шакар қиёмидан тайёрланадиган сариқ рангли кристалл шаклидаги қаттиқ ширинлик' маъносини англатадиган *набот II* оти юзага келган. Ўзбек сўзлашув тилида бу от таркибидаги *а* товуши *о* товушига, *б* товуши *вв* товушларига алмаштирилган; ана шундай сўзлашув тили шакли адабий тил шакли деб белгиланган (ЎТИЛ, I, 506).

НОВВОТ қ. новват

НОВДА Бу от ТжРСда *навда* шаклида келтирилиб, 'дарахтнинг ёш ингичка бебутоқ тармоғи' маъносини англатиши айтилган (252). Бу от ўзбек тилига *в* товуши олдидаги *а* товушини *о (ô)* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, I, 506). Бу от таркибидаги *нав* қисми – 'янги', 'ёш', 'энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайдо бўлган' маъносини англатадиган тожикча сифат экани аниқ, лекин *да* қисмини изоҳлаш мумкин бўлмади.

НОВУТ: *қ.* нобуд

НОВУТГАРЧИЛИК *қ.* нобудгарчилик

НОВҚИРОН *қ.* навқирон

НОГАҲ Бу равиш тожикча *но-* олд қўшимчасини (ТжРС, 268) 'пайт' маъносини англатадиган *гоҳ* отига (ТжРС, 104) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 269), бу равиш таркибидаги иккинчи *о* товуши ўзбек тилида *а* товушига алмаштирилган; 'кутилмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506). Ўзбек сўзлашув тилида бу равиш *ногоҳ* тарзида ҳам айтилади.

НОГАҲОН Бу равиш тожикча *ногаҳ* равишига (к.) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кутилмаган пайтда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506). Ўзбек сўзлашув тилида бу равиш *ногоҳон* тарзида ҳам айтилади.

НОГИРОН Бу сифат асли *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 268) 'тут-' маъносини англатадиган *гирифтан* феълининг (ТжРС, I03) *гир* ҳозирги замон асосига (ТжРС, I02) қўшиб ҳосил қилиниб, 'тута олмаслик' маъносини англатадиган *ногир* сифатига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'жароҳатланган', 'ўзи мустақил бирор ишни амалга ошира олмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506).

НОГОҲ *қ.* ногаҳ

НОГОҲОН *қ.* ногаҳон

НОДОН Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'бил-', 'англа-' маъносини англатадиган *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 135) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 270), 'билимсиз', 'фаҳм-фаросати паст' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506). Бу сифатдан ўзбек тилида *нодонлик* оти ясалган.

НОДОНЛИК *қ.* нодон

НОЙОБ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'топ-' маъносини англатадиган *йофтан* феълининг (ТжРС, I46) *йоб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, I44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'топилиши қийин', 'жуда оз учрайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506).

НОЖЎЙА Бу сифат *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'қидир-', 'қидириб топ-' маъносини англатадиган *жустан (ҷустан)* феълининг (ТжРС, 520) *жўй (ҷўй)* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 521) *-а* қўшимчаси (ТжРС, 543) қўшилган *жўйа (ҷўйа)* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одоб-ахлоқ меъёрига тўғри келмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 506).

НОЗИК Бу сифат ПРСда [*назок*] шаклида (553), ТжРСда *нозук* шаклида (270) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли *у*

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'ингичка', 'юмшоқ', 'бежирим' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 506). Бу сифатдан ўзбек тилида *нозиклаш-* феъли ясалган.

НОЗИКЛАШ- *қ.* нозик

НОЗ-ИСТИҒНО Бу жуфт от 'серишвали хатти-ҳаракат' маъносини англатадиган тожикча *ноз* оти билан (ТжРС, 270) 'илтифотсизлик' маъносини англатадиган арабча *истиғно* отидан (ЎТЭЛ, II, 180) тузилган бўлиб, 'ишва қилатуриб илтифотсизлик қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 507).

НОЗ-КАРАШМА Бу жуфт от тожикча 'серишвали хатти-ҳаракат' маъносини англатадиган *ноз* оти билан (ТжРС, 270) 'ёқиш учун қош-кўзлари билан нозик ҳаракатлар қилиш' маъносини англатадиган *карашма* отидан (ТжРС, 182) тузилган бўлиб, 'қош-кўзи билан нозли ҳаракатлар қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 507).

НОИЛОЖ Бу равиш тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'даво', 'чора' маъносини англатадиган арабча *илож* отига (АРС, 532) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бошқа иложини тополмай', 'истамаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 507).

НОИНСОФ Бу сифат тожик тилида *но-* олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'виждон билан, адолат билан иш тутиш' маъносини англатадиган арабча *инсоф* отига (АРС, 807) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'инсофсиз', 'виждонсиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 507). Бу сифатдан ўзбек тилида *ноинсофлик* мавҳум оти ясалган.

НОИНСОФЛИК *қ.* ноинсоф

НОКАС Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'одам' маъносини англатадиган *кас* отига (ТжРС, 182) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'инсонлик хусусиятини йўқотган', 'тубан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 271).

НОКЗОР Бу от 'лампочкасимон йирик мевали, ёғочи қаттиқ дарахт' маъносини англатадиган тожикча *нок* отига (ТжРС, 271) 'мўл' маъносини ифодалайдиган *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нок дарахтларидан иборат боғ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОЛА Бу от тожик тилида 'қайғуни ифодалаб баланд товуш билан йиғла-' маъносини англатадиган *нолидан* феълининг *нол* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 271) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қайғуни ифодаловчи баланд товуш билан йиғлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОЛИ- Бу феъл асли 'ҳасрат қил-' маъносини англатадиган тожикча *нолидан* феълининг *нол* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 271) ўзбекча *-и* феъл ясовчисини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'норозилигини айтиб шикоят қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОЛИШ Бу от тожик тилида 'ҳасрат кил-' маъносини англатадиган *нолидан* феълининг *нол* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 271) тожикча *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'ҳасрат ифодалайдиган йиғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОЛОН Бу сифат тожик тилида 'қайғуни ифодалаб баланд товуш билан йиғла-' маъносини англатадиган *нолидан* феълининг *нол* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 271) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нола қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОМ Бу тожикча от 'исм', 'от' маъносини англатади (ТжРС, 271; ЎТИЛ, I, 508). Бу от билан ўзбек тилида *номла-* феъли ясалган.

НОМА Бу от тожикча бўлиб, 'хат' маъносини англатади (ТжРС, 271; ЎТИЛ, I, 508).

НОМАРД Бу сифат тожик тилида *но-* олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'олийҳиммат', 'айтганини албатта амалга оширадиган' маъносини англатувчи *мард* сифатига (ТжРС, 216) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'айтганини амалга оширмайдиган', 'яхшиликка ёмонлик қайтарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508). Бу сифатдан ўзбек тилида *номардлик* мавҳум оти ясалган.

НОМАЪЛУМ Бу сифат тожик тилида *но-* олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'кишилар биладиган', 'ошкор' маъносини англатадиган арабча *маълум* сифатига (АРС, 535) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аниқ маълум бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОМАЪҚУЛ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'рози бўлишга лойиқ', 'ақл-идрокка мос' маъносини англатадиган арабча *маъқул* сифатига (АРС, 529) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'рози бўлишга нолойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508). Бу сифатдан ўзбек тилида *номаъқулчилик* мавҳум оти ясалган.

НОМАЪҚУЛЧИЛИК қ. номаъқул

НОМАҚБУЛ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'қабул қилишга, маъқуллашга лойиқ' маъносини англатадиган арабча *мақбул* сифатига (АРС, 621) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қабул қилиб бўлмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОМАҲРАМ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'энг яқин, ишончли, сирдош киши ', 'эр билан хотин бир-бирига нисбатан' маъносини англатадиган арабча *маҳрам* отига (АРС, I69) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ислом динига биноан бир-бирига кўриниши, яқинлашиши мумкин бўлмаган эркак ва аёл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 508).

НОМДОР Бу сифат тожик тилида 'шон-шуҳрат' маъноси билан қатнашаётган *ном* отига (ТжРС, 271) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шон-шуҳратли', 'ном чиқарган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509).

НОМЗОД Бу от тожик тилида *ном* отига (қ.) 'белгила-' маъносини англатадиган *задан* феълининг (ТжРС, 148) *зад* ўтган замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 272: *номзад*), бу от таркибидаги *а* товуши ўзбек тилида *о(â)* товушига алмаштирилган; 'бирор ишга қабул қилишга, сайлашга белгиланган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509).

НОММА-НОМ Бу равиш тожикча *ном* отини (қ.) *ба* олд қўмакчиси орқали такрорлаб тузилган бўлиб (ТжРС, 27I; *ном ба ном*), ўзбек тилига *ба* қисми бошланишидаги *б* товушини *м* товушига алмаштириб, биринчи қисмга қўшиб (шундан кейин чизиқча ёзиб) қабул қилинган; 'номини бирма-бир айтиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509). Бу равиш изоҳли луғатга *номба-ном* шаклида хато ёзиб киритилган.

НОМ-НИШОН Бу жуфт от тожик тилида *ном* оти билан (қ.) 'белги (аломат)' маъносини англатадиган арабча *нишон* отидан (АРС, 804) тузилган бўлиб, 'хабар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509). Бу жуфт отдан ўзбек тилида *ном-нишонсиз* сифати ясалган.

НОМУВОФИҚ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'мос', 'тўғри келадиган' маъносини англатадиган арабча *мувофиқ* сифатига (АРС, 902) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тўғри келмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509).

НОМУНОСИБ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'мос тушадиган', 'лойиқ' маъносини англатадиган арабча *муносиб* сифатига (АРС, 798) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мос келмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509).

НОМУТАНОСИБ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'бир-бирига тенг, тўғри келадиган' маъносини англатувчи арабча *мутаносиб* сифатига (АРС, 798) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир-бирига тўғри келмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 509).

НОН Бу тожикча от 'хамирдан ясаб, тандирда ёки печда пиширилади ган емак' маъносини англатади (ТжРС, 273; ЎТИЛ, I, 510).

НОНЖИЙДА Бу от ўзбек тилида тожикча *нон* оти билан (қ.) 'гули хушбўй, меваси узунчоқ данакли дарахт, шундай дарахтнинг меваси' маъносини англатадиган ўзбекча *жийда* отидан (ЎТИЛ, I, 278) тузилган бўлиб, 'йирик, этдор навли жийда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 510).

НОНКЎР Бу сифат ўзбек тилида тожикча *нон* оти билан (қ.) 'кўрмайдиган', 'сўқир' маъносини англатадиган *кўр* сифатидан тузилган бўлиб, 'тузини еб, тузлуғига тупурадиган', 'яхшиликни кадрламайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 510). Бу сифатдан ўзбек тилида *нонкўрлик* мавҳум оти ясалган.

НОНТЕПКИ Бу сифат ўзбек тилида тожикча *нон* оти билан (қ.) ўзбекча *тепки I* отидан (ЎТИЛ, I, I62) тузилган бўлиб, асли 'нонни оёғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан тепадиган' маъносини, кўчма маънода 'еб турган озик-овқатига нописанда бўлаётган' маъносини англатади. ЎТИЛда бу сифатнинг маъноси *нонкўр* сифатининг маъноси билан айнан деб таъкидлангани нотўғри (ЎТИЛ, I, 510). Бу сифат билан ўзбек тилида *нонтепкилик қил-* феъли ҳосил қилинган.

НОНТЕПКИЛИК ҚИЛ- қ. нонтепки

НООБОД Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'ободонлашган' маъносини англатадиган тожикча *обод* сифатига (ТжРС, 281) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'обод бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 510).

НОПОК Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'соф', 'тоза' маъносини англатадиган *пок* сифатига (ТжРС, 310) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'булғанган', 'ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қилмайдиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 510). Бу сифатдан ўзбек тилида *нопоклик* мавҳум оти ясалган.

НОР қ. анор

НОРАВО Бу кесимлик тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'бор-', 'юр-' маъносини англатадиган тожикча *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 317) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ясалиб, 'ўринли', 'маъқул' каби маънони англатадиган *раво* равишига (ТжРС, 317) қўшиб ҳосил қилинган; 'маъқул кўрилмайдиган', 'муносиб деб ҳисобланмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 510).

НОРАСИДА Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'етил-' маъносини англатадиган тожикча *расидан* феълининг *расида* ўтган замон сифатдоши шаклига (ТжРС, 321) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'балоғат ёшига етмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 510). Бу сифат ўзбек сўзлашув тилида *нораста* шаклида ҳам айтилади (Ўша саҳифада).

НОРАСО Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'ет-' маъносини англатадиган *расидан* феълининг *рав* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 321) *-о* қўшимчаси билан (ТжРС, 453) ясалган *расо* сифатига (ТжРС, 321) қўшиб ҳосил қилинган; 'бут бўлмаган', 'нуқсонли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 510).

НОРАСТА қ. норасида

НОРДОН Бу сифат тожик тилида асли 'олов' маъносини, кўчма маънода 'олов рангли', 'тўқ қизил' маъносини англатадиган *нор* отига (ТжРС, 274) 'ҳисобла-' маъносини англатадиган *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 135) қўшиб ҳосил қилинган; тўғри маъносида 'олов рангига ўхшаш', кўчма маъносида 'аччик-ширин' маъносини англатади (ТжРС, 274; ЎТИЛ, I, 510). ЎТИЛда бу сифатнинг маъноси қисман тўғри изоҳланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОРИНХЎР Бу сифат 'юпқа ёйиб пиширилган хамирни, пиширилган гўшт ва казини кесма шаклида тўғраб, аралаштириб тайёрланадиган овқат' маъносини англатадиган *норин* отига (ЎТИЛ, I, 510) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини ("Форс тили ", 307) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'норинни хуш кўриб мўл ейдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 511).

НОРОЗИ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'айтилган гапни, қилинган ишни маъқуллаш' маъносини англатадиган арабча *рози* сифатига (АРС, 301; АРГ, 149) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маъқулламаган', 'кўнгли тўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 511). Бу сифатдан ўзбек тилида *норозилик* мавҳум оти ясалган.

НОРОЗИЛИК қ. норози

НОСКАШ Бу сифат 'тамакидан тайёрланиб, тил остига ташлаб ёки ҳидлаб кайф қилиш учун ишлатиладиган нарса' маъносини англатадиган *нос* отига (ЎТИЛ, I, 511) 'торт-', 'чек-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нос чекадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 511).

НОСОЗ Бу кесимлик тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'бир-бирига мос' маъносини англатадиган *соз* сифатига (ТжРС, 362) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир-бирига мос бўлмаган', 'бир-бирини тушуниши бузилган' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 511). Бу кесимликдан ўзбек тилида *носозлик* мавҳум оти ясалган.

НОСОЗЛИК қ. носоз

НОСФУРУШ Бу от 'тамакидан тайёрланиб, тил остига ташлаб ёки ҳидлаб кайф қилиш учун ишлатиладиган нарса' маъносини англатадиган *нос* отига (ЎТИЛ, I, 511) 'сот-' маъносини англатадиган тожикча *фурўхтан* феълининг *фурўх* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 415) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида бу от таркибидаги *ў* товуши *у* товушига алмаштирилган; 'нос сотувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 511).

НОТАВОН Бу тожикча сифат *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'қодир бўл-' маъносини англатадиган *тавонистан* феълининг *тавон* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 374) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ишни амалга оширишга қурби етмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 511).

НОТАЙИН Бу сифат тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'аниқ', 'белгили' маъносини англатадиган арабча *тайин* сифатига (АРС, 554) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'таг-туги аниқ бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 511).

НОТАНИШ Бу сифат ўзбек тилида тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) ўзбекча *таниш* сифатига (ЎТИЛ, II, 118) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аввал кўрмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОТЕКИС Бу сифат ўзбек тилида тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) ўзбекча *текис* сифатига (ЎТИЛ, II, 155) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юза сатҳи силлиқ бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОТИНЧ Бу сифат ўзбек тилида тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) ўзбекча *тинч* отига (ЎТИЛ, II, 181) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тинчини йўқотган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512). Бу сифатдан ўзбек тилида *нотинчлан-* феъли ясалган.

НОТИНЧЛАН- қ. нотинч

НОТОБ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'куч-қувват' маъносини англатадиган *тоб* отига (ТжРС, 395) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'куч-қуввати йўқ', 'хаста' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОТЎҒРИ Бу сифат ўзбек тилида тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) ўзбекча *тўғри* сифатига (ЎТИЛ, II, 260) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'янглиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОУМИД Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'бирор нарсанинг рўёбга чиқишини ишониб кутиш' маъносини англатадиган *умед* отига (ТжРС, 402) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *е(э)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'бирор нарсанинг рўёбга чиқишига ишончини йўқотган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОХИН Бу тожикча от асли *нохун* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 276), ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; асли 'тирноқ' маъносини англатади; ўзбек тилида 'танбур торини чертиб чалишда ишлатиладиган металл буюм' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 512). Бу буюм тожик тилида 'тирноқча' маъносини англатадиган *нохунак* оти билан аталган (ТжРС, 276).

НОХОСТАН Бу равиш тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'иста-' маъносини англатадиган тожикча *хостан* феълининг *хост* ўтган замон асосига (ТжРС, 427) қўшиб ҳосил қилинган *нохост* равишига ўзбекча *-дан* чиқиш келишиги қўшимчасини қўшиш билан юзага келган; кейинчалик *нохостдан* равиши таркибидаги *т* товуши таъсирида *д* товуши *т* товушига алмашган, қатор келган *тт* товушларидан бири айтилмай қўйган. Бу равиш 'кутилмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОХУШ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'ёқимли' маъносини англатадиган тожикча *хуш* сифатига (ТжРС, 432) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ёқимсиз', 'кайфиятни бузадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512). Бу сифатдан ўзбек тилида *нохушлик* мавҳум оти ясалган.

НОХУШЛИК қ. нохуш

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОЧОР Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'иш-мақсадни рўёбга чиқариш-чиқармаслик учун амалга ошириладиган тадбир' маъносини англатадиган тожикча *чора* отининг (ТжРС, 445) *чор* шаклига (*чор-ночор* равиши таркибидаги каби) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор иш-мақсадни рўёбга чиқариш-чиқармаслик тадбирини амалга ошира олмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512). Бу сифатдан ўзбек тилида *ночорлик* мавҳум оти ясалган.

НОЧОРЛИК қ. ночор

НОШАРЪИЙ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 206) 'шариат талабларига мос' маъносини англатадиган арабча *шаръий* сифатига (АРС, 400) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шариатга хилоф' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОШОД Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'хурсанд' маъносини англатадиган тожикча *шод* сифатига (ТжРС, 462) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хурсанд бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОШУД Бу сифат тожикча *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'амалга ош-' маъносини англатадиган тожикча *шудан* феълининг (ТжРС, 462) *шуд* ўтган замон асосига (ЎТИЛ, II, 431) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ишни уддалай олиш қабилияти ҳам йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОШУКУР Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'миннатдорлик' маъносини англатадиган арабча *шукр* отининг *шукур* кўплик шаклига (АРС, 413; АТГ, 40) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сабр-тоқат қилмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512). Бу сифатдан ўзбек тилида *ношукурлик* мавҳум оти ясалган. Изоҳли луғатда *шукр* отининг маъноси *шукур* отининг маъносига айнан дейилгани ўринли эмас (ЎТИЛ, I, 431).

НОЎРИН Бу сифат ўзбек тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) ўзбекча *ўрин* отига (ЎТИЛ, I, 511) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор иш-ҳаракатни бажариш, бирор фикр-мулоҳазани айтиш учун ноқулай (пайт)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОҚОБИЛ Бу сифат тожикча *но* -инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'гапга кирадиган' маъносини англатувчи арабча *қобил* сифатига (АРС, 619; ЎТИЛ, II, 590) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гапга кирмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 512).

НОҚУЛАЙ Бу сифат ўзбек тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) ўзбекча *қулай* сифатига (ЎТИЛ, II, 615) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор иш-ҳаракатни бажариш, бирор фикр-мулоҳазани айтиш учун нобоп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НОҲАҚ Бу сифат тожик тилида *но-* инкор олд қўшимчасини (ТжРС, 208) 'ҳуқуқ' маъносини англатадиган арабча *ҳақ II* отига (АРС, 184) сифат

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатиб келганида қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор иш-ҳаракатни бажаришга, бирор фикр-мулоҳазани айтишга ҳақи йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НОҲАҚЛИК Бу мавҳум от ўзбек тилида *ноҳақ* сифатидан (к.) *-лик* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'бирор иш-ҳаракатни бажаришга, бирор фикр-мулоҳазани айтишга асоссиз равишда йўл қўймаслик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НУРАФШОН Бу сифат тожик тилида 'ёғду', 'зиё' маъносини англатадиган арабча *нур* отига (АРС, 838) 'соч-' маъносини англатадиган тожикча *афшондан* феълининг *афшон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 35) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нур сочувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НУРОНИЙ Бу сифат тожик тилида 'ёғду', 'зиё' маъносини англатадиган арабча *нур* отига (АРС, 838) тожикча *-он*, *-ий* қўшимчаларини (ТжРС, 543, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 513).

НЎШ АЙЛА- Бу феъл ўзбек тилида 'ич-' маъносини англатадиган тожикча *нӯшидан* феълининг *нӯш* ҳозирги замон асоси билан (ТжРС, 279) 'қил-' маъносини англатадиган ўзбекча *айла-* феълидан тузилган бўлиб, 'ич-', 'шимир-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 515).

О

ОБАКИ Бу сифат тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279) *-аки* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'сувдор' маъносини (ТжРС, 280), ўзбек тилида эса 'оқ чиллакига ўхшаш серсув ширин узум' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 515).

ОБДАСТА Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* оти билан (ТжРС, 279) 'қўл' маъносини англатадиган *даст* отидан (ТРС, 110) тузилган *обдаст* бирлигига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юз-қўл ювишда ишлатиладиган сувдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 515).

ОБЖУВОЗ Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* оти билан (ТжРС, 279) 'ўсимлик уруғидан мой ажратиб олиш қурилмаси' маъносини англатадиган *жувоз* отидан (ТжРС, 290) тузилган бўлиб, 'сув кучи билан ишлайдиган жувоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 515).

ОБИ-ДИЙДА Бу от 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ПРС, 1) *-и* изофасини қўшиб, 'кўз' маъносини англатадиган *диде* отига (ПРС, 233) боғлаб тузилган бирикма бўлиб (*оби дида*), ўзбек тилига *оби-дийда* шаклида бирикма қисмлари орасига чизиқча ёзиб, *дида* қисми таркибига *й* товушини киритиб олинган; 'кўз ёши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-ЙОВҒОН Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* оти билан (ТжРС, 279) 'гўшт-ёғсиз тайёрланган сифатсиз овқат' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган ўзбекча *ёвғон* отидан (ЎТИЛ, I, 253) тузилган *обу ёвғон* жуфт оти бўлиб, ўзбек тилига *у* боғламасини *-и* изофасига алмаштириб, чизиқча ёзиб олинган; 'энг сифатсиз овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-ЗАМЗАМ Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отига (ТжРС, 279) *-и* изофасини қўшиб, Маккадаги *Замзам* булоғининг номига боғлаб тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида бирикма қисмлари орасига чизиқча киритилган; 'Замзам булоғининг суви', 'табаррук сув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-РАВОН Бу от 'сув' маъносини англатадиган *об* оти ва (ТжРС, 279) *-и* изофасини қўшиб, тожикча 'юр-', 'оқ-' маъносини англатадиган *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 317) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилиниб, 'оқадиган' маъносиӣни англатувчи *равон* сифатидан тузилган *оби равон* бирикмаси бўлиб (ТжРС, 317: *оби равон*), ўзбек тилида бирикма қисмлари орасига чизиқча ёзилади; 'оқар сув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-НОВВОТ Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отига (ТжРС, 279) *-и* изофасини қўшиб, тожикча *новвот* отига (к.) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида бирикма қисмлари орасига чизиқча ёзилади; 'ўрикнинг жуда ширин нави', 'қовуннинг сариқ-ола сергўшт ширин нави' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИНОН Бу от 'сувли' маъносини англатадиган *оби* сифати билан (ПРС, 5) *нон* отидан тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида бирикма қисмлари қўшиб ёзилади; 'тузли сувда қориб, оширилмаган хамирга бошқа масаллиқ қўшмай пиширилган юпқа нон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-ОТАШ Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* оти билан (ТжРС, 279) 'олов' маъносини англатадиган *оташ* отидан (ТжРС, 290) тузилган *обу оташ* жуфт оти бўлиб, ўзбек тилида *у* боғламаси *-и* изофасига алмаштирилган; 'овқат тайёрлашда энг зарур сув билан олов' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-РАҲМАТ Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отига (ТжРС, 279) *-и* изофасини қўшиб, 'раҳм-шафқат' маъносини англатадиган арабча *раҳмат* отига (АРС, 291) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида бирикма қисмлари орасига чизиқча ёзилади; 'Оллонинг марҳамати, мурувватн билан энг зарур пайтда ёғган ёғин (ёмғир, қор)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-ТАОМ Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отини (ТжРС, 279) *у* боғламаси орқали 'еб-ичиладиган овқат' маъносини англатадиган арабча *таом* отига (АРС, 474) боғлаб тузилган бўлиб (ТжРС, 279: *обу таом*), ўзбек тилида *у* боғламаси *-и* изофасига алмаштирилган; 'суюқ-қуюқ овқатлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОБИ-ТОБ Бу кесимлик тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* отини (ТжРС, 279) *у* боғламаси орқали 'ярқира-', 'нур тарат-' маъносини англатадиган *тофтан* феълининг *тоб* ҳозирги замон асосига боғлаб тузилган бўлиб (ТжРС, 279: *обу тоб*), ўзбек тилида *у* боғламаси *-и* изофасига алмаштирилган; 'айни етилган ҳолатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-ҲАВО Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* отини (ТжРС, 279) *у* боғламаси орқали 'Ер атрофини қоплаб турувчи, асосан азот ва кислороддан иборат модда' маъносини англатадиган арабча *ҳаво* отига (АРС, 862) боғлаб тузилган жуфт от бўлиб (ТжРС, 279: *обу ҳаво*), ўзбек тилида *у* боғламаси *-и* изофасига алмаштирилган; 'атмосферанинг ҳолати' (климат) маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБИ-ҲАЙОТ Бу от 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отини (ТжРС, 279) *-и* изофаси орқали 'яшаш, физиологик мавжудлик' маъносини англатадиган арабча *ҳайот* отига (АРС, 205) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида бу бирикма қисмлари оралиғига чизиқча ёзилади; 'яшашни таъминлайдиган сув' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516).

ОБКАШ Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279) 'таши-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'икки учидаги илмоққа челак осиб, елкага қўйиб сув (суюқлик) ташийдиган, ёғочдан ясалган асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 516). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *апкаш* тарзида ҳам айтилади.

ОБОД Бу тожикча сифат 'гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган' маъносини англатади (ТжРС, 28I; ЎТИЛ, I, 516). Бу сифат билан ўзбек тилида *ободлаш* - феъли ясалган.

ОБОДЛАШ- қ. обод

ОБОДОН Бу кесимлик тожик тилида *обод* сифатига (к.) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўркам', 'гуллаб-яшнаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 517). Бу кесимликдан ўзбек тилида *ободонлик* мавҳум оти ясалган.

ОБОДОНЛИК қ. ободон

ОБПАРТОВ Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279) 'ташла-' маъносини англатадиган *партофтан* феълининг *парто(в)* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 301, 300) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқча сувни ташлаб юбориш учун қурилган иншоот' маъносини англатади (ТжРС, 281; ЎТИЛ, I, 517).

ОБРАҲА Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* оти билан (ТжРС, 279) 'йўл' маъносини англатадиган *роҳ* отидан (ТжРС, 328) тузилган *оброҳ* отига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 453) қўшиб ҳосил қилинган; иккинчи бўғиндаги *о* товуши *а* товушига тожик тилининг ўзида алмашган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 280, 281); 'сув оқмай қолган ўзан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 517).

ОБРЕЗ Бу от тожик тилида 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279) 'қуй-', 'тўк-' маъносини англатадиган *рехтан* феълининг (ТжРС, 325) *рез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 324) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яшаш хонасининг пойгагида ёки даҳлизида ювиниш суви тушиши учун ясалган усти ёпиқ ўра' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 517).

ОБРЎ(Й) Бу от тожик тилида 'иззат-ҳурмат' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279: *об II*) 'юз' маъносини англатадиган *рў(й)* отини (ТжРС, 329) қўшиб тузилган бўлиб, 'кишининг жамоат олдида козонган ҳурмат-эътибори' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 517). Бу от билан ўзбек тилида *обрўли, обрўсиз* сифатлари, *обрўсизлан-* феъли ясалган.

ОБРЎЛИ қ. обрў(й)

ОБРЎСИЗ қ. обрў(й)

ОБРЎСИЗЛАН- қ. обрў(й)

ОБХОНА Бу от тожикча 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279) *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'таҳорат қилиш учун ажратилган хона' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 517).

ОВОЗ Бу тожикча от (ТжРС, 282) 'ўпкадан зарб билан чиқарилаётган ҳавонинг овоз пайчаларига урилиши билан тебраниши натижасида, шовқин қўшилмаган ҳолда ҳосил бўладиган товуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 518).

ОВОЗА Бу от тожик тилида *овоз* отига (к.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор киши, нарса, воқеа тўғрисида тарқалган хабар, гап-сўз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 518).

ОВОРА Бу тожикча кесимлик 'бирор иш-ҳаракатни амалга ошириш ташвиши билан банд', 'қўними йўқ' маъноларини англатади (ТжРС, 283; ЎТИЛ, I, 518). Бу кесимлик билан ўзбек тилида *оворагарчилик* мавҳум оти ясалган.

ОВОРАГАРЧИЛИК қ. овора

ОГАҲ қ. огоҳ

ОГАҲИЙ қ. огоҳ

ОГОҲ Бу тожикча кесимлик 'хабардор' маъносини англатади (ТжРС, 283; ЎТИЛ, I, 519). Бу кесимликдан ўзбек тилида *огоҳлантир-* феъли, *огоҳлантириш* оти ясалган. Шоир Огаҳийнинг тахаллуси шу кесимликнинг *огаҳ* шаклига *-ий* қўшимчасини қўшиб ясалган. Сўзлашув тилида бу кесимлик *огаҳ* тарзида ҳам айтилади.

ОГОҲЛАНТИР- қ. огоҳ

ОГОҲЛАНТИРИШ қ. огоҳ

ОДАМЗОД Бу от ПРСда [*адами-зад*] шаклида (12), ТжРСда *одамизод* шаклида (283) келтирилган; асли 'биринчи пайдо бўлган киши' маъносини англатадиган арабча *Одам* отини (АРС, 29) *-и* изофасини қўшиб, 'насл'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатадиган тожикча *зод* оти билан (ТжРС, 156) боғлаб тузилган бўлиб, тожик тилида қўшиб ёзилади (ТжРС, 283); ўзбек тилида *-и* изофаси ташланиб, қўшиб ёзилади; 'одам насли', 'инсон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМОХУН Бу сифат 'инсон маъносини англатадиган' *одам* отига (АРС, 29) 'маслаҳатгўй' маъносини англатадиган *охунд* сифатини (ПРС, 11) қўшиб тузилган; ўзбек тилида бу сифат охиридаги *д* товуши айтилмайди; 'кишини иззат-ҳурмат қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 520).

ОДАМХЎР Бу сифат тожик тилида 'киши' маъносини англатадиган арабча *одам* отига (АРС, 29) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган; 'одам гўштини ейдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521).

ОДАМШАВАНДА Бу сифат тожик тилида 'киши' маъносини англатадиган арабча *одам* оти билан (АРС, 29) 'бўл-' маъносини англатадиган тожикча *шудан* феълининг (ТжРС, 462) *шав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 449) *-анда* қўшимчасини (ТжРС, 56I) қўшиб ясалган *шаванда* ҳозирги замон сифатдоши шаклидан тузилган; 'кишн билан ҳурматини жойига қўйиб муомала қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521).

ОДИЛОНА Бу равиш тожик тилида 'адолат билан иш қилувчи' маъносини англатадиган арабча *одил* сифатига (АРС, 502) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'адолатли равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 521).

ОЖИЗОНА Бу равиш тожик тилида 'заиф', 'мадорсиз' маъносини англатадиган арабча *ожиз* сифатига (АРС, 499) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ожизларча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 524).

ОЗОД Бу тожикча сифат 'эркин', 'ўз ихтиёри ўзида' маъносини англатади (ТжРС, 284; ЎТИЛ, I, 525).

ОЗОДА Бу тожикча сифат 'тоза', 'кир-чири йўқ' маъносини англатади (ТжРС, 284; ЎТИЛ, I, 525).

ОЗОДАЛИК Бу мавҳум от ўзбек тилида тожикча *озода* сифатидан (к.) ўзбекча *-лик* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'тозалик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 525).

ОЗОДЛИК Бу мавҳум от ўзбек тилида 'эркин' маъносини англатадиган тожикча *озод* сифатига (к.) *-лик* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'эркинлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 525).

ОЗОР Бу от 'кўнглини оғрит-', 'хафа қил-' маъносини англатадиган тожикча *озурдан* феълининг ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 284), 'кишига руҳан ёки жисмонан етказилган оғриқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 525).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЗОРИЖОН Бу сифат тожикча *озор* отига (к.) *-и* изофасини қўшиб, 'барҳаётликни таъминловчи омил' маъносини англатадиган *жон* отига (ТжРС, 517) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'кишига бетиним озор берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 525).

ОЗУРДА Бу тожикча от 'қийнал-', 'хафа бўл-' маъносини англатадиган *озурдан* феълининг (ТжРС, 284) *озурд* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'хафа бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 525).

ОЙИМПОШША Бу от 'мўътабар' маъносини англатадиган *оим* сифати билан (ТжРС, 285) 'бекач' маъносини англатиш учун ишлатиладиган *пошшо* отидан тузилган бўлиб (ТжРС, 285), ўзбек тилида *ои* товушлари оралиғига *й* товуши киритилган, *пошшо* қисми охиридаги *о* товуши *а* товушига алмаштирилган. Бу от аёлга ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 527). Бу от сўзлашув тилида *им* товушларини ташлаб *ойпошша* тарзида ҳам айтилади (ЎТИЛ, I, 628). Изоҳли луғатда *оим* қисми *ойи* отига *-м* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган деб хато изоҳланган.

ОЙИНА қ. ойна

ОЙНА Бу от асли *оина* товуш таркибига эга бўлиб, (ТжРС, 285), ўзбек тилида *и* товуши *й* товушига алмаштирилган; 'кўзгу', 'дераза кўзларига ўрнатиладиган ясси тиниқ шиша' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 527). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *ои* товушлари оралиғига *й* товушини киритиб *ойина* тарзида ҳам айтилади.

ОЙНАБАНД Бу сифат 'дераза кўзларига ўрнатиладиган ясси тиниқ шиша' маъносини англатадиган *оина* отининг (ТжРС, 285) ўзбекча *ойна* шаклига (қ.) 'ўрнат-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'деразали' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 527). Ўзбек сўзлашув тилида бу сифат *ойнаванд, ойнавон* шаклларида ҳам айтилади.

ОЙНАВАНД қ. ойнабанд

ОЙНАВОН қ. ойнабанд

ОЙНАК Бу от 'дераза' маъносини англатадиган тожикча *оина* отининг (ТжРС, 285) ўзбекча *ойна* шаклидан *-к* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган бўлиб, 'дераза', 'кўзга тақиладиган буюмнинг ойнаси' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 628).

ОЙПОШША қ. оимпошша

ОЛАМГИР Бу сифат 'бутун борлиқ' маъносини англатадиган арабча *олам* отига (АРС, 534) 'ол-', 'забт эт-' маъносини англатадиган тожикча *гирифтан* феълининг (ТжРС, 103) *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102) қўшиб ҳосил қилинган; 'оламни забт этувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 529).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛАМ-ЖАҲОН Бу сифат 'бутун борлиқ' маъносини англатадиган арабча *олам* оти билан (АРС, 534) худди шундай маънони англатадиган тожикча *жаҳон* отидан (ТжРС, 514) тузилган бўлиб, 'беҳад кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 529).

ОЛАМПАНОҲ Бу сифат 'бутун борлиқ' маъносини англатадиган арабча *олам* отига (АРС, 534) 'ҳимоя қил-' маъносини англатадиган тожикча *паноҳидан* феълининг *паноҳ* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 297) қўшиб ҳосил қилинган; 'оламни ўз ҳимоясига олувчи' маъносини англатади; ўтмишда ҳукмдорларни улуғлаб айтиладиган мақтов тарзида ишлатилган (ЎТИЛ, I, 530).

ОЛАМТОБ Бу сифат 'бутун борлиқ' маъносини англатадиган арабча *олам* отига (АРС, 534) 'ёрит-' маъносини англатадиган тожикча *тофтан II* феълининг (ТжРС, 397) *тоб* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 395: *тоб III*) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оламни ёритувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 530).

ОЛИМОНА Бу равиш 'чуқур билимга эга киши' маъносини англатадиган арабча *олим* отига (АРС, 534) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олимларга хос йўсинда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 532).

ОЛМАЗОР Бу от ўзбекча *олма* отига 'мўл' маъносини англатадиган тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олма дарахти кўп экинган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 533).

ОЛМУРУТ Бу от форс тилида 'оч қизил' маъносини англатадиган [*ол*] сифати билан (ПРС, 36) 'нок' маъносини англатадиган [*моруд*] отидан (ПРС, 485) тузилган бўлиб, ўзбек тилига форсча *о(ў)* товушини ўзбекча *у* товушига, *д* товушини *т* товушига алмаштириб олинган; 'оч қизил рангли нок' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 534).

ОЛОВ Бу тожикча от *олав* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 285), ўзбек тилида *а* товуши *о (â)* товушига алмаштирилган; 'ёниб турган ўт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 534). Бу отдан ўзбек тилида *оловлан-* феъли ясалган.

ОЛОВЛАН- қ. олов

ОЛОМОН Бу от асли *аламон* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 22), ўзбек тилида *а* товушлари *о (â)* товушларига алмаштирилган; тарихан 'талаш, асир олиш мақсадида амалга ошириладиган босқин', ҳозир эса 'ҳаяжонланган одамлар тўдаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 534).

ОЛТИНГУГУРТ Бу от ўзбекча *олтин* оти 'сариқ' маъно қирраси билан тожикча *гугурт* (< *гўгўрд*) отига (ТжРС, 110; ЎТИЛ, I, 195) боғлаб тузилган бўлиб, 'тез ёнадиган сариқ рангли металлоид' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 535).

ОЛХЎРИ Бу от тожик тилида 'мева' маъносини англатадиган *олу* отига (ТжРС, 286) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг (ТжРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб тузилган *олхўр* бирлигига *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *у* товушини ташлаб олинган; 'данаги чўзинчоқ, эти кўкиш сершув мева' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 535). Бу отни *ол(у)* ва Ҳирот отларидан тузилган деб изоҳлаш ҳам мавжуд (ЎТИЛ, I, 535).

ОЛЧА Бу от 'мева' маъносини англатадиган *олу* отига (ТжРС, 286) ўзбекча *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 286: *олуча*), ўзбек тилида бу от таркибидаги *у* товуши айтилмайди; 'данаги думалоқ, эти тўқ қизил майда мева' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 535).

ОЛҲИРОТ *қ.* олхўри

ОМАД Бу от 'кел-' маъносини англатадиган тожикча *омадан* феълининг *омад* ўтган замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 286), 'ишнинг ўнгидан келиши, олға босиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 535).

ОМБУР Бу от ПРСда [*ämбор*], [*ämбур*] шаклларида (араб ҳарфлари билан *м* эмас, *н* ёзилган ҳолда – 41), ТжРСда *анбўр* шаклида (26) келтирилган; ўзбек тилига форсча *амбур* шакли *а* товушини *о (â)* товушига алмаштириб олинган. Бу отнинг *бур* қисми асли 'кес-' маъносини англатадиган *буридан* феълининг *бур* ҳозирги замон асосига тенг, шунга кўра *омбур* оти 'мих суғуриш, сим кесишда ишлатиладиган асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 536).

ОМИЛКОР Бу сифат 'бирор ишни амалга оширишнинг энг мақбул йўли' маъносини англатадиган арабча *омил* отига (АРС, 541) *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'усталик билан иш юритадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 536).

ОМИХТА Бу сифат 'аралаштир-' маъносини англатадиган тожикча *омехтан* феълининг *омехт* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 560; 286), ўзбек тилида *е(э)* товуши *и* товушига алмаштирилган; 'бошқа нарса билан аралаштирилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 536).

ОММАБОП Бу сифат 'оддий халқ' маъносини англатадиган арабча *омма* оти билан (АРС, 537) 'мос' маъносини англатадиган тожикча *боб* сифатидан (ТжРС, 73) тузилган бўлиб (ТжРС, 286: *оммабоб*), ўзбек тилида охирги *б* товуши *п* товушига алмаштирилган; 'кенг жамоатчиликка мўлжалланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 536).

ОМОН-ЭСОН Бу сифат 'хавф-хатарсиз', 'соғ-саломат' маъносини англатадиган арабча *амон* сифати билан (АРС, 45; ТжРС, 25) 'соғ-саломат' маъносини англатадиган ўзбекча *эсон* отидан (ЎТИЛ, I, 454) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *а* товуши *о(â)* товушига алмаштирилган; 'хавф-хатарсиз', 'соғ-саломат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 537). Бу жуфт сифат *эсон-омон* тарзида ҳам тузилган (ЎТИЛ, I, 454).

ОНСОН *қ.* осон

ОПТОВШУВОҚ *қ.* офтобчувоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРАСТА Бу сифат 'зеб бер-', 'тартибли ҳолатга келтир-' маъносини англатадиган тожикча *оростан* феълининг (ТжРС, 288) *орост* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб, ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги *о* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'зеб берилган', 'саранжом-саришта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 540).

ОРЗУ Бу тожикча от 'кўнгилдаги истак, эзгу умид' маъносини англатади (ТжРС, 288; ЎТИЛ, I, 541).

ОРЗУ-АРМОН Бу жуфт от тожикча *орзу* оти билан (қ.) 'амалга ошмаган истак тўғрисида афсусланиш' маъносини англатадиган *армон* отидан (ТжРС, 30)•тузилган бўлиб, 'кўнгилдаги истак ва афсусланишлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 541).

ОРЗУ-ИСТАК Бу жуфт от ўзбек тилида тожикча *орзу* оти билан (қ.) 'хоҳиш' маъносини англатадиган ўзбекча *истак* отидан (ЎТИЛ, I, 337) тузилган бўлиб, 'амалга ошувини хоҳлаб кутиладиган эзгуликлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 541).

ОРЗУМАНД Бу тожикча сифат *орзу* отига (қ.) 'эга бўлиш' маъносини ифодалайдиган *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'орзу қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 541).

ОРЗУ-ҲАВАС Бу жуфт от тожикча *орзу* оти билан (қ.) 'нимагадир эришиш тўғрисида истак' маъносини англатадиган арабча *ҳавас* отидан (АРС, 863; ЎТИЛ, II, 669) тузилган бўлиб, 'рўёбга чиқишини истаб қилинадиган орзулар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 541).

ОРО: Бу от ЎТИЛга [*ф-т*], *айн. оройиш* таъкиди билан киритилиб, *оро бер-* бирикмаси таркибида келтирилган ва бу бирикма 'зеб бер-, беза-, пардозла-' маъносини англатиши айтилган (I, 542). ТжРСга *оро* алоҳида-алоҳида: 1) *оростан* феълининг ҳозирги замон асоси сифатида; 2) 'безак', 'пардоз' маъносини англатадиган от сифатида киритилган (288); демак, асли *оро* айни вақтда феъл асоси ва от асоси бўлиб хизмат қилган. Ўзбек тилида *оро бер-* бирикмаси қатнашуви билан *ўзига оро бер-* ибораси юзага келган.

ОРОЙИШ Бу от ПРСда [*арайеш*] шаклида (13), ТжРСда *ороиш* шаклида (288), ЎКААҚЛда *оройиш* шаклида (486) келтирилган. Бу от асли 'беза-', 'пардозла-' маъносини англатадиган *оростан* феълининг *орой* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 288) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган. Бу феълнинг ҳозирги замон асоси *оро* шаклига ҳам эга (ПРС, 13; ТжРС, 288). Кўринадики, бу от форс тилида [*арай*] асосидан, тожик тилида эса *оро* асосидан ҳосил қилинган бўлиб, 'безак', 'пардоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 542).

ОРОМ Бу тожикча от 'истироҳат', 'осойишталик келтирадиган роҳат' маъносини англатади (ТжРС, 288; ЎТИЛ, I, 542).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРОМБАХШ Бу тожикча сифат *ором* отига (қ.) 'бағишла-' маъносини англатадиган *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ором бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 542).

ОРОМГОҲ Бу тожикча от *ором* оти билан (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *гоҳ* отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб, 'дам олиб роҳат қиладиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 542).

ОРОМИЖОН Бу сифат тожикча *ором* отига (қ.) *-и* изофасини қўшиб *жон* оти билан (қ.) боғлаб тузилган бирикма бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'кишига ҳузур бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 542).

ОРОСТА *қ.* ораста

ОСМОНЎПАР Бу сифат ўзбек тилида 'фазо' маъносини англатадиган тожикча *осмон* оти билан (ТжРС, 289) ўзбекча *ўп-* феълининг *ўпар* сифатдош шаклидан тузилган бўлиб, 'жуда баланд' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 545).

ОСОЙИШТА Бу сифат 'тинчлан-' маъносини англатадиган тожикча *осоидан* феълининг *осой* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 289) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган отдан *-та* қўшимчаси билан ясалган; 'тинч-хотиржам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 546). Бу сифатдан ўзбек тилида *осойишталик* мавҳум оти ясалган.

ОСОЙИШТАЛИК *қ.* осойишта

ОСОН Бу тожикча сифат 'бажариш қийин бўлмаган' маъносини англатади (ТжРС, 289; ЎТИЛ, I, 546). Бу сифатдан ўзбек тилида *осонлик* мавҳум оти, *осонлаш-* феъли ясалган. *Осон* сифати ўзбек сўзлашув тилида *онсон* тарзида ҳам айтилади.

ОСОНЛАШ- *қ.* осон

ОСОНЛИК *қ.* осон

ОСОНЛИКЧА Бу равиш ўзбек тилида *осонлик* отига *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'осонлик билан, ортиқча куч сарфламай' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 546).

ОСТОНА Бу от ПРСда [*ас(е)тане*] шаклида келтирилиб, [*ас(е)тан*] шаклига ҳавола қилинган (19). ТжРСда *остона* шаклида келтирилган (289). Ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Асли 'ҳовлига, уйга кираверишда дарвоза, эшик олдига кўндаланг ётқизиладиган ёғоч' маъносини англатган, кейинчалик 'бўсағa', 'зина' маъноларини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 546).

ОСУДА Бу сифат 'тинчлан-' маъносини англатадиган тожикча *осудан* феълининг *осуд* ўтган замон асосига (ТжРС, 289) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тинч', 'бехавотир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 547).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТ-АРАВА Бу жуфт от ўзбекча *от* оти билан 'от қўшиладиган ғилдиракли оддий траспорт воситаси' маъносини англатадиган тожикча *ароба* отидан (ТжРС, 30) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *ароба* қисми таркибидаги *о* товуши *а* товушига, *б* товуши *в* товушига алмаштирилган; 'от билан аравадан иборат трансарт воситаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШ Бу тожикча от 'аланга', 'лаққа чўғ' каби маъноларни англатади (ТжРС, 290; ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШЗАБОН Бу сифат тожикча *оташ* оти билан (қ.) 'тил' маъносини англатадиган *забон* отидан (ТжРС, I47) тузилган бўлиб (ТжРС, 290), 'нутки ўта таъсирчан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШИН Бу сифат тожикча *оташ* отига (қ.) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'алангали', 'жўшқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШКУРАК Бу от тожикча *оташ* оти билан (қ.) 'нарсаларни сидириб, кураб тўплаб олиш асбоби' маъносини англатадиган ўзбекча *курак* отидан (ЎТИЛ, I, 406) тузилган бўлиб, 'чўғни олиш, тўғрилаб қўйишда ишлатиладиган асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШНАФАС Бу сифат тожикча *оташ* отига (қ.) 'ўпкага олиб, кейин чиқариладиган ҳаво' маъносини англатадиган арабча *нафас* отидан (АРС, 818) тузилган бўлиб, 'нутқи ўткир, таъсирли', 'дуоси дардга даво бўладиган' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШПАРАСТ Бу сифат тожикча *оташ* отига (қ.) 'топин-', 'сажда қил-' маъносини англатадиган *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оловга сажда қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТАШҚАЛБ Бу сифат тожикча *оташ* оти билан (қ.) 'юрак', 'дил' маъносини англатадиган арабча *қалб* отидан (АРС, 654) тузилган бўлиб, 'юрагида ўти бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 548).

ОТИН Бу от ПРСда [*атун*] шаклида (7), ТжРСда *отун* шаклида (290) келтирилган; ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'ўқимишли аёл', 'муаллима' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 549).

ОТХОНА Бу от ўзбекча *от* оти билан 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'отлар учун қурилган оғил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 550).

ОФАРИН Бу ундов мамнунликни, завқланишни, қойил қолишни ифодалаш учун ишлатилади (ТжРС, 290; ЎТИЛ, I, 550); 'ярат-', 'бунёд қил-' маъносини англатадиган тожикча *офаридан* феълининг (ТжРС, 290) *офар* ҳозирги замон асосига *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган.

ОФАТИЖОН Бу сифат 'бахтсизлик' маъносини англатадиган арабча *офат* отига (АРС, 50) *-и* изофасини қўшиб, *жон* отига (қ.) боғлаб тузилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирикма бўлиб (ТжРС, 291: *офат; офати қон*), ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'ўзига мафтун қилиш даражасида ғоят гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 550).

ОФТОБ Бу тожикча от 'қуёш' маъносини англатади (ПРС, 31; ТжРС, 291; ЎТИЛ, I, 550). Бу от таркибидаги *тоб* қисми 'иссиқлик', 'аланга', 'олов' маъносини англатиши аниқ (ТжРС, 395: *тоб III*), лекин *оф* қисмини аниқ изоҳлаб бўлмади. ТжРСда *об* оти изоҳланган мақола ичида *обу тоб* оти келтирилиб (279), 'ярқираш', 'гуллаб-яшнаш' маъноларини англатиши айтилган; лекин шу изоҳлар асосида *оф* қисмини 'сув' маъносини англатадиган *об* отига боғлаш қалтис.

ОФТОБРЎЙА Бу от тожик тилида *офтоб* оти билан (қ.) 'юз' маъносини англатадиган *рў* отининг (ТжРС, 328) *рўй* шаклидан (ТжРС, 331) тузилган *офтобрўй* отига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; 'қуёш нури тушиб турадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 551).

ОФТОБТИҒА Бу от тожик тилида *офтоб* оти билан (қ.) 'нур' маъносини англатадиган *теға* отидан (ТжРС, 393: *теғаи офтоб*) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *теға* оти таркибидаги *е (э)* товуши *и* товушига алмаштирилган; 'қуёш нури' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 551).

ОФТОБЧУВОҚ Бу от ўзбек тилида тожикча *офтоб* оти билан (қ.) 'чуваланган', 'тарқоқ' маъносини англатадиган ўзбекча *чувоқ* сифатидан (ЎТИЛ, I, 382) тузилган бўлиб, 'таъсир кучи оз, ёқимли қуёш нури' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 551). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *оптовщувоқ* тарзида *ф* товушини *п* товушига, *б* товушини *в* товушига, *ч* товушини *ш* товушига алмаштириб айтилади (Ўша саҳифада).

ОХИР *қ.* охур

ОХУР Бу от ПРСда [*ахор*] шаклида (11), ТжРСда *охур* шаклида (291) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'уй ҳайвонига ем-хашак солиб бериладиган, тахтадан ясалган катта узун идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 551). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *охир* тарзида айтилади (Ўша саҳифада).

ОШ Бу от ПРСда [*аш*] шаклида келтирилиб, 'суюқ овқат', 'емиш' маъносини (25), ТжРСда *ош* шаклида келтирилиб, 'иссиқ овқат', 'емиш', 'палов' маъноларини (291), ЎТИЛда 'иссиқ овқат', 'палов' маъноларини англатиши айтилган. Кўринадики, бу от 'палов' маъносини кейинчалик англата бошлаган.

ОШЙОН *қ.* ошйона

ОШЙОНА Бу от ПРСда [*ашийана*] ва [*ашийан*] шаклларида келтирилиб, 'уя' маъносини англатиши (27), ТжРСда *ошйон* (*ошьён*) шаклидан *ошйона* (*ошьёна*) шаклига ҳавола билан келтирилиб, 'қават (этаж)', 'уя' маъноларини англатиши (292) айтилган: ЎТИЛда *ошйон* (*ошён*) оти 'уя', 'ин' маъносини, *ошйона* (*ошёна*) оти 'қават' маъносини англатиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтилган (I, 554). Кўринадики, форсча шакл таркибидаги *и* товуши тожик тилида айтилмайдиган бўлган ва шундай тожикча шакл ўзбек тилига олинган. Бу от асли 'яшаш жойи' маъносини англатади; ЎТИЛда бу отга 'қават' маъноси ноўрин биркитилган. Бу отнинг *ошйон* шакли шеъриятда юзага келган.

ОШИФТА Бу сифат 'ҳаяжонлан-', 'безовда бўл-', 'уял-' маъноларини англатадиган тожикча *ошуфтан* феълининг (ТжРС, 292) *ошуфт* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 560) қўшиб ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб, ўзбек тилида бу сифат таркибидаги *у* товуши *и* товушига алмаштирилган; 'ҳаяжонланган', 'безовталанган', 'мафтун бўлиб қолган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 555).

ОШИФТАҲОЛ Бу сифат тожикча *ошуфта* сифати билан (қ.) 'ҳолат' маъносини англатадиган арабча *ҳол* отидан (АРС, 203) таркиб топган бўлиб (ТжРС, 292), ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; *ошифта* сифати англатадиган маънони англатади.

ОШИҚОНА Бу равиш 'кучли эхтирос билан севиб қолиш' маъносини англатадиган арабча *ошиқ* сифатига (АРС, 517) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ошиқлар каби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 555).

ОШКОР Бу тожикча сифат 'кўриниб турган', 'очиқ-ойдин' маъносини англатади (ПРС,28; ТжРС, 291); асосан *ошкор қил-, ошкор бўл-* феъллари таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 555).

ОШКОРА Бу тожикча равиш *ошкор* сифатига (қ.) *-о* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб (ТжРС, 291: *ошкоро*), ўзбек тилида охирги *о(â)* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'яширмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 555). Бу равишдан ўзбек тилида *ошкоралик* мавҳум оти ясалган.

ОШКОРАЛИК *қ.* ошкора

ОШНА Бу от ПРСда [*аш(е)на*] шаклида келтирилиб, 'таниш' маъносини (26), ТжРСда *ошно* шаклида келтирилиб, 'таниш', 'ўртоқ' маъноларини (292) англатиши айтилган; ўзбек тилига тожикча *ошно* шакли охиридаги *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, I, 556). Олдинги давр адабиётида бу от *ошно* шаклида ҳам ишлатилган.

ОШНА-ОҒАЙНИ Бу жуфт от ўзбек тилида тожикча *ошна* оти билан (қ.) ўзбекча *оғайни* отидан тузилган бўлиб, 'таниш-билиш, дўст, биродар кишилар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556). Бу жуфт отдан ўзбек тилида *ошна-оғайнигарчилик, ошна-оғайнилик, ошна-оғайничилик* отлари ясалган.

ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК *қ.* ошна-оғайни

ОШНА-ОҒАЙНИЛИК *қ.* ошна-оғайни

ОШНА-ОҒАЙНИЧИЛИК *қ.* ошна-оғайни

ОШНО *қ.* ошна

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОШПАЗ Бу тожикча от *ош* отига (к.) 'пишир-' маъносини англатадиган *пухтан* феълининг (ТжРС, 315) *паз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 295) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'овқат пиширишни касб қилиб олган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556). Бу отдан ўзбек тилида *ошпазлик* мавҳум оти ясалган.

ОШПАЗЛИК қ. ошпаз

ОШПИЧОҚ Бу от ўзбек тилида тожикча *ош* оти билан (к.) ўзбекча *пичоқ* отидан тузилган бўлиб, 'ошпазлар ишлатадиган махсус катта пичоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556).

ОШСИРА- Бу феъл ўзбек тилида тожикча *ош* отига (к.) ўзбекча *-сира* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'палов ейишни туса-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556).

ОШ-СУВ Бу жуфт от ўзбек тилида тожикча *ош* оти билан (к.) ўзбекча *сув* отидан тузилган бўлиб, 'меҳмонлар учун пиширилади қуюқ-суюқ овқатлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556).

ОШТАХТА Бу қўшма от ўзбек тилида тожикча *ош* оти (к.) ва 'ғўладан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч' маъносини англатадиган *тахта* отидан тузилган бўлиб, 'хамир ёйишда, хамирни турли шаклларда кесишда ишлатиладиган махсус рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556).

ОШХАМИР Бу от ўзбек тилида тожикча *ош* оти билан (к.) 'унга сув ёки сут қўшиб ҳосил қилинадиган юмшоқ хом маҳсулот' маъносини англатадиган арабча *хамир* отидан (АРС, 237) тузилган бўлиб, 'лағмон, чучвара каби таомларга мослаб тайёрланган пишиқ хамир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 556).

ОШХОНА Бу тожикча от *ош* оти билан (к.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отидан (к.) тузилган бўлиб, тожик тилида 'умумий овқатланиш биноси' маъносини (ТжРС, 292), ўзбек тилида 'хонадонда овқат пиширш учун махсус жиҳозланган хона' маъносини ҳам англатади (ЎТИЛ, I, 556).

ОШХЎР Бу сифат тожикча *ош* отига (к.) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 292), 'паловни суйиб ва кўп ейдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 557). Бу сифатдан ўзбек тилида *ошхўрлик* оти ясалган.

ОШХЎРЛИК қ. ошхўр

ОШ-ҚАТИҚ *Ош қатиқ бўл-* феъли таркибида ишлатиладиган бу жуфт от ўзбек тилида тожикча *ош* оти билан (к.) ўзбекча *қатиқ* отидан тузилган бўлиб, 'бирор киши билан борди-келди қилиб, яқин кишига айланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 557).

ОШҚОВОҚ Бу қўшма от ўзбек тилида тожикча *ош* оти билан (к.) 'палак отиб ўсадиган шапалоқ баргли, карнайсимон йирик сариқ гулли

www.ziyouz.com kutubxonasi

полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили' маъносини англатадиган ўзбекча *қовоқ* отидан тузилган бўлиб, 'қовоқнинг овқат тайёрлашда ишлатиладиган думалоқ шаклли нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 557).

ОШҚОЗОН Бу қўшма от ўзбек тилида тожикча *ош* оти билан (к.) 'овқат пишириш учун ясалган думалоқ шаклли қуйма чўян идиш' маъносини англатадиган ўзбекча *қозон* отидан тузилган бўлиб, 'инсон ва хайвоннинг қопчасимон овқат ҳазм қилиш аъзоси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 557).

ОҚИЛОНА Бу равиш 'ўткир ақл соҳиби' маъносини англатадиган арабча *оқил* сифатига (АРС, 529) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'ақл билан амалга оширилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 558).

ОҚПАДАР Бу сифат асли 'лаънат' маъносини англатадиган тожикча *оқ* отига (ТжРС, 293) *-и* изофасини қўшиб, 'ота' маъносини англатадиган тожикча *падар* оти билан (ТжРС, 294) боғлаб тузилган *оқи падар* бирикмасига (ТжРС, 293: *оқ : оқи падар*) тенг бўлиб, ўзбек тилида изофа ташланиб, бирикманинг қисмлари қўшиб ёзилади; 'отаси оқ қилган, юз ўгирган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 559).

ОҚПАЛАК Бу от ўзбекча *оқ* сифати билан 'қовун, бодринг каби полиз ўсимликларининг ерда ёйилиб ўсадиган тана, шох ва барглари' маъносини англатадиган тожикча *палак* отидан (ТжРС, 296) тузилган бўлиб, 'ўсимликнинг баргларига оқиш доғлар тушириб сўлдирадиган ва қуритадиган касаллик (вилтнинг бир тури)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 559).

ОҚШОМ Бу от ўзбекча *оқ* сифати билан 'қуёш бота бошлаган пайт' маъносини англатадиган тожикча *шом* отидан (ТжРС, 460) тузилган бўлиб, 'кечки ғира-шира пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 560). Бу отдан ўзбек тилида *оқшомлаб* равиши ясалган.

ОҚШОМЛАБ қ. оқшом

ОҲАНГДОР Бу сифат 'куй', 'уйғунлашган ёқимли товушлар оқими' маъносини англатадиган тожикча *оҳанг* отига (ТжРС, 293) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қулоққа ёқадиган', 'мусиқий' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 565).

ОҲАНРАБО Бу тожикча от 'темир' маъносини англатадиган *оҳан* отига (ТжРС, 293) 'торт-' маъносини англатадиган *рабудан* феълининг *рабо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 317) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'магнит' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 565). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *оҳанграбо* тарзида ҳам айтилади.

ОҲАНГРАБО қ. оҳанрабо

ОҲ-ЗОР қ. оҳу зор

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҲУ ЗОР Бу от *оҳ* ундовини *-у* боғламаси орқали 'ҳасратли йиғи' , 'нола' маъносини англатадиган тожикча *зор* отига (ТжРС, 309) жуфтлаб тузилган бўлиб, 'ҳасратли нола' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 565). Бу жуфт от *оҳ- зор* шаклида ҳам ишлатилади (Ўша саҳифада).

ОҲИСТА Бу равиш ПРСда [*ahecma*] шаклида (48), ТжРСда *оҳиста* шаклида (293) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'секингина', 'босиқлиқ билан' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, I, 565).

ОҲОР Бу тожикча от 'газламага, кийимга пардоз бериш учун ишлатиладиган крахмал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 566). Бу от билан ўзбек тилида 'янги', 'ишлатилмаган' маъносини англатувчи *оҳори тўкилмаган* ибораси тузилган, *оҳорла-* феъли ясалган.

ОҲОРЛА- қ. охор

ОҲУ Бу от ПРСда [*ahy*] шаклида келтирилиб, 'ёввойи эчки' маъносини (49), ТжРСда *оҳу* шаклида келтирилиб, 'кийик', 'тоғ кийиги', 'қора эчки' маъноларини англатиши айтилган (294). Ўзбек тилида бу от 'бичими келишган, чиройли қора кўзли кийик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 566). Бу от билан *оҳу кўз* бирикмаси тузилиб, 'чиройли кўз' маъносини англатади.

П

ПАДАР Бу от ПРСда [*педар*] шаклида (89), ТжРСда *падар* шаклида (294) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олиниб, 'ота' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 566). Бу отга *бузруквор* сифатини (қ.) қўшиб *падари бузруквор* бирикмаси тузилган бўлиб, 'улуғ ҳурматга лойик оти' маъносини англатади.

ПАДАРИ БУЗРУКВОР қ. падар

ПАЖМУРДА Бу сифат 'сўли-' маъносини англатадиган тожикча *пажмурдан* феълининг (ТжРС, 294) *пажмурд* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 560), 'сўлғин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 566).

ПАЗАНДА Бу от 'пишир-' маъносини англатадиган тожикча *пухтан* феълининг (ТжРС, 315) *паз* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 295) *-анда* қўшимчасини (ТжРС, 561) қўшиб ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши шакли бўлиб, 'лазиз таомлар пиширадиган моҳир ошпаз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 566). Бу отдан ўзбек тилида *пазандалик* мавҳум оти ясалган.

ПАЗАНДАЛИК қ. пазанда

ПАЙ : Бу тожикча от 'из' маъносини англатиб (ТжРС, 295), ўзбек тилида *пайига туш-, пайидан бўл-* феъллари таркибида ишлатилади; бу феъллар 'бирор иш-мақсадни амалга оширишга астойдил ҳаракат қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 566).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАЙВАНД Бу тожикча от 'қўш-', 'биркит-' маъносини англатадиган *пайвастан* феълининг *пайванд* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'бир ўсимликнинг новдасини ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига улаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 567). Бу от билан ўзбек тилида *пайванд қил-* феъли, *пайвандчи* оти ясалган.

ПАЙВАНДТАГ Бу от *пайванд* оти билан (қ.) 'ост', 'асос' маъносини англатадиган тожикча *таг* отидан (ТжРС, 375) тузилган бўлиб, 'пайванд улаш учун асос бўлган ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙВАНДЧИ *қ.* пайванд

ПАЙВАСТА Бу сифат 'қўш-', 'туташтир-' маъносини англатадиган тожикча *пайвастан* феълининг *пайваст* ўтган замон асосига (ТжРС, 295) *-а* кўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 560) ўтган замон сифадоши шакли бўлиб, 'бир-бири билан туташиб кетган' маъносини англатади, одатда *пайваста қош* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙДАР-ПАЙ Бу равиш 'из' маъносини англатадиган тожикча *пай* отини *дар* боғламаси орқали такрорлаб тузилган бўлиб (ТжРС, 539), 'бирин-кетин', 'кетма-кет' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙДО : Бу тожикча от асли 'воқе' маъносини англатиб (ТжРС, 295), 'юзага кел-' маъносини англатадиган *пайдо бўл-* феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙДО БЎЛ- *қ.* пайдо

ПАЙКАЛ Бу от 'из', 'чек' маъносини англатадиган *пай* оти билан (ТжРС, 295) 'ариқ', 'чоҳ' маъносини англатадиган [*кал*] отидан (ПРС,392) тузилган бўлиб, ўзбек тилига форсча *а* товушини ўзбекча *а* товушига алмаштириб олинган; 'атрофи ариқ, марза билан ажратилган экин майдони' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙМОН *қ.* аҳду паймон

ПАЙМОНА : *Паймонаси тўлди* ибораси таркибида ишлатиладиган бу от 'ичкилик ичадиган идиш', 'қадаҳ' маъносини (ТжРС, 296), бу ибора эса 'қазоси етди' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 247 : *тўл-5*).

ПАЙМОНАСИ ТЎЛДИ *қ.* паймона

ПАЙРАҲА Бу от 'тўсиқ', 'ортиқча қисм' маъноси билан қатнашаётган форсча *по(й)* оти билан (ПРС,85: *по 4)* 'халос бўл-' маъносини англатадиган [*paһидан*] феълининг [*paһ*] ҳозирги замон асосига (ПРС,254) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилиниб, 'ҳалос қилинган' маъносини англатувчи *раҳо* сифатидан (ПРС,254) таркиб топган бўлиб, ўзбек тилига охирги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ёғоч чопилганда, тахта рандаланганда ҳосил бўладиган чикинди' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙРОВ Бу от тожик тилида 'из' маъносини англатадиган *пай* отига (ТжРС, 295) 'юр-' маъносини англатадиган *рафтан* феълининг (ТжРС, 322)

www.ziyouz.com kutubxonasi

рав ҳозирги замон асосини (ТжРС, 317) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *в* товуши олдидаги *а* товушини *о (â)* товушига алмаштириб олинган; 'кетма-кет уланиб кетадиган қисм', 'аския учун танланган мавзу' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 567).

ПАЙТАВА Бу тожикча от 'оёқ' маъносини англатадиган *пай* оти билан (ТжРС, 308) 'ўра-' маъносини англатадиган *тофтан* феълининг ҳозирги замон асосига (ТжРС, 397) тенг бўлиб, 'ўраш' маъносини англатадиган *тоб* отидан тузилган бирликка *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида биринчи *о (â)* товуши *а* товушига алмаштирилган *пайтоба* шакли ўзбек тилига *об* товушларини *ав* товушларига алмаштириб олинган; 'қўнжли пойабзал кийганда оёқ панжаси билан болдирга ўраладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 568).

ПАЙШАНБА Бу тожикча от 'беш' маъносини англатадиган *панж (панҷ)* миқдор сони билан (ТжРС, 297) 'ҳафтанинг жумадан кейинги куни' маъносини англатадиган *шанбе* отидан (ТжРС, 451) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *нж (нҷ)* товушларини *й* товушига, *е(э)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ҳафтанинг жумадан олдинги куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 568).

ПАЙҒАМБАР Бу тожикча от 'хабар' маъносини англатадиган *пайғом* отига (ТжРС, 296) 'келтир-' маъносини англатадиган *бурдан* феълининг (ТжРС, 85) *бар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 45) қўшиб ҳосил қилинган. Бу от таркибидаги *о (â)* товуши тожик тилида *а* товушига алмаштирилган; 'Оллодан бандаларига хабар етказувчи киши', 'Оллонинг расули' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 568).

ПАЙҲОН : *пайҳон қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу сифат асли 'оёқ ости' маъносини англатиб келган *пой* оти билан (ЎКААҚЛ,266) 'қара!' маъносини англатадиган [*han*] феълидан (ПРС,591) тузилган бўлиб, асли 'оёқ остига қара-' маъносини, кейинчалик 'босиб-янчиб оёқ ости қил-' маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 568).

ПАЛОВ Бу от ПРСда [*полоу*] шаклида (96), ТжРСда *палав* шаклида (296) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли *в* товуши олдида келган *а* товушини *о (â)* товушига алмаштириб олинган; 'гўшт, пиёз, сабзини ёғда қовуриб, қайнатиб, гуруч солиб, яна бироз қайнатиб, дамлаб пиширилиадиган миллий таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 569).

ПАЛОВХЎР Бу сифат тожик тилида палав отига (к.) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *в* товуши олдидаги *а* товушини *о(â)* товушига алмаштириб олинган; 'паловни суйиб ва кўп ейдиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 296).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАЛОВХЎРЛИК Бу от ўзбек тилида *паловхўр* сифатига (қ.) *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кетма-кет паловни тўйиб ейиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 569).

ПАНД II : *панд бер-* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу тожикча от асли *фанд* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 405), ўзбек тилига *ф* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'ёлғон', 'алдаш' каби маънони англатади (ТжРС, 405); шунга кўра *панд бер-* бирикмаси 'алдаб нокулай ҳолатга тушир-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 570).

ПАНДАВОҚЕ Бу сифат 'алдаш' маъносини англатадиган тожикча *фанд II* оти билан (ТжРС, 405) 'доимий' маъносини англатадиган арабча *боқий* (*боқӣ*) сифатидан (АРС, 80) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига алмаштириб, ӣ товушининг чўзиқлигини ташлаб, *ндв* товушлари айтилишини енгиллаштириш учун *дв* товушлари оралиғига *а* товушини киритиб олинган; 'доимо алданиб юрадиган', 'анқов' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 570).

ПАНД-НАСИҲАТ Бу жуфт от 'ўгит' маъносини англатадиган тожикча *панд* (ТжРС, 570) ва арабча *насиҳат* отларидан (АРС, 806) тузилган.

ПАНЖА Бу от 'беш' маъносини англатадиган тожикча *панж (панҷ)* отига (ТжРС, 297) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қўлнинг (оёқнинг) беш бармоқдан иборат қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 570).

ПАНЖАРА Бу тожикча от *панжа* оти билан (қ.) 'усул', 'йўл' маъносини англатадиган *роҳ 2* отидан (ТжРС, 328) тузилган бўлиб, *роҳ* қисми тожик тилида *ра* шаклини олган (ТжРС, 297: *панжара*); 'панжа шаклида ясалган тўсиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 570).

ПАНЖШАНБА қ. пайшанба

ПАНОГОҲ Бу от тожик тилида 'ҳимоя' маъносини англатадиган *паноҳ* оти билан (ТжРС, 297) 'жой' маъносини англатадиган *гоҳ* отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб, тожик тилида *паноҳгоҳ* товуш таркибига эга (ТжРС, 297), ўзбек тилига иккинчи бўғин охиридаги *ҳ* товушини ташлаб олинган; 'ҳимоя топиш мумкин бўлган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 571).

ПАНОҲГОҲ қ. паногоҳ

ПАНШАХА Бу тожикча от 'беш' маъносини англатадиган *панж (панҷ)* миқдор сони билан (ТжРС, 297) 'дарахт танасидан ёнларига ўсиб чиққан бутоқ' маъносини англатадиган *шоха* отидан (ТжРС, 461) таркиб топган бўлиб, тожик тилида *панҷшоха* товуш таркибига эга (ТжРС, 297), ўзбек тилига *ж(ҷ)* товушини ташлаб, *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'пахта, хашак кабиларни олиш, суриш учун ишлатиладиган беш эгриоқ санчиғи бор узун дастали асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 571).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАРВАРДА Бу от асли 'ўстир-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг (ТжРС, 298) *парвард* ўтган замон асосидан *-а* қўшимчаси билан ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 298), 'ун ва қиёмдан тайёрланадиган маҳаллий ширинлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 572).

ПАРВАРДИГОР Асосан *парвардигори олам* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу сифат 'ярат-', 'парвариш қил-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг (ТжРС, 298) *парвард* ўтган замон асосига *-гор* кўшимачасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; *рдг* товушларини айтишни енгиллаштириш учун тожик тилида *дг* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган; Оллога нисбат бериладиган сифатлардан бири бўлиб, 'яратувчи', 'парвариш қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 572).

ПАРВАРИШ Бу от 'ўстир-', 'тарбияла-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг (ТжРС, 298) *парвар* ҳозирги замон асосига *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тарбиялаб ўстириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 572). Бу от билан ўзбек тилида *парваришла-* феъли ясалган.

ПАРВАРИШЛА- *қ.* парвариш

ПАРВОНА I Бу от 'уч-' маъносини англатадиган тожикча *паридан* феълининг (ТжРС, 299) *пар* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 298) *-вона* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'шуъла атрофида айланиб учадиган тун капалаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 572). Бу от билан ўзбек тилида *парвона бўл-* феъли ҳосил қилиниб, 'меҳрибонлик, хушомадгўйлик билан атрофида айлан-' маъносини англатади.

ПАРВОНА БЎЛ- *қ.* парвона I

ПАРГАР Бу от ПРСда [*пӓргар*] шаклида (92), ТжРСда ҳам *паргор* шаклида (298) келтирилган бўлиб, асли 'пат' маъносини англатиб, кейинчалик 'ручканинг пероси' маъносини англатган *пар* отига (ТжРС, 298) асли 'айлан-' маъносини англатадиган *гардидан* феълининг *гард* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 100) қўшиб ҳосил қилинган; лекин луғатда *гард* асоси эмас, *-гор* кўшимчаси қўшилган шакли келтирилган; форс, тожик тилларида бу қўшимчанинг *-гор* шаклидан, ўзбек тилида *-гар* шаклидан фойдаланилган. Бу от 'циркуль' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 573).

ПАРДОЗ Бу от 'зеб бер-' маъносини англатадиган тожикча *пардохтан* феълининг *пардоз* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 299) тенг бўлиб, 'зеб бериш, чиройини очиш, чиройли қилиш ҳаракати' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 573). Бу отдан ўзбек тилида *пардозла-* феъли ясалган.

ПАРДОЗ-АНДОЗ Бу жуфт от тожикча *пардоз* оти билан (к.) 'сурт-' маъносини англатадиган *андохтан* феълининг (ТжРС, 28) *андоз* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 27) тузилган бўлиб, 'зеб-зийнат бериш' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади (ТжРС, I, 571). Бу жуфт от билан ўзбек тилида *пардоз-андоз қил-* феъли ясалган.

ПАРДОЗ-АНДОЗ ҚИЛ- қ. пардоз-андоз

ПАРДОЗЛА- қ. пардоз

ПАРИ Бу от ПРСда [*пäри*] шаклида келтирилиб, "фея, пери, *перен.* красавица" деб изоҳланган (93). ЎТИЛда бу от 'жуда гўзал қиз киёфасидаги, гўё нурдан яратилган, кишиларни инс-жинсдан сақлайдиган илоҳий махлуқ ' деб таърифланган (I, 573).

ПАРИВАШ Бу тожикча сифат *пари* отига (қ.) *-ваш* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 299), 'паридек гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 573).

ПАРИЗОД Бу тожикча сифатнинг қисми *пари* отига (қ.), иккинчи қисми асли 'туғил-' маъносини англатадиган *зоидан* феълининг (ТжРС, I56) *зоид* ўтган замон асосига тенг; бу асос таркибидаги *и* товуши айтилмай қўйган; бу сифат яхлитлигича 'паридан туғилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 573). *Паризод* оти таркибидаги *зод* қисмини эркак кишининг атоқли отига қўшиладиган *-зода* қўшимчасидан фарқлаш лозим (ТжРС, I56).

ПАРИПАЙКАР Бу тожикча сифат *пари* оти билан (қ.) 'қомат' маъносини англатадиган *пайкар* отидан (ТжРС, 296) тузилган бўлиб, 'пари қоматли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 573).

ПАРИРЎ(Й) Бу сифат тожик тилида *пари* оти билан (қ.) 'юз' маъносини англатадиган *рў(й)* отидан (ТжРС, 329) тузилган бўлиб, 'пари юзли гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 574).

ПАРИЧЕҲРА Бу сифат тожик тилида *пари* оти билан (қ.) 'юз' маъносини англатадиган *чеҳра* отидан (ТжРС, 442) тузилган бўлиб, 'пари юзли гўзал' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 574).

ПАРИШОН Бу сифат ПРСда [*пäришан*] шаклида (93), ТжРСда *парешон* шаклида (574) келтирилган; ўзбек тилига форс тилидаги шакли олинган; 'тарқоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 574).

ПАРОКАНДА Бу сифат 'соч-', 'сочиб ташла-' маъносини англатадиган тожикча *парокандан* феълининг (ТжРС, 300) *пароканд* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сочилиб ётган', 'тарқоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 574).

ПАРРАК ПРСда [*пäре*] шаклида (93), ТжРСда *парра* шаклида (300) келтирилган от 'қанот', 'курак' маъноларини англатиши айтилган. ЎТИЛда келтирилган *паррак* оти (I,575) тожикча *парра* отига *-к* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сув ёки шамол кучи билан айланадиган куракчалар' маъносини англатади.

ПАРРАНДА Бу от 'уч-' маъносини англатадиган тожикча *паридан* феълининг (ТжРС, 299) *пар* ҳозирги замон асосига *-анда* ҳозирги замон сифатдоши қўшимчасини (ТжРС, 56I) қўшиб ҳосил қилинган. Бу бирлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПРСда [*пäрäнде*] шаклида (92), ТжРСда *паранда* (298) ва *парранда* шаклида келтирилиб (300), 'учадиган', 'қуш' маъноларини англатиши айтилган; ўзбек тилига бу отнинг тожикча *парранда* шакли олинган. Бу от билан ўзбек тилида *паррандачилик* мавҳум оти ясалган.

ПАРРАНДАЧИЛИК қ. парранда

ПАРРОН: Бу сифат 'учир-' маъносини англатадиган тожикча *паррондан* феълининг *паррон* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 300) тенг бўлиб, 'учирилган', 'учиб келаётган' маъносини англатади, асосан *тиғи паррон* изофа бирикмаси билан тузилган *тиғи парронга учрагур* қарғиши таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 575).

ПАРТОВ Бу сифат 'ташла-' маъносини англатадиган тожикча *партофтан* феълининг (ТжРС, 30I) *парто* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 300) *-б* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 30I), ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'экин экилмай қаровсиз қолган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАРХИШ: Асосан *пархиш қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу от асли 'бош томони ерга эгилган' маъносини англатувчи тожикча *парў* сифати билан (ТжРС, 30I) 'ўз' маъносини англатадиган *хеш* бирлигидан (ТжРС, 422) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *парў* қисми охиридаги *ў* товушини ташлаб, *хеш* қисмидаги *е(э)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'ўсимликнинг узун шохини ерга кўмиб, учини нарироқдан чиқариш йўли билан шу ўсимликнинг янги тупини ҳосил қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАРЧА I Бу от ПРСда [*парче*] шаклида келтирилиб, 'мато','бўлак (қисм)' маъноларини (86), ТжРСда *порча* шаклида келтирилиб, 'бўлак (қисм)' маъносини (311) англатиши айтилган; ўзбек тилига тожикча шакли таркибидаги *о* (*â*) товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'бутуннинг бир қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576). Бу от билан ўзбек тилида *парчала-* феъли ясалган, *парча-парча, парча-пурча* такрорлари тузилган.

ПАРЧА II Бу от ПРСда [*парче*] отининг 'материал' маъноси асосида (86 : *парча I*) ўзбек тилида юзага келган бўлиб, 'зар ип аралаштириб тўқилган қалин ипак мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАРЧАЛА- қ. парча I

ПАРЧА-ПАРЧА Бу сифат *парча I* отини (қ.) такрорлаш усули билан ҳосил қилинган бўлиб, 'бир қанча парчаларга бўлинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАРЧА-ПУРЧА Бу сифат *парча I* отини (қ.) биринчи бўғинидаги *а* товушини *у* товушига алмаштириб такрорлаш усули билан ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳар хил парчаларга бўлинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАРҚУ Бу сифат асли 'парранда танасини қоплаб турадиган юмшоқ нафис пат' маъносини англатадиган тожикча *пар* оти билан (ЎТИЛ, I, 57I) 'оққуш' маъносини англатадиган *қу* отидан (ТжРС, 491) тузилган *пари қу*

www.ziyouz.com kutubxonasi

изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 491), ўзбек тилига *-и* изофасини ташлаб, қолган қисмларни қўшиб ёзиб олинган; 'оққуш пари билан тўлдирилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАРҲЕЗ Бу от ПРСда [*пӓрһиз*] шаклида (93), ТжРСда *парҳез* шаклида (301) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Бу отнинг *пар* қисми 'учиб кет-' маъносини англатадиган тожикча *паридан* феълининг ҳозирги замон асосига тенг; лекин *ҳез* қисмига ТжРСда берилган изоҳ (504: 'жонсиз, қуввати заиф ') бу отнинг маъносига тўғри келмайди. Бу отнинг иккинчи қисми асли 'бирор нарсага бўлган кучли, зўр истак, интилиш, қизиқиш' маъносини англатадиган арабча *ҳирс* оти (АРС, I66) бўлса керак. Бу отнинг таркибидаги *р* товушини ташлаш, *с* товушини *з* товушига алмаштириш билан форсча *ҳиз* шакли юзага келган; *ҳиз* шакли таркибидаги *и* товушини *е (э)* товушига алмаштириш билан тожикча *ҳез* шакли юзага келган. *Парҳез* оти 'кучли истак, интилишга берилмай, соғлиғига зарарли таомлар ейишдан тийилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576). Бу от билан ўзбек тилида *парҳез қил-* феъли ҳосил қилинган.

ПАРҲЕЗДОР Бу сифат тожикча *парҳез* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'парҳез билан овқатланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАСАЙ- Бу феъл ўзбек тилида 'бўй кўлами меъёрдан оз' маъносини англатадиган тожикча *паст* сифати (ТжРС, 577) охиридаги *т* товушини ташлаб, *-ай* қўшимчасини қўшиб ясалган; 'бўй кўлами камай-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 576).

ПАСТ Бу тожикча сифат 'бўй кўлами меъёрдан оз' маъносини англатади (ТжРС, 301; ЎТИЛ, I, 577). Бу сифатдан ўзбек тилида *пастки* сифати, *пастла-* феъли, *пастлик* оти ясалган.

ПАСТАК Бу сифат тожикча *паст* сифатига (қ.) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бўйи меъёрдан пастроқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 577).

ПАСТ-БАЛАНД Бу жуфт сифат тожик тилида *паст* сифатига (қ.) *у* боғламасини қўшиб, 'бўй кўлами меъёрдан ортиқ' маъносини англатадиган *баланд* сифатига жуфтлаб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 302 : *пасту баланд*), ўзбек тилига *у* боғламасини ташлаб, ўрнига чизиқча ёзиб олинган; 'бўй ўлчами ҳар хил' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 577).

ПАСТКАШ Бу сифат тожикча *паст* сифатига (қ.) 'торт-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'арзимаган нарсага ҳам ўзини урадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 577).

ПАСТКИ *қ.* паст

ПАСТЛА- *қ.* паст

ПАСТЛИК *қ.* паст

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАСТҚАМ Бу сифат тожикча *паст* сифати билан (қ.) 'эгил-' маъносини англатадиган *хамидан* феълининг *хам* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 418) тузилган *пастхам* сифатига *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 302: *пастхамӣ*), ўзбек тилига *х* товушини *қ* товушига алмаштириб, чўзиқ *ӣ* товушини ташлаб олинган; 'чукурроқ', 'ботиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 578). Бу сифатдан ўзбек тилида *пастқамлик* оти ясалган.

ПАСТҚАМЛИК *қ.* пастқам

ПАХСА Бу сифат ТжРСда *похса* шаклида келтирилиб (ТжРС, 311), 'тепиб пишитилиб қуюқ лойдан устма-уст зарб билан қўйиб куриладиган девор' маъносини англатади; ўзбек тилига *о* (*ӑ*) товушини *а* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, I, 580).

ПАХТА Бу от тожикча бўлиб (КрРС,607), 'ғўза ўсимлигининг чигитга ёпишиб ҳосил бўладиган оппоқ юмшоқ толали маҳсулоти' маъносини англатади (ТжРС, 302 : ЎТИЛ, I, 580). Бу отдан ўзбек тилида *-чилик* қўшимчаси билан *пахтачилик* мавҳум оти ясалган. *Пахта* оти тожикча экани ЎТИЛда айтилмаган (I, 580).

ПАХТАДОҒ Бу от тожикча *пахта* оти билан (қ.) 'киздирилган' маъносини англатадиган *доғ* сифатидан (ТжРС, 137) тузилган бўлиб, 'қиздириб, яра, шиш устига қопланадиган пахта' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 580).

ПАХТАЗОР Бу от тожикча *пахта* отига (қ.) *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ғўза экини билан банд дала' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 580).

ПАХТАКОР Бу сифат тожикча *пахта* отига (қ.) *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пахта етиштирувчи (деҳқон, хўжалик)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 580).

ПАХТАЧИЛИК *қ.* пахта

ПАХТАШУНОС Бу сифат тожикча *пахта* отига (қ.) 'ўрган-' маъносини англатадиган *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *ш* товушидан кейинги *и* товуши *у* товушига алмаштирилган; 'пахта ўсимлигини ўрганиш билан шуғулланувчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 580). Бу сифатдан ўзбек тилида *пахташунослик* мавҳум оти ясалган.

ПАХТАШУНОСЛИК *қ.* пахташунос

ПАШМАК Бу от асли 'жун' маъносини англатадиган тожикча *пашм* отига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ёғда қовурилган унга қанд қиёми қўшиб, узун толалар шаклида тайёрланадиган ширинлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 581).

ПАШША Бу от ПРСда [*пăше*] шаклида (96), ТжРСда *пашша* шаклида (303) келтирилиб, 'қўш парда қанотли, узун мўйловли, танаси ингичка, қон сўрувчи майда ҳашарот (чивин)' маъносини англатиши айтилган. Ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилига бу от тожикча шаклида олиниб, ўзбек адабий тилида 'кўш парда қанотли, танаси думалоқ, асосан овқат қолдиқларини еб яшайдиган ҳашарот' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 581). Айрим ўзбек шеваларида *пашша* оти билан 'чивин', аксинча, *чивин* оти билан 'пашша' англатади.

ПАШШАХОНА Бу от тожикча *пашша* оти билан (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отидан тузилган бўлиб, 'ёзда чивиндан, пашшадан сақланиш учун докадан чорбурчак шаклида тикилган чодир' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 581).

ПАШШАХЎРДА Бу сифат *пашша* отига (к.) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг *хўрд* ўтган замон асосини, сўнгра *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида 'бевакт тез-тез келиб, меъдага урадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 581).

ПАҲЛАВОН Бу от ПРСда [*пăhлеван*] шаклида (98), ТжРСда *паҳлавон* шаклида (303) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Бу сифат асли 'ёнбош', 'куч', 'ботирлик' маъноларини англатадиган *паҳлу* (ПРС,98) отига 'қараш', 'сақлаш' маъносини ифодалайдиган *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, кейинчалик *у* товуши *а* товушига, *б* товуши *в* товушига алмаштирилган. Ўзбек тилида бу сифатнинг *паҳлавонлар* кўплик шаклидан *-ча* қўшимчаси билан *паҳлавонларча* равиши ҳосил қилинган. Бу от сўзлашув тилида *полвон* шаклида ҳам айтилади (ТжРС, 310; ЎТИЛ, I, 597).

ПАҲЛАВОНЛАРЧА *қ.* паҳлавон

ПЕС Бу от ПРСда [*пис*] шаклида келтирилиб, 'ифлос', 'мохов' маъноларини (100), ТжРСда *пес* шаклида келтирилиб, юқоридаги маъноларни (ТжРС, 304) англатиши айтилган; ўзбек тилига тожикча шакли олиниб, 'пигмент етишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғ', 'шундай касаллик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 582).

ПЕЧ Бу от ПРСда [*пич*] шаклида (99), ТжРСда *печ* шаклида (304) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; асли 'ўрал-' маъносини англатадиган тожикча *печидан* феълининг (ТжРС, 304) *печ* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'қайириш', 'буриш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 582).

ПЕЧАК Бу от 'ўрал-' маъносини англатадиган тожикча *печидан* феълининг (ТжРС, 304) *печ* ҳозирги замон асосига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бошқа ўсимликка чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик (чирмовиқ)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 582).

ПЕЧАКГУЛ Бу от тожикча *печак* (к.) ва *гул* (к.) отларидан таркиб топган бўлиб, 'чирмовиққа ўхшаб ўсадиган ўт (карнайгул)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 582).

ПЕЧАН Бу сифат 'айлантир-' маъносини англатадиган тожикча *печон(и)дан* феълининг *печон* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 304) тенг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, ўзбек тилида *о(â)* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'ишни, гапни ўринлатадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 582). Бу сифатдан ўзбек тилида *печанлик* оти ҳосил қилинган.

ПЕШ I Бу от ПРСда [*пиш*] шаклида (100), ТжРСда *пеш* шаклида (304) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олиниб, 'олд', 'олд қисм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШ II Бу равиш тожикча *пеш I* отидан (к.) ўсиб чиққан бўлиб, 'олдин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШАЙВОН Бу от тожикча *пеш I* отини (к.) ўзбек тилида 'уйнинг уч томони девор, олд томони очиқ қисми' маъносини англатадиган арабча *айвон* отига (АРС, 52) қўшиб тузилган бўлиб, 'иморат олдига қурилган айвон' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШАНА Бу от ПРСда [*пишани*] шаклида (100), ТжРСда *пешона* шаклида (305) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли *о (â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'манглай', 'бошнинг қошдан соч ўсадиган еригача қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШАНАБОҒ Бу от ўзбек тилида тожикча *пешана* отига (к.) 'боғлаш учун хизмат қиладиган мато' маъносини англатадиган *боғ* отини (ЎТИЛ, I, 142: *боғ II*) қўшиб тузилган бўлиб, 'пешанага танғиб ўраладиган кичик рўмол' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШБАНД Бу от тожик тилида *пеш I* отига (к.) 'боғлан-' маъносини англатадиган *бастан* феълининг (ТжРС, 51) *банд* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 44) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кийимни ифлос қилмаслик учун белнинг олд қисмидан пастга томон тутиладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШВОЗ: *пешвоз тур-, пешвоз чиқ-* бирикмалари таркибида ишлатиладиган бу сифат тожик тилида *пеш I* отига (к.) 'очиқ' маъносини англатадиган *воз* сифатини (ТжРС, 93) қўшиб тузилган бўлиб, 'келаётган кишининг олдига чиқиб кутиб ол-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШВОЗ ТУР- *қ.* пешвоз

ПЕШВОЗ ЧИҚ- *қ.* пешвоз

ПЕШИН Бу тожикча от *пеш I* отига (к.) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кундузнинг биринчи ярми ўтган пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 583).

ПЕШЛА- Бу феъл ўзбек тилида 'олд томон', 'қирғоқ' маъносини англатадиган тожикча *пеш I* отидан (ТжРС, 583) *-ла* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'теша, кетмон каби асбобнинг юза қирғоғига болға уриб кескир кил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПЕШМА-ПЕШ Бу равиш тожикча *пеш II* равишини *ба* олд кўмакчисининг *-ма* шакли орқали такрорлаб тузилган бўлиб, 'кетма-кет' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПЕШНОП Бу от тожик тилида *пеш I* оти билан (қ.) 'киндик' маъносини англатадиган *ноф* отидан (ТжРС, 276) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ф* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'сўйилган қўйнинг киндик атрофидаги ёғлиқ гўшти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПЕШОБ Бу от тожик тилида *пеш I* оти билан (қ.) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан тузилган бўлиб, 'сийдик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПЕШТАХТА Тожикча *пеш I* оти билан (қ.) *тахта* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'устига сотиладиган нарсалар қўйиладиган қурилма' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПЕШТОҚ Бу тожикча от *пеш I* оти билан (қ.) 'бинонинг эшик (дарвоза) тепасидаги ярим доира шаклида қурилган қисми' маъносини англатадиган *тоқ* отидан (ТжРС, 398) тузилган бўлиб, 'катта бинонинг олд томонидаги ярим доира шаклида қурилган серҳашам юқори қисми', 'арк' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПЕШҚАДАМ Бу сифат тожикча *пеш I* оти билан (қ.) 'оёқни олдинга ташлаб қилинган ҳар бир ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *қадам* отидан (АРС, 625) тузилган бўлиб, 'етакчи', 'олдинда борувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПИЙОВА Бу тожикча от асли *пийозоба* шаклига эга бўлиб, тожикча *пийоз* оти билан (ТжРС, 306) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган *пийозоб* бирлигига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 306: *пиёзоба*), тожик тилида *оз* товушлари ташланиб, *пийоба* шакли юзага келган (Ўша саҳифада); ўзбек тилига ана шу шакли таркибидаги *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'пиёз ва сув билан ёки пиёздоғи ва сув билан тайёрланган овқат', 'ёвғон шўрва' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 584).

ПИЙОЗДОҒ Бу от 'барглари узун, меваси илдизида қат-қат пўстлоқ сифатида ўралиб думалоқ ёки бироз чўзинчоқроқ шаклда пайдо бўладиган полиз ўсимлиги' маъносини англатадиган тожикча *пийоз* оти билан (ТжРС, 306) 'яхши қиздирилган' маъносини англатадиган *доғ* сифатидан (ТжРС, 137) тузилган бўлиб, 'тўғраб ёғда қовурилган пиёз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

ПИЛЛА I Бу от ПРСда [*пиле*] шаклида (102), ТжРСда *л* товуши қатланган, *е* (э) товуши *и* товушига алмаштирилган *пилла* шаклида (306) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакл олиниб, 'ипак қуртининг ўз устига ўраб ҳосил қиладиган чўзинчоқ, думалоқ ипак қобиғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

ПИЛЛА II Бу от *пилла I* отидан (қ.) шаклий ўхшашлик асосида ўсиб чиққан бўлиб, 'тиш оғриғи ёки шамоллаш оқибатида милкда ҳосил бўладиган пуфак шиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПИЛЛАКАШ Бу от тожик тилида *пилла I* отига 'суғур-', 'ажратиб ол-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пиллага махсус ишлов бериб, уни ипак толаларига ажратган ҳолда калаваловчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

ПИЛЛАПОЙА Бу от *пилла* (к.) ва *пойа* қисмларидан тузилган; *пилла* қисми 'поғона' маъносини англатиб, ПРСда [*пелле*] шаклида (96), ТжРСда *пилла II* шаклида келтирилган; форсча шаклидаги *е* (э) товушлари тожик тилида *и* товушларига алмаштирилган; натижада бу от *пилла I* оти билан шаклан бир хил бўлиб қолган. *Пойа* қисми эса 'оёқ' маъносини англатадиган *по(й)* оти (ТжРС, 308) ва *-а* қўшимчасидан (ТжРС, 543) иборат бўлиб, аввал *пилла* ва *пой* қисмлари бирлаштирилиб, кейин *-а* қўшимчаси қўшилган. Бу от 'нарвон ёки зинанинг оёқ қўйиб юқорига чиқиш ёки пастга тушиш босқичи, поғонаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 585).

ПИЛЛАЧИЛИК Бу от *пилла I* отига (к.) ўзбек тилида *-чилик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қишлоқ хўжалигининг пилла етиштириш билан шуғулланадиган соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 586).

ПИЛТАКАЧ Бу от тожик тилида 'симга ўраб, дўппи тепчигига, баъзан тўн ёқасининг қавиғига уларни қотириш учун тиқиладиган қоғоз' маъносини англатадиган *пилта* отига (ТжРС, 307) 'кирит-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тили луғатига *ш* товушини *ч* товушига алмаштирилган шакли киритилган; 'пилтани дўппи тепчигига, ёқанинг қавиғига киритиш учун ясалган дастали ингичка сим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 586).

ПИНАК Бу от ПРСда [*пинаки*] шаклида (103), ТжРСда *пинак* шаклида (307) келтирилган: ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'уйқу элитган ҳолат', 'мудроқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 586).

ПИНҲОН Бу сифат ПРСда [*пенһан*] шаклида (97), ТжРСда *пинҳон* шаклида (307) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'яширин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 586).

ПИНҲОНА Бу равиш тожикча *пинҳон* сифатига (к.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яширин равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 586).

ПИНҲОНИЙ Бу сифат тожикча *пинҳон* отига (к.) *-ӣ(-ий)* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'яширин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 587).

ПИР Бу бирлик асли сифат бўлиб, 'кўп яшаган киши' маъносини англатади (ПРС, 99; ТжРС, 307; ЎТИЛ, I, 587). Бу от ўзбек тилида тожикча *пири бадавлат* изофа бирикмаси таркибида ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПИРОВАРД Бу ўрин оти тожикча *пир* оти (к.) ва 'келтир-' маъносини англатадиган *овардан* феълининг *овард* ўтган замон асосидан (ТжРС, 282) тузилган бўлиб, 'охир', 'тугалланиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 587).

ПИСАНД Бу от асли 'қадрла-', 'эътиборга лойиқ деб бил-' маъносини англатадиган тожикча *писандидан* феълининг *писанд* ўтган замон асосига (ТжРС, 307) тенг бўлиб, 'қадрлаш', 'эътиборга лойиқ деб билиш' маъносини англатади, одатда *писанд қилма-* феъли таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 588).

ПИСАНДА Бу от 'қадрла-', 'эътиборга лойиқ деб бил-' маъносини англатадиган тожикча *писандидан* феълининг *писанд* ўтган замон асосига (ТжРС, 307) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олдиндан айтилган, бажарилиши шарт бўлган талаб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 588).

ПИЧОҚБОЗЛИК Бу от ўзбекча *пичоқ* отига (ЎТЭЛ,269) 'ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган *пичоқбоз* сифатидан *-лик* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'бир-бирига пичоқ билан ҳужум қилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 590).

ПИШИҚ-ПУХТА Бу жуфт сифат ўзбекча *пишиқ* сифати билан 'пищ(ир)-' маъносини англатадиган тожикча *пухтан* феълининг *пухта* ўтган замон сифатдоши шаклидан (ТжРС, 315) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'ўта даражада пишиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 501). Бу жуфт сифат *пухта-пишиқ* шаклида ҳам тузилади.

ПОДАЧИ Бу от ўзбек тилида 'йирик чорва молларининг бирга боқиладиган тўдаси' маъносини англатадиган тожикча *пода* отидан (ТжРС, 308) *-чи* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'йирик чорва молларини кенг ўтлоқда боқадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 594). Бу отдан ўзбек тилида *подачилик* мавҳум оти ясалган.

ПОДАЧИЛИК *қ.* подачи

ПОДШО(Ҳ) Бу от ПРСда [*падешаҳ*] шаклида (86), ТжРСда *подшоҳ* шаклида (309) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган бўлиб, охиридаги *ҳ* товуши кўпинча айтилмайди. Будагов луғатида бу от асли 'ҳимояловчи' маъносини англатадиган *под* сифати билан 'буюк' маъносини англатадиган *шоҳ* отидан тузилган деб изоҳланган (I,308). Бу от 'мутлақ ҳукмдор' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 594). Сўзлашув тилида бу от *пошшо* шаклида ҳам айтилади. Бу от билан ўзбек тилида 'подшо қўл остидаги давлат (мамлакат)' маъносини англатадиган *подшолик* мавҳум оти ясалган.

ПОДШОЛИК *қ.* подшо(ҳ)

ПОЙ I Бу от ПРСда ҳам, ТжРСда ҳам *по* ва *пой* шаклларида келтирилган (ПРС, 85; ТжРС, 308,309); асосий деб 'оёк' маъноси айтилган;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилига бу от *пой* шаклида олинган; 'жуфт нарсанинг бир тоқаси' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 595).

ПОЙА Бу от тожик тилида 'оёқ' маъносини англатадиган *пой* отига (ТжРС, 308,309) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида 'курси, стол каби буюмларнинг оёғи', 'ўсимликнинг танаси' маъноларини англатади (ТжРС, 311); ўзбек тилига тожик тилидан иккинчи маъноси билан олинган; кейин бошқа маъноларни англатиш учун ҳам ишлатила бошлаган (ЎТИЛ, I, 601).

ПОЙАБЗАЛ Бу от тожикча *пой* оти билан (қ.) 'мансуб нарса' маъносини англатадиган тожикча *афзол* отидан (ТжРС34) тузилган; 'устунликка эга' маъносини англатадиган арабча *афзал* сифати (ЎТИЛ, I, 63) таъсирида тожикча *афзол* оти таркибидаги *о (â)* товуши *а* товушига, бундан ташкари *ф* товуши *б* товушига алмаштирилган (ЎТИЛ, I, 22: *абзал*). *Пойабзал* оти 'оёқ кийими' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 595). Изоҳли луғатда *абзал* сифати ва *пойабзал* оти таркибидаги шундай қисм арабча *афзал* сифати деб хато белгиланган.

ПОЙАНДОЗ Бу от тожик тилида *пой* отига (қ.) 'тўша-' маъносини англатадиган *андохтан* феълининг (ТжРС, 28) *андоз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 27) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'уйга кириб келаётган кишига алоҳида ҳурмат кўрсатиш белгиси сифатида оёғи остига тўшаладиган мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 595).

ПОЙАФЗАЛ *қ.* пойабзал

ПОЙГАК *қ.* пойгах

ПОЙГАҲ Бу от тожик тилида *пой* оти билан (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *гоҳ* отининг (ТжРС, 104) *гаҳ* шаклидан (ТжРС, 100) тузилган бўлиб, 'хонанинг эшик олди қисми', 'тўрнинг акси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 595). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *пойгак* шаклида ҳам айтилади.

ПОЙДЕВОЛ *қ.* пойдевор

ПОЙДЕВОР Бу от тожикча *пой* оти билан (қ.) *девор* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'бинонинг деворлари остига қуриладиган мустаҳкам қисм', 'фундамент' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 595). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *пойдевол* тарзида ҳам айтилади.

ПОЙМА-ПОЙ Бу сифат тожикча *пой* отини (қ.) *ма* боғламасини (ТжРС, 539) қўшиб такрорлаб тузилган бўлиб, 'бошқа-бошқа оёқ кийимининг пойларидан тузилган', 'мазмуни бир-бирига қовушмайдиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

ПОЙМОЛ: *поймол қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу тожикча равиш *пой* отига (қ.) 'ишқала-', 'эзгила-' маъносини англатадиган *молидан* феълининг (ТжРС, 232) *мол* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оёқ остида эзиш, топташ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПОЙНАК Бу от 'пастки қисм' маъносини англатадиган тожикча *пойон* отининг *поин* шаклига (ТжРС, 309) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида ёнма-ён келган *ои* товушларидан *и* товуши *й* товушига алмаштирилган; 'тухумнинг дўмбоқ томони' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

ПОЙНОВ Бу от тожик тилида 'охир' маъносини англатадиган *пой* оти билан (қ.) 'сув оқиши учун ёғоч, тахтадан, бетондан ишланган махсус ўзан' маъносини англатадиган *нов* отидан тузилган бўлиб, 'сув ўзанининг охирги қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

ПОЙОН Бу от тожик тилида 'оёқ' маъносини англатадиган *пой* отига (ТжРС, 308) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'охир', 'тугаш нуқтаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 594). Бу отдан ўзбек тилида *пойонсиз* сифати ясалган.

ПОЙОНСИЗ қ. пойон

ПОЙТАХТ Бу от тожик тилида *пой* отини 'ост' маъноси билан 'ҳукмдор қабул маросимида ўтириши учун сарой тўрига ўрнатилган, махсус безатиб ишланган ҳашаматли ўриндиқ' маъносини англатадиган *тахт* отидан (ТжРС, 386) тузилган бўлиб (ТжРС, 309), 'давлатнинг бош шаҳри' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596). Бу от асли [*пай-е тахт*] шаклига эга бўлиб (ПРС, 88), изофа бирикмасига тенг бўлган.

ПОЙТЕША Бу от тожикча *пой* оти билан (қ.) ўзбекча *теша* отидан тузилган бўлиб, 'тик туриб ёғоч йўнишда ишлатиладиган дастаси узун катта теша' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

ПОЙҚАДАМ Бу от тожикча *пой* оти билан (қ.) 'оёқни олд томонга ташлаб қилинган ҳар бир ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *қадам* отидан (АРС, 626) тузилган бўлиб, 'қадам босиб келиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

ПОКДОМОН Бу сифат тожик тилида 'топ-тоза', 'гард-ғубордан холи' каби маънони англатадиган *пок* сифати билан (ТжРС, 310) 'этак' маъносини англатадиган *доман* отидан (ТжРС, 134) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *а* товушини *о* (*â*) товушига алмаштириб олинган; 'ор-номусини сақлаган', 'иффатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 596).

ПОЛВОН қ. паҳлавон

ПОПИШАК Бу от асли 'қуш тожи' маъносини англатадиган *пўпӣ* отига (ТжРС, 316) *-ш* ва *-ак* қўшимчаларини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак; ўзбек тилига *ў* товушини *о* (*â*) товушига алмаштириб олинган; 'олачипор патли, елпиғичсимон тожли, қайирма тумшукли ҳашаротҳўр қуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 598). Бу қуш *сассиқпопишак* деб ҳам аталади.

ПОРА Бу от асли 'парчаланган нарсанинг бир бўлаги' маъносини англатадиган *пора* отидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, 'бирор ишни битириб бериши учун бериладиган нарса ёки пул' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 598).

ПОРАХЎР Бу сифат *пора* отига (қ.) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пора олишга ўрганган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 598). Бу сифатдан ўзбек тилида *порахўрлик* мавҳум оти ясалган.

ПОРАХЎРЛИК қ. порахўр

ПОСАНГИ Бу тожикча от асли 'парчаланган нарсанинг бир бўлаги' маъносини англатадиган *пора* оти билан (ТжРС, 310) 'тош' маъносини англатадиган *санг* отидан (ТжРС, 339) тузилган бўлиб, тожик тилида *пора* оти охиридаги *а* товуши айтилмай қўйган (ТжРС, 310: *порсанг*); ўзбек тилига *р* товушини ташлаб, *-и* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб олинган бўлиб, 'тарози паллалари баланд-пастлигини текислаш учун ишлатиладиган нарса' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 599).

ПОСБОН Бу от тожик тилида 'қўриқлаш' маъносини англатадиган *пос* отига (ТжРС, 311) *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қўрикчи', 'соқчи', 'қоровул' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 599). Бу отдан ўзбек тилида *посбонлик* мавҳум оти ясалган.

ПОСБОНЛИК қ. посбон

ПОЧА Бу от ПРСда [*паче*] шаклида келтирилиб, 'оёқча', 'ҳайвон оёғининг тиззасидан пастки қисми' маъносини (36), ТжРСда *поча* шаклида келтирилиб, 'ҳайвон оёғи' маъносини (311) англатиши айтилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Бу от ўзбек тилида 'шимнинг, шалварнинг тиззадан пастки қисми', 'стол, стулнинг оёғи' каби янги маъноларни англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, I, 600).

ПОЧАПЎСТИН Бу от тожикча *поча* оти билан (қ.) 'мўйнали ошланган теридан тикилган қишлик узун иссиқ кийим' маъносини англатадиган *пўстин* отидан (ТжРС, 316) тузилган бўлиб, 'ҳайвон почасининг мўйнали терисидан тикилган пўстин' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 600).

ПОЧТАХОНА Бу от 'алоқа муассасаси' маъносини англатадиган асли полякча *почта* отига (ЎТИЛ, I, 600) тожикча *хона* отини қўшиб тузилган бўлиб, 'алоқа бўлими' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 600).

ПОШНА Бу от ПРСда [*пашне*] шаклида келтирилиб, 'товон', 'оёк кийимининг товони остига қоқиладиган қалин қисми (каблук)' маъносини англатиши (87), ТжРСда *пошна* шаклида келтирилиб, юқоридаги маъноларни англатиши (ЎТИЛ, I, 311) айтилган. Ўзбек тилига шу шакли иккинчи маъноси билан олинган.

ПОШШО қ. подшо(ҳ)

ПУЛ Бу от асли юнонча бўлиб, 'тийин' маъносини англатади (ССТТН,I,322), шу маъноси билан форс, тожик тилларига, улардан ўзбек тилига олинган (ПРС, 98: ТжРС, 312; ЎТИЛ, I, 606). Кейинчалик бу от 'маълум қиймат белгиланиб, металл ва қоғоздан махсус шаклда

www.ziyouz.com kutubxonasi

тайёрланиб, олиш, сотишда ишлатиладиган муомала бирлиги' маъносини англатиш учун ишлатилган. Бу отдан ўзбек тилида *пулла-* феъли ясалган.

ПУЛДОР Бу сифат *пул* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *дошта*н феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пули кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 606).

ПУЛЛА- *қ.* пул

ПУРВИҚОР Бу сифат 'кўп' маъносини англатадиган тожикча *пур* сифати билан (ТжРС, 313) асли 'улуғворлик', 'мағрурлик' маъносини англатадиган арабча *вақор* отининг *виқор* шаклидан (АРС, 904; ТжРС, 91,92) тузилган бўлиб, 'юксак улуғворликка эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 607).

ПУХТА Бу сифат тожикча 'пишир-', 'етиштир-', 'чиниқтир-' маъноларини англатадиган *пухтан* феълининг *пухта* ўтган замон сифатдоши шаклига тенг бўлиб (ТжРС, 315), 'пишиқ', 'ҳар томонлама ўйлаб' маъноларини англатади (ЎТИЛ, I, 607). Бу сифат билан ўзбек тилида *пухта-пишиқ* жуфт сифати тузилган.

ПУХТА-ПИШИҚ *қ.* пухта

ПУШАЙМОН Бу от ПРСда [*пäшиман*] шаклида (96), ТжРСда *пушаймон* шаклида (315) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'афсусланиш', 'руҳан эзилиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 608). Бу от билан ўзбек тилида *пушаймон бўл-* феъли ҳосил қилинган. Бу от *Кейинги пушмон – ўзинга душмон* ҳикмати таркибида *душмон* отига мослаб *пушмон* шаклида ишлатилади.

ПУШМОН *қ.* пушаймон

ПУШТ Бу от ПРСда [*пошт*] шаклида (95), ТжРСда *пушт* шаклида (315) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; асли 'орқа' маъносини англатади; шу маънодан 'аждод', 'насл-насаб' маънолари ўсиб чиққан (ПРС, 95). ЎТИЛда асосий маъно деб 'одам ёки жониворнинг уруғи ёки тухумида бўладиган эмбрион' маъноси келтирилган (608). *Етти пушт* бирикмасида бу от 'аждод' маъноси билан қатнашади.

ПУШТА Бу от 'орқа', 'елканинг остки қисми' маъносини англатадиган тожикча *пушт* отига (ТжРС, 315) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'экинни суғориш учун очиладиган ариқдан икки томонга тупроқ тортиш натижасида ҳосил бўладиган дўнглик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 608).

ПЎСТАК Бу от тожик тилида 'одам ва ҳайвонларнинг танаси сиртини қоплайдиган юпқа тери қатлами' маъносини англатадиган *пўст* отига (ТжРС, 316) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўсиқ жунли ошланган теридан иборат тўшакча' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 609).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПЎСТДУМБА Бу от тожик тилида 'ҳайвон териси' маъносини англатадиган *пўст* оти билан (ТжРС, 609) 'қўйнинг кет томонида сон билан бел оралиғида жойлашадиган ёғ қисми' маъносини англатадиган *дунба* отидан (ТжРС, 139) тузилган бўлиб, *дунба* оти таркибидаги *н* товуши ўзбек тилида *м* товушига алмаштирилган; 'думбани қоплаган пўстни думба ёғи билан бирга шилиб олинган масаллиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

ПЎСТИН Бу от тожик тилида 'ҳайвон териси' маъносини англатадиган *пўст* отига (ТжРС, 609) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мўйнали ошланган теридан тикилган узун қишлик тўн' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

ПЎСТЛОҚ Бу от ўзбек тилида 'тери' маъносини англатадиган тожикча *пўст* отига (ТжРС, 609) ўзбекча *-лоқ* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўсимлик танасини тери каби қоплаб турадиган қобиғи' маъносини англатди (ЎТИЛ, I, 610).

Р

РАВ Бу равиш 'бор-', 'кет-' маъносини англатадиган тожикча *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 317), 'зудлик билан', 'тезда' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

РАВИШ Бу от тожикча *рав* пайт равишига (қ.) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор жараённинг рўёбга чиқиш тахлити' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610). Ўзбек тилшунослигида бу от билан туркум ҳам номланган.

РАВИШДОШ Бу от тожикча *равиш* отига (қ.) ўзбекча *-дош* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилшунослигида 'феълнинг равишга монанд шакли' маъносини англатадиган термин сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 610).

РАВО: Бу равиш 'муносиб кўр-' маъносини англатдиган тожикча *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 317) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'муносиб', 'ўринли' маъноси билан *раво кўр-* бирикмасининг таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 610).

РАВОН Бу равиш 'юр-', 'бор-' маъносини англатадиган тожикча *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 317) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир текисда', 'силлиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 610).

РАВОНА: Бу от 'кет-', 'жўна-' маъносини англатадиган тожикча *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 317) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *равона бўл-* феъли таркибида 'жўнаш' маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 611).

РАВОНА БЎЛ- қ. равона

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАНГ-БАРАНГ Бу сифат 'бўёқ' маъносини англатадиган тожикча *ранг* отини (ТжРС, 320) *ба* боғламаси билан такрорлаб тузилган бўлиб, тожик тили луғатида *рангбаранг* шаклида қўшиб (ТжРС, 320), ўзбек тили изоҳли луғатида чизиқча билан ёзилган; 'турли рангдаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614).

РАНГПАР Бу сифат 'тус' маъносини англатадиган тожикча *ранг* отига (ТжРС, 320) 'уч-' маъносини англатадиган *паридан* феълининг (ТжРС, 299) *пар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ранги меъёрдагидан камайган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614).

РАНГ-РЎЙ Бу жуфт от тожик тилида 'тус' маъносини англатадиган *ранг* оти билан (ТжРС, 320) 'юз', 'кўриниш' маъносини англатадиган *рў* отининг (ТжРС, 329) *рўй* шаклидан тузилган бўлиб, 'юзнинг ташқи кўриниши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614).

РАНГ-ТУС Бу жуфт от ўзбек тилида 'кўриниш' маъносини англатадиган тожикча *ранг* (ТжРС, 320) ва ўзбекча *тус* (ЎТИЛ, II, 230) отларидан тузилган бўлиб, 'юзнинг ташқи кўриниши' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614).

РАНДА Бу от 'тахта йўнилганда ҳосил бўладиган юпқа чиқинди' маъносини англатадиган *ранд* отига (ПРС, 249) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ёғоч, тахтани текис қилиб йўниш, силлиқлашда ишлатиладиган асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614). Бу отдан ўзбек тилида *рандала-* феъли ясалган.

РАНДАЛА- қ. ранда

РАНЖ (РАНЧ) Бу сифат 'ножўя хатти-ҳаракат, гап-сўздан хафа бўл-, озор чек-' маъносини англатадиган тожикча *ранҷидан* феълининг (ТжРС, 320) *ранҷ* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'кўнгил оғриши', 'хафа бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614). Бу отдан ўзбек тилида *ранжи-* феъли ясалган.

РАНЖИ- қ. ранж

РАНЖИДА: *қадам ранжида қил-* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу бирлик асли 'озор чек-' маъносини англатадиган тожикча *ранҷидан* феълининг (ТжРС, 320) *ранҷид* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'озор чекиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 614).

РАП қ. раф

РАПИДА Бу от ТжРСда *рафида* шаклида келтирилган (322), ўзбек тилига *ф* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'нон шакли берилган хамирни тандирга ёпиштиришда қўл куймаслиги учун ишлатиладиган, ичига пахта тўлдириб, орасига қўл тиқиладиган жой қолдириб тикилган думалоқ мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 615).

РАППА-РАСО қ. расо

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАСАДХОНА Бу от 'кузатиш' маъносини англатадиган арабча *расад* оти билан (АРС, 299) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 331) тузилган бўлиб, 'осмон жисмларини кузатиш иншооти' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 615).

РАСВО Бу сифат ПРСда [*росва*] шаклида (245), ТжРСда *расво* шаклида (321) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'ярамас', 'бадахлок' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 615). Бу сифат билан тожик тилида тузилган *расвои олам* изофа бирикмаси ўзбек тилида ҳам ишлатилиб, 'расволиги ҳаммага ошкор' маъносини англатади.

РАСВОИ ОЛАМ қ. расво

РАСМАНА қ. расмона

РАСМОНА Бу сифат 'урф-одат' маъносини англатадиган арабча *расм II* отига (АРС, 297) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одатдаги', 'урф-одатга тўғри келадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616).

РАСО Бу сифат асли 'етарли бўл-' маъносини англатадиган тожикча *расидан* феълининг (ТжРС, 321) *рас* ҳозирги замон асосига *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ками йўқ', 'етарли даражада' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616). Бу сифат сўзлашув тилида *роса* шаклида ишлатилиб, асосан 'ортиқ даражада' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 627).

РАСТА I Бу от 'бўша-' маъносини англатадиган тожикча *растан* феълининг (ТжРС, 321) *раст* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир хил мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори', 'икки тарафида шундай дўконлар жойлашган тор йўл' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616).

РАСТА II: *раста бўл-* феъли таркибида ишлатиладиган бу от 'халос бўл-' маъносини англатадиган тожикча *растан* феълининг (ТжРС, 321) *раст* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гўдакликдан қутулиб, балоғат ёшига етиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616).

РАФ Бу тожикча от 'полка' маъносини англатади (ТжРС, 322), одатда *дераза рафи* бирикмаси таркибида ишлатилади, русча *подоконник* оти маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 616). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *рап* тарзида айтилади (ЎТИЛ, I, 615).

РАФТОР Бу от 'юр-', 'кет-' маъносини англатадиган тожикча *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рафт* ўтган замон асосига *-ор* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юриш-туриш', 'хатти-ҳаракат' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 617).

РАШКЧИ Бу от ўзбек тилида 'яхши кўрган кишисини бировдан кизғаниш' маъносини англатадиган тожикча *рашк* отига (ТжРС, 322) *-чи*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини қўшиб ясалган; 'рашк қилувчи', 'қизғанувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 617).

РАҲБАР Бу тожикча от *роҳбар* товуш шаклига эга бўлиб (ТжРС, 326), ўзбек тилига *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'йўл' маъносини англатадиган *роҳ* отига (ТжРС, 328) 'олиб юр-' маъносини англатадиган *бурдан* феълининг (ТжРС, 85) *бар* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'йўл кўрсатувчи' маъносини англатган, кейинчалик шу маънодан ўсиб чиққан 'бошчилик қилувчи' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, I, 618).

РАҲМДИЛ Бу сифат тожик тилида 'ачиниш туйғуси', 'шафқат' маъносини англатадиган арабча *раҳм* оти билан (АРС, 291) 'кўнгил' маъносини англатадиган тожикча *дил* отидан (ТжРС, 129) тузилган бўлиб, 'раҳм-шафқатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618). Бу сифатдан ўзбек тилида *раҳмдиллик* мавҳум оти ясалган.

РАҲМДИЛЛИК қ. раҳмдил

РАҲНАМО Бу тожикча от *роҳнамо* товуш шаклига эга бўлиб (ТжРС, 328), ўзбек тилига биринчи бўғиндаги *о* (*â*) товушини *а* товушига алмаштирилган *раҳнамо* шакли (ТжРС, 323) олинган; 'йўл' маъносини англатадиган *роҳ* отига (ТжРС, 328) 'кўрсат-' маъносини англатадиган *намудан* феълининг *намо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 257) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'йўлбошчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 618). Бу отдан ўзбек тилида *раҳнамолик* мавҳум оти ясалиб, *раҳнамолик қил-* феъли таркибида ишлатилади.

РАҲНАМОЛИК ҚИЛ- қ. раҳнамо

РЕЖА (РЕҶА) Бу от асли 'бажариладиган қурилиш иши тўғри чиқиши учун тортиладиган ип, чизиқ' маъносини англатади; шу маънодан 'мўлжал' маъноси ўсиб чиққан (ЎТИЛ, I, 620). Бу отдан ўзбек тилида *режалаштир-* феъли ясалган бўлиб, 'нима қилишни олдиндан мўлжаллаб қўй-' маъносини англатади. *Режа* отига 'қандай ишлар бажарилиши лозимлигининг аниқ кўрсатмаси (план)' маъноси ноўрин юқлатилди.

РЕЖАЛАШТИР- қ. режа

РЕЗАВОР Бу от 'майда' маъносини англатадиган тожикча *реза* сифатига (ТжРС, 324) *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'майда-чуйда', 'овқатга солинадиган турли кўкатлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 321).

РЕЗАЛА- Бу феъл ўзбек тилида 'майда' маъносини англатадиган тожикча *реза* сифатидан (ТжРС, 324) *-ла* қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'майда қилиб тўғра-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 621).

РЕЗГИ Бу от 'майда' маъносини англатадиган *рез* сифатига (ТжРС, 324) *-ги* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; тожик тилида 'ушоқ', 'кийқим', 'чиқинди' маъноларини (ТжРС, 324), ўзбек тилида 'чарм бичишда чиқадиган қийқим' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 621).

www.ziyouz.com kutubxonasi

РИЙОКОР Бу сифат 'мунофиқона хатти-ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *рийо* отига (АРС, 281) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мунофиқона иш тутувчи', 'иккиюзламачи' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 624). Бу сифатдан ўзбек тилида *рийокорлик* мавҳум оти ясалган.

РИЙОКОРЛИК *қ.* рийокор

РИЙОКОРОНА Бу равиш тожикча *рийокор* сифатига (қ.) *-она* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'рийокорлик билан', 'иккиюзламалик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 624).

РИЗҚИ РЎЗ *қ.* ризк-рўз

РИЗҚ-РЎЗ Бу от асли 'яшаш учун зарур нарсалар' маъносини англатадиган арабча *ризқ* оти билан (АРС, 295) 'кун' маъносини англатадиган тожикча *рўз* отидан тузилган *ризқи рўз* изофа бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 325: *ризқи рўзи*), ўзбек тилига изофани ташлаб, бирикма қисмларини чизиқча билан ярим қўшиб ёзиб олинган; 'кундалик тирикчилик учун зарур озуқалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 625).

РИШТА Бу от ПРСда [*решта*] шаклида (245), ТжРСда *ришта* шаклида (ТжРС, 326) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'йигир-' маъносини англатадиган *ришта*н феълининг *ришт* ўтган замон асосига (ТжРС, 326) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'йигирилган ип' маъносини англатади; кейинчалик бу от 'тери остида пайдо бўладиган, ипга ўхшаш ингичка узун қурт' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, I, 625).

РОЗИ ДИЛ Бу тожикча изофа бирикмаси 'махфий тутилган нарса' маъносини англатадиган *роз* оти билан (ТжРС, 626) 'кўнгил' маъносини англатадиган *дил* отидан (ТжРС, 129) тузилган бўлиб, 'кўнгилда яширин сақлаб келинаётган фикр, орзу-тилак, дард-алам' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 626).

РОМ: *қ.* ром қил-

РОМ ҚИЛ- Бу феъл таркибидаги тожикча *ром* сифати (ТжРС, 327) 'мойил', 'тобе' каби маъноларни, шунга кўра бу феъл 'ўзига мойил қилиб ол-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 626).

РОСА *қ.* расо

РОСТГЎЙ Бу сифат тожик тилида 'тўғри', 'чин' маъносини англатадиган *рост* сифатига (ТжРС, 627) 'гапир-' маъносини англатадиган *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тўғри сўз', 'ҳақиқатни гапирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 627).

РОҲАТБАХШ Бу сифат 'ором', 'киши руҳининг яйраши' маъносини англатадиган арабча *роҳат* отига (АРС, 319) 'бағишла-' маъносини англатадиган тожикча *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахш* ҳозирги

www.ziyouz.com kutubxonasi

замон асосини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кишига роҳат, ором бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 628).

РОҲАТИЖОН Бу сифат асли 'киши руҳининг яйраши' маъносини англатадиган арабча *роҳат* оти билан (АРС, 319) 'барҳаётлилик омили' маъносини англатадиган тожикча *жон* отидан (ТжРС, 517) тузилган изофа бирикмаси бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'жонга роҳат бағишлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 628).

РУХ Бу от ПРСда [*рох*] шаклида (243), ТжРСда *рух* шаклида (ТжРС, 329) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'шаҳмат ўйини доналарининг тахтанинг биринчи қатор катакларининг икки чеккасида жойлашадиган, тик ва ётиқ йўналишда ҳаракат қиладиган сипоҳ (тўра)' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 629).

РЎБАРЎ Бу равиш 'юз' маъносини англатадиган *рў* отини (ТжРС, 329) *ба* олд кўмакчиси орқали (ТжРС, 39) такрорлаб тузилган бўлиб, (ТжРС, 329: *рў ба рў*) ўзбек тилида бу қисмлар қўшиб ёзилади; 'юзма-юз' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 630). Бу равиш ўзбек сўзлашув тилида *рўпара* шаклида айтилади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЖА қ. рўйжо

РЎЗА Бу от тожик тилида 'кун' маъносини англатадиган *рўз* отига (ТжРС, 330) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'рамазон ойи давомида ҳар куни саҳардан қуёш ботгунигача оғизга ҳеч нарса олмаслик' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЗНОМА Бу от тожик тилида 'кун' маъносини англатадиган *рўз* оти билан (ТжРС, 330) 'ёзув', 'хат' маъносини англатадиган *нома* отидан (ТжРС, 508) тузилган бўлиб, 'йиғилишни ўтказиш тартиби' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЗҒОР Бу от асли 'кун' маъносини англатадиган тожикча *рўз* отига (ТжРС, 330) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542: *рўзгар*) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *г* товушини *ғ* товушига, шундан кейинги *а* товушини *о* (*â*) товушига алмаштириб олинган. Бу от 'ҳаёт кечирувчи ҳар бир оила' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЙЖО (РЎЙҶО) Бу от тожик тилида 'юз(а)' маъносини англатадиган *рўй* оти билан (ТжРС, 329) 'ўрин' маъносини англатадиган *ҷо* отидан (ТжРС, 516) тузилган *рўйи ҷо* изофа бирикмасига тенг бўлиб, ўзбек тилига изофани ташлаб, қолган қисмларни қўшиб ёзиб қабул қилинган; 'ётадиган жойнинг тўшаги устига солинадиган, юпқа матодан тикилган рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЙИРОСТ Бу сифат ТжРСда *рўйрост* шаклида келтирилган; ўзбек тилига *рўй* отидан кейин *и* орттириб олинган; 'юз' маъносини англатадиган *рўй* оти билан (ТжРС, 330) 'тўғри' маъносини англатадиган *рост* сифатидан (ТжРС, 327) тузилган бўлиб, 'очиқчасига', 'тўғридан тўғри' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

www.ziyouz.com kutubxonasi

РЎЙИХОТИР Бу от ТжРСда *рўихотир* шаклида келтирилган (330); 'юз' маъносини англатадиган *рў* отини *-и* изофаси орқали 'ўй-хаёл','эс' маъноларини англатадиган арабча *хотир* отига (АРС, 226) боғлаб тузилган тожикча изофа бирикмасига тенг бўлиб, тожик тилидаёқ бу бирикма қисмлари қўшиб ёзиладиган бўлган (ТжРС, 330); ўзбек тилига *рў* оти *руй* шаклида олинган; 'андиша', 'юзига айтишни эп билмаслик' каби маънони англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЙИХУШ: Бу от ТжРСда *рўйихуш* шаклида келтирилган (331); 'юз' маъносини англатадиган *рў* отини 'яхши' маъносини англатадиган *хуш* сифатига боғлаб тузилган изофа бирикмасига тенг бўлиб, тожик тилидаёқ бу бирикманинг қисмлари қўшиб ёзиладиган бўлган; ўзбек тилига *рў* оти *руй* шаклида олинган; 'очиқ, илтифотли чеҳра' маъносини англатиб, одатда *рўйихуш берма-* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЙОБ: *рўйобга чиқ-* бирикмаси асли тожикча *ба рўйи об баромадан* бирикмасининг ўзбек тилига ағдармасига тенг (ТжРС, 229: *рў*); ўзбек тилида *рўйи об* бирикмаси таркибидаги изофа ташланиб, қолган қисмлари қўшиб ёзилади; бу феъл бирикмаси 'юзага чиқ-', 'кўзга кўрин-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎЙХАТ Бу от 'юз' маъносини англатадиган *рўй* оти билан (ТжРС, 331) 'ёзув', 'мактуб' маъносини англатадиган арабча *хат* отидан (АРС, 224) тузилган бўлиб, 'киши исмларини, нарса номларини маълум тартиб асосида бирма-бир ёзиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎКАЧ: *рўкач қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу от 'юз' маъносини англатадиган *рў* отига (ТжРС, 329) 'торт-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *ш* товуши *ч* товушига алмаштирилган. Бу феъл 'кишининг, сотиладиган молнинг яхши томонларини кўз-кўз қил-' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎМОЛ Бу от 'юз' маъносини англатадиган *рў* оти билан (ТжРС, 331) 'бисотдаги нарсалар' маъносини англатадиган арабча *мол* отидан (АРС, 774) тузилган бўлиб, ТжРСда асосий шакли деб *рўймол* таъкидланган (331). Бу от 'аёллар бошига ўрайдиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎМОЛЧА Бу от ўзбек тилида тожикча *рўмол* отига (қ.) *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; асли 'кичкина рўмол' маъносини, амалда эса 'дастрўмол' маъносини англатади (ЎТИЛ, I, 631).

РЎПАРА қ. рўбарў

С

САБЗ Бу сифат асли 'яшил рангга эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *сабзидан* феълининг (ТжРС, 333) *сабз* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'яшил' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5).

www.ziyouz.com kutubxonasi

САБЗА Бу от тожикча *сабз* сифатига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яшил ўт', 'майса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5).

САБЗАВОТ Бу от тожикча сабза отининг (қ.) *-(в)от* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган кўплик шакли бўлиб, 'резавор ва полиз экинлари маҳсули' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5).

САБЗАВОТЧИЛИК Бу от тожикча *сабзавот* отига (қ.) ўзбекча *-чилик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қишлоқ хўжалигининг сабзавот етиштирадиган соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 5).

САБЗИ Бу от тожикча *сабз* сифатига (қ.) *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *ӣ* товушига хос чўзиқлик йўқолган; 'сабзавотнинг сариқ ёки кизил рангли чўзинчоқ, этли тури' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 6).

САБР-БАРДОШ Бу жуфт от 'тоқат' маъносини англатадиган арабча *сабр* оти билан (АРС, 427) 'чидам' маъносини англатадиган тожикча *бардош* отидан (ТжРС, 47) тузилган бўлиб, 'тоқат ва чидам' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 6).

САВАТ Бу от асли *сабад* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 332), тожик сўзлашув тилида *сабат* шаклида ҳам айтилади; ўзбек тилига шу шакли *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'чивиқ, симдан ясси ёки чукур қилиб тўқилган идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 7).

САВАТБОШ Бу сифат *сават* отига (қ.) ўзбекча *бош* отини қўшиб тузилган бўлиб, 'сочи саватдай ҳурпайган', 'пахмоқ соч' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 7).

САВДО I Бу тожикча от 'олди-сотди муомаласи' маъносини англатади (ТжРС, 334; ЎТИЛ, II, 7). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *совда* шаклида ҳам айтилади; шунга кўра ўзбек тилида ясалган *савдолаш-* феъли ҳам *совдалаш-* тарзида айтилади.

САВДОГАР Бу от тожикча *савдо* отига (ТжРС, 334) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'савдо билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 8).

САВДОГАРЧИЛИК Бу от ўзбек тилида тожикча *савдогар* отига (қ.) ўзбекча *-чилик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'савдо-сотиқ иши билан шуғулланиш касби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 8).

САВДО-СОТИҚ Бу жуфт от 'олди-сотди муомаласи' маъносини англатадиган тожикча *савдо* оти билан (қ.) ўзбекча *сотиқ* отидан тузилган бўлиб, 'савдо ишлари' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 8).

САВЛАТДОР Бу сифат тожик тилида 'кеккайиш' маъносини англатадиган арабча *савлат* отига (АРС, 45I; ТжРС, 335) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ташқи қиёфаси ўта савлатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 8).

www.ziyouz.com kutubxonasi

САВОДХОН Бу сифат 'ўқиш-ёзишни билиш' маъносини англатадиган арабча *савод* отига (АРС, 381) 'ўқи-' маъносини англатадиган тожикча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини қўшиб (ТжРС, 335) ҳосил қилинган бўлиб, 'ўқиш-ёзишни яхши биладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 9).

САГБОН Бу от тожик тилида 'ит' маъносини англатадиган *саг* отига (ТжРС, 335) *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ПРС, 289), 'итбоқар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 9). *Сагбон* жой номи *г* товушини *г* товушига алмаштириш билан юзага келган.

САДПОРА Бу сифат 'юз' маъносини англатадиган тожикча *сад* саноқ сони билан (ТжРС, 336) 'қисм' маъносини англатадиган *пора I* отидан (ТжРС, 310) тузилган бўлиб, 'юз бўлак' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10).

САЖДАГОҲ Бу от 'Оллога сиғиниб ибодат қилишда тиз чўкиб, бошни эгиб, пешанани ерга тегизиш ҳолати' маъносини англатадиган арабча *сажда* оти билан (АРС, 347) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *гоҳ* отидан тузилган бўлиб, 'сажда қилинадиган муқаддас, азиз жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 10).

САЗО I Бу от 'лойиқ бўл-' маъносини англатадиган тожикча *сазидан* феълининг (ТжРС, 336) *саз* ҳозирги замон асосига *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хатти-ҳаракатига лойиқ кўриладиган тадбир' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 11).

САЗОВОР Бу сифат тожикча *сазо I* отига (к.) *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қилган хатти-ҳаракатига кўра шундай баҳога лойиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 11).

САЗОЙИ Бу тожикча сифат *сазо I* отига (қ.) *-ӣ(-йи)* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'халойиқ орасида калтаклаб жазо беришга ҳукм қилинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 11).

САЙИЛГОҲ Бу от асли 'ҳордиқ чиқариш, томоша қилиш мақсадида кезиш' маъносини англатадиган арабча *сайр* отининг (АРС, 386) тожик тилидаги *сайл* шакли билан (ТжРС, 337) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *гоҳ* отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб, ўзбек тилида талаффузни енгиллаштириш учун *йл* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган; 'ҳордиқ чиқариш, томоша қилиш мақсадида кезиладиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 11). Асли *сайргоҳ* шаклида айтиш ва ёзиш тўғри (ЎТИЛ, II, 12).

САЙРГОҲ *қ.* сайлгоҳ

САМАН Бу от асли *саманд* товуш таркибига эга бўлиб (ПРС, 291; ТжРС, 338), 'зотли чопқир от' маъносини англатади; бундай зотли чопқир от ҳар хил, кўпинча малла рангли бўлади (ЎТИЛ, II, 16).

САМОЛЕТСОЗЛИК Бу от русча *самолет* отига 'қур-' маъносини англа-тадиган тожикча *сохтан* феълининг (ТжРС, 364) *соз* ҳозирги замон

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосини (ТжРС, 362) қўшиб ҳосил қилинган *самолетсоз* сифатидан ўзбекча *-лик* қўшимчаси билан ясалган; 'самолет қуриш соҳаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 17).

САНДИҚЗАДА Бу сифат 'ҳар хил ҳажмли миллий яшик' маъносини англатадиган арабча *сундук* отининг (ТжРС, 446) тожик тилига олишда ўзгартирилган *сандуқ* шаклига (ТжРС, 341) 'ур-' маъносини англатадиган тожикча *задан* феълининг (ТжРС, 148) *зада* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС, 560) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *у* товуши *и* товушига алмаштирилган; 'сандиқда узоқ ётиб, сифатини йўқотган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 18).

САНЪАТКОР Бу от 'бадиий ижод' маъносини англатадиган арабча *санъат* отига (АРС, 446) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'санъат билан шуғулланувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20).

САНЪАТКОРОНА Бу равиш тожик тилида *санъаткор* отига (к.) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нафис санъат билан', 'моҳирона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20).

САНЪАТШУНОС Бу от 'бадиий ижод' маъносини англатадиган арабча *санъат* отига (АРС, 446) 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 458,457) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида *и* товуши *у* товушига алмаштирилган; 'бирор санъат соҳасини ўрганиш билан шуғулланадиган мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 20). Бу отдан ўзбек тилида *санъатшунослик* мавҳум оти ясалган.

САНЪАТШУНОСЛИК *қ.* санъатшунос

САРА Бу сифат ПРСда [*сара*] (257) ва [*саре*] (284) шаклларида, ТжРСда *сара* (343) ва *сора* (364) шаклларида келтирилган; ўзбек тилига тожикча *сара* шакли олинган бўлиб, 'тоза', 'ҳеч нарса аралашмаган', 'энг яхши' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 21).

САРАМЖОН *қ.* саранжом

САРАНЖОМ Бу сифат 'асосий', 'энг муҳим' маъносини англатиб қатнашган *сар* оти билан (ТжРС, 342) 'уй-рўзғор буюмлари' маъносини англатадиган *анжом* отидан (ТжРС, 29) тузилган бўлиб (ТжРС, 343), 'тартибли', 'жой-жойига қўйилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 21). Ўзбек сўзлашув тилида бу сифат *сарамжон* тарзида *н, м* товушларини ўрин алмаштириб ҳам айтилади.

САРАНЖОМ-САРИШТА Бу жуфт сифат тожикча *саранжом* оти (к.) ва 'тартибли ҳолатда сақлайдиган' маъносини англатувчи *саришта* сифатидан (ТжРС, 345) тузилган бўлиб, 'барча ишларни тартибли бажарадиган', 'барча буюмларни тартибли сақлайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 21).

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРАФРОЗ Бу сифат тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'кўтар-' маъносини англатадиган *африхтан* феълининг *афроз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 35) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бошни кўтариш' маъносини, кўчма маънода 'мартабага эриштириш', 'иззат-ҳурмат кўрсатиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 21).

САРГАРДОН Бу равиш тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'айлантир-' маъносини англатадиган *гардон(и)дан* феълининг *гардон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 99) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'боши айланиб, беҳуда овора' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 22).

САРГУЗАШТ Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'ўтказ-', 'кечир-' маъносини англатадиган *гузаштан* феълининг (ТжРС, 106) *гузашт* ўтган замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бошдан кечирилган воқеа-ҳодисалар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 22).

САРДОР Бу сифат тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'эгалик қил-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'раҳбарлик қилувчи', 'бошлиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 22).

САРИШТА Бу равиш асли 'юзага келтир-' маъносини англатадиган форсча [*серештан*] феълининг (ПРС,281) *серешт* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган сифатдоши шаклига тенг бўлиб (ТжРС, 560), 'барча ишлари тартибли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 23).

САРКАРДА Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'қил-' маъносини англатадиган *кардан* феълининг *кард* ўтган замон асосидан *-а* қўшимчаси билан ҳосил қилинган *карда* ўтган замон сифатдоши шаклини (ТжРС, 560,182) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бошлиқ', 'қўмондон' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 23).

САРКАШ Бу сифат тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'торт-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бош тортадиган', 'тихирлик қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 23).

САРКОР Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'иш' маъносини англатадиган *кор* отидан (ТжРС, 192) тузилган бўлиб, 'ишбоши', 'бошқарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 23).

САРЛАВҲА Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'тахтача', 'кўриниш' маъноларини англатадиган арабча *лавҳа* отидан (АРС, 733) тузилган бўлиб, 'асарга, унинг қисмларига қўйиладиган ном' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 23).

САРМОЙА Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'капитал' маъносини англатадиган *мойа* отидан (ТжРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

234) тузилган бўлиб, 'йирик маблағ (капитал)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 24).

САРМОЙАДОР Бу сифат тожик тилида *сармойа* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'йирик сармоя эгаси', 'капиталист' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 24).

САРОБ Бу тожикча от 'узоқдаги товланишнинг сув каби кўриниши', 'асоси йўқ нарсага алданиш' каби маъноларни англатади (ТжРС, 346; ЎКААҚЛ, 293).

САРОЙ Бу тожикча от 'карвон, савдогарлар тўхтаб, дам оладиган кенг ҳовли' маъносини англатиб, кейинчалик 'қаср' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 346; ЎТИЛ, II, 24).

САРОСИМА Бу от ПРСда [*сӑрасиме*] шаклида (277), ТжРСда *саросема* шаклида (346) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли э (*е*) товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'нима қилишини билмай эсанкираш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 24).

САРПО Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'оёқ' маъносини англатадиган *по* отидан (ТжРС, 308) тузилган бўлиб, 'тантанали маросимларда хурмат юзасидан тақдим қилинадиган бошдан оёқ кийим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 24). Бу от *сарупо* шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 25).

САРСАРИ Бу сифат 'бош' маъносини англатадиган тожикча *сар* отининг (ТжРС, 341) такрорига *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фойдали меҳнат билан шуғулланмай санқиб юрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 25).

САРТАРАШ қ. сартарош

САРТАРАШХОНА қ. сартарошхона

САРТАРОШ Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* отига (ТжРС, 341) 'қир-' маъносини англатадиган *тарошидан* феълининг *тарош* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 383) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'соч-соқол олувчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 25). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *сартараш* шаклида ҳам айтилади.

САРТАРОШХОНА Бу от *сартарош* отига (қ.) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган бўлиб, 'соч-соқол олдириладиган дўкон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 25). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *сартарошхона* шаклида ҳам айтилади.

САРТАХТА Бу от 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'ғўладан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги' маъносини англатадиган *тахта* отидан (ТжРС, 386) тожик тилида тузилган бўлиб, 'мурдани ювишда ишлатиладиган тўрт оёқли пастак қия стол' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 25).

САРУПО қ. сарпо

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРХИЛ Бу сифат тожик тилида 'бош', 'энг яхши' маъноларини ифодалайдиган *сар-* олд қўшимчасини (ТжРС, 343) 'тур' маъносини англатадиган *хел* отига (ТжРС, 421) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига э (*е*) товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'энг сараланган', 'энг яхшилари ажратиб олинган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 25).

САРХУШ Бу сифат тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'яхши', ' ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифатидан (ТжРС, 432) тузилган бўлиб, 'кайфияти яхши', 'ширакайф' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 26).

САРЧАШМА Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'булоқ' маъносини англатадиган *чашма* отидан (ТжРС, 440) тузилган бўлиб, 'бош булоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 26).

САРҲАД Бу от тожик тилида 'бош' маъносини англатадиган *сар* оти билан (ТжРС, 341) 'чегара' маъносини англатадиган арабча *ҳад* отидан (АРС, 159) тузилган бўлиб, 'бош чегара' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 26).

САССИҚПОПИШАК *қ.* попишак

САФАРБАР Бу от 'узоқ манзилга жўнаш' маъносини англатадиган арабча *сафра* отининг (АРС, 360) тожик тилига *фр* товушлари оралиғига *а* товушини киритиб олинган *сафар* шаклига (ТжРС, 348) 'жўна-' маъносини англатиб қатнашган тожикча *бурдан* феълининг (ТжРС, 85) *бар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 45) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор фаолиятни бажаришга жалб қилиш, тайёр ҳолатга келтириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 28). Бу отдан ўзбек тилида *сафарбарлик* мавҳум оти ясалган.

САФАРБАРЛИК *қ.* сафарбар

САФОБАХШ Бу сифат 'покизалик', 'самимийлик' маъносини англатадиган арабча *сафо* отига (АРС, 441) 'совға қил-' маъносини англатадиган *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'покизалик келтирадиган', 'хурсандчилик келтирадиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 28).

САФСАТАБОЗ Бу сифат 'бемаъни, асоссиз гаплар' маъносини англатадиган *сафсата* отига (ЎТИЛ, II, 28) 'ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бемаъни, асоссиз гапларни кўп гапирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 29).

САҒАНА *қ.* соғана

САҲАРМАРДОН Бу равиш 'эрта тонг' маъносини англатадиган арабча *саҳар* оти билан (АРС, 349) 'эр киши' маъносини англатадиган тожикча *мард* отининг (ТжРС, 216) *мардон* кўплик шаклидан (ТжРС, 536)

www.ziyouz.com kutubxonasi

тузилган бўлиб, асли чизиқчасиз қўшиб ёзилиши тўғри; 'жуда эрта тонг' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 30).

САҲАРХЕЗ Бу сифат 'эрта тонг' маъносини англатадиган арабча *саҳар* отига (АРС, 349) 'эрта тур-' маъносини англатадиган тожикча *хестан* феълининг (ТжРС, 422) *хез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 421) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эрта тонгда жуда барвақт туришга одатланган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 30).

СЕБАРГА Бу от тожик тилида 'уч' маъносини англатадиган *се* саноқ сони билан (ТжРС, 352) 'япроқ' маъносини англатадиган *барг* отидан (ТжРС, 46) тузилган *се барг* бирикмасига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бедасимон кўп йиллик ёввойи ўт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 31).

СЕГОҲ Бу от тожик тилида 'уч' маъносини англатадиган *се* саноқ сони билан (ТжРС, 352) 'йўл' маъносини англатадиган *гоҳ* отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб, Шашмақом таркибидаги тўртинчи мақомнинг номи (ЎТИЛ, II, 32).

СЕДАНА Бу от асли 'уч' маъносини англатадиган *се* саноқ сони билан (ТжРС, 352) саноқ сон билан бирга ишлатиладиган, нечталигини билдирадиган *дона* отидан (ТжРС, 135) тузилган; ўзбек тилида *о(а)* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'нонниинг юзига пиширишдан олдин ёпиштириладиган хушбўй ўсимлик уруғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 32).

СЕЛХОНА Бу от 'кучли сув оқими' маъносини англатадиган асли арабча *сел* (< *сейл*) оти билан (АРС, 387) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'сел оқими ўтадиган ўзан, сойлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 35).

СЕМУРҒ Бу тожикча от 'уч' маъносини англатадиган *се* саноқ сони билан (ТжРС, 352) 'қуш' маъносини англатадиган *мурғ* отидан (ТжРС, 241) тузилган бўлиб, 'эртакларда айтиладиган афсонавий қуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 36). Бу от таркибидаги биринчи қисм асли 'ўттиз' маъносини англатадиган *си* саноқ сони бўлса керак.

СЕПОЙА Бу тожикча от 'уч' маъносини англатадиган *се* саноқ сони билан (ТжРС, 352) 'оёқ' маъносини англатадиган *пой* отидан (ТжРС, 311) тузилган *се пой* бирикмасига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; қисмлари қўшиб ёзилади (ТжРС, 353); 'катта сувни бўғиш, қирғоқни сув ювишдан, тошқиндан сақлаш учун учта ҳоданинг учини бирлаштириб ясалган махсус қурилма' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРБАР Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'эн', 'кўндаланг кўлам' маъносини англатадиган *бар V* отига (ТжРС, 45) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эни кенг' маъносини англатади : *сербар чит* каби (ЎТИЛ, II, 38).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕРБАРГ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'япроқ' маъносини англатадиган тожикча *барг* отига (ТжРС, 46) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'барги кўп, қалин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРБЕЗАК Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *безак* отига (ЎТИЛ,I,95) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқ даражада безатилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРБОЛА Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *бола* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'болалари кўп', 'серфарзанд' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРБОШОҚ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *бошоқ* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўп бошоқ чиқарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРБУТОҚ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *бутоқ* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бутоқлари меъёрдан кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРБЎЙОҚ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *бўйоқ* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'меъёрдан ортиқ бўёқ берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРВИҚОР Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'улуғворлик' маъносини англатадиган арабча *вақор* отининг (АРС, 904) биринчи бўғинидаги *а* товушини *и* товушига алмаштирилган тожикча *виқор* шаклига (ТжРС, 92) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқ даражада улуғвор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРГАП Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'жумла', 'нутқ' маъносини англатадиган *гап* отига (ТжРС, 96) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'оғзи гапиришдан тўхтамайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРГЎШТ Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'эт' маъносини англатадиган *гўшт* отига (ТжРС, 111) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гўшт меъёрдан ортиқ солинган', 'семиз' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

СЕРДАРОМАД Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'таннархидан ташқари олинадиган маблағ' маъносини англатадиган тожикча *даромад* отига (ТжРС, 118) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мўл даромад келтирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 38).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕРДАСТУРХОН Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) *дастурхон* отига (к.) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тез-тез меҳмон чақирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРДАХМАЗА Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'бефойда иш' маъносини англатадиган тожикча *дахмаса* отига (ТжРС, 124) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида охирги бўғиндаги *с* товуши *з* товушига алмаштирилган; 'бефойда ишлари кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРЙОҒИН Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *йоғин* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'меъёрдан ортиқ ёғингарчилик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРЖАҲЛ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) араб тилида 'нодонлик' (АРС, 146), ўзбек тилида 'аччиқланиш' (ЎТИЛ, I, 275) маъносини англатадиган *жаҳл* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аччиғи тез-тез чиқиб турадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРЖИЛВА Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'ноз-ишва билан қараш' маъносини англатадиган арабча *жилва* отига (АРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ноз-ишва билан қарашни кўп қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРЗАРДА Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'жаҳл' маъносини англатадиган *зарда* отига (ТжРС, 151) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жаҳли тез-тез чиқадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРИЛДИЗ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *илдиз* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'илдизи жуда тармоқланиб кетадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРМАЗМУН Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'маъно', 'маъно мундарижаси' маъносини англатадиган арабча *мазмун* отига (АРС, 462) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бой мазмунли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 39).

СЕРМЕВА Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'дарахт ҳосили' маъносини англатадиган *мева* отига (ТжРС, 226) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўп ҳосил берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 40).

СЕРОБ Бу бирлик тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'сув' маъносини англатадиган *об* отига (ТжРС, 279) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида 'серсув' (мева), 'мўл-кўл' (нарса) маъносини англатади (ТжРС, 354); ўзбек тилига 'мўл-кўл'

www.ziyouz.com kutubxonasi

(нарса) маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 40). Бу равишдан ўзбек тилида *серобгарчилик, серобчилик* мавҳум отлари ясалган.

СЕРОБГАРЧИЛИК *қ.* сероб

СЕРОБЧИЛИК *қ.* сероб

СЕРПАРДОЗ Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'зеб бериш' маъносини англатадиган *пардоз* отига (ТжРС, 299) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқ даражада пардоз берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 40).

СЕРСОҚОЛ Бу сифат ўзбек тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *соқол* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'соқоли қуюқ ўсадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 40).

СЕРСУТ Бу сифат ўзбек тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *сут* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сутни кўп берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 40).

СЕРТАКАЛЛУФ Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбек тилида 'ҳурмат кўрсатиб муомалада бўлиш' маъноси билан ишлатиладиган арабча *такаллуф* отига (АРС, 696; ЎТИЛ, II, 109) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқ даражада мулозамат кўрсатадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРТАШВИШ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'безовталик' маъносини англатадиган арабча *ташвиш* отига (АРС, 421) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ортиқча ташвиш келтирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРУНУМ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *унум* отига қўшиб ҳосил қилинган бўлиб,'мўл ҳосил берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРФАРЗАНД Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'ота-онасининг ўғли ёки қизи' маъносини англатадиган тожикча *фарзанд* отига (ТжРС, 406) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўғил-қизи кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРХАРХАША Бу сифат тожик тилида 'мўл' маъносини ифодалайдиган *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'арзимаган нарсани деб инжиқлик, жанжал қилиш' маъносини англатадиган *хархаша* отига (ТжРС, 420) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'арзимаган баҳона билан инчиқлик, жанжал қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРЧИҚИМ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *чиқим* отига (ЎТИЛ, II, 374) қўшиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган бўлиб, 'кўп маблағ сарфлашни талаб қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРҚАТНОВ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *қатнов* отига (ЎТИЛ, II, 561) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'одам ва транспорт меъёрдан ортиқ ўтадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРҚУЙОШ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) ўзбекча *қуйош* отига (ЎТИЛ, II, 613) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қуёш чарақлаб турадиган кунлари кўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРҒАЙРАТ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'бирор ишни шиддат билан бажаришга интилиш' маъносини англатадиган арабча *ғайрат* отига (АРС, 577) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ғайратга тўлиб-тошган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 41).

СЕРҲОСИЛ Бу сифат 'мўл' маъносини ифодалайдиган тожикча *сер-* олд қўшимчасини (ТжРС, 353) 'экин ва дарахтдан олинадиган маҳсулот' маъносини англатадиган арабча *ҳосил* отига (АРС, 177; АТГ, 147) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маҳсулдор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 42).

СЕТОР Бу от тожик тилида 'уч' маъносини англатадиган *се* санок сони билан (ТжРС, 352) 'чолғу асбобларининг чертганда тебраниб овоз чикарадиган ипи' маъносини англатадиган *тор* отидан (ТжРС, 205) тузилган бўлиб, 'уч торли тамбурсимон чолғу асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 42).

СЕШАНБА Бу от тожик тилида 'уч' маъносини англатадиган *се* санок сони билан (ТжРС, 352) *шанбе* отидан (ТжРС, 451) тузилган бўлиб, ўзбек тилига охирги *е* (*э*) товушини *а* товушига алмаштириб олинган: 'ҳафтанинг душанбадан кейинги куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 42).

СЕҲРГАР Бу сифат 'ўзига итоаткор қилиб олишга қодир қобилият' маъносини англатадиган арабча *сиҳр* отининг (АРС, 349) тожик тилига *и* товушини э(*е*) товушига алмаштириб олинган *сеҳр* шаклига (ТжРС, 356) тожикча *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сеҳрлаш қобилиятига эга', 'жодугар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 42).

СИЙНА Бу от ПРСда [*сине*] шаклида (301), ТжРСда *сина* шаклида (358) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шаклидаги *и* товушини *ий* товушларига алмаштириб олинган; 'кўкрак' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 44).

СИЙОҲ Бу тожикча сифат асли 'қора' маъносини англатади; аввалари фақат қора рангли бўлгани туфайли 'хат ёзишда ишлатиладиган суюклик' маъносини ҳам англата бошлаган (ТжРС, 356; ЎТИЛ, II, 44).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИЙОҲДОН Бу от тожик тилида *сийоҳ* отига (қ.) *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сиёҳ қуйиб қўйиладиган ёзув асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 44).

СИМОБ Бу от тожик тилида 'кумуш' маъносини англатадиган *сим* оти билан (ТжРС, 357) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'оддий температура шароитида суюқ ҳолатда бўладиган кумуш ранг металл' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 49).

СИМОБИ Бу сифат тожик тилида *симоб* отига (қ.) *-и* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'симоб рангли', 'кумуш рангли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 49).

СИПОҲ Бу от ПРСда [*сепаһ*] шаклида (272), ТжРСда *сипоҳ* шаклида (359) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; асли 'лашкар' маъносини англатади; ўзбек тилида 'пиёдадан бошқа шаҳмат доналари' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 54).

СИРДОШ Бу сифат ПРСда [*серр-даш*] шаклида (280), ТжРСда *сирдошт* шаклида (359) келтирилган; форсча шаклда 'махфий тутилган иш, фикр' маъносини англатадиган арабча *сирр* оти аслига кўра *рр* ҳарфлари билан ёзилган, тожикча шаклда битта *р* ҳарфи ёзилган; форсча шаклдаги *е* (э) товуши тожикча шаклда *и* товуши билан берилган. Бу сифат таркибидаги *дош* қисми 'оға-ини' маъносини англатадиган *дадаш (додаш)* отининг қисқарган шаклига тенг (ПРС,206: *дадаш;* 207: *даш* скр. от *дадаш*); тожикча шаклдаги *дошт* қисми 'сақла-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дошт* ўтган замон асосига тенг. *Сирдош* сифати 'махфий иш, фикрларни ҳам сақлай оладиган яқин киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 55). Шунга кўра бу сифат ўзбек тилига тожик тилидан *дошт* қисми охиридаги *т* товушини ташлаб олинган дейиш тўғри.

СИТАМГАР Бу сифат тожик тилида 'жабр-жафо' маъносини англатадиган *ситам* отига (ТжРС, 360) *-гар қўшимча*сини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жабр-жафо қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 57). Бу сифат *ситамкор* шаклида ҳам ишлатилади.

СИТАМКОР қ. ситамгар

СИТОРА Бу тожикча от 'юлдуз' маъносини англатади (ТжРС, 360). Ўзбек тилидаги *истараси иссиқ* ибораси асли тожикча *ситораш гарм метобад* иборасининг (ТжРС, 360) муқобили бўлиб, *ситора* оти бошланишига *и* товушини қўшиб, *с* товушидан кейинги *и* товушини ташлаб, *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; бу ибора 'жозибали' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 58).

СИХМОЛА Бу от тожик тилида 'кабоб пишириш учун металлдан тайёрланадиган ингичка, учи найза буюм' маъносини англатадиган *сих* оти билан (ТжРС, 360) 'ҳайдалган ернинг кесагини майдалаб текислаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби' маъносини англатадиган *мола*

www.ziyouz.com kutubxonasi

отидан (ТжРС, 232) тузилган бўлиб, 'тишли мола' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 58).

СОАТСОЗ Бу от тожик тилида 'бир кеча-кундузнинг 24 қисмидан бир қисмига тенг вақт' маъносини, шу маънодан ўсиб чиққан 'вақт ўлчовини кўрсатадиган асбоб' маъносини англатадиган арабча *соат* отига (АРС, 382) 'тузат-', 'яса-' маъносини англатадиган тожикча *сохтан* феълининг *соз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 364,362) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'соат тузатувчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 61).

СОВДА *қ.* савдо

СОВДАЛАШ- *қ.* савдолаш-

СОДДА Бу сифат ПРСда [*саде*] шаклида (267), ТжРСда *содда* шаклида (362) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Бу сифат кўп маъноли бўлиб, 'тузилиши, таркиби мураккаб бўлмаган', 'оддий' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 64).

СОДДАДИЛ Бу сифат тожик тилида *содда* сифати билан (қ.) 'кўнгил' маъносини англатадиган *дил* отидан (ТжРС, 129) тузилган бўлиб, 'қувлик-шумликни билмайдиган', ' ишонувчан' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 64).

СОЙАБОН Бу от тожик тилида 'қуёш нури тик тушмайдиган жой', 'кўланка' маъносини англатадиган *сойа* отига (ТжРС, 364) *-бон* кўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қуёш нуридан тўсадиган буюм', 'зонтик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 72). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *б* товушини *в* товушига алмаштириб *сойавон* шаклида ҳам айтилади.

СОЙАВОН *қ.* сойабон

СОЙАКИ Бу от тожик тилида 'қуёш нури тик тушмайдиган жой' маъносини англатадиган *сойа* отига *-и* кўшимчасининг *-ги* шаклини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 364: *сояги*), ўзбек тилида *г* товуши *к* товушига алмаштирилган; асли 'қуёш нури тушмайдиган жойда етиштирилган' маъносини англатиб, ўзбек тилида 'узумнинг маълум бир нави' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 72).

СОЙАПАРВАР Бу сифат 'қуёш нури тик тушмайдиган жой' маъносини англатадиган *сойа* отига (ТжРС, 364) 'ўстир-' маъносини англатадиган *парвардан* феълининг (ТжРС, 298) *парвар* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, кўчма маъносида 'меҳнат қилишга кўникмаган', 'қийинчилик кўрмай ўсган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 72).

СОЙА-САЛҚИН Бу жуфт сифат 'қуёш нури тик тушмайдиган жой' маъносини англатадиган тожикча *сойа* оти билан (ТжРС, 364) ўзбекча *салқин* сифатидан тузилган бўлиб, 'ҳам соя, ҳам салқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II,73).

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОЛНОМА Бу от тожик тилида 'йил' маъносини англатадиган *сол* оти билан (ТжРС, 363) 'ёзув' маъносини англатадиган *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, 'йиллар тарихи баёни', 'календарь' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 67).

СОМСА Бу от форс тилида 'тиш' маъносини англатадиган [*сенн*] оти билан (ПРС,292) 'ўпич' маъносини англатадиган [*бусе*] отидан (ПРС,74) тузилган [*сӓмбусе*] оти бўлиб (ПРС,292), *сенн* оти таркибидаги э (*е*) товуши *а* товушига, *нн* товушлари *м* товушига алмашган; шундай шакли асосида тожик тили луғатига *"самбўса* қ. *санбуса "* шаклида киритилган (ТжРС, 339). Ўзбек тилига тожикча *самбўса* шакли *с* товушидан кейинги *а* товушини *о* (*â*) товушига алмаштириб, *бў* товушларини ташлаб *сомса* шаклида олинган; асли мажозга асосланган бу от 'тишўпар' маъносини англатган бўлиб, ўзбек тилида 'хамирни кичик доира шаклида ёйиб, гўшт ёки қовоқ, пиёз тўғрамлари солиб тугиб тандирда, газплитада пиширидадиган таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 68).

СОМСАПАЗ Бу от тожик тилида *сомса* отига (қ.) 'пишир-' маъносини англатадиган *пухтан* феълининг (ТжРС, 315) *паз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 295) қўшиб ҳосил килинган бўлиб, 'сомса пишириб сотувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 68). Бу отдан ўзбек тилида *сомсапазлик* оти ясалган.

СОМСАПАЗЛИК қ. сомсапаз

СОПОЛ Бу от тожик тилида *сафол* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 349), ўзбек тилига *а* товушини *а* (*â*) товушига, *ф* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'махсус усулда пиширилган (куйдирилган) лой' маъносини англатади: *сопол товоқ, сопол қувур* каби (ЎТИЛ, II, 69).

СОХТА Бу сифат 'кур-', 'ярат-' маъносини англатадиган тожикча *сохтан* феълининг *сохта* ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 364), 'ҳақиқий бўлмаган', 'етарли асосга эга бўлмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 70). Бу сифат билан ўзбек тилида *сохталаштир-* феъли ясалган.

СОХТАЛАШТИР- қ. сохта

СОҒОНА Бу от ТжРСда *саѓона* шаклида келтирилган (354); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги *а* товуши *о* (*â*) товушига алмаштирилган; 'қабр устига қўйиладиган ёдгорлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 74). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *саѓана* шаклида ҳам айтилади.

СОҲИБКОР Бу сифат тожик тилида 'эга', 'хўжайин' маъносини англатадиган арабча *соҳиб* оти билан (АРС, 429) 'иш', 'меҳнат' маъносини англатадиган тожикча *кор* отидан (ТжРС, 192) тузилган бўлиб, 'ўз иш-фаолиятининг устаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 74).

СУБҲИДАМ Бу от 'тонготар' маъносини англатадиган арабча *субҳ* оти билан (АРС, 427) 'пайт' маъносини англатадиган тожикча *дам* отидан (ТжРС, 114: *дам* I 4) тузилган изофа бирикмаси бўлиб, тожик тилидаёқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ёзиладиган бўлган (ТжРС, 367); 'эрта тонг', 'тонг отар пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 79).

СУВДОН Бу от ўзбекча *сув* отига тожикча *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қушга сув бериладиган идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 80).

СУД II Бу тожикча от 'савдодан тушадиган фойда', 'қарзга бериладиган пул эвазига олинадиган катта процент' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 81).

СУДХЎР Бу от тожик тилида 'қарзга бериладиган пул эвазига олинади-ган катта процент' маъносини англатадиган *суд II* отига (к.) 'еб-ич-' маъноси-ни англатадиган *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қарзга бериладиган пул эвазига катта процент олиб бойлик орттирадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 82).

СУННАЙ *қ.* сурнай

СУРИП *қ.* сурп

СУРМА Бу от ПРСда [*сорме*] ва [*сурме*] шаклларида (284), ТжРСда *сурма* шаклида (369) келтирилган; ўзбек тилига тожик тили шакли олинган; 'кумушсимон оқ мўрт металл', 'шундай кимёвий элемент таркибида бор пардоз бўёғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 87).

СУРМАДОН Бу от *сурма* отига (к.) *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сурма солиб қўйиладиган идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 87).

СУРМАЧЎП Бу от тожик тилида *сурма* оти билан (к.) 'дарахт' маъносини англатадиган *чўб* отидан (ТжРС, 448) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *б* товуши *п* товушига алмаштирилган; 'сурма қўйишда ишлатиладиган махсус ингичка чўп' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 87).

СУРНАЙ Бу от тожик тилида 'ҳайвон шохи' маъносини англатадиган арабча *сур* оти билан (АРС, 450) 'сибизға' маъносини англатадиган тожикча *най* отидан (к.) тузилган бўлиб, 'шакли шохга ўхшаш, бармоқлар билан тешикчаларини очиб-ёпиб пуфлаб чалинадиган ингичка ўткир овозли музика асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 87). Бу отдан ўзбек тилида *сурнайчи* оти ясалган. Ўзбек сўзлашув тилида бу от таркибидаги *р* товуши *н* товуши таъсирида *н* айтилади (*суннай*).

СУРНАЙЧИ *қ.* сурнай

СУРП Бу от *суф* товуш таркибига эга дейилиб (ТжРС, 370), сўзлашув тилида *сурф* шаклида айтилиши таъкидланган (ТжРС, 369). Асли биринчи деб *сурф* товуш таркибини танлаш тўғри эди. ЎТИЛда бу от *сурп* товуш таркиби билан келтирилиб, маъноси 'сидирға ип газлама ' деб таърифланган (ЎТИЛ, II, 87): *сур* қисми 'сидирға' маъносини англатади десак, унга *ип* оти қўшилган деб тахмин қилиш мумкин; ўзбек сўзлашув тилида бу от ҳақиқатда *сурип* тарзида айтилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУСАЙ- қ. суст

СУСТ Бу тожикча сифат 'шошилмай, секин иш қиладиган' маъносини англатади (ТжРС, 370; ЎТИЛ, II, 88). Бу сифатдан ўзбек тилида охирги *т* товушини ташлаб айтиладиган *сус* шаклига *-ай* қўшимчасини қўшиб *сусай-* феъли ясалган.

СУСТКАШ Бу сифат тожикча *суст* сифатига (қ.) 'торт-' маъносини англатадиган *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 134) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'имиллаб иш қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 88). Бу сифатдан ўзбек тилида *сусткашлик* мавҳум оти ясалган.

СУСТКАШЛИК қ. сусткаш

СУХАНДОН Бу от тожик тилида 'нутқ' маъносини англатадиган *сухан* отига (ТРС, 370) 'бил-' маъносини англатадиган *донистан* феълининг *дон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 135) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гапга чечан', 'нотиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 89).

СУҲБАТИЖОН Бу сифат асли 'мулоқот' маъносини англатадиган арабча *суҳбат* оти билан (АРС, 430) тожикча *жон* отидан (қ.) тузилган *суҳбати жон* изофа бирикмасига тенг бўлиб, қисмлари қўшиб ёзилади; 'суҳбати кишига ором берувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 93).

СЎЗАК Бу от ПРСда [*сузак*] шаклида (296), ТжРСда *сўзок* шаклида (372) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли *о* (*ӣ*) товушини *а* товушига алмаштириб олинган; асли 'оғриқ' маъносини англатадиган *сўз* отига (ТжРС, 371: *сўз 2*) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сийдик йўлларининг яллиғланишидан иборат юқумли таносил касаллиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 94).

СЎЗАН Бу тожикча от асли 'томон' маъносини англатадиган *сӯ* отига (ТжРС, 371) 'ур-' маъносини англатадиган *задан* феълининг *зан* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 148,149) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пойабзал тикишда мўмланган ипни чармни тешиб икки томонидан ип ўтказишда ишлатиладиган игна' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 94).

СЎЗАНА Бу от 'игна' маъносини англатадиган тожикча *сӯзан* отига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида 'сидирға газламага гул тикиб тайёрланган, деворга осиладиган безак буюми' (гулкўрпа) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 94). Бу от ТжРСда *сӯзани* шаклида келтирилиб, юқоридаги каби маънони англатиши айтилган (371); ПРСда ҳам шундай шаклда келтирилиб, 'чойнак остига, оёқ остига тўшаладиган гул тикилган мато' маъносини англатиши айтилган (296). Кўринадики, бу от ўзбек тилида янги маънони англатиш учун ишлатилади.

СЎХТА Бу от 'куй-' маъносини англатадиган тожикча *сӯхтан* феълининг *сӯхт* ўтган замон асосига (ТжРС, 372) *-а* қўшимчасини (ТжРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'куйдирилган пахта', 'пиликнинг куйган учи' маъноларини англатади (ТжРС, 372: *сўхта 2*; ЎТИЛ, II, 100).

Т

ТАБИАТШУНОС Бу от 'оламдаги бутун борлиқ' маъносини англатадиган арабча *табиат* отига (АРС, 467) 'бил-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 457) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *шинос* қисми таркибидаги *и* товуши *у* товушига алмаштирилган; 'табиатни ўрганувчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 102). Бу отдан ўзбек тилида *табиатшунослик* оти ясалган.

ТАБИАТШУНОСЛИК *қ.* табиатшунос

ТАБРИКНОМА Бу от 'яхши ният билдириб айтиладиган (ёзиладиган) сўзлар' маъносини англатадиган арабча *табрик* оти билан (АРС, 67) 'хат' маъносини англатадиган тожикча *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, 'қутлов сўзлари ёзилган хат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 103).

ТАВСИЙАНОМА Бу от 'бирор киши ёки нарсадан фойдаланиш ҳақида билдирилган маълумот' маъносини англатадиган арабча *тавсийа* оти билан (АРС, 893) 'хат' маъносини англатадиган тожикча *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, 'тавсия қилиш ҳақидаги ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 105).

ТАГДОР Бу сифат тожик тилида 'ост' маъносини англатадиган *таг* отига (ТжРС, 375) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'асосли', 'замирида яширин фикр-мақсад мавжуд' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 105).

ТАГДЎЗИ Бу сифат тожик тилида 'ост' маъносини англатадиган *таг* оти билан (ТжРС, 375) 'тик-' маъносини англатадиган *дўхтан* феълининг (ТжРС, 144) *дўз* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 143) тузилган бирликка *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'таги бир рангдаги ипак билан сидирғасига тўлдирилган' маъносини англатади: *тағдўзи дўппи* каби (ЎТИЛ, II, 105). Бу сифат изоҳли луғатга *тақдўзи* шаклида ҳам киритилиб (ЎТИЛ, II, 109), 'чамандагул' маъноси биркитилган.

ТАГСИНЧ Бу от 'ост' маъносини англатадиган тожикча *таг* оти билан (ТжРС, 375) ўзбекча *синч* отидан тузилган бўлиб, 'синчли иморатнинг пойдеворига ётқизиладиган ва устига синчлар ўрнатиладиган узун, бақувват ёғоч' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 105).

ТАДБИРКОР Бу сифат 'бирор ишни рўёбга чиқариш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар' маъносини англатадиган арабча *тадбир* отига (АРС, 245) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўйлаб, режа билан фаолият олиб борувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 106).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАКДЎЗИ қ. тагдўзи

ТАЛАБГОР Бу сифат 'излаш', 'сўров' маъноларини англатадиган арабча *талаб* отига (АРС, 477) тожикча *-гор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ишни бажариш хоҳишини билдирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 110).

ТАЛАБНОМА Бу от 'излаш', 'сўров' маъносини англатадиган арабча *талаб* оти билан (АРС, 477) 'хат' маъносини англатадиган тожикча *нома* отидан (ТжРС, 377) тузилган бўлиб, 'маълум талаблар баён қилинган расмий хат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 111).

ТАМАГИР Бу сифат 'кучли даражада исташ' маъносини англатадиган арабча *тама* отига (АРС, 481) 'ол-' маъносини англатадиган тожикча *гирифтан* феълининг (ТжРС, 103) *гир* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 102) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'нимадир олишни, ундиришни истовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 113). Бу сифатдан ўзбек тилида *тамагирлик* мавҳум оти ясалган.

ТАМАГИРЛИК қ. тамагир

ТАМАКИ Бу от ТжРСда *тамоку* шаклида келтирилиб, "табак, курево" деб изоҳланган (ТжРС, 379). Ўзбек тилига *о* (*â*) товушини *а* товушига, *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'чекимлик сифатида ишлатиладиган йирик баргли ўсимлик', 'шу ўсимликнинг қуритилган барглари' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 113). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *томоки* тарзида ҳам айтилади.

ТАМАКИДОН Бу от *тамаки* отига (қ.) *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тамаки солинадиган халтача (идиш)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 113).

ТАМИЗ Бу от ПРСда [*тăмйиз*] шаклида (133), ТжРСда *тамиз* шаклида (379) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; ПРСда бу от 'фаркланиш', 'ажралиб туриш' маъносини, ТжРСда эса бундан ташқари 'фаҳм-фаросат' маъносини англатиши айтилган; ўзбек тилига 'фаҳм-фаросат' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 113).

ТАНА I Бу тожикча от 'гавда' маъносини англатадиган *тан* отига (ТжРС, 379) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гавданинг бош, қўл, оёқлардан ташқари қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 115).

ТАНА II Бу от *тана I* отидан (қ.) маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан бўлиб, 'бир-икки ёшли уруғочи бузоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 117).

ТАНГИ (ТАҢИ) Бу от тожик тилида 'тор' маъносини англатадиган *танг (таң)* сифатига (ТжРС, 380) *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *ӣ* товушининг чўзиқлиги йўқолган; тожик тилида 'торлик' маъносини , ўзбек тилида 'икки тоғнинг остки туташган тор ери', 'тор дара' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 117).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНИЖОН *Танижонингиз соғми?* жумласи таркибида ишлатиладиган бу от тожикча *тан* ва *жон* отларидан (қ.) тузилган бўлиб, 'кишининг бутун борлиғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 117).

ТАННАРХ Бу от тожикча 'гавда' маъносини англатадиган *тан* оти билан (ТжРС, 379) 'қиймат' маъносини англатадиган *нарх* отидан (ТжРС, 258) тузилган бўлиб, 'маҳсулотнинг ишҳақи ва ишлабчиқариш харажатларидан иборат ўз баҳоси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 119).

ТАННОВ қ. тарнов

ТАНОВАР ПРСда [*тänäввор*] оти келтирилиб, 'ёрқинлик' маъносини англатиши айтилган (135). Ўзбек тилининг изоҳли луғатида 'рақс куйларидан бирининг номи ' деб изоҳланган *тановар* оти (II, 119) ана шу форсча отнинг товўш жиҳатидан жиддий ўзгарган шакли бўлса керак : иккинчи бўғиндаги *а* товуши *о (â)* товушига, охирги бўғиндаги *о (ў)* товуши *а* товушига алмаштирилган, *вв* товушларидан бири айтилмай қўйган.

ТАНТАНАБОЗ Бу сифат ўзбек тилида 'дабдаба билан ўтказиладиган маросим' маъносини англатадиган арабча *тантана* отига (АРС, 482) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган; 'дабдабали маросимлар ўтказишга ўта берилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 119). Бу сифатдан ўзбек тилида *тантабозлик* мавҳум оти ясалган.

ТАНТАНАБОЗЛИК қ. тантанабоз

ТАНТАНАВОР Бу сифат 'дабдаба билан ўтказиладиган маросим' маъносини англатадиган арабча *тантана* отига (АРС, 482) 'эга' маъносини ифодалайдиган тожикча *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тантанали тусга эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120).

ТАНҚИДБОЗ Бу сифат 'ютуқ-камчиликларни кўрсатган ҳолда билдирилган фикр' маъносини англатадиган арабча *танқид* отига (АРС, 822) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, бўлар-бўлмасга танқид қилишни яхши кўрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 120). Бу сифатдан ўзбек тилида *танқидбозлик* мавҳум оти ясалган.

ТАНҚИДБОЗЛИК қ. танқидбоз

ТАП ТОРТ- 'Чўчи-', 'ҳадиксира-' маъносини англатадиган бу бирикма (ЎТИЛ, II, 121) таркибидаги *тап* қисми асли 'безовта бўл-' маъносини англатадиган тожикча *тапидан* феълининг (ТжРС, 381) *тап* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, 'безовталаниш' маъносини, бирикма эса 'безовта бўл-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 121).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАР: *тар мева* бирикмаси таркибида қатнашадиган *тар* қисми 'нам', 'сувли' маъносини (ТжРС, 381), *тар мева* бирикмаси эса 'янги етилган сувли мева' маъносини (ЎТИЛ, II, 122) англатади.

ТАРАФДОР Бу сифат ўзбек тилида 'томон' маъносини англатадиган арабча *тараф* отига (АРС, 472) 'эга бўл-', 'тут-' маъноларини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир неча киши, гоя, ҳаракатдан бирини ёқловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 123).

ТАРАФКАШ Бу сифат ўзбек тилида 'томон' маъносини англатадиган арабча *тараф* отига (АРС, 472) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор томон кишиларининг фаолиятини қўллаб-қувватловчи', 'тарафма-тараф бўлиб курашувчи томонлардан бирига қатъий тарафдор ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 124).

ТАРАША Бу от 'рандала-', 'ёр-' маъносини англатадиган тожикча *тарошидан* феълининг *тарош* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 383) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *о (â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ёриб майдаланган ўтин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 124).

ТАРАШЛА- Бу феъл тожикча 'йўн-', 'ёр-' маъносини англатадиган *тарошидан* феълининг *тарош* ҳозирги замон асоси (ТжРС, 383) таркибидаги *о (â)* товуши *а* товушига алмаштирилган *тараш* шаклига *-ла* қўшимчасини қўшиб ўзбек тилида ясалган бўлиб, 'қир- (соч, соқолни)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 124).

ТАРАҚҚИЙПАРВАР Бу сифат 'юксалиш', 'ўсиш' маъносини англатадиган арабча *тараққий* отига (АРС, 310) 'тарбияла-', 'парваришла-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг (ТжРС, 298) *парвар* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тараққиёт учун курашувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 125).

ТАРНОВ Бу от тожик тилида 'нам' маъносини англатадиган *тар* оти билан (ТжРС, 381) 'сув оқиши учун қурилган мослама' маъносини англатадиган *нов* отидан (ПРС,557) тузилган бўлиб, 'сув оқиши учун қурилма' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 127). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *таннов* тарзида ҳам айтилади.

ТАРОЗИ Бу от асли *тарозу* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 383), ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; лекин *Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тош, тарозу* ҳикмати таркибида бу отнинг асл товуш таркиби сақланган; бу от 'оғирлик ўлчаш асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 128).

ТАРОЗИБОН Бу от тожикча *тарози* отига (қ.) *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сотиш-олишда молнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

оғирлигини тарозида тортиб берадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 128).

ТАРОЗУ қ. тарози

ТАХТА Бу от 'текис' маъносини англатадиган *тахт I 2* отидан (ТжРС, 386) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган бўлиб, 'ғўладан узунасига текис тилиб олинган ясси ёғоч' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 135).

ТАХТАКАЧ Бу от асли *тахта* оти билан (к.) 'қийшайган', 'синган' маъносини англатадиган тожикча *кач* сифатидан (ТжРС, 185) тузилган бўлиб, ўзбек тилига ч товушини ч товушига алмаштириб олинган; 'синган, чиққан аъзонинг суякларини ўрнига қўйиб, қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйишда ишлатиладиган махсус тахтача', 'бирор буюмни сиқиб, тах солиш учун ишлатиладиган ост-уст тахтачадан иборат асбоб' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 136). Бу отдан ўзбек тилида *тахтакачла-* феъли ясалган.

ТАХТАКАЧЛА- қ. тахтакач

ТАХТУ БАХТ Бу от тожикча 'ҳукмдор ўтириши учун сарой тўрига ўрнатилган, махсус безатилган ўриндиқ', 'ҳукмдорлик' маъносини англатадиган *тахт I* отини (ТжРС, 386) *-у* боғламаси орқали 'толеидан мамнунлик' маъносини англатадиган *бахт* отига боғлаб тузилган бўлиб, 'ҳам тахт, ҳам бахт' маъноси билан *тахту бахтдан воз кечиб* бирикмаси таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 136). ЎТИЛга бу отни *-и* изофаси билан киритилгани ўринли бўлмаган.

ТАХТИРАВОН Бу от асли 'ҳукмдор ўтирадиган ўриндиқ' маъносини англатадиган *тахт* отини 'юр-' маъносини англатадиган *рафтан* феълининг (ТжРС, 322) *рав* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 317) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилиниб, 'юрадиган' маъносини англатувчи *равон* сифатига боғлаб тузилган изофа бирикмаси бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'мартабали амалдорни, бадавлат кишини ўтирғизиб кўтариб юриладиган усти ёпиқ ҳашаматли замбар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 136).

ТАШАББУСКОР Бу сифат 'бирор ишни бажаришга даъват этиш' маъносини англатадиган арабча *ташаббус* отига (АРС, 390) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ташаббус кўрсатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 136).

ТАШВИШМАНД Бу сифат 'безовталик' маъносини англатадиган арабча *ташвиш* отига (АРС, 421) тожикча *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бошига ташвиш тушган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 137).

ТАҚВОДОР Бу сифат 'гуноҳ, ҳаром ишлардан ўзини тийиш' маъносини англатадиган арабча *тақво* отига (АРС, 908) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гуноҳ, ҳаром ишлардан ўзини сақловчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 145).

ТЕЖАМКОР Бу сифат ўзбек тилида 'исроф қилмай, керагича ўз ўрнида ишлатиш' маъносини англатадиган ўзбекча *тежам* отига тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'исроф қилмай, керагича ўз ўрнида ишлатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 152). Бу сифатдан ўзбек тилида *тежамкорлик* мавҳум оти ясалган.

ТЕЖАМКОРЛИК *қ.* тежамкор

ТЕЗ Бу бирлик ПРСда [*тиз*] шаклида (141), ТжРСда *тез* шаклида (392) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; кўп маъноли бу бирликнинг бош маъноси деб ПРСда, ТжРСда 'кескир', 'санчилувчан', иккиламчи маъноси деб 'шиддат билан', 'зудлик билан' маъноси таъкидланган; ЎТИЛда бош маъно деб 'дарров', 'жадал' маъноси келтирилган (II,153). Шундай маънони англатадиган бирликка *-лик* қўшимчасини қўшиб *тезлик* мавҳум оти ясалган.

ТЕЗДА , ТЕЗДАН Бу равиш ўзбек тилида 'зудлик' маъносини англатиб келган тожикча *тез* отининг (ТжРС, 141) *-да, -дан* келишик қўшимчалари қўшилган шакли бўлиб, шу шаклда равишга айланган; 'зудлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 153).

ТЕЗКОР Бу сифат тожик тилида *тез* сифатига (к.) *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ишни тез, чаққон бажарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 153).

ТЕЗЛИК *қ.* тез

ТЕЗОБ Бу сифат тожикча *тез* сифати билан (ТжРС, 392) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, ПРСда (141) ва ТжРСда (392) 'кислота' маъносини англатиши айтилган; ЎТИЛда (II,154) шунга яқин маъно иккинчи маъно сифатида келтирилиб, биринчи маъно деб 'тез оқадиган' маъноси айтилган, лекин бундай маъно форс ва тожик тиллари луғатида келтирилмаган; демак, ўзбек тилида юзага келган.

ТЕКИНХЎР Бу сифат ўзбек тилида *текин* сифатига 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг *хўр* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 434) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'меҳнат қилмай, бошқа кишилар ҳисобига яшайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 155).

ТЕЛБАНАМО Бу сифат 'ақлдан озган' маъносини англатувчи ўзбекча *телба* сифатига (ЎТИЛ, II, 156) 'ўхшаб кўрин-' маъносини англатадиган тожикча *намудан* феълининг (ТжРС, 257) *намо* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 256) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жиннига ўхшаб хатти-ҳаракатлар қилувчи, гапирувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 157).

ТЕЛБАСАРО Бу сифат 'ақлдан озган' маъносини англатадиган ўзбекча *телба* сифатига (ЎТИЛ, II, 156) 'куйла-' маъносини англатадиган тожикча *сурудан* феълининг (ТжРС, 369) *саро* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 346)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пойма-пой сўзларни гапириб юрадиган бўлиб қолган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 157).

ТЕЛЕТОМОШАБИН Бу от ўзбек тилида русча *телезритель* отининг калькаси сифатида ҳосил қилинган бўлиб, бу от таркибидаги *теле-* қисми *телевизор* оти таркибидаги *визор* қисмини ташлаш билан юзага келган; асли 'узоқ' маъносини англатади (СИС, 634); *томошабин* оти ўз ўрнида изоҳланди.

ТЕПАКАЛ Бу сифат 'юқори' маъносини англатадиган ўзбекча *тепа* оти билан (ЎТИЛ, II, 171) 'сочи тўкилган' маъносини англатадиган тожикча *кал* сифатидан (ТжРС, 176) тузилган бўлиб, 'бошининг тепа қисмидаги сочлари тўкилиб кетган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 172).

ТЕРАКЗОР Бу от ўзбекча *терак* отига тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'терак дарахти ўсадиган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 174).

ТИЛКА-ПОРА Бу жуфт сифат 'бўлак' маъносини англатадиган тожикча *тилка* ва тожикча *пора* (к.) сифатларидан тузилган бўлиб, 'майда-майда бўлакларга ажратилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 177).

ТИЛЛА Бу от ПРСда [*тела, тäла*] шаклларида (335), ТжРСда *тилло* шаклида (393) ёзилган; ўзбек тилига тожикча шакли *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'олтин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 177). Бу от бадиий асарда *тилло* шаклида ҳам ишлатилади.

ТИЛЛАҚОШ Бу от тожикча *тилла* оти билан (к.) ўзбекча *қош* отидан тузилган бўлиб, 'аёлларнинг тилладан ясалган ёки тилла суви югуртирилган, пешанага тақиладиган безак буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 177).

ТИЛЛАҚЎНҒИЗ Бу от тожикча *тилла* оти билан (к.) ўзбекча *қўнғиз* отидан тузилган бўлиб, 'устки қобиғи ялтироқ яшил рангли қўнғиз' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 177).

ТИЛЛО *қ.* тилла

ТИЛШУНОС Бу от ўзбекча *тил* отига 'бил-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 457) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *шинос* асоси таркибидаги *и* товуши ўзбек тилида *у* товушига алмаштирилган; 'тилни ўрганувчи, ўргатувчи олим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 178). Бу отдан ўзбек тилида *тилшунослик* соҳа оти ясалган.

ТИЛШУНОСЛИК *қ.* тилшунос

ТИМ Бу от ПРСда [*тим*] шаклида чўзиқ *ӣ* билан (142), ТжРСда *тим* шаклида ёзилган; ПРСда 'катта карвонсарой' маъносини, ТжРСда 'усти ёпиқ бозор' маъносини англатиши айтилган; ўзбек тилига тожик тилидаги маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 178).

ТИҒ Бу от ПРСда [*тиғ*] шаклида чўзиқ *ӣ* товуши билан (142), ТжРСда *теғ* шаклида (393) ёзилган; ўзбек тилига форсча шакли *ӣ* товушининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўзиқлигини ташлаб олинган; 'қилич, ханжар, найза каби совуқ қуролларнинг умумий номи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 192).

ТО Бу олд кўмакчи ўрин, пайт маъносини билдирадиган от олдида келтирилиб, 'қадар' маъносини ифодалайди; *қадар, довур* кўмакчилари билан биргаликда ишлатилади : *то баҳорга довур* каби (ЎТИЛ, II, 193).

ТОБ I Бу тожикча от 'куч', 'токат' маъноларини англатади (ТжРС, 395). Ўзбек тилида *Тобим қочди, Тобим йўқ* каби жумлалар таркибида ишлатилади; ўзбек сўзлашув тилида бу жумлалар таркибидаги *б* товуши *в* товушига алмаштириб айтилади: *Товим қочди* каби (ЎТИЛ, II, 193).

ТОБАКАЙ Бу тожикча бирлик асли *то* (к.) *ба* (ТжРС, 39) олд кўмакчилари ва *кай* (қачон?) сўроқ олмошидан тузилган бўлиб (ТжРС, 175: *то ба кай*), ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'қачонгача?' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 193).

ТОБЛА- I Бу феъл 'қиздир-' маъносини англатадиган тожикча *тофтан II* феълининг (ТжРС, 397) *тоб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 395) ўзбекча *-ла* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, 'қиздир-', 'чиниқтир-' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 194). Ўзбек сўзлашув тилида бу феъл *б* товушини *в* товушига алмаштириб *товла-* тарзида ҳам айтилади.

ТОБЛА- II Бу феъл 'чийир-' маъносини англатадиган тожикча *тофтан I* феълининг (ТжРС, 397) *тоб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 395) ўзбекча *-ла* қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб, '(ипни) чийириб пишит-', '(сочни) чийириб пишик ўр-' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 194). Ўзбек сўзлашув тилида бу феъл *б* товушини *в* товушига алмаштириб *товла-* тарзида ҳам айтилади.

ТОБОН Бу сифат 'нурлан-', 'ярқира-' маъносини англатадиган тожикча *тофтан* феълининг (ТжРС, 397) *тоб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 395) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ярқираб турувчи', 'мўл-кўл нур сочувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 194).

ТОВА Бу тожикча от 'қиздир-' маъносини англатадиган *тофтан II* феълининг (ТжРС, 397) *тоб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 395) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 395), ўзбек тилида таркибидаги *б* товуши *в* товушига алмаштирилган; 'қуюқ овқат масаллиғини пиширишда ишлатиладиган , қирғоғи юқорига бироз қайириб ясалган, доира шаклидаги ясси металл хўжалик буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 194).

ТОВЛА- қ. тобла-

ТОВОН II Бу тожикча от 'келтирилган зарарни қоплаш ҳақи' маъносини англатади (ТжРС, 195); ўзбек тилида *товон тўла-, товонига қол-* каби бирикмалар таркибида ишлатилади (ЎТИЛ, II, 195).

ТОЗИ Бу от 'тез югур-' маъносини англатадиган тожикча *тохтан* феълининг (ТжРС, 397) *тоз* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 396) *-ӣ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тез югурадиган от', 'тез югурадиган ит' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 197).

ТОИНКИ Бу тожикча боғловчи асли *то* олд кўмакчиси (к.), *ин* кўрсатиш олмоши (ТжРС, 173), *ки* боғловчисидан иборат бўлиб, ўзбек тилида қўшиб ёзилади; 'мақсад шуки', 'негаки' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 197).

ТОЙ II ПРСда [*тайче*] оти келтирилиб, "тюк, узел" деб изоҳланган (106); шундан маълум бўладики, *той II* асли 'қандайдир молнинг тўп ҳолатидаги боғлами' маъносини англатади: *беш той пахта (ёки газлама)* каби (ЎТИЛ, II, 197). Шу отдан ўзбек тилида *тойла-* ('той-той қилиб тахлаб боғла-') феъли ясалган.

ТОЙЛА -қ. той II

ТОКАЙ(ГАЧА) Бу тожикча пайт сўроқ олмоши *то* олд кўмакчиси (к.), 'қачон?' маъносини ифодалайдиган *кай* олмошидан (ТжРС, 175) тузилган бўлиб, 'қачонгача?' маъносини билдиради; ўзбек тилида бу олмошга *-гача* қўшимчасини қўшиб ишлатиш ҳам мавжуд (ЎТИЛ, II, 198).

ТОКЗОР Бу от 'узум ўсимлиги' маъносини англатадиган тожикча *ток I* отига (ТжРС, 198) *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'узум ўсимлиги билан банд майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 198).

ТОКИ Бу таъкидловчи тожикча *то* олд кўмакчиси (к.) ва *ки* боғловчисидан тузилган бўлиб (ТжРС, 395), 'охир оқибат' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 198).

ТОЛГУЛ Бу от 'ингичка узун баргли, сурх новда отиб ўсадиган дарахт' маъносини англатадиган *тол I* оти билан (ЎТИЛ, II, 198) 'чечак' маъносини англатадиган тожикча *гул* отидан (ТжРС, 106) тузилган бўлиб, 'самбитгул' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 199).

ТОМОКИ қ. тамаки

ТОМОШАБИН Бу от тожик тилида 'ўйин-кулги' маъносини англатиш учун ишлатиладиган арабча *тамошин* отининг (АРС, 756) *тамошо* шаклига (ТжРС, 379) 'кўр-' маъносини англатадиган тожикча *дидан* феълининг (ТжРС, 128) *бин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 71) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *тамошо* қисмидаги *а* товушини *о (â)* товушига, охиридаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'томоша кўрувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 201).

ТОР Бу тожикча от асли 'ип' маъносини англатиб, кейинчалик 'чолғу асбобининг чертиб товуш чиқариладиган ипи' маъносини англата бошлаган (ТжРС, 397 : *тор I*) шу маънодан 'торли чолғу асбоби' маъноси ўсиб чиққан (ТжРС, 397 : *тор V;* ЎТИЛ, II, 205).

ТОҒОРА Бу тожикча от асли *тағора* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 389), ўзбек тилига биринчи бўғиндаги *а* товушини *о (â)* товушига алмаштириб олинган; 'катта чуқур тўгарак идиш' маъносини англатади

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЎТИЛ, II, 212). Бу отдан ўзбек тилида *тоғорача* ('кичик тоғора') оти ҳосил қилинган.

ТОҒОРАЧА қ. тоғора

ТУЗДОН Бу от ўзбекча *туз* отига тожикча *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'туз солиб овқат столига қўйиладиган кичкина идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 219).

ТУЗ-НАМАК Бу жуфт от ўзбекча *туз* оти билан 'туз' маъносини англатадиган тожикча *намак* отидан (ТжРС, 256) тузилган бўлиб, 'овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 220).

ТУНД Бу сифат 'кескинлик хусусияти бор' маъносини англатиб, тожик тилида ҳидга, шамолга, одамга нисбатан (ТжРС, 399); ўзбек тилида эса фақат одамга нисбатан ишлатилади; 'қўпол муомалали', 'бадқовоқ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 223).

ТУРКИЙГЎЙ Бу сифат 'насл-насаби, тили, маданияти, урф-одати асли бир бўлиб, турк деб аталадиган кишиларнинг умумий номи' маъносини англатадиган *турк* отидан *-ий* қўшимчаси билан ясалган *туркий* сифатига 'гапир-' маъносини англатадиган тожикча *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'туркий тилда гапирувчи, ижод қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 225).

ТУРКИЙШУНОС Бу от 'туркларга мансуб' маъносини англатадиган *туркий* сифатига (ЎТИЛ, II, 225) 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феъли (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосининг ўзбек тилига товуш ўзгариши билан олинган *шунос* шаклини қўшиб ҳосил қилинган; 'туркий миллат, халқларнинг тили, адабиёти, маданияти, тарихини ўрганувчи мутахассис' маъносини англатади. Бу от ЎТИЛга киритилмаган. Бу отга "турколог" эмас, "тюрколог" изоҳи мос.

ТУРКОНА Бу сифат *турк* отига тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган; 'туркий халқларга хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 226).

ТУРКШУНОС Бу от *турк* отига 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феъли (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосининг ўзбек тилига товуш ўзгариши билан олинган *шунос* шаклини қўшиб ҳосил қилинган; 'турк миллатининг тили, адабиёти, маданияти, тарихини ўрганувчи мутахассис' маъносини англатади. Бу от ЎТИЛга "турколог" изоҳи билан киритилган (II,226).

ТУРП Бу тожикча от асли *турб* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 399), ўзбек тилига *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'ҳосили кўкиш, пиширилмай овқатга қўшиб ейиладиган думалоқ шаклли сабзовот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 228). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *туруп* тарзида ҳам айтилади.

ТУРУП қ. турп

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУТЗОР Бу от 'барги ипак қуртига асосий озиқ бўладиган жануб дарахти' маъносини англатадиган тожикча *тут* отига (ТжРС, 231) *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тут дарахти ўстириладиган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 232).

ТУХУМ Бу от ПРСда [*тохм*] шаклида (113), ТжРСда *тухм* шаклида (400) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шаклидаги *хм* товушлари оралиғига *у* товушини киритиб олинган; 'уруғочи парранда, тошбақа ва бошқа ҳайвонларнинг бола очиш учун қўядиган, қобиққа ўралган жинсий умуртқаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 236).

ТУҒУРУҚХОНА Бу от ўзбекча *туғуруқ* отига (ЎТЭЛ, 364) тожикча *хона* отини (қ.) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аёллар бола туғиш олдидан ётқизиладиган тиббий муассаса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 241).

ТЎДА Бу от ПРСда [*туде*] шаклида (137), ТжРСда *тӯда* шаклида (400) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'бир ерга тўпланган нарсалар', 'бир ерга тўпланган одамлар' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 242). Бу отдан ўзбек тилида *тӯдала* - феъли ясалган.

ТЎДАЛА- қ. тўда

ТЎЙАНА қ. тўйона

ТЎЙОНА Бу от ўзбекча *тӯй* отига тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'тўй эгасига бериладиган совға, маблағ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 242). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *тӯйана* тарзида ҳам айтилади.

ТЎП II Бу тожикча от асли *тӯб* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 400), ўзбек тилига *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'тўда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 250).

ТЎРВА Бу тожикча от асли *тӯрба* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 401), ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'қопчиқ', 'халта' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 253).

У

УДДАБУРО Бу сифат 'мажбурият' маъносини англатадиган арабча *уҳда* оти билан (АРС, 546; ЎКААҚЛ,355) 'ўткир' маъносини англатадиган тожикча *бурро* сифатидан (ТжРС, 36; ЎТИЛ, II, 152) тузилган; ўзбек тилига *ҳ* товушини *д* товушига алмаштириб, *рр* товушларидан бирини ташлаб олинган; 'ишни усталик билан эпчил бажарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 264). Сўзлашув тилида бу сифат аслига мос равишда иккита *р* товуши билан *уддабурро* тарзида айтилади.

УКПАР Бу от ўзбек тилида 'йиртқич тун қуши' маъносини англатадиган *укки* оти билан (ЎТИЛ, II, 270) 'парранда танасини қоплаб турадиган юмшоқ ва нафис пат' маъносини англатадиган тожикча *пар* отидан тузилган бўлиб, кейинчалик *укки* оти таркибидаги *ки* товушлари айтилмай, қолган қисмлар қўшиб ёзиладиган бўлган; 'ўғил бола бош

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийимига безак учун чатиб қўйиладиган укки пати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 271).

УЛУҒВОР Бу сифат ўзбекча *улуғ* сифатига тожикча *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'салобатли', 'юқори даражадаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 273). Бу сифатдан ўзбек тилида *улуғворлик* мавҳум оти ясалган.

УЛУҒВОРЛИК қ. улуғвор

УЛУҒЗОДА Бу от ўзбекча *улуғ* сифатига 'ўғил', 'фарзанд' маъносини англатадиган тожикча *зода* отини (ТжРС, 156) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'юқори мартабали кишининг фарзанди' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 273).

УМИД Бу тожикча от асли *умед* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 402), ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги э *(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'бир ишнинг амалга ошувини истаб кутиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 274).

УМИДБАХШ Бу сифат тожикча *умед* отига (ТжРС, 402) 'бер-', 'совға қил-' маъносини англатадиган *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *умед* қисми таркибидаги э *(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'умид-ишонч билан қарашга ундайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 274).

УМИДВОР Бу сифат тожикча *умед (қ. умид)* отига *-вор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ишнинг рўёбга чиқишига ишонч ҳосил қилган ' каби маънони англатади (ЎТИЛ, II, 274).

УМРБОД Бу равиш 'ҳаёт' маъносини англатадиган арабча *умр* оти билан (АРС, 540) 'сақлан!', 'мавжуд бўл!' маъносини англатадиган тожикча *бод* хитобидан (ТжРС, 74) тузилган бўлиб, 'умрнинг бошидан охиригача' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 275).

УМРГУЗАРОНЛИК Бу от ўзбек тилида тожикча *умргузаронӣ* оти (ТжРС, 403) охиридаги *-ӣ* қўшимчасини ўзбекча *-лик* қўшимчасига алмаштириб ҳосил қилинган; *умргузарон* оти эса 'ҳаёт' маъносини англатадиган арабча *умр* отига (АРС, 540) 'ўтказ-' маъносини англатадиган тожикча *гузаштан* феълининг *гузар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 106, 105) қўшиб тузилган *умргузар* сифатига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳаёт кечириш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 275).

УСТА Бу тожикча сифат *усто* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 403), ўзбек тилига *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; асли 'бирор ишни моҳирлик билан бажарадиган' сифат маъносини англатади; шу маъно асосида 'малакали мутахассис ' от маъноси ўсиб чиққан (ЎТИЛ, II, 282).

www.ziyouz.com kutubxonasi

УСТАХОНА Бу от тожик тилида *усто* отига (қ. *уста*) *хона* отини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *усто* оти таркибидаги *о* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'бирор нарса ясаш, таъмирлаш билан шуғулланадиган кичик корхона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 282).

УСТИХОН *қ.* устухон

УСТУХОН Бу тожикча от 'суяк' маъносини англатади (ТжРС, 404); ўзбек тилида тузилган *чўпу устухон* сифати таркибида асли шу маъноси билан қатнашади; *устухон* оти ўзбек тилида 'суяк' маъносини эмас, 'овқатга солиб пиширилади суякли гўшт' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 284). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *устихон* тарзида ҳам айтилади.

Ф

ФАНД БЕР- *қ.* панд II

ФАРЗАНД Бу тожикча от 'ота-онанинг боласи' маъносини англатади (ТжРС, 406); адабий ўзбек тилида шу товуш таркиби билан айтилади ва шундай маънони англатади (ЎТИЛ, II, 295); сўзлашув тилида *ф* товуши *п* товушига алмаштирилади, баъзан охирги *д* товуши талаффуз қилинмайди.

ФАРЗИН Бу от 'чаққонлик, тезлик' маъносини англатадиган [*ферзи*] отига (ПРС,367) *-(и)н* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *э(е)* товуши *а* товушига алмаштириб олинган; 'шаҳмат ўйинида энг кучли сипоҳ (королева)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 295).

ФАРЙОД Бу тожикча от 'дод солиш', 'додлаб ёрдамга чақириш' маъносини англатади (ТжРС, 408); ўзбек тилида эса 'дод солиб йиғлаш' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 295).

ФАРМОЙИШ Бу от 'буюр-' маъносини англатадиган тожикча *фармудан* феълининг (ТжРС, 407) *фармо* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 406) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида *ои* товушлари оралиғига *й* товуши киритилган; 'топшириқ', 'кўрсатма' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 296).

ФАРМОН Бу от 'буюр-' маъносини англатадиган тожикча *фармудан* феълининг (ТжРС, 407) *фармо* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 406) *-н* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'буйруқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 296).

ФАРОВОН Бу тожикча сифат 'мукаммаллик' маъносини англатадиган *фар* оти билан (ТжРС, 406) 'замон' маъносини англатадиган *овон* отидан (ТжРС, 283) тузилган бўлиб, 'яшаш учун барча шароит муҳайё' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 296).

ФАҚИРОНА Бу равиш тожик тилида 'қашшоқ' маъносини англатадиган арабча *фақир* сифатига (АРС, 604) тожикча *-она*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фақирларга (қашшоқларга) хос йўсинда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 298).

ФИДОКОР Бу сифат тожик тилида 'ўзини қурбон қилиш' маъносини англатадиган арабча *фидо* отига (АРС, 586) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'фидойи', 'чексиз садоқатли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 299). Бу сифатдан ўзбек тилида *фидокорлик* мавҳум оти ясалган.

ФИДОКИРЛИК қ. фидокор

ФИДОКОРОНА Бу тожикча равиш *фидокор* сифатига (к.) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'фидокорларча', 'чексиз садоқат билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 299).

ФИЛ Бу от ПРСда [*фил*] шаклидан (374) [*пил*] шаклига (102) ҳавола қилинган ва у ерда ҳар икки шакли келтирилган; ТжРСда *пил* шаклидан (306) *фил* шаклига (411) ҳавола қилиниб, ўша ерда 'сиртга чиққан икки курак тишли ва бақувват хартумли жуда катта ҳайвон', 'шаҳмат ўйинида диагонал йўналишда ҳаракат қиладиган сипоҳ' маъноларини англатиши айтилган; ўзбек тилига *фил* шакли шу икки маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 300).

ФИРИБ Бу от 'алда-', 'лақиллат-' маъносини англатадиган тожикча *фиреф*тан феълининг *фиреб* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 411) тенг бўлиб, ўзбек тилига *э(е)* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'қасддан алдаш', 'ҳийла-найранг' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 301).

ФИРИБГАР Бу сифат тожик тилида *фиреб (фириб)* отига (к.) *-гар* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'алдаш, ҳийла-найранг ишлатиш билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 301). Бу сифатдан ўзбек тилида *фирибгарлик* мавҳум оти ясалган.

ФИРИБГАРЛИК қ. фирибгар

ФИРУЗ Бу сифат ПРСда [*фируз*] шаклидан (374) [*пируз*] шаклига (100) ҳавола қилиниб, ўша ерда изоҳланган; ТжРСда аксинча, *пируз* шаклидан (307) *фируз* шаклига (411) ҳавола қилиниб, ўша ерда изоҳланган; ЎТИЛда бу бирлик [*а < ф-т*] таъкиди билан *фируз* шаклида келтирилган (301). Бу луғатдаги таъкидга кўра *фируз* асли форс-тожикча бўлиб, бу тиллардан араб тилига ўтган, кейинчалик ўзбек тилига араб тилидан олинган деб тушуниш лозим бўлади. Аслида эса АРСда *фируз* сифати келтирилмаган, *фируза* оти (к.) келтирилган (615). Демак, бу сифат асли *пируз* шаклига эга деб, бу сифатнинг ПРСда келтирилган шакли аслига тўғри деб хулоса чиқариш мумкин. Ўзбек тилига бу сифат форс тилидан иккиламчи *фируз* шаклида олинган бўлиб чиқади. Бу сифат ПРСда, ТжРСда 'ғолиб', 'бахтли' маъноларини англатиши бир хил таъкидланган; ЎТИЛга бу бирлик от сифатида киритилиб, 'ўзбек халқ куйларидан бирининг номи' деб изоҳлангани етарли эмас (301).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФИРУЗА Бу от ПРСда [*фирузе*] шаклида (374), ТжРСда *фирўза* шаклида (411) келтирилган; ўзбек тилига форс тилидаги шакли *э (е)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган. Ҳар икки луғатта бу бирлик от сифатида киритилиб, "бирюза" деб изоҳланган; ЎТИЛда ҳам шу маъно бош маъно сифатида берилиб, 'мовий', 'ҳаво ранг' сифат маъноси иккинчи ўринда келтирилган; асли бу қимматбаҳо тошга исм унинг ранги асосида берилган, демак, бу бирлик – бош маъносига кўра сифат, кўчма маъносига кўра от. Бу бирлик *фируз* сифатига боғлиқ эмас.

ФИҒОН *қ.* афғон

ФОЛБИН Бу от тожик тилида 'ниманингдир ёрдамида қандай ижобий воқеа-ҳодиса рўй беришини олдиндан айтиб бериш' маъносини англатадиган арабча *фол* отига (АРС, 578) 'кўр-' маъносини англатадиган тожикча *дидан* феълининг (ТжРС, 128) *бин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 71) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қандай воқеа-ҳодиса рўй беришини олдиндан айтиб берувчи киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 304). Бу отдан ўзбек тилида *фолбинлик* оти ясалган.

ФОЛБИНЛИК *қ.* фолбин

ФОРСИЙ Бу сифат *форс* отига (ТжРС, 413) *-ӣ(-ий)* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'форс тилида айтилган ёки ёзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 305).

ФОРСИЙГЎЙ Бу сифат *форсий* сифатига (қ.) 'гапир-' маъносини англатадиган *гуфтан* феълининг *гӯй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, I 10) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'форс тилида гапирадиган' маъносини англатади. Бу сифат ЎТИЛга киритилмаган.

ФОРСЧА Бу сифат *форс* отига ўзбекча *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'форс тилида ёзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 306).

ФОТИҲАХОН Бу от 'Қуръоннинг биринчи сураси' маъносини англата-диган арабча *фотиҳа* отига (АРС, 580) 'ўқи-' маъносини англатадиган тожик-ча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'вафот этган кишининг уйига ёки ҳайит кунлари уч кун давомида фотиҳа ўқишга келиб-кетадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 306).

Х

ХАБАРДОР Бу сифат 'киши ёки нарса ҳақида маълумот', 'дарак' маъносини англатадиган арабча *хабар* отига (АРС, 209) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб тузилган бўлиб, 'хабар топган', 'хабар етказилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 309).

ХАБАРНОМА Бу от ўзбек тилида 'киши ёки нарса ҳақида маълумот', 'дарак' маъносини англатадиган арабча *хабар* оти билан (АРС, 209) 'хат'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатадиган тожикча *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, 'нимадандир хабар берувчи ҳужжат', 'чақирув қоғози' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 64).

ХАЙОЛПАРАСТ Бу сифат 'бирор ишни амалга ошириш тўғрисида ўйлаш, фикр юритиш' маъносини англатадиган арабча *хайол* отига (АРС, 243) 'сажда қил-' маъносини англатадиган тожикча *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хаёл суришни яхши кўрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 311).

ХАЗАНАК Бу от асли 'кузда сарғайиб тўкиладиган барглар', 'куз' маъносини англатадиган тожикча *хазон* отига (ТжРС, 417) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ЎТИЛга бу от таркибидаги *о(â)* товуши *а* товушига алмаштирилган сўзлашув тили шаклида киритилган; 'кузда асоси йиғиштириб олинган ҳосилнинг олинмай қолган қолдиғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 311).

ХАЗОН қ. хазанак

ХАЙРИХОҲ Бу сифат асли *хайрхоҳ* шаклига эга (ПРС, 205; ТжРС, 417); кетма-кет келган *йрх* товушларини айтиш қийин бўлгани сабабли *р* товушидан кейин *и* товуши киритилган. *Хайрхоҳ* сифати тожик тилида 'ўз ихтиёри билан бериладиган ёрдам' маъносини англатадиган арабча *хайр* отига (АРС, 242) 'иста-' маъносини англатадиган тожикча *хостан* феълининг (ТжРС, 427) *хоҳ* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 428) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ҳаракат-фаолиятга, фикрга қўшилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 312).

ХАЛАЖОЙ қ. халожой

ХАЛОЖОЙ Бу от 'ҳеч ким йўқ' маъносини англатадиган арабча *хало* сифати билан (АРС, 477) тожикча *жой* отидан тузилган бўлиб, 'ҳожатхона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 313). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *халажой* тарзида ҳам айтилади.

ХАЛОСКОР Бу сифат 'озод бўлиш' маъносини англатадиган арабча *халос* отига (АРС, 233) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'озод қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 313).

ХАЛҚОБ қ. халқоб

ХАЛҚПАРВАР Бу сифат тожик тилида 'маълум бир саҳнда биргаликда яшовчи одамлар' маъносини англатадиган арабча *халқ* отига (АРС, 235) 'тарбияла-', 'ғамхўрлик кўрсат-' маъносини англатадиган тожикча *парвардан* феълининг *парвар* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'халқ манфаатини кўзлаб иш юритадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 314).

ХАМ : *хам қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу сифат асли 'эгил-' маъносини англатадиган тожикча *хамидан* феълининг *хам* ҳозирги замон

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосига (ТжРС, 418) тенг бўлиб, 'эгилиш', 'бошни қуйига эгиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАМАК Бу от асли 'пишиб етилмаган' маъносини англатадиган тожикча *хом* сифатига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 425); ЎТИЛга биринчи бўғиндаги *о (â)* товуши *а* товушига алмаштирилган (сўзлашув тили) шакли киритилган; 'пишиб етилмаган қовун', 'сапча' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАМ ҚИЛ- қ. хам

ХАМИРТУРУШ Бу от ўзбек тилида 'унни сув ёки сут билан қориб ҳосил қилинган юмшоқ хом маҳсулот' маъносини англатадиган арабча *хамир* отига (АРС, 237) 'ачит-' маъносини англатадиган тожикча *туршидан* феълининг (ТжРС, 400) *турш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 399) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *турш* асосининг *рш* товушлари оралиғига *у* товуши киритилган (ТжРС, 418); 'хамирни оширишга хизмат қиладиган ачитқи' (дрожжи) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАНДА Бу от 'кул-' маъносини англатадиган тожикча *хандидан* феълининг (ТжРС, 419) *ханд* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кулги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАНДОН Бу сифат 'кул-' маъносини англатадиган тожикча *хандидан* феълининг (ТжРС, 419) *ханд* ҳозирги замон асосига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кулиб турувчи', 'шўх-шўх кулувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАНДОН-ХУШОН Бу жуфт равиш *хандон* сифати билан (к.) 'қувноқ' маъносини англатадиган тожикча *хуш* сифатига (ТжРС, 432) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган *хушон* сифатидан тузилган бўлиб, 'шод-қувноқ', 'хушчақчақ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 315).

ХАРИД Бу от 'сотиб ол-' маъносини англатадиган тожикча *харидан* феълининг (ТжРС, 419) *харид* ўтган замон асосига тенг бўлиб, 'сотиб олиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 316).

ХАРИДОР Бу от 'сотиб ол-' маъносини англатадиган тожикча *харидан* феълининг (ТжРС, 419) *харид* ўтган замон асосига *-ор* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сотиб олувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 316).

ХАРИДОРБОП Бу сифат тожикча *харидор* оти билан (к.) 'мос', 'яхши' маъносини англатадиган *боб II* сифатидан (ТжРС, 73) тузилган бўлиб, ўзбек тилида охирги *б* товуши *п* товушига алмаштирилган; 'харидорлар талабига мос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 316).

ХАРИДОРГИР Бу сифат тожикча *харидор* отига (к.) 'ол-' маъносини англатадиган *гирифтан* феълининг (ТжРС, 103) *гир* ҳозирги замон асосини

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ТжРС, 102) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тез сотилиб кетадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 316).

ХАРСАНГ Бу от тожик тилида 'эшак' маъносини англатадиган *хар* оти билан (ТжРС, 419) 'тош' маъносини англатадиган *санг* отидан (ТжРС, 339) тузилган бўлиб, 'катта ҳажмли тош' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 317).

ХАРХАША Бу от ТжРСга *разг* таъкиди билан киритилган (420), 'жанжал', 'айтишув' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 317).

ХАСКАШ Бу от 'курук ўсимлик пояси', 'хашак' маъносини англатадиган тожикча *хас* отига (ТжРС, 318) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хашак, хас-чўп каби нарсаларни йиғиш, тўплаш учун ишлатиладиган узун дастали, кўп тишли асбоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318).

ХАСТА Бу сифат 'жароҳатла-' маъносини англатадиган тожикча *хастан* феълининг (ТжРС, 420) *хаст* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 560) қўшиб ҳосил қилинган ўтган замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 420), 'жароҳатланган', 'нотоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318).

ХАСТАДИЛ Бу сифат тожикча *хаста* сифатдоши билан (к.) 'кўнгил' маъносини англатадиган *дил* отидан (ТжРС, 129) тузилган бўлиб, 'руҳан эзилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 318).

ХАТЧЎП Бу от 'ёзув' маъносини англатадиган арабча *хат* оти билан (АРС, 224) 'ёғоч' маъносини англатадиган тожикча *чўб* отидан (ТжРС, 448) тузилган бўлиб (ТжРС, 421), ўзбек тилига охирги *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'ўқилаётган китобнинг саҳифасини кўрсатиб турадиган махсус чўп ёки қоғоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 320).

ХАФА Бу сифат ПРСда [*хафе*] шаклида келтирилиб, 'нафаси сиқилиб турган', 'қайғули' маъносини (195), ТжРСда *хафа* шаклида келтирилиб, 'қайғули', 'нафаси сиқилиб турган' маъносини (421) англатиши айтилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли 'қайғули' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 320). Бу сифатдан ўзбек тилида *хафалаш-* феъли, *хафалик* оти ясалган.

ХАФАГАРЧИЛИК Бу от ўзбек тилида тожикча *хафа* сифатига (к.) олдин тожикча *-гар қўшимча*сини (ТжРС, 542), кейин ўзбекча *-чилик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир-биридан хафа бўлиш ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 321).

ХАФАЛАШ- *қ.* хафа

ХАФАҚОН Бу от ПРСда [*хафағ ан*] ва [*хафаған*] шаклларида келтирилиб, 'юрак ўйноғи', 'қон томирларининг сиқилиши', 'қон ҳаракатланишининг тўсилиши' маъноларини англатиши айтилган (195); ТжРСда *хафақон* шаклида келтирилиб *"мед.* астма, удушье" деб изоҳланган (421). ЎТИЛда биринчи маъно деб 'мунгли', 'ғамгин' маъноси, иккинчи маъно деб 'қон

www.ziyouz.com kutubxonasi

босими ортиши туфайли юз берадиган касаллик' маъноси таъкидланган (II, 321). Бу от таркибидаги *хафа* кисмининг маъноси аник, лекин *қон, ғон, гон* қисмларининг маъноси луғатларда изоҳланмаган. Бу от 'қон босимининг кўтарилиши билан юз берадиган касаллик' маъносини англатади дейиш тўғри.

ХАШАК Бу от ПРСда [*хашак*] ва [*хаше*] шаклларида келтирилиб, "мусор, щепки" деб (184), ТжРСда *хошок* шаклида келтирилиб, "высохшая на корню трава" деб (428) изоҳланган; ўзбек тилига бу от *о(â)* товушларини *а* товушларига алмаштириб тожик тилидаги маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 321).

ХАШАКИ Бу сифат форсча [*хашак*] отига (қ.) *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'паст нав', 'паст зотли' маъносини англатади : *хашаки лавлаги, хашаки товуқ* каби (ЎТИЛ, II, 321).

ХИЙОНАТКОРОНА Бу равиш 'аҳдини бузиш' маъносини англатадиган арабча *хийонат* отига (АРС, 241) тожикча *-кор* қўшимчаси (ТжРС, 542) билан ясалган *хийонаткор* сифатидан (ТжРС, 422) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аҳдини бузган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 322).

ХИЗМАТКОР Бу от 'меҳнат' маъносини англатадиган арабча *хизмат* отига (АРС, 213) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кимнингдир шахсий иш-юмушини бажарадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ,II, 323). ТжРСга бу от *-кор* қўшимчасининг *-гор* шакли билан ясалган *хизматгор* шаклида киритилган (ТжРС, 422).

ХИЙЛА Бу миқдор равиши ПРСда [*хейли*] шаклида келтирилиб, "1) очень; 2) много; часто" деб (206), ТжРСда *хеле* шаклида келтирилиб, "1) очень, чрезвычайно, крайне ..; 2) много, долго" деб (422) изоҳланган. Ўзбек тилига форсча шакли *э (е)* товушини *и* товушига, *и* товушини *а* товушига алмаштириб олинган. Ўзбек тилида бу равиш тожик тилидагининг акси бўлган маънони – 'маълум даражада, бирмунча, пича' маъносини англатиш учун ишлатилади. Бу равиш сўзлашув тилида форсча *хейли* шаклига яқинроқ *хийли* шаклида ҳам айтилади.

ХИЙЛИ қ. хийла

ХИЛХОНА Бу от 'яқин, қариндош кишилар' маъносини англатадиган арабча *хил* оти билан (АРС, 230) 'жой' маъносини англатадиган *хона* отидан (ТжРС, 331) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'қабристонда бир уруғ-авлод кишиларини дафн этиш учун ажратилган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 324).

ХИРА Бу кўп маъноли тожикча сифат 'тиниқ бўлмаган', 'ғашга тегадиган', 'сур' каби маъноларни англатади (ПРС,205; ТжРС, 423; ЎТИЛ, II, 325). Бу сифатдан ўзбек тилида *хиралаш-*, *хиралик қил-* феъллари ҳосил қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХИРАДМАНД Бу тожикча сифат 'ақл-заковат' маъносини англатадиган *хирад* отига (ТжРС, 423) *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ақл-заковат соҳиби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 325).

ХИРАЛАШ- қ. хира

ХИРАЛИК ҚИЛ- қ. хира

ХИРАХАНДОН Бу сифат тожикча 'ғашга тегадиган' маъносини англатадиган *хира* сифати билан (қ.) 'шўх-шўх кулувчи' маъносини англатадиган *хандон* сифатидан (қ.) тузилган бўлиб, 'ғашга тегадиган даражада бўлар-бўлмасга кулаверадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 326).

ХИРГОЙИ Бу от ЎКААҚЛда *хиргаҳий* шаклида келтирилиб, 'паст овоз билан айтиладиган ашула' деб изоҳланган (372). Асли *сегоҳ, чоргоҳ* отлари таркибидаги *гоҳ* оти 'куй усули' маъносини англатади; *хир* қисмига эса аниқ изоҳ топилмади, тахминан 'тўлиқ товуш билан эмас', 'паст' маъносини англатади дейиш мумкин; шунга кўра *хиргойи* отининг маъносини 'ашулани паст товуш билан айтиш' деб изоҳлаш тўғри (қ. ЎТИЛ, II, 326). Бу от асли *хиргоҳи* товуш таркибига эга бўлиб, ўзбек тилида *ҳ* товуши *й* товушига алмаштирилган.

ХИРМОН Бу от ПРСда [*хärмäн*] шаклида (191), ТжРСда хирман шаклида келтирилган (425); ўзбек тилига тожикча шакли таркибидаги *а* товуши *о(â)* товушига алмаштириб олинган; 'етилган ҳосилни йиғиб тўпланадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 326).

ХИРОМ Бу от асли 'виқор билан чиройли қадам бос-' маъносини англатадиган тожикча *хиромидан* феълининг *хиром* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 423), 'виқор билан чиройли қадам босиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 325).

ХИРОМОН Бу сифат 'виқор билан чиройли қадам бос-' маъносини англатадиган тожикча *хиромидан* феълининг *хиром* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 423) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'виқор билан чиройли қадам босадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 326).

ХИТОБНОМА Бу от тожик тилида 'қатъий мурожаат' маъносини англатадиган арабча *хитоб* отига (АРС, 226) 'хат' маъносини англатадиган тожикча *нома* отини (ТжРС, 423) қўшиб тузилган бўлиб, 'бирор иш-ҳаракатни амалга ошириш учун қатъий чақириқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 327).

ХОДА Бу тожикча от 'дарахтдан шох-бутоқларини олиб ташлаб, тик йўғон танасини кесиб олиб, қурилиш ашёси сифатида ишлатиладиган ёғоч' маъносини англатади (ПРС, 183; ЎТИЛ, II, 327).

ХОЖА қ. хўжа

ХОЙНАХОЙ қ. хоҳ-нахоҳ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОК Бу тожикча от 'тупроқ', 'чиқинди' маъносини англатади (ТжРС, 424; ЎТИЛ, II, 328).

ХОКАНДОЗ Бу от тожикча *хок* отига (к.) 'тўплаб ол-' маъносини англатадиган *андохтан* феълининг (ТжРС, 28) *андоз* хозирги замон асосини (ТжРС, 27) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чўғ, кул, супуриндини солиш учун ишлатиладиган рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 328).

ХОКИ Бу от тожикча *хок* отига (қ.) *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб хосил қилинган бўлиб, 'пишиб етилмаган анжир мевасининг новдалар билан бирга тупроққа кўмиб юборилиб, келаси йили пишиб етилган меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 328).

ХОКИСОР *қ.* хоксор

ХОКСОР Бу сифат тожикча *хок* отига (к.) *-сор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ниҳоят даражада камтар' маъносини англатади (ТжРС, 425; ЎТИЛ, II, 328).

ХОЛАВАЧЧА Бу от тожик тилида 'онанинг опа-сингиллари' маъносини англатадиган *хола* оти билан (АРС, 241) 'бола' маъносини англатадиган тожикча *бача* отидан (ТжРС, 52) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *б* товушини *в* товушига алмаштириб, *ч* товушини катлаб (*чч*) олинган; 'опа-сингилларнинг болалари бир-бирига нисбатан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329).

ХОЛДОР Бу сифат 'тери устидаги туғма кора доғ ёки бўртма', 'менг' маъносини англатадиган тожикча *хол* отига (ТжРС, 328) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* хозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'баданда (кўпинча юзда) холи бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329).

ХОЛИСОНА Бу равиш 'бетараф' маъносини англатадиган арабча *холис* сифатига (АРС, 232) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бетараф ҳолда', 'ҳеч кимга ён босмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 329).

ХОМ Бу тожикча сифат 'пишмаган', 'пиширилмаган', 'яхши ишлов берилмаган', 'енгил-елпи ишланган', 'юзаки' каби маъноларни англатади (ТжРС, 425; ЎТИЛ, II, 330).

ХОМАК *қ.* хамак

ХОМАКИ Бу сифат тожик тилида *хом* сифатига (к.) *-аки* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аниқлаш, тўлдириш лозим', 'дастлабги' маъносини англатади (ТжРС, 425; ЎТИЛ, II, 330).

ХОМАШЙО Бу от тожик тилидаги *ашьёи хом* изофа бирикмасининг (ТжРС, 36) ўзбекча муқобили бўлиб, тожикча *хом* сифати билан (к.) 'буюмлар', 'нарсалар' маъносини англатадиган арабча *ашйо* отидан (АРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

425) тузилган; 'қайта ишланадиган дастлабги маҳсулот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330).

ХОМКАЛЛА Бу сифат тожикча *хом* сифати билан (қ.) 'бош' маъносини англатадиган *калла* отидан (ТжРС, 176) ўзбек тилида тузилган бўлиб, 'ҳеч нарсани тушуниб етмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330).

ХОМСЕМИЗ Бу сифат тожикча *хом* сифати билан (қ.) 'эт қўйиб тўлишган' маъносини англатадиган ўзбекча *семиз* сифатидан (ЎТИЛ, II, 36) тузилган бўлиб, 'тўладан келган бўлишига қарамай заиф, кучсиз', 'пўк' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330).

ХОМСИЗ *қ.* хомсўз

ХОМСУВОҚ Бу от тожикча *хом* сифати билан (қ.) ўзбекча *сувоқ* отидан (ЎТИЛ, II, 80) тузилган бўлиб, 'дастлабги, устидан яна суваланадиган сувоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330).

ХОМСУРП Бу от тожикча *хом* сифати билан (қ.) *сурп* отидан (ЎТИЛ, II, 87) тузилган бўлиб, 'бўялмаган, гул босилмаган оқ ип газлама' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *хомсуруп* тарзида ҳам айтилади.

ХОМСУРУП *қ.* хомсурп

ХОМСЎЗ Бу сифат тожик тилида *хом* сифатига (қ.) 'куй-' маъносини англатадиган *сўхтан* феълининг (ТжРС, 372) *сўз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 371) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олов меъёрдан баланд бўлгани сабабли хамири яхши пишмаган' маъносини англатади (ТжРС, 425; ЎТИЛ, II, 330). Бу сифат ўзбек сўзлашув тилида *хомсиз* тарзида айтилади.

ХОМТАЛАШ Бу от тожикча *хом* сифати билан (қ.) 'текинга бериш' маъносини англатадиган форсча [*тälаш*] отидан (ПРС,129) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *талош* қисми таркибидаги *о(ā)* товуши *а* товушига алмаштирилган; Асли *хомталош* оти 'жонлиқ сўйиб, гўшт-ёғини текинга улашиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330). Товуш ўзгариши натижасида юзага келган *хомталаш* оти – 'қўлга тушган нарсаларни тортқилаб олиб кетиш' маъносини англатадиган бошқа от. Бундай англашилмовчилик воқе бўлмаслиги учун тожикча отни *хомталош* товуш таркибини сақлаб ёзиш ва айтиш ўринли.

ХОМТАЛОШ *қ.* хомталаш

ХОМТАМА Бу сифат тожик тилида *хом* сифати билан (қ.) 'кучли даражада исташ' маъносини англатадиган арабча *тамаъ* отидан (АРС, 481) тузилган бўлиб (ТжРС, 425), ўзбек ёзувида бундай ъ белгиси қўйилмайди; 'амалга ошмайдиган иш-нарсадан беҳуда умидвор бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 330).

ХОМТОК Бу от тожикча *хом* оти билан (қ.) *ток* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'токнинг ҳосили йўқ хом новдаларини олиб ташлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 331).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОМУШ Бу равиш ПРСда [*хамуш*] шаклида (186), ТжРСда *хомўш* шаклида (426) келтирилган; ўзбек тилига форсча шакли *а* товушини *о (â)* товушига алмаштириб олинган; 'гапирмаган ҳолда', 'маъюс, ўйчан ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 331).

ХОМЧЎТ Бу от тожикча *хом* сифати билан (к.) 'ҳисоблагич' маъносини англатадиган русча *счеты* отининг ўзбек тилига товуш ўзгариши билан олинган *чўт* шаклидан (ЎТИЛ, II, 387) тузилган бўлиб, 'хомаки равишда, тахминан қилинган ҳисоб-китоб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 331).

ХОНА Бу тожикча от 'бинонинг девор билан ажратилган ҳар бир қисми', 'бўлма' маъносини англатади (ТжРС, 426; ЎТИЛ, II, 331).

ХОНАВАЙРОН Бу сифат тожикча *хона* оти билан (қ.) 'емирилган', 'бузилган' маъносини англатадиган *вайрон* сифатидан (ТжРС, 89) тузилган бўлиб, 'уй-жойи емирилган', 'барча нарсасидан ажралган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 331).

ХОНАДОН Бу от тожикча *хона* отига (к.) *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оила', 'бир оила яшайдиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 331).

ХОНАКИ Бу сифат тожик тилида *хона* отига (к.) *-ги* қўшимчасининг *-ки* шаклини қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 426); 'уйда тайёрланган', 'уйда етиштирилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 332).

ХОНАНДА Бу от 'куйла-' маъносини англатадиган тожикча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосидан (ТжРС, 426) *-анда* қўшимчаси билан ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши шаклига (ТжРС, 561) тенг бўлиб, 'ашулачи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 332).

ХОНЗОДА Бу от 'ҳукмдор' маъносини англатадиган ўзбекча *хон* оти билан (ЎТИЛ, II, 331) 'ўғил' маъносини англатадиган тожикча *зода* отидан (ТжРС, 156) тузилган бўлиб, 'хоннинг ўғли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 332). Бу отни қиз болага исм сифатида қўйиш нотўғри.

ХОНИШ: *хониш қил-* феъли таркибида ишлатиладиган бу тожикча от 'куйла-' маъносини англатадиган *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 426) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'куйлаш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 332).

ХОНТАХТА Бу от 'устига истеъмол қилинадиган овқат қўйиладиган мато' маъносини англатадиган *хон* оти билан (ПРС, 199) 'дастурхон ёзиш учун махсус тайёрланган калта оёқли стол' маъносини англатадиган *тахта* отидан тузилган бўлиб, 'озиқ-овқат қўйиладиган курси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 332).

ХОНУМОН: Одатда *хонумонидан айрил-* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу от 'еб-ичиладиган овқат тўла дастурхон' маъносини англатадиган форсча [*хан*] отини (ПРС,199) *-у* боғламаси орқали 'уй

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳозлари' маъносини англатадиган *мон* отига (ПРС,448) қўшиб тузилган бўлиб, 'уйдаги мол-мулк, бор бисот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 332).

ХОР-ЗОР Бу сифат тожик тилида 'камситилган' маъносини англатадиган *хор* сифатини (ТжРС, 333) *-у* боғламаси орқали 'муҳтож', 'нолон' маъносини англатадиган *зор* сифатига (ТжРС, 157) қўшиб тузилган бўлиб, ўзбек тилига *-у* боғламасини ташлаб, ўрнига чизиқча ёзиб олинган; 'таҳқирланиш, муҳтожлик натижасида аячли аҳволга тушган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 333). Бу жуфт сифатдан ўзбек тилида *хор-зорлик , хорлик-зорлик* мавҳум отлари ясалган.

ХОР-ЗОРЛИК *қ.* хор-зор

ХОРЛИК-ЗОРЛИК *қ.* хор-зор

ХОРУ ХАС Бу тожикча от 'тиканак' маъносини англатадиган *хор 1* отини (ТжРС, 427) *-у* боғламаси орқали 'майда сомон' маъносини англатадиган *хас* отига (ТжРС, 420) қўшиб тузилган бўлиб, 'майда-чуйда хашак' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 333). Бу от *хор-хас* шаклида ҳам ишлатилади.

ХОР-ХАС *қ.* хору хас

ХОҲИШ Бу тожикча от 'иста-' маъносини англатадиган *хостан* феълининг (ТжРС, 427) *хоҳ* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 428) *-иш* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ишни қилиш истаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 335).

ХОҲЛА- Бу феъл ўзбек тилида 'иста-' маъносини англатадиган тожикча *хостан* феълининг (ТжРС, 427) *хоҳ* ҳозирги замон асосига *-ла* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ниманидир иста-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 335).

ХОҲ-НОХОҲ Бу равиш тожик тилида 'иста-' маъносини англатадиган *хостан* феълининг (ТжРС, 427) *хоҳ* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 428) *но-* олд инкор қўшимчасини (ТжРС, 268) қўшиб такрорлаш билан ҳосил қилинган бўлиб, 'истар-истамас' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 335). Бу равиш ўзбек сўзлашув тилида *хойнахой* тарзида айтилади, бунда *ҳ* товушлари *й* товушларига, иккинчи *о (â)* товуши *а* товушига алмашади.

ХУД: *гоҳ худ, гоҳ беҳуд* ибораси таркибида ишлатиладиган бу тожикча бирлик 'ўз' маъносини ифодалайди; юқоридаги ибора 'гоҳ ҳуши ўзида бўлиб, гоҳ ҳушини йўқотиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 336).

ХУД-БЕХУД Бу равиш тожикча 'ўз' маъносини ифодалайдиган *худ* бирлигига *бе-* олд қўшимчасини (ТжРС, 54) қўшиб такрорлаб тузилган бўлиб, 'ҳуши гоҳ ўзида, гоҳ ҳушсиз ҳолатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 336).

ХУДБИН Бу тожикча сифат 'ўз' маъносини ифодалайдиган *худ* таъкид бирлигига (к.) 'қара-', 'кўр-' маъносини англатадиган *дидан* феълининг (ТжРС, 128) *бин* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 71) қўшиб ҳосил қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб (ТжРС, 429), 'ўз шахсига бино қўйган', 'эгоист' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 336). Бу сифатдан ўзбек тилида *худбинлик* мавҳум оти ясалган.

ХУДБИНЛИК *қ.* худбин

ХУДДИ Бу равиш ПРСда [*ходи*] шаклида (201), ТжРСда *худди* шаклида (429) келтирилган; демак, 'ўз' маъносини ифодалайдиган *худ* бирлигига *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин тожик тилида *д* товуши қатланган; ўзбек тилига ана шу тожикча шакли олинган. ПРСда бу бирлик 'ўзиники', 'ўз-ўзича' маъносини, ТжРСда 'айнан' маъносини англатиши айтилган; ўзбек тилига тожик тилидаги маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 336).

ХУДО Бу от тожик тилида 'ўз' маъносини ифодалайдиган *худ* бирлигига (қ.) *-о* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'Олло' маъносини англатади (ТжРС, 429; ЎТИЛ, II, 336).

ХУДОГЎЙ Бу сифат тожик тилида *Худо* отига (қ.) 'айт-' маъносини англатадиган *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'Худо номини айтиб доим тоат-ибодатда бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 337).

ХУДОЙИ Бу от тожик тилида *Худо* отига (қ.) *-и(-йи)* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'Худо йўлига жонлик сўйиб, яқин кишиларига зиёфат қилиб бериш', 'ночор кишиларга хайр-эҳсон бериш' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 337).

ХУМ Бу от ПРСда [*хом*] шаклида (197), ТжРСда *хум* шаклида (430) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'суюқлик, дон саклаш учун ишлатиладиган оғзи торроқ, танаси семиз сопол идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 338).

ХУМКАЛЛА Бу сифат тожикча *хум* оти билан (қ.) *калла* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'боши беўхшов катта', 'мияси йўқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 338).

ХУМОРИ Бу сифат 'кучли истак' маъносини англатадиган арабча *хумор* отига (АРС, 237) тожикча *-и* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иштиёқманд', 'муштоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 338).

ХУНОБ Бу кесимлик тожик тилида 'қон' маъносини англатадиган *хун* оти билан (ТжРС, 430) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'тоқати тоқ', 'ўта даражада ташна' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 339). Бу кесимликдан ўзбек тилида *хунобгарчилик* мавҳум оти ясалган.

ХУНОБГАРЧИЛИК *қ.* хуноб

ХУНРЕЗ Бу сифат тожик тилида 'қон' маъносини англатадиган *хун* отига (ТжРС, 430) 'тўк-' маъносини англатадиган *рехтан* феълининг (ТжРС, 325) *рез* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 324) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қон тўкувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 339).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУНРЕЗЛИК Бу от ўзбек тилида тожикча *хунрез* сифатига (қ.) *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қонли тўқнашув', 'қирғин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 339).

ХУНУК Бу сифат ПРСда [*хонок, хонак*] шаклларида (198), ТжРСда *хунук* шаклида (431) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган. Бу сифат асли 'совук', 'салқин' маъносини англатади; ўзбек тилига 'кўримсиз', 'ёкимсиз' кўчма маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 339). Ўзбек тилида бу сифатдан *хунуклаш-* феъли, *хунуклик* мавҳум оти ясалган.

ХУНУКЛАШ- *қ.* хунук

ХУРЖУН Бу от ПРСда [*хорджин*], [*хурджин*] шаклларида (190), ТжРС-да *хўрҷин* шаклида (434) келтирилган; ўзбек тилига форсча *хурджин* шакли *и* товушини *у* товушига алмаштириб олинган. *Хуржин* оти асли 'кичик' маъносини англатадиган *хурд* сифатига (ТжРС, 431) 'олиб қўй-', 'қимирлат-' маъносини англатадиган *ҷунбидан* феълининг (ТжРС, 520) *ҷун* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'йўлга чиқиш олдидан от эгари устидан икки томонга ташланадиган, ҳар икки томонида халтаси бор мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 340).

ХУРМО Бу от ПРСда [*хорма*] шаклида (191), ТжРСда *хурмо* шаклида (431) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'тропик мамлакатда ўсадиган, поя танаси йирик патсимон барглардан иборат ўсимликнинг ширин меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 340).

ХУРСАН *қ.* хурсанд

ХУРСАНД Бу тожикча сифат 'шод', 'мамнун' маъносини англатади (ТжРС, 432). Ўзбек сўзлашув тилида бу сифат охиридаги *д* товуши айтилмайди. Бу сифатдан ўзбек тилида *хурсандчилик* мавҳум оти ясалган (ЎТИЛ, II, 340).

ХУРСАНЧИЛИК *қ.* хурсанд

ХУРШИД Бу от ПРСда [*хоршид*] шаклида (201), ТжРСда *хуршед* шаклида (432) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли таркибидаги э *(е)* товуши *и* товушига алмаштириб олинган; 'қуёш', 'ёритқич' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 341).

ХУФИЙОНА Бу равиш 'сирлилик', 'яширин ҳолат' маъносини англатадиган арабча *хуфйа* отидан (АРС, 230) тожикча *-она* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин *а* товуши ташланган, *фй* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган: *хуфйа + она = хуфйаона > хуфйона > хуфийона;* 'яширин ҳолда', 'махфий равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 341).

ХУФТОН Бу от 'ухла-' маъносини англатадиган тожикча *хуфтан* феълининг (ТжРС, 432) *хуфт* ўтган замон асосига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'уйқуга ётиш олдидан ўқиладиган энг кечки намоз' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 342).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУШ Бу сифат ПРСда [*хош*] шаклида (201), ТжРСда *хуш* шаклида (432) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; 'яхши', 'ёқимли', 'келишган ' каби маъноларни англатади (ЎТИЛ, II, 342). Бу сифатдан ўзбек тилида *хушла-* ('ёқтир-') феъли ясалган.

ХУШБИЧИМ Бу сифат 'яхши', 'чиройли' маъносини англатадиган тожикча *хуш* сифати билан (к.) ўзбекча *бичим* отидан тузилган бўлиб, 'чиройли тикилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 342).

ХУШБЎЙ Бу тожикча сифат 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (ТжРС, 432) 'хид' маъносини англатадиган *бўй* отидан (ТжРС, 87) тузилган бўлиб, 'ҳиди ёқимли' маъносини англатади (ТжРС, 433; ЎТИЛ, II, 343).

ХУШВАҚТ Бу сифат 'яхши' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (к.) 'пайт' маъносини англатадиган арабча *вақт* отидан (АРС, 903) тузилган бўлиб, 'шу пайтдаги кайфияти яхши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 343).

ХУШЙОҚМАС Бу сифат 'яхшилик' маъносини англатадиган тожикча *хуш* сифати билан (қ.) ўзбекча *йоқ-* феълининг *-ма* бўлишсиз шаклига *-с* сифатдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган *йоқмас* бирлигидан тузилган бўлиб, 'меҳнат қилишни ёқтирмайдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 343).

ХУШЛА- қ. хуш

ХУШМАНЗАРА Бу сифат 'чиройли' маъносини англатадиган тожикча *хуш* сифати билан (к.) 'теварак-атрофнинг кўриниши' маъносини англатадиган арабча *манзара* отидан (АРС, 810) тузилган бўлиб, 'чиройли манзарага эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 343).

ХУШМУОМАЛА Бу сифат 'ёқимли' маъносини англатадиган тожикча *хуш* сифати билан (к.) 'ўзаро нутқий муносабатда бўлиш' маъносини англатадиган арабча *муомала* отидан (АРС, 542) тузилган бўлиб, 'гап-сўзлари ёқимли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 343).

ХУШМЎЙЛОВ Бу сифат 'кўриниши чиройли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (к.) *мўйлов* отидан (к.)-тузилган бўлиб, 'мўйлови ўзига ярашиб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 343).

ХУШОВОЗ Бу сифат тожикча 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (к.) *овоз* отидан тузилган бўлиб, 'овози ёқимли' (ашулачи) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 344).

ХУШРЎЙ Бу сифат 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (к.) 'юз' маъносини англатадиган *рўй* отидан (ТжРС, 329) тузилган бўлиб, 'юз-кўзи чиройли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 344).

ХУШХАБАР Бу сифат 'яхши' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (к.) 'дарак' маъносини англатадиган арабча *хабар* отидан (АРС, 209) тузилган бўлиб, 'кишини мамнун қиладиган маълумот' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 344).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУШХАТ Бу тожикча сифат 'чиройли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (ТжРС, 432) 'дастхат' маъносини англатадиган арабча *хат* отидан (АРС, 224) тузилган бўлиб, 'дастхати чиройли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 345).

ХУШФЕЪЛ Бу тожикча сифат 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (ТжРС, 432) 'хулқ-атвор' маъносини англатадиган *феъл* отидан (АРС, 603) тузилган бўлиб, 'феъл-атвори, муомаласи ёқимли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 344).

ХУШХЎР Бу сифат 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифатига (ТжРС, 432) 'еб-ич-' маъносини англатадиган *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини ("Форс тили", 383) қўшиб ўзбек тилида ҳосил қилинган бўлиб, 'иштаҳа билан еб-ичиладиган', 'тами яхши' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 345).

ХУШҚОМАТ Бу сифат 'чиройли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (қ.) 'киши танасининг бичими' маъносини англатадиган арабча *қомад* отидан (АРС, 667) тузилган бўлиб, 'қадди-қомади келишган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 345).

ХУШҲАВО Бу сифат 'ёқимли' маъносини англатадиган *хуш* сифати билан (қ.) 'ер атрофини қоплаб, нафас олиш учун хизмат қиладиган модда' маъносини англатадиган арабча *ҳаво* отидан (АРС, 862) тузилган бўлиб, 'иқлими ёқимли','хавоси тоза' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 345).

ХЎЖА Бу от ПРСда [*ходже*] шаклида (199), ТжРСда *разг* таъкиди билан *хўҷа* шаклида келтирилиб, *хоҷа* шаклига (434) ҳавола берилган; ўзбек тилига тожикча *хўжа* шакли олинган; асли 'бирор кимсанинг, нарсанинг эгаси', 'отхона бошлиғи' маъноларини англатади; 'Муҳаммад пайғамбарнинг, тўрт халифадан бирининг авлоди', 'оқсуяк ва унинг авлоди' каби маънолар кейинчалик юзага келган (ЎТИЛ, II, 345).

ХЎЖАЙИН Бу от тожик тилида *хўжа* отига (қ.) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 434); ўзбек тилига *аи* товушлари оралиғига *й* товушини киритиб олинган; 'мол-мулк эгаси', 'соҳиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 345).

ХЎЖАЛИК Бу от асли 'кимса, нарсаларнинг эгаси' маъносини англатадиган *хўжа* отига (қ.) ўзбекча *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'ўзига мансуб уй-жой, мол-мулкка эга хонадон' маъносини англатади; 'ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси' маъноси кейин юзага келган (ЎТИЛ, II, 346).

ХЎЖАСИЗЛАРЧА Бу равиш ўзбек тилида *хўжа* отига (қ.) *-сиз, -ларча* қўшимчаларини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мол-мулкни тежаб-тергамай, аёвсиз равишда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 346).

ХЎП Розилик маъносини ифодалайдиган бу бирлик асли тожикча бўлиб, *хуб* товуш таркибига эга (ТжРС, 428); ўзбек тилига *у* товушини *ў* товушига, *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган (ЎТИЛ, II, 346).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХЎРА Бу сифат 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'овқатни танламай мўл-кўл ейдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 346).

ХЎРАНДА Бу от 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосига *-анда* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 561), 'овқат сотиладиган жойда овқатланувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 377).

ХЎРДА Бу от 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўрд* ўтган замон асосига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'гурунчдан тайёрланадиган суюқ овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 347).

ХЎРОЗ Бу тожикча от асли *хурўс* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 432), ўзбек тилига *у* товушини *ў* товушига, *ў* товушини *о (â)* товушига, *с* товушини *з* товушига алмаштириб олинган; 'товуқнинг эркаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 347).

ХЎШ Бу ундаш тожик тилида тасдиқ, розилик каби маънони ифодалайди (ТжРС, 434); ўзбек тилида сўроқ гап олдидан тингловчининг диққатини тортиш, ўйлаб олиш учун айтилади (ЎТИЛ, II, 347).

Ч

ЧАВАНДОЗ Бу от К.К.Юдахин луғатида *ир. южн.* таъкиди билан *чабандоз* шаклида келтирилган (КрРС, 831). Бундай товуш таркибли от ПРСга, ТжРСга киритилмаган. ЎТИЛда *чавандоз* товуш таркиби билан берилган (II, 349). Бу отнинг *андоз* қисми 'от-', 'итқит-' маъносини англатадиган *андохтан* феълининг (ТжРС, 28) *андоз* ҳозирги замон асосига (ТжРС, 27) тенг; *чав* қисми 'от устида учи эгри таёқ билан тўпни уриб ўйналадиган ўйин' маъносини англатадиган *чавгон* отининг (ТжРС, 349) *чав* қисмига тенг; *чавгон* отининг *-гон* қисми асли 'эгилган' маъносини англатадиган *чанг* сифатининг (ТжРС, 96) товуш жиҳатидан ўзгарган шакли бўлса керак. Агар шу тахмин тўғри дейилса, *чав* асли 'таёқ' маъносини англатадиган *чўб* оти (ТжРС, 448) бўлиб чиқади. Унда *чавандоз* оти асли 'таёқ' маъносини англатадиган *чўб* отига *андоз* қисмини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *чўб* қисмидаги *ў* товуши *а* товушига, *б* товуши *в* товушига алмаштирилган бўлади. *Чавандоз* оти 'от устида ўтириб ўйланадиган ўйинга уста киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 349).

ЧАВГОН *қ.* чавандоз

ЧАКАНА Бу сифат 'қисм', 'бўлак' маъносини англатадиган *чак II* отига (ТжРС, 435) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида қўшимча бошланишидаги *о (â)* товуши *а* товушига алмашган; ўзбек тилига *шу* товуш таркиби билан олинган; тожик тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

'майда', 'қисмма-қисм' маъносини англатади (ТжРС, 435); ўзбек тилига 'доналаб, қисмма-қисм сотиладиган' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 350). Ўзбек тилида бу сифатдан *чаканалаб* равиши, *чакана-чукана* такрори ҳосил қилинган.

ЧАКАНАЛАБ қ. чакана

ЧАКАНА-ЧУКАНА қ. чакана

ЧАКМАЗАК Бу от тожик тилида 'томчи' маъносини англатадиган *чак I* оти билан (ТжРС, 435) 'сийдик' маъносини англатадиган *мезак* отидан (ТжРС, 226) тузилган; *мезак* оти асли 'сий-' маъносини англатадиган *мезидан* феълининг (ТжРС, 226) *мез* ҳозирги замон асосига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига *э(е)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'сийдик пуфаги касалланган сабабли сийдикни ушлаб туролмаслик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 350).

ЧАЛАЖОН Бу сифат ўзбек тилида 'тамомига етмаган' маъносини англатадиган *чала* сифати билан (ЎТИЛ, II, 350) 'барҳаётлик омили' маъносини англатадиган тожикча *жон* отидан (ТжРС, 517: *ҷон*) тузилган бўлиб, 'жони узилай деб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 351).

ЧАЛАМУЛЛА Бу от ўзбек тилида *чала* сифати билан (ЎТИЛ, II, 350) 'ўқимишли киши' маъносини англатадиган арабча *мулла* отидан (АРС, 763) тузилган бўлиб, 'муллаликка ўқиши охирига етмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 351).

ЧАЛАСАВОД Бу сифат ўзбек тилида *чала* сифати (ЎТИЛ, II, 350), араб тилидан 'ёзиш-ўқишни ўрганиш' маъноси билан олинган *савод* отидан (АРС, 381) тузилган бўлиб, 'ёзиш-ўқишни тўлик ўрганмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 351).

ЧАМАДОН Бу от тожик тилида 'кийим' маъносини англатадиган *жома* (*ҷома*) отига (ТжРС, 517) *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *ҷ* товушини *ч* товушига, *о (â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'кийим солиб қўйиладиган қути шаклидаги рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 352).

ЧАМАН I Бу от ПРСда [*чӓмӓн*] шаклида келтирилиб, 'майсазор' маъносини (166) англатиши, ТжРСда *чаман* шаклида келтирилиб, юқоридаги маънодан ташқари, 'гулзор' маъносини ҳам англатиши (436) айтилган; ўзбек тилига тожик тилидан 'гулзор' маъносини билан олинган (ЎТИЛ, II, 352).

ЧАМАН II Бу сифат ПРСда [*чӓмӓнд*] шаклида келтирилиб, 'виқор билан юрадиган (от)' маъносини англатиши айтилган; бундай сифат ТжРСда келтирилмаган. ЎТИЛда *чаман II* сифати келтирилиб, 'секин юрадиган (от)' маъносини англатиши айтилган (II, 353). Ўзбек тилига форсча сифат охиридаги *д* товушини ташлаб олинган; қизиғи шуки, янги маънони англатиш учун ишлатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАМБАР Бу тожикча от ' ўрам', ' ҳалқа' маъносини англатиб, *чанбар* товуш таркибига эга бўлиб, *чамбар* тарзида ҳам айтилади (ТжРС, 436); ўзбек тилига *н* товуши *м* товушига алмаштирилган шакли олинган (ЎТИЛ, II, 353).

ЧАМБАРАК Бу от тожик тилида *чамбар* отига (қ.) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'коса, товоқ каби идишга суюқ нарса (одатда сут) солиб осиб қўйиш учун сим, пишиқ чизимчадан ясалган кичик чамбар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 353).

ЧАНГ II Бу от тожикча бўлиб, ўзбек тилига айнан олинган; чолғу асбобларидан бирининг номи (ЎТИЛ, II, 353). Бу отдан ўзбек тилида *чангчи* (чанг чалувчи) оти ясалган.

ЧАНГ III Бу от тожикча бўлиб, ўзбек тилига айнан олинган; 'кафт билан бармоқлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 353). Бу от билан *чанг сол-* ибораси ҳосил қилинган.

ЧАНГАК Бу от тожик тилида *чанг III* отига (қ.) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қассобликда гўшт илиш учун ишлатиладиган илмоқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 353).

ЧАНГАЛ I ПРСда [*чӑнгал*] оти келтирилиб, 'тирноқ', 'паншаха', 'вилка' каби маъноларни, [*чангул*] оти келтирилиб, 'тирноқ' маъносини англатиши (167), ТжРСда *чангол* оти келтирилиб, 'тирноқ', 'панжа', 'омбир' маъноларини англатиши (437) айтилган. Қиёслашдан аёнки, бу от *чанг III* отидан (қ.) *-ал, -ул* қисмлари билан ясалган, лекин ТжРСда бундай қўшимча келтирилмаган (ТжРС, 542, 543). Ўзбек тилига бу от иккинчи бўғинидаги *о (ā)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган. Ўзбек тилида 'панжа', 'беш бармоқнинг кафтга букилган ҳолати' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 353). Бу отдан ўзбек тилида *чангалла-* феъли ясалган.

ЧАНГАЛ II Бу от *чангал I* отини киши аъзосидан ўсимликка ўхшашлик асосида кўчириш йўли билан юзага келган бўлиб, 'буталари бир-бирига қўшилиб ўсадиган тиканли ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 353).

ЧАНГАЛЗОР Бу от ўзбек тилида *чангал II* отига (қ.) *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чангал кўп ўсадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 353).

ЧАНГАЛЛА- қ. чангал I

ЧАНГДОН Бу от ўзбекча 'кукун ҳолатидаги тупроқ' маъносини англатадиган *чанг* отининг 'ўсимликнинг жинсий ҳужайраси' маъносидан (ЎТИЛ, II, 353) тожикча *-дон* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилинган бўлиб, 'ўсимлик гулининг чанги жойлашадиган косачаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 354).

ЧАНГ СОЛ- қ. чанг III

ЧАНГЧИ қ. чанг II

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАНДОН Бу равиш тожик тилида 'қанча?' маъносини ифодалайдиган *чанд?* сўроқ олмошига (ТжРС, 437) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'марта' маъносини англатади: *минг чандон* каби (ЎТИЛ, II, 354).

ЧАПАК Бу от асли *чап* товушга тақлидидан *-ак* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган бўлиб, 'кафтларни бир-бирига уришда чиқадиган товуш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 355).

ЧАПАКБОЗЛИК Бу от тожикча *чапак* отига (к.) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган *чапакбоз* сифатидан ўзбекча *-лик* қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, 'бўлар-бўлмасга чапак чалавериш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 355).

ЧАПАНИ Бу сифат тожик тилида 'маданиятсиз', ' безори' маъноларини англатади (ТжРС, 438); ўзбек тилида 'ножўя ишларга мойил', 'олифтанамо' маъноларини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 355). Бу сифатдан ўзбек тилида *чапаничасига* равиши ҳосил қилинган бўлиб, 'чапаниларга ўхшаб' маъносини англатади.

ЧАПАНИЧАСИГА *қ.* чапани

ЧАПАҚАЙ Бу сифат 'сўл' маъносини англатадиган тожикча *чап* сифатига (ТжРС, 437) ўзбек тилида *-ақай* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'жисмоний ишни асосан чап қўли билан бажарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 355).

ЧАПДАСТ Бу сифат ПРСда [*чăпдаст*] , [*чăп-даст*] шаклларида (161), ТжРСда *чапдаст* шаклида (438) келтирилиб, 'чапақай' маъносини англатиши айтилган; асли 'сўл' маъносини англатадиган *чап* сифати билан (ТжРС, 437) 'қўл' маъносини англатадиган *даст* отидан (ТжРС, 120) тузилган бўлиб, юқоридаги маънони англатиши табиий; лекин ўзбек тилида бу сифат бошқа маънони — 'чаққон', 'эпчил' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 356).

ЧАППА Бу сифат 'сўл' маъносини англатадиган тожикча *чап* сифатига (ТжРС, 437) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин *п* товуши қатланган (ТжРС, 438); 'тескари' маъносини акнглатади (*отга чаппа мин-* каби). Бу сифатдан ўзбек тилида *чаппасига* равиши ҳосил қилинган бўлиб, 'тескарисига', 'орқасига' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 356).

ЧАППАСИГА *қ.* чаппа

ЧАРВИ Бу от ПРСда [*чăрб*] шаклида келтирилиб, 'ёғ', 'ёғли' маъносини, [*чăрби*] шаклида келтирилиб, 'ёғлиқлик' маъносини англатиши (162), ТжРСда *чарб* шаклида келтирилиб, 'ёғли' маъносини, *чарбу* шаклида келтирилиб, 'ички ёғ' маъносини англатиши (438) айтилган. Ўзбек тилига тожикча *чарбу* шакли *б* товушини *в* товушига, *у* товушини *и* товушига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмаштириб олинган; 'ичак атрофида йиғиладиган ички ёғ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 356).

ЧАРВОҚ Бу от тожик тилида 'тўрт' маъносини англатадиган *чор* (асли *чаҳор*) санок сони билан (ТжРС, 445,441) 'мевали дарахт, ток билан банд саҳн' маъносини англатадиган *боғ* отидан (ТжРС, 83) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *чорбоғ* отининг биринчи бўғинидаги *о (â)* товушини *а* товушига, *б* товушини *в* товушига, *ғ* товушини *қ* товушига алмаштириб олинган; асли 'тўрт тарафи боғ саҳн' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 356). Бу отнинг асл *чорбоғ* шакли (ТжРС, 445) ўзбек тилида ишлатилмайди.

ЧАРОҒОН Бу сифат 'лампа', 'ёруғлик таратувчи' маъносини англатадиган тожикча *чароғ* отига (ТжРС, 438) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'равшан ёритилган', 'ёрқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 357).

ЧАРХ Бу тожикча от асли 'айлана', 'гардиш' маъносини англатиб, кейинчалик 'ип йигирадиган асбобнинг ғилдираги', 'кесиш асбобларини ўткирлайдиган қурилманинг айланадиган қисми' каби маъноларни англата бошлаган (ТжРС, 439; ЎТИЛ, II, 357). Бу отдан ўзбек тилида *чархла-* феъли ясалган. *Чарх* оти, *чархла-* феъли ўзбек сўзлашув тилида *р* товушини ташлаб *чах* , *чахла-* тарзида ҳам айтилади.

ЧАРХЛА- *қ.* чарх

ЧАРХПАЛАК Бу от тожикча *чарх* оти билан (қ.) 'осмон' маъносини англатадиган арабча *фалак* отидан (АРС, 609) тузилган бўлиб, 'сув кучи билан айланиб катта ариқдан сув чиқарадиган энг қадимги қурилма' маъносини англатади. Ўзбек тилида *ф* товуши *п* товушига алмаштирилган; сўзлашув тилида *р* товуши ташланиб, бу от *чахпалак* тарзида айтилади (ЎТИЛ, II, 357).

ЧАРХЧИ Бу от ўзбек тилида тожикча *чарх* отига (қ.) ўзбекча *-чи* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кесиш асбобларини ўткирлаб берувчи уста' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 357). Бу от ўзбек сўзлашув тилида *р* товушини ташлаб *чахчи* тарзида ҳам айтилади.

ЧАХ *қ.* чарх

ЧАХЛА- *қ.* чархла-

ЧАХПАЛАК *қ.* чархпалак

ЧАҲЧИ *қ.* чархчи

ЧАЧВОН Бу от ўзбекча 'бошдаги тук толалари' маъносини англатадиган *соч* отига (ЎТИЛ, II, 71) тожикча *-бон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида *с* товуши *ч* товушига, *о (â)* товуши *а* товушига, *б* товуши *в* товушига алмаштирилган; 'паранжи остидан юзга тутиладиган тўр парда' маъносини англатади; аввалларн отнинг дум қилидан тўқилар эди (ЎТИЛ, II, 358). Бундай буюм тожик тилида *чашмбанд* оти билан англатилади (ТжРС, 440); *чашм* — 'кўз', *банд* — 'боғлаш', 'ёпиш'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАШМА Бу от асли 'тешик' маъносини англатадиган тожикча *чашм* отига (ТжРС, 440) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ер остидан табиий равишда қайнаб чиқадиган сув' маъносини англатади (ТжРС, 440: ЎТИЛ, II, 359).

ЧАШМБАНД *қ.* чачвон

ЧИЗИ Бу от ПРСда [*чизи*] шаклида (169), ТжРСда *чизе* шаклида (442) келтирилиб, 'нимадир' маъносини билдириши айтилган; асли 'нарса' маъносини англатадиган *чиз* отига (ТжРС, 442) ноаниқлик маъносини ифодалайдиган *-е (-и)* қўшимчасини (ТжРС, 537) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига форсча шакли олинган (ЎТИЛ, II, 366).

ЧИЗМАКАШ Бу от ўзбек тилида 'маълум қоидалар асосида чизилган график тасвир' маъносини англатадиган ўзбекча *чизма* отига (ЎТИЛ, II, 366) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чизма лойиҳа тайёрловчи мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 366).

ЧИКОРА 'хеч кераги, зарурияти йўқ' маъносини англатадиган бу кесимлик асли тожикча *чи?* сўроқ олмоши билан (ТжРС, 442) 'иш' маъносини англатадиган *кор* отидан (ТжРС, 192) тузилган *чикор* бирлигига *-а* тааж̌жуб юкламасини (ТжРС, 442) қўшиб ҳосил қилинган (ЎТИЛ, II, 367).

ЧИЛАНГАР Бу от ПРСда [*чилингăр*] шаклида чўзиқ *ӣ* товушлари билан (169), ТжРСда *челонгар* шаклида келтирилиб (441), "слесарь" деб изоҳланган; ўзбек тилига форсча шакли иккинчи бўғинидаги *и* товушини *а* товушига алмаштириб олинган. Бу от охиридаги *-гар* қисми қўшимча экани аниқ (ТжРС, 542), лекин *чилан (чилин, челон)* қисмига аниқ изоҳ топилмади (ЎТИЛ, II, 367).

ЧИЛГИ *қ.* чиллаки

ЧИЛЙОСИН Бу от 'қирқ' маъносини англатадиган тожикча *чил* саноқ сони билан (ТжРС, 442) Қуръоннинг 36- сураси номи *Ёсин* отидан (АРС, 915) тузилган бўлиб, ЎТИЛда *чил* ўрнига *чилла* ёзиб юборилган (II, 368).

ЧИЛЛА Бу от 'қирқ' маъносини англатадиган тожикча *чил* саноқ сонига (ТжРС, 442) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, қўшимча қўшилганидан кейин *л* товуши қатланган (ТжРС, 442). Бу от 'қирқ кун' маъносини англатади: *қиш чилласи* – 'уч ой қишнинг бошланиши ва охиридан 25 кун олиб ташланиб, орада қолган 40 кун', *ёз чилласи* – 'уч ой ёзнинг худди шундай ажратиладиган 40 куни', 'чақалоқ туғилганидан бошланадиган кирқ кун' (ЎТИЛ, II, 368). Бу от билан *Чилла чиқди, Чилласи чиқди* каби иборалар тузилган.

ЧИЛЛАГИРАЗОН *қ.* чиллагузарон

ЧИЛЛАГУЗАРОН Бу от тожикча *чилла* отига (қ.) 'ўтказ-' маъносини англатадиган *гузарон(и)дан* феълининг (ТжРС, 105) *гузарон* ўтган замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'янги туғган онанинг чилласи

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиққанидан кейин ота-онасиникига меҳмонга бориши' маъносини англатади. Бу от ЎТИЛга *чиллакирўзон* шаклида нотўғри ёзиб киритилган. Бу отнинг ўзбек сўзлашув тилидаги *чиллагиразон* шакли эса *у* товушини *и* товушига алмаштириш, *з, р* товушларини ўрин алмаштириш натижасида юзага келган (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛЛАК Бу от 'камон ўқи' маъносини англатадиган *чилла III* отига (ТжРС, 443) *-к* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'узун ва калта ингичка новда билан ўйналадиган болалар ўйини', 'варрак учиришда ип ўраладиган чўп' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛЛАКИ Бу от тожикча 'ёз чилласи' маъносини англатадиган *чилла* отига (қ.) *-ги* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 443), ўзбек тилига *г* товуши *к* товушига алмаштириб олинган; 'эрта пишар узум' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛЛАКИРЎЗОН қ. чиллагузарон

ЧИЛЛАЛИ Бу сифат тожикча *чилла* отига (қ.) ўзбекча *-ли* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чилласи чиқмаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛОНЖИЙДА Бу от 'уноби' маъносини англатадиган *чилон* оти билан (ТжРС, 169) *жийда* отидан (ЎТИЛ, I, 278) тузилган бўлиб, 'жийданинг юмалоқ мевали тури' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛПАРЧИН: *чилпарчин бўл-* , *чилпарчин қил-* феъллари таркибидаги бу қисм 'қирқ' маъносини англатадиган *чил* саноқ сони билан (ТжРС, 442) *парчин* қисмидан тузилган; *парчин* қисми 'бўлак', 'қисм' маъносини англатадиган [*парче*] отига (ПРС,86) *-н* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; шунга кўра *чилпарчин* 'қирқ бўлакка ажралиш', 'бўлак-бўлак бўлиб кетиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛПОРА: *чилпора бўл-, чилпора қил-* феъллари таркибидаги бу қисм 'қирқ' маъносини англатадиган *чил* саноқ сони билан (ТжРС, 442) 'бўлак', 'қисм' маъносини англатадиган *пора* отидан (ТжРС, 310) тузилган; шунга кўра бу феъллар 'майда-майда бўлакларга парчалан-' 'майда-майда бўлакларга парчала-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИЛ-ЧИЛ: *чил-чил бўл-* феъли таркибидаги бу қисм 'қирқ' маъносини англатадиган тожикча *чил* саноқ сонининг такрорига тенг бўлиб, 'майда-майда бўлиб син-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 368).

ЧИММАТ Бу от асли тожик тилида 'кўз' маъносини англатадиган *чашм* оти билан (ТжРС, 439) 'боғич' маъносини англатадиган *банд* отидан (ТжРС, 44) тузилган бўлиб, ўзбек тилига жуда мураккаб товуш ўзгаришлари билан олинган: *чашм* қисмида *а* товуши *и* товушига алмаштирилиб, *ш* товуши ташланган: *чашм* > *чим; банд* қисмида *б* товуши *м* товушига, *д* товуши *т* товушига алмаштирилиб, *н* товуши ташланган: *банд* > *мат* . Бу от асли 'кўзни тўсадиган парда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 369).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИМХЎР Бу сифат 'озгина' маъносини англатадиган туркий *чим* равишига (Девон , I, 325) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг *хўр* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 434) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'оз овқат ейдиган', 'овқатни танлаб ейдиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 369).

ЧИНБАРГ Бу от 'ҳақиқий' маъносини англатадиган ўзбекча *чин* сифати билан (Девон, I, 326, 379; III, 152) 'япроқ' маъносини англатадиган тожикча *барг* отидан (ТжРС, 46) тузилган бўлиб, 'пахта ўсимлигининг шоналайдиган, ҳосилдор барги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 370).

ЧИННИ Бу тожикча от Хитойнинг шарқ мамлакатларидаги *Чин* номига (ЎТИЛ, II, 370) тожик тилида *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган (ТжРС, 443: *чинӣ I*); ўзбек тилига олишда *н* товуши қатланган, ӣ товушининг чўзиқлик белгиси йўқолган; 'хитой фарфори', 'асл идиш-оёқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 370).

ЧИНОЙОҚ Бу от 'Хитой' маъносини англатадиган *Чин* оти билан 'коса', 'қадаҳ' маъноларини англатадиган ўзбекча *ойоқ* отидан (ЎТИЛ, I, 523) тузилган бўлиб, 'хитой қадаҳи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 370).

ЧИРК I Бу тожикча от 'ифлос', 'кирланиш' маъносини англатади (ТжРС, 443); ўзбек тилида 'ёғ, қурум аралаш ёпишқоқ ўтиринди' маъносини англатиш учун ишлатилади: *қозоннинг чирки* каби (ЎТИЛ, II, 371).

ЧИРКИН Бу сифат тожик тилида *чирк* отига (қ) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 443), 'ўта ифлос', 'тубан' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 371). Бу сифатдан ўзбек тилида *чиркинлаш-* феъли ҳосил қилинган.

ЧИРОҚ Бу от ПРСда [*чера ғ*] шаклида (162), ТжРСда *чароғ* шаклида (438) келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли биринчи бўғинидаги *а* товушини *и* товушига, охиридаги *ғ* товушини *қ* товушига алмаштириб олинган (лекин амалда *қ* товуши эмас, *ғ* товуши айтилади). Бу от 'қоронғиликни ёритиш учун ишлатиладиган асбоб', 'лампа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 372).

ЧИСТОН 'Топишмоқ' маъносини англатадиган бу от асли тожикча *чи аст?* сўроғи таркибидаги *а* товушини ташлаб ҳосил қилинадиган *чист?* шаклига (ТжРС, 444) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ясалган бўлиб, 'топишмоқ', 'жумбоқ', 'қочириқли гап' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 373).

ЧИҚИМДОР Бу сифат 'харажат', 'буромад' маъносини англатадиган ўзбекча *чиқим* отига (ЎТИЛ, II, 374) тожикча 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'маълум миқдорда маблағ сарфлаган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 374).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧОВЛИ Бу от ПРСда [*чоуле*] шаклида келтирилиб, 'букилган' маъносини (167), ТжРСда *чавли* шаклида келтирилиб, "шумовка из прутьев или проволока для вынимания пельменей из котла" деб изоҳланган (435). Ўзбек тилига тожик тилидаги шакли *а* товушини *о (â)* товушига алмаштириб олинган; 'суюқ хамир овқатлар донини сузиб олиш учун ишлатиладиган чўмичсимон рўзғор буюми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 376). Бу от ЎТИЛда тожикча деб белгиланмаган.

ЧОДИР Бу от ПРСда [*чадор*] шаклида (159), ТжРСда *чодир* ва *чодар* шаклларида (444) келтирилган; ўзбек тилига тожикча *чодир* шакли олинган; 'палатка', 'парда', 'ёпинчоқ' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 376).

ЧОЙЖЎШ Бу от хитойча *чой* отига (ЎТИЛ, II, 376) 'қайна-' маъносини англатадиган тожикча *жўшидан* феълининг *жўш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 521) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чой учун сув қайнатиладиган металл идиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 376). Бу от ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди, унинг ўрнига *тунука чойнак* бирикмаси ишлатилади.

ЧОЙХОНА Бу от хитойча *чой* оти билан (ЎТИЛ, II, 376) тожикча *хона* отидан тузилган бўлиб, 'чой дамлаб сотиладиган оммавий уй', 'сомовар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 377).

ЧОЙХЎР Бу от хитойча *чой* отига (ЎТИЛ, II, 376) 'еб-ич-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг *хўр* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 434) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўп чой ичадиган', 'чойхонага чой ичишга келадиган' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 377).

ЧОЙШАБ Бу от 'ўрин' маъносини англатадиган *жой* оти билан (ТжРС, 517) 'тун' маъносини англатадиган *шаб* отидан (ТжРС, 448) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *ж* товуши *ч* товушига алмаштирилган; 'тўшак устидан ёзиладиган ялангқават мато' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 377).

ЧОР Бу тожикча саноқ сон асли *чаҳор* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 441), сўзлашув тилида *чор* айтиладиган бўлган (ТжРС, 445); ўзбек тилига ана шу шаклида олинган бўлиб, 'тўрт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 378).

ЧОРА Бу от ПРСда [*чоре*] шаклида (160), ТжРСда *чора* шаклида (445) келтирилиб, 'восита', 'ёрдам кўрсатиш воситаси', 'дори' маъноларини англатиши айтилган. Ўзбек тилига тожикча шакли олиниб, 'бирор ишни, мақсадни амалга ошириш ёки рўёбга чиқармаслик учун кўриладиган тадбир' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 378).

ЧОРАК Бу миқдор бирлиги тожик тилида 'тўрт' маъносини англатадиган *чор (< чаҳор)* саноқ сони билан (к.) 'бир' маъносини англатадиган *йак* саноқ сонидан (ТжРС, 468) тузилган бўлиб, ПРСда [*чăhар-йек*], [*чар-йек*] шаклларида (168), ТжРСда *чаҳорьяк* (441), *чорьяк*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(446) шаклларида келтирилган; ўзбек тилига тожикча *чорьяк* (*чорйак*) шакли *й* товушини (*я* ҳарфига боғлиқ *ь* белгисини ҳам) ташлаб олинган; 'бир бутуннинг тўртдан бири' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРАКОР Бу от тожик тилида *чорьяк* миқдор бирлиги билан (қ.) 'меҳнат' маъносини англатадиган *кор* отидан (ТжРС, 192) тузилган бўлиб, ТжРСда *чорьяккор* шаклида ёзилган (446); ўзбек тилига *й* товушини (*я* ҳарфига боғлиқ *ь* белгисини ҳам), ёнма-ён келиб қолган *кк* товушларидан бирини ташлаб олинган; 'ишчи кучи сифатида ёлланиб, етиштирган деҳқончилик ҳосилининг тўртдан бирини олиш шарти билан меҳнат киладиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *чорикор* тарзида ҳам айтилади.

ЧОРБОҒ Бу от *чор* саноқ сони билан (қ.) 'мевали дарахтлар билан банд майдон' маъносини англатадиган *боғ* отидан (ТжРС, 141) тузилган бўлиб, ТжРСда 'мевали дарахтлардан иборат боғ' деб изоҳланган (445); ЎТИЛда 'шаҳардан ташқаридаги ҳовли-жойли, қўрғонли боғ, боғча' деб (379) изоҳланган. Бу от таркибидаги *чор* қисми аниқ 'тўрт' маъносини эмас, балки 'ҳар хил' маъносини англатиб қатнашади, шунга кўра *чорбоғ* оти 'ҳар хил мевали дарахтлар билан банд саҳн' маъносини англатади дейиш мумкин.

ЧОРВА Бу от ПРСда [*чähар-па*] , [*чар-па*] шаклларида келтирилиб, 'тўрт оёқли (ҳайвон)' деб (168), ТжРСда *чорпо* шаклида ва *чорво* шаклида (446,445) мустақил келтирилиб, биринчисида 'тўрт оёқли ҳайвон', 'уй ҳайвони' деб, иккинчисида 'ҳайвон', 'уй ҳайвони' деб изоҳланган. Ўзбек тилига тожикча *чорво* шакли охиридаги *о(â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; маъноси 'қишлоқ хўжалигида: тўрт оёқли моллар' деб изоҳланган (ЎТИЛ, II, 379). Асли *чорво* оти таркибидаги *во* қисмида *п* товуши *в* товушига тожик тилининг ўзида алмаштирилган.

ЧОРВАДОР Бу сифат тожик тилида *чорво* отига (қ.) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига иккинчи бўғиндаги *о (â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'чорва боқиш билан шуғулланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРВАЧИ Бу от ўзбек тилида тожикча *чорва* отига (қ.) *-чи* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; 'чорва боқиш билан шуғулланадиган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРВАЧИЛИК Бу от ўзбек тилида *чорвачи* отига (қ.) *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'чорва маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган соҳа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРГОҲ Бу от тожик тилида 'тўрт' маъносини англатадиган *чор* саноқ сони билан (қ.) 'ўрин', 'йўл' маъносини англатадиган *гоҳ* отидан (ТжРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

104) тузилган бўлиб, 'классик куйлардан бирининг номи' деб ноаниқ изоҳланган (ТжРС, 445; ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРИКОР *қ.* чоракор

ЧОРЙОР Бу от тожик тилида 'тўрт' маъносини англатадиган *чор* саноқ сони билан (қ.) 'дўст', 'ҳамроҳ' маъносини англатадиган *йор* отидан (ТжРС, 145) тузилган бўлиб, 'Муҳаммад пайғамбарнинг энг яқин тўрт сафдоши (Абубакр, Умар, Усмон, Али)' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОР-НОЧОР Бу равиш ТжРСда *чор-ночор* шаклидан (445) *чору-ночор* шаклига ҳавола билан келтирилиб, сўзлашув тилига хослиги таъкидланган; асли *чора* отининг (қ.) сўзлашув тилидаги *чор* шаклини *-у* боғламаси билан ёки бундай боғламасиз такрорлаб тузилган бўлиб, 'рози бўлмасликка чора топа олмай' маъносини , шу маъно асосида юзага келган 'истар-истамас', 'ноилож' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРПАҲИЛ Бу сифат тожик тилида *чор* саноқ сони билан (қ.) 'ён' маъносини англатадиган *паҳлу* отидан (ПРС,98; ТжРС, 303) тузилган бўлиб, асли 'тўрт ён' маъносини, кўчма маъносида 'кенг елкали' маъносини англатади (ТжРС, 446; *чорпаҳлу*). Ўзбек тилига охирги *у* товушини ташлаб, *ҳ, л* товушлари оралиғига *и* товушини киритиб олинган; 'тўладан келган', 'яғриндор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 379).

ЧОРРАҲА Бу от тожик тилида *чор* саноқ сони билан (қ.) 'йўл' маъносини англатадиган *роҳ* отидан (қ.) тузилган *чорроҳ* бирлигига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига бу отнинг иккинчи бўғинидаги *о (â)* товушини *а* товушига алмаштирилган тожикча шакли (ТжРС, 446) олинган; 'тўрт йўл кесишадиган жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 380).

ЧОРСИ Бу от тожикча *чор* саноқ сони билан (қ.) 'томон', 'йўналиш' маъносини англатадиган *сӯ* отидан (ТжРС, 371) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ӯ* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; 'тўрт томони тенг тўртбурчак', 'тўртбурчак шаклидаги эркаклар белбоғи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 380).

ЧОРШАНБА Бу от тожик тилида *чор* саноқ сони билан (қ.) 'ҳафтанинг якшанбадан олдинги куни' маъносини англатадиган *шанбе* отидан (ТжРС, 451) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *э (е)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'ҳафтанинг якшанбадан кейинги учинчи куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 380).

ЧОРҚИРРА Бу сифат ўзбек тилида тожикча *чор* саноқ сони билан (қ.) 'зиҳ', 'чет' маъносини англатадиган ўзбекча *қирра* отидан (ЎТИЛ, II, 382) тузилган бўлиб, 'тўрт томони тенг' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 380).

ЧОШГОҲ Бу от тожик тилида 'тонг отгандан тўққизгача бўлган' маъносини англатадиган *чошт* сифати билан (ТжРС, 447) 'пайт' маъносини англатадиган *гоҳ* отидан (ТжРС, 104) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *т*

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушини ташлаб олинган; 'эрталаб қуёш анча кўтарилиб колган пайт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 380).

ЧУНКИ Бу сабаб боғловчиси тожик тилида 'худди' маъносини англатадиган *чун* сифатига (ТжРС, 447) *-ки* боғловчисини (ТжРС, 186) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'негаки' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 382).

ЧУНОН Бу равиш тожик тилида 'худди' маъносини англатадиган *чун* сифатига (ТжРС, 447) *-он* кўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шу қадар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 383).

ЧУНОНАМ Бу равиш тожикча *чунон* равишига (к.) *ҳам* юкламасини (ТжРС, 498) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шу қадарки' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 383).

ЧУНОНЧИ Бу таъкид бирлиги тожикча *чунон* равишига (к.) *-чи* таъкид юкламасини (ТжРС, 442) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'яъни', 'масалан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 383).

ЧЎП Бу тожикча от асли *чўб* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 448), ўзбек тилига *б* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; тожик тилида 'дарахт' маъносини, ўзбек тилида эса 'ингичка новданинг парчаси' маъносини англатади (ТжРС, 448; ЎТИЛ, II, 387).

Ш

ШАБАДА Бу от тожик тилида 'кечаси', 'кечқурун' маъносини англатадиган *шаб* оти билан (ТжРС, 448) 'шамол' маъносини англатадиган *бод II* отидан (ТжРС, 74) тузилган бирликка *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига қатор келиб қолган *бб* товушларидан бирини ташлаб, *о(ӣ)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; тожик тилида 'кечки ёқимли шамол' маъносини (ТжРС, 449), ўзбек тилида 'енгил майин шамол' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 389). Бу от ўзбек тилида аслига мос *шаббода* тарзида ҳам айтилади.

ШАББОДА *қ.* шабада

ШАБКЎР Бу сифат тожик тилида 'кечаси' маъносини англатадиган *шаб* оти билан (ТжРС, 448) 'кўрмайдиган' маъносини англатадиган *кўр* сифатидан (ТжРС, 199) тузилган бўлиб, 'қоронғи тушганда кўриш қобилиятини йўқотадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 389).

ШАБНАМ Бу от тожик тилида 'кечаси' маъносини англатадиган *шаб* оти билан (ТжРС, 448) 'нимагадир сингган сув' маъносини англатадиган *нам* отидан (ТжРС, 256) тузилган бўлиб, 'баҳор, ёз кечалари ўсимликка инадиган буғ намлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 390).

ШАКАР Бу от асли хиндча бўлиб, тожик тилига, бу тилдан ўзбек тилига олинган (ТжРС, 450; ЎТИЛ,392) 'лавлаги, шакаркамишдан саноат йўли билан олинадиган оқ-сарғиш рангли қумсимон ширинлик' маъносини англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАКАРАК I Бу от тожик тилида *шакар* отига (қ.) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида 'қовун, тарвуз, узум турларидан бирининг номи' маъносини англатади (ТжРС, 450); ўзбек тилига 'қовун турларидан бирининг номи' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 392).

ШАКАРГУФТОР Бу сифат тожик тилида *шакар* оти билан (қ.) 'сўз', 'нутқ' маъносини англатадиган *гуфтор* отидан (ТжРС, 110) тузилган бўлиб, 'ширин сўз', 'гап-сўзи ёқимли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 392). Бу сифатдан ўзбек тилида *шакаргуфторлик* оти ясалган бўлиб, 'кўнгил очадиган ширин суҳбат' маъносини англатади.

ШАКАРГУФТОРЛИК *қ.* шакаргуфтор

ШАКАРОБ Бу от тожик тилида *шакар* оти билан (қ.) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'пиёз, помидорни майда тўғраб, туз, қалампир қўшиб тайёрланадиган иштаҳа очар овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 392).

ШАКАРПАЛАК Бу от ўзбек тилида тожикча *шакар* оти билан (қ.) 'қовун, бодринг каби ўсимликнинг ерда ёйилиб ўсадиган танаси' маъносини англатадиган *палак* отидан (ТжРС, 296) тузилган бўлиб, 'сирти сертўр, ўзи серэт ширин оқ қовун' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 392).

ШАКАРҚАМИШ Бу от ўзбек тилида тожикча *шакар* оти билан (қ.) ўзбекча *қамиш* отидан (ЎТИЛ, II, 547) тузилган бўлиб, 'иссиқ иқлимли мамлакатларда ўсадиган, поясидан шакар олинадиган ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 392).

ШАЛВОР Бу от ЎТИЛда "с.т." таъкиди билан келтирилиб, "чолвор" деб изоҳланган (II,393). ТжРСда *чалвор* шаклидан (ТжРС, 436) *чолвор* шаклига хавола қилиниб, 'кенг шим', 'сукно, чармдан тикилган шарвор ' деб (444), *шалвор* шаклида келтирилиб (450), 'иштон', 'шим' деб изоҳланганган. Ўзбек тилига *шалвор* шакли олинган. Изоҳлардан аён бўладики, бу от таркибидаги *вор* қисми асли 'эн', 'кенг' маъносини англатадиган *бар V* оти бўлиб (ТжРС, 45), таркибидаги *б* товуши *в* товушига, *а* товуши *о (â)* товушига тожик тилидаёқ алмаштирилган. Бу от таркибидаги *шал* қисми асли *шол* товуш таркибига эга бўлиб, ўзбек тилида *о (â)* товуши *а* товушига алмаштирилган; 'хонаки усул билан тўқиладиган дағал матодан тикилган уст кийим' маъносини англатади (ТжРС, 460). Демак, *шалвор* оти 'хонаки усул билан тўқилган дағал матодан кенг қилиб тикиладиган шим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 393).

ШАЛОЛА Бу от ПРСда [*шалале*] шаклида (315), ТжРСда *шалола* шаклида (450) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'катта оқин сувнинг баландликдан пастга куч билан отилиб тушиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 394). ЎТИЛда бу от тожикча эканлиги таъкидланмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАЛҲАК Бу от тожик тилида 'гўшт, ёғ юзасини қоплаган юпқа пай (парда)' маъносини англатадиган *шалҳа* отига (ТжРС, 451) *-к* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, юқорида таъкидланган маънони англатади (ЎТИЛ, II, 395). Бу от тожикча эканлиги ЎТИЛда айтилмаган.

ШАМБА *қ.* шанба

ШАМДОН Бу от 'қотадиган ёғдан тайёрланиб, мум билан қопланган думалоқ, чўзинчоқ, пиликли ёритқич' маъносини англатадиган арабча *шам* отига (АРС, 416) тожикча *-дон* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шам ўрнатиб қўйиладиган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 395).

ШАМШИР Бу от асли 'металл ғўласи' маъносини англатадиган [*шемш*] отидан (ПРС,317) *-ир* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин *э (е)* товуши *а* товушига алмашган (ПРС,317). ТжРСда бу от *шамшер* шаклида келтирилган (415). Ўзбек тилига форсча *шамшир* шакли олинган бўлиб, 'қилич' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 396).

ШАНБА Бу тожикча от *шанбе* шаклида ёзилиб, *шамбе* айтилади (ТжРС, 451); ўзбек тилига *э (е)* товушини *а* товушига алмаштириб *шанба* шаклида олинган; сўзлашув тилида *шамба* шаклида айтилади; 'ҳафтанинг якшанбадан олдинги куни' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 396).

ШАРМ Бу от асли 'уял-' маъносини англатадиган тожикча *шармидан* феълининг (ТжРС, 452) *шарм* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб, дастлаб 'уят', 'номус' маъносини англатиб, кейинчалик 'уялиш', 'тортиниш' маъносини ҳам англата бошлаган (ПРС,310; ТжРС, 451); ўзбек тилига 'уят', 'номус' маъноси билан олинган (ЎТИЛ, II, 398).

ШАРМАНДА Бу сифат асли тожик тилида 'уял-' маъносини англатадиган *шармидан* феълининг (ТжРС, 452) *шарм* ҳозирги замон асосидан *-анда* қўшимчаси билан (ТжРС, 561) ҳосил қилинган ҳозирги замон сифатдоши шакли бўлиб (ТжРС, 452), 'уятли ҳолатга тушган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 398). Бу сифатдан ўзбек тилида *шармандалик* оти, *шармандаларча* равиши ҳосил қилинган.

ШАРМАНДАЛАРЧА *қ.* шарманда

ШАРМАНДАЛИК *қ.* шарманда

ШАРМАНДА-ШАРМИСОР Бу сифат тожикча *шарманда* сифати билан (қ.) *шармсор* сифатидан тузилган; *шармсор* сифати *шарм* отига (қ.) *-сор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўта даражада шарманда' маъносини англатади (ТжРС, 452); *рмс* товушларини айтиш учун қулайлик юзага келтириш учун ўзбек тилида *мс* товушлари оралиғига *и* товуши киритилган; 'ўта даражада уятли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 399).

ШАРМСОР *қ.* шарманда-шармисор

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРМ-ҲАЙО Бу жуфт от тожикча *шарм* оти билан (қ.) 'уялиш' маъносини англатадиган арабча *ҳайо* отидан (АРС, 205) тузилган бўлиб, 'уялиш', 'уятчанлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 399). Бу отдан ўзбек тилида *шарм-ҳайоли* , *шарм-ҳайосиз* сифатлари ҳосил қилинган.

ШАРМ-ҲАЙОЛИ қ. шарм-ҳайо

ШАРМ-ҲАЙОСИЗ қ. шарм-ҳайо

ШАРТНОМА Бу от 'оғзаки ёки ёзма равишда билдирилган талаб-таклифлар' маъносини англатадиган арабча *шарт* отига (АРС, 399) 'хат' маъносини англатадиган *нома* отини (ТжРС, 271) қўшиб тузилган бўлиб, 'ўзаро келишув ҳақидаги ёзма битим' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 400).

ШАРҚОНА Бу сифат ўзбек тилида 'дунёнинг қуёш чиқиш томони' маъносини англатадиган арабча *шарқ* отига (АРС, 402) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шарқ оламига хос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401).

ШАРҚШУНОС Бу сифат тожик тилида 'дунёнинг қуёш чиқиш томони' маъносини англатадиган арабча *шарқ* отига (АРС, 402) 'бил-', 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 457) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *шинос* қисми таркибидаги *и* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'дунёнинг шарқ қисмида яшайдиган аҳолининг тили, адабиёти, маданияти, тарихини ўрганадиган мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 401). Бу отдан ўзбек тилида *-лик* қўшимчаси билан *шарқшунослик* соҳа номи ҳосил қилинган.

ШАРҚШУНОСЛИК қ. шарқшунос

ШАФТОЛИ Бу от тожик тилида *шафтолу* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 453), ўзбек тилига *у* товушини *и* товушига алмаштириб олинган; ўзбек сўзлашув тилида *шоптоли* шаклида: *а* товушини *о (ô)* товушига, *ф* товушини *п* товушига алмаштириб ҳам айтилади. Бу от таркибидаги *олу* қисми 'дарахт меваси' маъносини англатиши аниқ (ТжРС, 286), лекин *шафт* қисмига аниқ изоҳ топилмади. *Шафтоли* оти 'жанубда ўсадиган, пушти гулли, узунчоқ баргли дарахтнинг йирик юмшоқ этли меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 402).

ШАШМАҚОМ Бу от 'олти' маъносини англатадиган тожикча *шаш* саноқ сони билан (ТжРС,453) 'куй', 'оҳанг' маъносини англатадиган арабча *мақом II* отидан (АРС, 668) тузилган бўлиб, 'олти классик мақомни ўз ичига олган мусиқий асар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 404).

ШАШҚАТОР Бу кесимлик 'олти' маъносини англатадиган тожикча *шаш* саноқ сони билан (ТжРС, 453) 'кетма-кет жойлашиш' маъносини англатадиган арабча *қатор* отидан (АРС, 646) тузилган бўлиб, 'дув-дув тўкилиб турган' (кўз ёши) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 404).

ШАҲ (ШОҲ) 'Шаҳмат ўйинида бирор дона билан рақибининг шоҳига бевосита ҳужум эълон қилиш' маъносини ифодалайдиган бу ундов асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

тожикча *шоҳ* отининг (қ.) таркибидаги *о* товушини *а* товушига алмаштирилган шаклига тенг (ЎТИЛ, II, 405).

ШАҲАНШОҲ қ. шоҳаншоҳ

ШАҲАР Бу от *шаҳр* товуш таркибига эга бўлиб (ПРС,319; ТжРС, 454), ўзбек тилига *ҳр* товушлари оралиғига *а* товушини киритиб олинган (ЎТИЛ, II, 405). *Тошкент шаҳри* каби бирикма таркибида келганида *а* товуши киритилмайди (ЎТИЛ, II, 406). Бу от 'савдо-саноати ривож топган йирик маъмурий-маданий макон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 405).

ШАҲБОЗ Бу от тожик тилида *шоҳбоз* (ТжРС, 461) ва *шаҳбоз* (ТжРС, 454) шаклларига эга; ўзбек адабий тилига *шаҳбоз* шакли олинган; 'подшо' маъносини англатадиган *шоҳ* оти билан (ТжРС, 461) 'лочин' маъносини англатадиган *боз* отидан (ТжРС, 75) тузилган бўлиб, 'шунқор', 'жасур' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 405). Ўзбек сўзлашув тилида бу от *шоввоз* тарзида: *а* товушини *о (â)* товушига, *б* товушини *в* товушига, шу *в* товуши таъсирида *ҳ* товушини ҳам *в* товушига алмаштириб айтилади (ЎТИЛ, II, 420).

ШАҲЗОДА Бу от тожик тилида *шоҳзода* (ТжРС, 461) ва *шаҳзода* (ТжРС, 454) шаклларида айтилади; ўзбек тилига *шаҳзода* шакли олинган; 'подшо' маъносини англатадиган *шоҳ* оти билан (ТжРС, 461) 'ўғил' маъносини англатадиган *зода* отидан (ТжРС, 156) тузилган бўлиб, 'шоҳ ўғли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 406).

ШАҲМАТ Бу от тожик тилида *шоҳмот* (ТжРС, 461) ва *шаҳмот* (ТжРС, 454) шаклларига эга; ўзбек тилига *шаҳмот* шакли *о (â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; '32 оқ ва 32 қора катакли тахтада 16 оқ ва 16 қора (8 сипоҳ ва 8 пиёда) доналари билан махсус қоидага биноан амалга ошириладиган ўйин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 406).

ШЕР Бу от ПРСда [*шир*] шаклида (321), ТжРСда *шер* шаклида (455) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'арслон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 407). Бу отдан ўзбек тилида *шерлан-* ('ўзини баҳодир ҳис кил-') феъли ясалган.

ШЕРЗОТ Бу от тожик тилида *шер* оти билан (қ.) *зот* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'жасур', 'азамат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 407).

ШЕРЛАН- қ. шер

ШЕЪРХОНЛИК Бу от ' вазн ва қофияли кичик бадиий асар' маъносини англатадиган арабча *шеър* отига (АРС, 406) 'ўқи-' маъносини англатадиган тожикча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб тузилган *шеърхон* сифатидан (ТжРС, 455) *-лик* қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, 'шоирларнинг навбатма-навбат ўзи ёзган шеърларни жамоат бўлиб ўқиши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 408).

ШИКАСТ Бу от асли 'синдир-', 'майдала-', 'кес-' маъноларини англатадиган тожикча *шикастан* феълининг (ТжРС, 456) *шикаст* ўтган

www.ziyouz.com kutubxonasi

замон асосига тенг; 'синик', 'майдаланган ҳолат' маъносини (ПРС,314), ўзбек тилида 'жисмоний зарар', 'лат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 409). Бу отдан ўзбек тилида *шикастлан-* феъли ясалган.

ШИКАСТА Бу сифат *шикаст* отига (қ.) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'синган', 'мункиллаган' маъноларини англатади (ПРС,314); ўзбек тилида 'қайғу, ғам билан эзилган' маъносини англатиш учун ишлатилади (ЎТИЛ, II, 410).

ШИКАСТЛАН- қ. шикаст

ШИРАКАЙФ Бу сифат тожикча 'ширин сок' маъносини англатадиган *шира* оти билан (ТжРС, 458) 'кишининг руҳан яйраган ҳолати' маъносини англатадиган арабча *кайф* отидан (АРС, 707) тузилган бўлиб, 'бироз кайфи бор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 415).

ШИРГУРУЧ Бу от 'сут' маъносини англатадиган тожикча *шир* оти билан (ТжРС, 458) 'шолидан оқлаб олинадиган ошлик дон' маъносини англатадиган тожикча *биринҷ* отидан (ТжРС, 72) тузилган бўлиб (ТжРС, 459), ўзбек тилига *биринҷ* оти таркибидаги *би* товушларини *гу* товушларига, *инҷ* товушларини *уч* товушларига алмаштириб олинган; 'гуручни сутда пиширib тайёрланадиган қуюқ таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 416).

ШИРИНАК: *ширинак ўйна-* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу от 'шакар таъмли' маъносини англатадиган тожикча *ширин* сифатига (ТжРС, 458) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, бу бирикма 'кимнинг қовуни, тарвузи ширин эканини еб кўриб аниқлаш-' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 416).

ШИРИНКОМА Бу от тожик тилида 'шакар таъмли' маъносини англатадиган *ширин* сифати билан (ТжРС, 458) 'истак' маъносини англатадиган *ком* отидан тузилган *ширин ком* бирикмасига *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 458), 'олди-сотди пайтида ўртада турган воситачига бериладиган ҳақ, пул' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 416).

ШИРИНМИЙА Бу от ўзбек тилида 'шакар таъмли' маъносини англатадиган тожикча *ширин* сифати билан (ТжРС, 458) 'бош косасида жойлашган нерв системасининг марказий қисми' маъносини англатадиган ўзбекча *мийа* отидан (ЎТИЛ, II, 468) тузилган бўлиб, 'илдизи саноат ва медицинада ишлатиладиган кўп йиллик дуккакли ўсимлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 416).

ШИРИНТОМОҚ Бу сифат ўзбек тилида 'шакар таъмли' маъносини англатадиган тожикча *ширин* сифати билан (ТжРС, 458) 'овқат' маъносини англатадиган ўзбекча *томоқ 3* отидан (ЎТИЛ, II, 202) тузилган бўлиб, 'мазали овқатни яхши кўрадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 417).

ШИРЧОЙ Бу от 'сут' маъносини англатадиган тожикча *шир* оти билан (ТжРС, 415) хитойча *чой* отидан (ЎТИЛ, II, 376) тузилган бўлиб, 'қуруқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

чой, туз солиб қайнатилган сутга сарёғ, мурч солиб тайёрланадиган таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 417).

ШИРҚОВОҚ Бу от 'сут' маъносини англатадиган тожикча *шир* оти билан (ТжРС, 415) ўзбекча *қовоқ* отидан (ЎТИЛ, II, 591) тузилган бўлиб, 'сут ва ошқовоқдан тайёрланадиган таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 417).

ШИФОБАХШ Бу сифат тожик тилида 'соғайиш' маъносини англатадиган арабча *шифо* отига (АРС, 410) 'совға қил-', 'бер-' маъносини англатадиган *бахшидан* феълининг (ТжРС, 52) *бахш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'даво бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШИФОКОР Бу от тожик тилида 'соғайиш' маъносини англатадиган арабча *шифо* отига (АРС, 210). *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'касалликдан даволовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШИФОХОНА Бу от тожик тилида 'соғайиш' маъносини англатадиган арабча *шифо* оти билан (АРС, 410) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'нотоб кишиларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 418).

ШОВВОЗ қ. шаҳбоз

ШОДИЙОНА Бу от тожик тилида 'хурсанд' маъносини англатадиган *шод* сифатидан (ТжРС, 460) *-ӣ* қўшимчаси билан (ТжРС, 542) ҳосил қилиниб, 'хурсандчилик' маъносини англатадиган *шодӣ* отига (ТжРС, 460) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хурсандчилик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 422).

ШОДОН Бу равиш тожик тилида 'хурсанд' маъносини англатадиган *шод* сифатига (ТжРС, 460) *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'хушчақчақ ҳолатда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 423).

ШОД-ХАНДОН Бу сифат тожик тилида 'хурсанд' маъносини англатадиган *шод* сифати билан (ТжРС, 460) 'кул-' маъносини англатадиган *хандидан* феълининг (ТжРС, 419) *ханд* ҳозирги замон асосига *-он* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилиниб, 'кулиб турувчи' маъносини англатадиган *хандон* сифатидан (ТжРС, 419) тузилган бўлиб, 'хушчақчақ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 423).

ШОД-ХУРРАМ Бу сифат тожик тилида 'хурсанд' маъносини англатадиган *шод* (ТжРС, 460) ва *хуррам* (ТжРС, 432) сифатларидан тузилган бўлиб, 'ниҳоятда хурсанд' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 423).

ШОЙИ Бу тожикча от асли *шоҳи* товуш таркибига эга бўлиб (ТжРС, 461), ўзбек тилига *ҳ* товушини *й* товушига алмаштириб олинган; шеъриятда *шоҳи* шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ, II, 427); 'ипакдан тўқилган газлама' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 433).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОКОСА Бу от ўзбек тилида 'подшо' маъносини англатадиган тожикча *шо* оти билан (ТжРС, 461) 'суюқ овқат солинадиган чинни идиш' маъносини англатадиган тожикча *коса* отидан (ТжРС, 194) тузилган бўлиб, 'катта коса' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 423).

ШОЛИ Бу тожикча от 'оқланмаган гуруч дони', 'гуруч дони ўсимлиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424).

ШОЛИКОР Бу от тожик тилида *шоли* отига (қ.) *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шоли етиштирувчи деҳқон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424). Бу отдан *шоликорлик* мавҳум оти ясалган.

ШОЛИКОРЛИК қ. шоликор

ШОЛИПОЙА Ъу от тожик тилида *шоли* оти билан (қ.) 'ўсимликнинг тик ўсадиган ер усти қисми' маъносини англатадиган *пойа* отидан (ТжРС, 311) тузилган бўлиб, 'шоли экилган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424).

ШОЛЧА Бу от 'юнгдан тўқилган қалин дағал мато' маъносини англатадиган форсча [*шали*] отига (ПРС,303) *-ча* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин *и* товуши айтилмай қўйган (ТжРС, 460); 'юнгдан тўқиладиган кичик ҳажмли полос' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424).

ШОЛҒОМ Бу от асли *шалғам* товуш таркибига эга бўлиб (ПРС,315; ТжРС, 450), ўзбек тилига *а* товушларини *о (â)* товушларига алмаштириб олинган; 'илдиз меваси пушти, сариқ, оқиш рангли бўлиб, суюқ овқат тайёрлашда ишлатиладиган тахир таъмли полиз ўсимлиги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424).

ШОМ Бу тожикча от асли 'қоронғи туша бошлаган пайт' маъносини англатади (ТжРС, 460); шу маъно асосида 'кечки, тўртинчи намоз' маъноси юзага келган (ЎТИЛ, II, 424).

ШОНА I Бу от асли 'катакча' маъносини англатадиган *шон* отига (ТжРС, 304) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ғўза ғунчаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424). Бу отдан ўзбек тилида *шонала-* феъли ясалган.

ШОНАЛА- қ. шона

ШОНАБАРГ Бу от 'тароқ' маъносини англатадиган тожикча *шона II* оти билан (ТжРС, 304) 'япроқ' маъносини англатадиган *барг* отидан (ТжРС, 46) тузилган бўлиб, 'гул очилгунча шона атрофини ўраб турадиган тароқ тишли майда барг' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 424).

ШОП: *шоп мўйлов* бирикмаси таркибида ишлатиладиган *шоп* оти асли *шоф* товуш таркибига эга бўлиб, ўзбек тилига *ф* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; асли 'калта қилич' маъносини (ТжРС, 460), юқоридаги бирикма таркибида эса 'учи пастга қайрилган узун' (мўйлов) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 425).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОПТОЛИ *қ.* шафтоли

ШОСУПА Бу от 'подшо' маъносини англатадиган *шо* оти билан (ТжРС, 461) 'ҳовлида, боғда ўтириш учун сунъий равишда ҳосил қилинган тўртбурчак дўнглик' маъносини англатадиган арабча *суфа* отидан (АРС, 438) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ф* товушини *п* товушига алмаштириб олинган; 'ҳовли, боғ саҳнида ўтириш учун сунъий равишда ҳосил қилинган катта супа' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 425). Бу от *шоҳсупа* тарзида ҳам айтилади (ЎТИЛ, II, 428).

ШОТЕРАК Бу от 'подшо' маъносини англатадиган тожикча *шо* оти билан (ТжРС, 461) ўзбекча *терак* отидан (ЎТИЛ, II, 164) тузилган бўлиб, 'тик ўсадиган йирик терак' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 425).

ШОТУТ Бу от тожик тилида 'подшо' маъносини англатадиган *шо* оти билан (ТжРС, 461) 'барглари ипак куртига асосий озиқ бўладиган жануб дарахти' маъносини англатадиган *тут* отидан (ТжРС, 231) тузилган бўлиб, 'тутнинг меваси тўқ қизил рангли нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 425). Бу от баъзан *шоҳтут* тарзида ҳам айтилади (ЎТИЛ, II, 428).

ШОХ I Бу от ПРСда [*шах*] ва [*шахе*] шаклларида (302), ТжРСда *шох*, *шоха* шаклларида келтирилиб (461), ўзбек тилига *шох* шакли олинган; 'дарахт танасидан ён-верига ўсиб чиққан бута' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 426). Бу отдан ўзбек тилида *шохла-* феъли ясалган.

ШОХ II Бу тожикча от 'баъзи ҳайвонларнинг бошида ўсиб чиқадиган суяксимон қаттиқ ўсимта', 'мугиз' маъносини англатади (ТжРС, 461; ЎТИЛ, II, 426).

ШОХЛА- *қ.* шох I

ШОХОБЧА Бу от 'тармоқ' маъносини англатиб қатнашаётган *шох I* оти билан (қ.) 'сув' маъносини англатадиган *об* отидан тузилган тожикча *шохоб* отига (ТжРС, 461) *-ча* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'катта сувдан ажратилган кичик сув йўли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 426).

ШОҲ Бу от асли 'Эрон ҳукмдори' маъносини англатган бўлиб, кейинчалик маънода кенгайиш юз бериб, умуман 'ҳукмдор' маъносини англата бошлаган (ПРС,304; ЎТИЛ, II, 427).

ШОҲАНШОҲ Бу от тожикча *шоҳ* отига (қ.) арабча тушум келишигининг *-ан* қўшимчасини (АТГ,50) қўшиб такрорлаб ҳосил қилинган бўлиб, 'шоҳлар шоҳи' маъносини англатади (ТжРС, 461; ЎТИЛ, II, 427). Бундай юксак унвон Эрон шоҳларига нисбатан ишлатилар эди (ПРС,305). Бу от тожик тилида *шаҳаншоҳ* тарзида ҳам айтилади (ТжРС, 454).

ШОҲИ *қ.* шойи

ШОҲЗОДА *қ.* шаҳзода

ШОҲНОМА Бу от тожикча *шоҳ* оти билан (қ.) 'хат', 'асар' маъносини англатадиган *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, Фирдавсийнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимги шоҳлар тарихи баён қилинган асари шундай номланган (ЎТИЛ, II, 427).

ШОҲОНА Бу сифат тожикча *шоҳ* отига (к.) *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олий даражадаги', 'жуда яхши', 'энг ҳашаматли, дабдабали' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 427).

ШОҲСУПА *қ.* шосупа

ШОҲТУТ *қ.* шотут

ШУКУҲ Бу от ПРСда [*шокуҳ*] шаклида (315), ТжРСда *шукӯҳ* шаклида (462) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли *ӯ* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'улуғворлик', 'тантанабозлик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 431).

ШУҲРАТПАРАСТ Бу сифат тожик тилида 'халқ назарига тушиб қозонилган донг, довруқ' маъносини англатадиган арабча *шуҳрат* отининг (АРС, 419) тожикча *шӯҳрат* шаклига (ТжРС, 463) 'сажда қил-' маъносини англатадиган тожикча *парастидан* феълининг *параст* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 298) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 463), ўзбек тилига *ӯ* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'шуҳрат қозонишга зўрма-зўраки интилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 434).

ШЎР I Бу сифат ПРСда [*шур*] шаклида (318), ТжРСда *шӯр II* шаклида (463) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'таркибидаги туз меъёрдан ортиқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 435). Бу сифатдан ўзбек тилида *шўрла-* феъли ясалган.

ШЎР II Бу бирлик ПРСда [*шур*] шаклида (318), ТжРСда *шӯр I* шаклида (463) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган.Бу бирлик асли 'тўлқинлан-', 'қаҳрлан-' маъносини англатадиган *шӯридан* феълининг *шӯр* ҳозирги замон асосига тенг бўлиб (ТжРС, 463), 'тўлқинланиш', 'қаҳрланиш', 'шовқин-сурон' от маъносини, ўзбек тилида эса 'бахтсиз', 'ночор' каби сифат маъноларини англатади: *шӯр пешана* каби (ЎТИЛ, II, 435).

ШЎРВА Бу от ПРСда [*шурба*] ва [*шурва*] шаклларида (318, 319), ТжРСда *шӯрбо* шаклида (463) келтирилган; ўзбек тилига форсча *шурва* шакли *у* товушини *ӯ* товушига алмаштириб олинган; 'гўшт ва сабзавотни қовуриб ёки қовурмай пиширилади ган суюқ овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 435).

ШЎРЛА- *қ.* шўр I

ШЎР ПЕШАНА *қ.* шўр II

ШЎРХОК Бу сифат тожик тилида *шӯр I* сифати билан (к.) 'тупроқ', 'ер' маъносини англатадиган *хок* отидан (ТжРС, 424) тузилган бўлиб, 'шўрланган ер' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 436).

ШЎХ Бу сифат ПРСда [*шух*] шаклида (318), ТжРСда *шӯх* шаклида (463) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган;

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ўйинқароқ', 'тўполончи' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 436). Бу сифатдан ўзбек тилида *шўхлик* мавҳум оти ясалган.

ШЎХЛИК *қ.* шўх

Э

ЭЛЧИХОНА Бу от ўзбек тилида 'бир давлатнинг бошқа бир давлатда фаолият кўрсатадиган юқори мартабали расмий вакили' маъносини англатадиган ўзбекча *элчи* оти билан 'уй' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'бир давлат ҳукуматининг бошқа бир давлат ҳукумати қошидаги дипломатик вакили бошчилигидаги муассасаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 445).

ЭРОНИЙ Бу сифат Эрон давлати номига *-ӣ (-ий)* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; 'эронлик', 'эрон тилларига мансуб' маъноларини англатади (ТжРС, 466; ЎТИЛ, II, 451).

ЭРОНШУНОС Бу от Эрон давлати номига 'ўрган-' маъносини англатадиган тожикча *шинохтан* феълининг (ТжРС, 458) *шинос* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 457) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *и* товушини *у* товушига алмаштириб олинган; 'эроний халқлар тилини, адабиётини, маданиятини, тарихини ўрганадиган мутахассис' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 451).

ЭРОНШУНОСЛИК Бу от *эроншунос* отига (қ.) *-лик* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эроний халқлар тилини, адабиётини, маданиятини, тарихини ўрганиш фани' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 501).

ЭСОН-ОМОН *қ.* омон-эсон

ЭС-ҲУШ Бу от 'билиш, фикрлаш, ёдда сақлаш' каби маъноларни англатадиган ўзбекча *эс* оти билан (ЎТИЛ, II, 452) 'бирор таъсирни, ҳодисани сезиш, идрок этиш қобилияти' маъносини англатадиган тожикча *ҳуш* отидан (ТжРС, 508) тузилган бўлиб, 'ёдда сақлаш ва идрок этиш қобилияти' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 455). Бу жуфт отдан ўзбек тилида *эс-ҳушли* сифати ҳосил қилинган.

ЭС-ҲУШЛИ *қ.* эс-ҳуш

ЭТИКДЎЗ Бу от ўзбекча *этик* отига 'тик-' маъносини англатадиган тожикча *дӯхтан* феълининг (ТжРС, 144) *дӯз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 143) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'этик тикувчи косиб' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 456).

ЭШОН Бу бирлик асли бир кишига қарата ҳурмат кўрсатиб айтиладиган *'улар'* олмоши бўлиб, кейинчалик 'кишилар орасида обрў қозонган руҳоний' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 458).

ЭШОНЗОДА Бу от *эшон* отига (қ.) 'ўғил' маъносини англатадиган *зода* отини (ТжРС, 156) қўшиб тузилган бўлиб, 'эшоннинг ўғли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 458).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭҲТИЙОТКОР Бу сифат 'турли кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиб иш тутиш' маъносини англатадиган арабча *эҳтийот* отига (АРС, 202) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эҳтиёт чораларини кўриб иш қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460).

ЭҲТИЙОТКОРОНА Бу равиш *эҳтийоткор* сифатига (қ.) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эҳтиёткорлик билан' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 460).

Ў

ЎЙМАКОР Бу бирлик ўзбекча *ўйма* сифатига тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўйиб нақш солинган' сифат маъносини, 'ўйиб нақш солувчи' от маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 499). Бу бирликдан ўзбек тилида *ўймакорлик* оти ясалган.

ЎЙМАКОРЛИК *қ.* ўймакор

ЎРИКЗОР Бу от ўзбекча *ўрик* отига (ЎТИЛ, II, 510) тожикча *-зор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўрик дарахтлари экилган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 511).

ЎРТА-МИЙОНА Бу сифат ўзбекча *ўрта* сифати билан 'ўрта' маъносини англатадиган тожикча *мийона* сифатидан (ТжРС, 228) тузилган бўлиб, 'ўртача' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 514).

Қ

ҚАБУЛХОНА Бу от 'бирор иш-илтимос билан келган кишининг амалдор ҳузурига кириши' маъносини англатадиган арабча *қабул* оти билан (АРС, 620) 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'иш-илтимос билан келган киши амалдор томонидан қабул қилингунигача ўтириб, кутиб турадиган хона' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 531).

ҚАДАМЖО(Й) Бу от 'оёқ ташлаб қилинган ҳар бир ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *қадам* оти билан (АРС,626) 'ер' маъносини англатадиган *жо (й)* отидан (ТжРС, 516) тузилган бўлиб, 'зиёрат қилинадиган муқаддас жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 533).

ҚАДРДОН Бу сифат 'ҳурмат-иззат кўрсатишга лойиқлик' маъносини англатадиган арабча *қадр* отига (АРС, 624) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дон* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳурмат-иззат кўрсатишга сазовор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 534). Бу сифатдан ўзбек тилида *қадрдонлаш-* феъли ясалган.

ҚАДРДОНЛАШ- *қ.* қадрдон

ҚАЛАМКАШ Бу от 'ёзув қуроли' маъносини англатадиган арабча *қалам* отига (АРС, 657) 'чиз-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184,) қўшиб ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган бўлиб, асли 'қалам тебратувчи' маъносини англатиб, кейинчалик 'фаолияти ёзув-чизув билан боғлиқ киши' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 543).

ҚАЛБАКИ Бу сифат 'қинғир','алдам-қалдам' маъносини англатадиган арабча *қалб II* отига (АРС, 654) тожикча *-аки* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сохта' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 544). Бу сифатдан ўзбек тилида *қалбакилик* оти ясалган.

ҚАЛБАКИЛИК *қ.* қалбаки

ҚАНД Бу тожикча от 'шакарнинг бирор шаклда зич қотирилган ҳолати' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 548). Бу от охиридаги *д* товушини *т* товушига алмаштириб *қант* тарзида айтилади.

ҚАНДАК Бу от тожикча *қанд* отига (к.) *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'тўқ сариқ-қизғиш рангли, камсув, сершира ўрик' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 549).

ҚАНД-ҚУРС Бу от тожикча *қанд* оти билан (к.) 'шимиб юриладиган ширинлик' маъносини англатадиган *қурс* отидан (ТжРС, 492) тузилган бўлиб, 'шакардан тайёрланадиган ширинликлар' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 549).

ҚАРЗДОР Бу сифат 'қайтариш шарти билан олинган пул' маъносини англатадиган арабча *қарз* отига (АРС, 632) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'олган қарзини қайтармаган киши' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 554).

ҚАРТА Бу от ПРСда [*кärд*] II [*кärт*], [*кärде*], [*кärду*] шаклларида (398), ТжРСда *қарта I 3* шаклида (486), ЎТИЛда "[*р.* карта]" таъкиди билан *қарта II 2* шаклида (557) келтирилган. ПРСда тўрт шаклда мавжудлиги бу от форсий эканини қатъий тасдиқлайди. ЎТИЛда русча деб, сўзлашув тилига мансуб деб тақдим қилингани хато. Бу от 'экин майдонининг яхлит бир бўлаги' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 557).

ҚАСАМЙОД Бу от 'онт' маъносини англатадиган арабча *қасам* оти билан (АРС, 637) 'хотира' маъносини англатадиган тожикча *йод* отидан (ТжРС, 145) тузилган бўлиб, 'қатъий ваъда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 559).

ҚИЙМАТБАҲО *қ.* қимматбаҳо

ҚИММАТБАҲО Бу қўшма сифат 'нархи баланд' маъносини англатадиган *қиммат* сифати билан (ЎТИЛ, II, 579) 'нарх' маъносини англатадиган тожикча *баҳо* отидан (ТжРС, 53) тузилган бўлиб, 'нархи баланд' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 579). Бу қўшма от таркибидаги арабча от асли *қиймат* товуш таркибига эга (АРС, 667); шу от таркибидаги *й* товушини *м* товушига алмаштириш билан *қиммат* сифати юзага келган.

ҚИРМИЗИ Бу сифат ПРСда [*ґермези*] шаклида (381), ТжРСда *қирмизӣ* шаклида (489) келтирилган; ўзбек тилига охиридаги *ӣ* товушига

www.ziyouz.com kutubxonasi

хос чўзиқликни ташлаб тожикча шакли олинган; 'қизил рангли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 581).

ҚОРАҚАНД Бу от ўзбекча *қора* сифати билан тожикча *қанд* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'тоғлиқ жойларда ёввойи тарзда ўсадиган бута ўсимлиги ва унинг овқатга солинадиган қорамтир майда сершира нордон меваси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 602).

ҚОРИНДОР Бу сифат ўзбекча *қорин* отига 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137,136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қорни меъёрдан катта' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 602).

ҚОФИЙАБОЗ Бу сифат 'мисралар охирининг бир хил товуш билан тугалланиши' маъносини англатадиган арабча *қофийа* отига (АРС, 652) 'берилиб ўйна-' маъносини англатадиган тожикча *бохтан* феълининг (ТжРС, 82) *боз* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 75) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'шеърнинг мазмунига эмас, мисраларнинг қофиясига ортиқча эътибор берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 605).

ҚУЛОЧКАШЛАБ Бу равиш ўзбекча *қулоч* отига 'торт-', 'ёй-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 184) қўшиб ҳосил қилинган *қулочкаш* сифатига ўзбекча *-лаб* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қулочни ёйган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 616).

ҚУРТАВА Бу от тожик тилида ўзбекча 'сузмани ёнғоқдай юмалоқлаб қуритиб тайёрланадиган маҳсулот' маъносини англатадиган *қурут* оти билан (ЎТИЛ, II, 624) 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган *қурутоб* бирлигига тожикча *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги *у* товуши айтилмайдиган бўлган (ТжРС, 492: *қуртоба*) ўзбек тилига *о (â)* товушини *а* товушига алмаштириб олинган; 'қурутдан, сузмадан сув қўшиб тайёрланадиган овқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 623).

ҚУШХОНА қ. кушхона

ҚЎРИҚХОНА Бу от 'сақлаш', 'қўриқлаш' маъносини англатадиган ўзбекча *қўриқ* оти билан 'жой' маъносини англатадиган тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'ноёб ҳайвонлар, ўсимликларни сақлаш ва кўпайтириш учун ажратилиб, давлат томонидан қўриқланадиган майдон' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 640).

Ғ

ҒАВҒО Бу от ПРСда [*ғ оу ғ а*] шаклида (360), ТжРСда *ғавғо* шаклида (646) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'шовқин-сурон', 'жанжал' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 646). Ўзбек сўзлашув тилида *а* товуши *о (â)* товушига, *о (â)* товуши *а* товушига алмаштириб *ғовға* тарзида ҳам айтилади (ЎТИЛ, II, 662).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАДДОР Бу тожикча сифат 'сурбет' маъносини англатадиган [*ғ адд*] сифатига (ПРС,355) 'эга бўл-' маъносини англатадиган *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137,136) қўшиб ҳосил қилинган; *дор* асоси қўшилганидан кейин учта *д* товушидан бири айтилмаган (ПРС, 355; ТжРС, 473); 'сотқин', 'фирибгар' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 646).

ҒАЗАБНОК Бу сифат тожик тилида 'қаттиқ аччиқланиш', 'қаҳр' маъносини англатадиган арабча *ғазаб* отига (АРС, 565) тожикча *-нок* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ғазабли' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 647).

ҒАЗАЛХОН Бу сифат тожик тилида 'биринчи байтнинг ҳар икки мисраси, қолган байтларнинг иккинчи мисралари қофиядош шеър' маъносини англатадиган арабча *ғазал* отига (АРС, 562) 'ўқи-' маъносини англатадиган тожикча *хондан* феълининг *хон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 426) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ғазал ўқувчи', 'ғазал айтувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 647). Бу сифатдан ўзбек тилида *ғазалхонлик* оти ҳосил қилинган.

ҒАЗАЛХОНЛИК қ. ғазалхон

ҒАЛЛАКОР Бу сифат 'дон-дун' маъносини англатадиган арабча *ғалла* отига (АРС, 568) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'дон етиштириш билан шуғулланадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 650).

ҒАЛТАК Бу от 'юмала-' маъносини англатадиган *ғалтидан* феълининг (ПРС,658,359) *ғалт* ҳозирги замон асосига *-ак* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ПРС,359; ТжРС, 476), 'ип,сим, лента каби узун нарсаларни ўраб жойлаш учун ясалган буюм' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 650).

ҒАЛТАКАРАВА Бу от тожикча *ғалтак* оти билан (қ.) 'ғилдиракли оддий юк ташиш воситаси' маъносини англатадиган тожикча *ароба* отидан (ТжРС, 30; ЎТИЛ, I, 36) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *о* товушини *а* товушига, *б* товушини *в* товушига алмаштириб олинган; 'бир ғилдиракли қўл аравачаси' маъносини англатади.

ҒАМГИН Бу сифат тожик тилида 'руҳий азоб' маъносини англатадиган арабча *ғам* отига (АРС, 570) тожикча *-гин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'қайғули' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651).

ҒАМГУЗОР Бу сифат тожик тилида 'руҳий азоб' маъносини англатадиган арабча *ғам* отига (АРС, 570) 'е-' маъносини англатадиган тожикча *гусор(и)дан* феълининг *гусор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилига *с* товушини *з* товушига алмаштириб олинган; 'кимнингдир қайғусига шерик бўладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒАМХЎР Бу сифат тожик тилида 'руҳий азоб' маъносини англатадиган арабча *ғам* отига (АРС, 570) 'тарқат-' маъносини англатадиган тожикча *хоридан* феълининг *хор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 427) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, тожик тилида *ғамхор* ва *ғамхўр* шаклларида айтилади (ТжРС, 477); ўзбек тилига кейинги шакли олинган; 'қайғуни тарқатувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 651). Бу сифатдан ўзбек тилида *ғамхўрлик* оти ясалган.

ҒАМХЎРЛИК *қ.* ғамхўр

ҒАРАЗГЎЙ Бу от тожик тилида 'ёмон ният' маъносини англатадиган арабча *ғараз* отига (АРС, 560) 'айт-' маъносини англатадиган тожикча *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўз манфаатидан келиб чиқиб гапирадиган, иш қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662). Бу сифатдан ўзбек тилида *ғаразгўйлик* мавҳум оти ясалган.

ҒАРАЗГЎЙЛИК *қ.* ғаразгўй

ҒАРИБОНА Бу равиш тожик тилида 'ўзга эллик', 'мусофир' маъносини англатадиган арабча *ғариб* сифатига (АРС, 559) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'мусофирларча', 'ёлғизликда', 'камбағаллик билан' маъноларини англатади (ЎТИЛ, II, 653).

ҒИЖЖАК Бу от ПРСда [*ғиджжак*] шаклида (355), ТжРСда *ғиҷҷак* шаклида (479) келтирилган; тожик тилида ҷ товуши қатланган; ўзбек тилига шу шакли олинган. Бу от асли *ғич* товушга тақлиддан *-ак* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ясалган; 'скрипкага ўхшаш чолғу асбоби' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 656). Бу отдан ўзбек тилида *ғижжакчи* оти ясалган.

ҒИЖЖАКЧИ *қ.* ғижжак

ҒИШТ Бу от ПРСда [*хешт*] шаклида келтирилиб, 'хом ғишт', 'қуйма', 'найза ' деб изоҳланган (193); ТжРСда *хишт I* шаклида келтирилиб, "кирпич" деб изоҳланган (423); ўзбек тилига тожик тилидаги шакли *х* товушини *ғ* товушига алмаштириб олинган; 'қолип ёрдамида лойдан чўзинчоқ тўртбурчак шаклида қуйиб қуритиладиган қурилиш материали' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 661).

ҒИШТИН Бу сифат тожик тилида *хишт* отига (ТжРС, 423) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *х* товушини *ғ* товушига алмаштириб олинган; 'ғишт билан қурилган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 661).

ҒОВҒА *қ.* ғавғо

ҒОЙИБОНА Бу равиш тожик тилида 'кўзга кўринмас', 'кўздан йўқолган' маъносини англатадиган арабча *ғоиб* отига (АРС, 575) тожикча *-она* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида *ои* товушлари оралиғига *й* товуши киритилган; 'сиртдан', 'кўрмаган ҳолда' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 662).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒУНЧА Бу от асли *ғун* қисмига *-ча* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган; *ғун* қисми эса 'тўплам', 'йиғиқ' маъносини англатади: *ғун кардан* – 'йиғ-'; *ғункуш* – 'йиғиш' (ТжРС, 480, 481); шунга кўра *ғунча* асли 'кичик тўплам' маъносини англатади, кейинчалик 'ҳали очилмаган, япроқчалари ҳали ёзилмаган гул' маъносини англата бошлаган (ЎТИЛ, II, 665).

ҒЎЗА Бу от ПРСда [*ғузе*] шаклида келтирилиб, "коробочка" деб изоҳланган (360); ТжРСда *ғўза* шаклида келтирилиб, "коробочка" деб изоҳланган (481); ҳар икки луғатда *пахта, кўкнори* отлари билан бирикма тузиб кўрсатилган. Ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олиниб, аслига нисбатан тор маънони — 'пахта ўсимлиги' маъносини, 'кўсак' маъносини англатиши айтилган (ЎТИЛ, II, 667).

ҒЎЗАПОЙА Бу от тожикча *ғўза* оти билан (қ.) *пойа* отидан (қ.) тузилган бўлиб, 'ҳосили териб олинган пахта ўсимлигининг танаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 667).

ҒЎЛА Бу от тожик тилида 'дум-думалоқ', 'сеп-семиз' маъносини англатадиган *ғўл* сифатидан (ТжРС, 481) *-а* қўшимчаси билан (ТжРС, 543) ҳосил қилинган; 'дарахт танасидан кесиб олинган йўғон бўлак' маъносини англатади (ТжРС, 481; ЎТИЛ, II, 667).

ҒЎР қ. ғўра

ҒЎРА Бу сифат ПРСда [*ғуре*] шаклида (360), ТжРСда *ғўра* шаклида (481) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'пишиб етилмаган' маъносини англатади; ўрик, узум каби меваларнинг ҳосилига нисбатан ишлатилади (ЎТИЛ, II, 668). ЎТИЛда *ғўр* сифати келтирилган, лекин бундай сифат ПРСда, ТжРСда акс эттирилмаган; шунга қарамай *ғўра* оти *ғўр* сифатига *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейиш тўғри.

Ҳ

ҲАВАСКОР Бу сифат тожик тилида 'кўр-кўрона берилиш' маъносини англатадиган арабча *ҳавас* отига (АРС, 863) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'берилиб ҳавас қилувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 669). Бу сифатдан ўзбек тилида *ҳаваскорлик* оти ҳосил қилинган.

ҲАВАСКОРЛИК қ. ҳаваскор

ҲАВОДОР I Бу от 'бирор мақсадга интилиш' маъносини англатадиган арабча *ҳаво* отига (АРС, 862) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, ПРСда 'тарафдор' (599), ТжРСда 'тарафдор', 'севувчи' маъносини (494) англатиши айтилган; ўзбек тилида бошқача маънони — 'раққоса, хонанда, созандага тўй, зиёфат эгалари, меҳмонлар томонидан миннатдорлик йўсинида бериладиган пул, совға' маъносини англатиши айтилган (ЎТИЛ, II, 670).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАВОЙИ Бу сифат 'асосан азот ва кислороддан иборат модда' маъносини англатадиган арабча *ҳаво II* отига (АРС, 862) тожикча *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'асоссиз', 'енгил-елпи', 'пуч' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 670).

ҲАЗИЛКАШ Бу сифат тожик тилида 'эрмак тарзида тегажаклик билан айтиладиган гап ёки қилинадиган ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *ҳазил* отига (АРС, 854) 'торт-' маъносини англатадиган тожикча *кашидан* феълининг *каш* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 284) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 495), 'ҳазил қилишни севадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 673).

ҲАЙКАЛТАРОШ Бу от тожик тилида 'жуда катта тасвирий санъат асари' маъносини англатадиган арабча *ҳайкал* отига (АРС, 867) 'йўн-' маъносини англатадиган тожикча *тарошидан* феълининг *тарош* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 383) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳайкал ясовчи санъат устаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 677). Бу отдан ўзбек тилида *ҳайкалтарошлик* оти ҳосил қилинган.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК *қ.* ҳайкалтарош

ҲАЛВОЙТАР *қ.* ҳолвайтар

ҲАЛҚОБ Бу от асли 'доира шаклли нарса' маъносини англатадиган арабча *ҳалқ 2* оти билан (АРС, 191) 'сув' маъносини англатадиган тожикча *об* отидан (ТжРС, 279) тузилган бўлиб, 'чуқур жойда сақланиб қолган сув' маъносини англатади. Бу от ЎТИЛда *халқоб* шаклида *х* ҳарфи билан хато ёзилган (II, 314).

ҲАМАВАҚТ Бу равиш 'барча' маъносини англатадиган тожикча *ҳама* олмоши билан (ТжРС, 498) 'замон', 'пайт' маъносини англатадиган арабча *вақт* отидан (АРС, 903) тузилган бўлиб, 'ҳар доим', 'доимо' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 682).

ҲАМДАМ Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'нафас', 'вақт' маъносини англатадиган *дам* отига (ТжРС, 114) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўпинча бирга бўладиган', 'яқин' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 682).

ҲАМДАРД Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'оғриқ', 'руҳий азоб ' каби маънони англатадиган *дард* отига (ТжРС, 117) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кимнингдир ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, дардини енгиллаштиришга ҳаракат қиладиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 682). Бу сифатдан ўзбек тилида *ҳамдардлик* оти ҳосил қилинган.

ҲАМЙОН Бу от ўзбек тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'киши гавдасининг ўнг ёки чап томони' маъносини англатадиган ўзбекча *йон* отига (ЎТИЛ, I, 257) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'пул солиб юриш учун чўнтак халтачаси' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 683).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАМЖИҲАТ Бу равиш 'бирга' маъносини ифодалайдиган тожикча *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'томон', 'тараф' маъносини англатадиган арабча *жиҳат* отига (АРС, 875) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'аҳил', 'иноқ' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 683).

ҲАМКАСБ Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'меҳнат фаолияти соҳаси' маъносини англатадиган арабча *касб* отига (АРС, 686) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'касбдош' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 683).

ҲАМКОР Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'иш', 'меҳнат' маъносини англатадиган *кор* отига (ТжРС, 192) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бирор ишни биргаликда бажарувчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 683). Бу сифатдан ўзбек тилида *ҳамкорлик* оти ясалган.

ҲАМКОРЛИК қ. ҳамкор

ҲАММА Бу олмош ПРСда [*hămе*] шаклида (597), ТжРСда *ҳама* шаклида (498) келтирилган: ўзбек тилига тожикча шакли *м* товушини қатлаб олинган; 'барча' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 683).

ҲАММАБОЙ Бу сифат тожикча *ҳама* олмоши билан (к.) 'тўғри келадиган' маъносини англатувчи *боб* сифатидан (ТжРС, 73) тузилган бўлиб, ўзбек тилида бу сифат таркибидаги *м* товуши қатланган, охиридаги *б* товуши *п* товушига алмаштирилган; 'барчанинг дидига тўғри келадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 683).

ҲАМОҲАНГ Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'ёқимли товушлар оқими', 'нарсалар орасидаги уйғунлик' маъносини англатадиган *оҳанг* отига (ТжРС, 293) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир-бирига уйғун' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 684).

ҲАМРОЗ Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'сир', 'махфий фикр' маъносини англатадиган *роз* отига (ТжРС, 326) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'сирдош' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 684).

ҲАМРОҲ Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) 'йўл' маъносини англатадиган *роҳ* отига (ТжРС, 328) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'йўлда бирга бўлувчи', 'йўлдош' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 684).

ҲАМШАҲАР Бу сифат тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчасини (ТжРС, 544) *шаҳр (>шаҳар)* отига (ТжРС, 454) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'бир шаҳарда яшовчи' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 684).

ҲАМШИРА Бу от тожик тилида 'бирга' маъносини ифодалайдиган *ҳам-* олд қўшимчаси билан (ТжРС, 544) 'сут' маъносини англатадиган *шир* отидан (ТжРС, 458) тузилган *ҳамшир* сифатига *-а* қўшимчасини (ТжРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'бир онани эмган аёллар бир-бирига нисбатан' маъносини англатиб, кейинчалик 'сингил', 'шифохона ходимаси' маъносини англатиш учун ишлатилган (ЎТИЛ, II, 685).

ҲАНГАМА Бу от 'фикр-ўй' маъносини англатадиган *ҳанг* оти билан (ПРС,598; ТжРС, 501) 'оддий', 'умумий' маъносини англатадиган *ома* сифатидан (ТжРС, 286; АРС, 538) тузилган бўлиб, ўзбек тилида *ҳангома* тарзида ҳам айтилади; 'енгил-елпи хушчақчақ суҳбат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 685).

ҲАНГМАНГ Бу от 'фикр-ўй' маъносини англатадиган *ҳанг* оти билан (ПРС,598; ТжРС, 501) 'бош айланиши' маъносини англатадиган *манг* отидан (ПРС,537) тузилган бўлиб, ТжРСда *ҳангу-манг* шаклида (чизиқча орқали қўшиб) ёзилган; асли тўғридан тўғри қўшиб ёзиш маъқул. Бу от 'кутилмаган воқеа қаршисида довдираб, ҳайрон бўлиш' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 685).

ҲАНГОМА *қ.* ҳангама

ҲАРОММАҒИЗ Бу от тожик тилида 'еб-ичиш, фойдаланиш тақиқланган' маъносини англатадиган арабча *ҳаром* оти билан (АРС, 168) 'мия' маъносини англатадиган тожикча *мағз* отидан (ТжРС, 222) тузилган бўлиб, ўзбек тилига *ғз* товушлари оралиғига *и* товушини киритиб олинган; 'марказий нерв тизимининг умуртқада жойлашган қисми' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 688).

ҲАРФХЎР Бу сифат асли русча *буквоед* сифатининг қисмма-қисм таржимаси бўлиб, 'товуш ифодалайдиган шакл' маъносини англатадиган арабча *ҳарф* отига (АРС, 166) 'е-' маъносини англатадиган тожикча *хўрдан* феълининг (ТжРС, 434) *хўр* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'масаланинг моҳиятига эмас, ташқи майда-чуйда томонига эътибор берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАСАДГЎЙ Бу сифат 'кўра олмаслик туйғуси' маъносини англатадиган арабча *ҳасад* отига (АРС, 172) 'гапир-' маъносини англатадиган тожикча *гуфтан* феълининг *гўй* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 110) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳасад қилиб гапирадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 689).

ҲАФТА Бу от тожик тилида 'етти' маъносини англатадиган *ҳафт* санок сонига (ТжРС, 503) *-а* қўшимчасини (ТжРС, 543) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ойнинг етти кеча-кундузига тенг вақт' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 690).

ҲАФТИЙАК Бу от асли 'етти' маъносини англатадиган *ҳафт* санок сонини (ТжРС, 503) *-и* изофаси орқали 'бир' маъносини англатадиган *йак* санок сонига боғлаб тузилган бирикма бўлиб, кейинчалик қўшиб ёзиладиган бўлган; 'Қуръоннинг еттидан бир қисми' маъносини англатади; бу қисм диний мактаб учун ўқиш китоби сифатида чоп этилар эди (ЎТИЛ, II, 691).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲЕЧ Бу инкор олмоши ПРСда [*нич*] шаклида (600), ТжРСда *ҳеч* шаклида (695) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган, сўзлашув тилида *ҳич* тарзида ҳам айтилади; 'сира', 'мутлақо' маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, II, 695).

ҲИЙЛАГАР қ. ҳийлакор

ҲИЙЛАКОР Бу сифат 'алдаш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракат' маъносини англатадиган арабча *ҳийла* отига (АРС, 204) тожикча *-кор* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳийланайранг ишлатадиган' маъносини англатади; бу сифат *ҳийлагар* шаклида ҳам айтилади (ЎТИЛ, II, 696).

ҲИССАДОР Бу от 'бўлак', 'парча' маъносини англатадиган арабча *ҳасса* отининг (АРС, 854) тожик тилига олинган *ҳисса* шаклига (ТжРС, 505) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 137,136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб (ТжРС, 506), 'қандайдир фаолиятда ўз улуши билан қатнашувчи', 'компаньон', 'акциядор' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 701).

ҲОЖАТБАРОР Бу сифат 'эҳтиёж', 'зарурият' маъносини англатадиган арабча *ҳожат* отига (АРС, 200) 'чиқар-' маъносини англатадиган тожикча *баровардан* феълининг (ТжРС, 48) *барор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 49) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кимнингдир ҳожатини чиқарадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖАТМАНД Бу сифат 'эҳтиёж', 'зарурият' маъносини англатадиган арабча *ҳожат* отига (АРС, 200) тожикча *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'эҳтиёж сезиб турган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЖАТХОНА Бу от 'эҳтиёж', 'зарурият' маъносини англатадиган арабча *ҳожат* оти билан (АРС, 200) тожикча *хона* отидан (ТжРС, 426) тузилган бўлиб, 'ёзилиш, бўшалиш учун қурилган махсус жой' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 703).

ҲОЛВАЙТАР Бу от асли 'ширинлик' маъносини англатадиган арабча *ҳолва* отининг (АРС, 193) тожикча *ҳалво* шаклини (ТжРС, 497) *-и* изофаси оркали 'суюқ' маъносини англатадиган тожикча *тар* сифатига (ТжРС, 381) бирлаштириб тузилган *ҳалвой тар* бирикмасига тенг бўлиб (ТжРС, 497), ўзбек тилига *ҳалво* оти таркибидаги *а* товушини *о* товушига, *о* товушини *а* товушига, *й* товушини *й* товушига алмаштириб, қисмларини қўшиб ёзиб олинган; 'доғ қилинган ёғга ун солиб бироз қизаргунча қовуриб, устига шакар эритилган сувни қуйиб қайнатиб тайёрланадиган ширин таом' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706).

ҲОМИЛАДОР Бу сифат тожик тилида 'кўтариб юрувчи', 'бўйида бўлган' маъносини англатадиган арабча *ҳомила* отига (АРС, 196) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'иккиқат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 706).

ҲОСИЛДОР Бу сифат тожик тилида 'ўсимликдан олинадиган маҳсулот' маъносини англатадиган арабча *ҳосил* отига (АРС, 177) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'кўп ҳосил берадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 707).

ҲУКМДОР Бу от тожик тилида 'бажарилиши мажбурий қарор' маъносини англатадиган арабча *ҳукм* отига (АРС, 187) 'эга бўл-' маъносини англатадиган тожикча *доштан* феълининг (ТжРС, 137) *дор* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 136) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга киши ' (хон, подшо, амир) маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУКМНОМА Бу от 'бажарилиши мажбурий қарор' маъносини англатадиган арабча *ҳукм* оти билан (АРС, 137) 'хат' маъносини англатадиган тожикча *нома* отидан (ТжРС, 271) тузилган бўлиб, 'ҳукм акс эттирилган ҳужжат' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710).

ҲУКМРОН Бу сифат тожик тилида 'бажарилиши мажбурий қарор' маъносини англатадиган арабча *ҳукм* отига (АРС, 137) 'олиб бор-' маъносини англатадиган тожикча *рондан* феълининг *рон* ҳозирги замон асосини (ТжРС, 327) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'ўз ҳукмини ўтказадиган' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 710). Бу сифат билан ўзбек тилида *ҳукмронлик* оти ҳосил қилинган.

ҲУКМРОНЛИК қ. ҳукмрон

ҲУМО Бу от ПРСда [*нома*] шаклида (594), ТжРСда *ҳумо* шаклида (508) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; 'бахт келтирувчи афсонавий қуш' маъносини англатади: Бу қушнинг сояси кимнинг бошига тушса, ўша киши энг бахтли бўлади деган ақида мавжуд (ЎТИЛ, II, 711).

ҲУМОЙУН Бу сифат *ҳумо* отининг (к.) *ҳумой* шаклига (ПРС,594) *-ин* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *и* товуши *у* товушига алмаштирилган (ПРС,595; ТжРС, 508); 'энг бахтли' маъносини англатиб, ҳукмдорга нисбатан бериладиган олий мартабани англатади (ТжРС, 508; ЎТИЛ, II, 7 11).

ҲУНАР Бу от ПРСда [*нонăр*] шаклида (598), ТжРСда *ҳунар* шаклида (508) келтирилган; ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган; асли 'лаёқат', 'санъат' маъноларини англатади; кейинчалик 'касб' маъносини ҳам англата бошлаган (ТжРС, 508; ЎТИЛ, II, 711).

ҲУНАРМАНД Бу от тожик тилида *ҳунар* отига (к.) *-манд* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, асли 'ўз соҳасининг яхши устаси' маъносини англатади; кейинчалик 'пойабзал

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикувчи уста' маъносини ҳам англата бошлаган (ТжРС, 508; ЎТИЛ, II, 711).

ҲУСАЙНИ Бу от арабча *Ҳусайн* атоқли отига (АРС, 174) тожикча *-ӣ* қўшимчасини (ТжРС, 542) қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, 'узумнинг ҳасайни навидан кўра ингичкароқ ва чўзикроқ нави' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 712).

ҲУШЙОР Бу сифат тожик тилида 'сезиш, идрок қилиш, англаш қобилияти' маъносини англатадиган *ҳуш* оти билан (ТжРС, 508) 'яқини', 'дўсти' маъносини англатадиган *йор* отидан (ТжРС, 145) тузилган бўлиб, 'сезиш, идрок қилиш, англаш қобилятига эга' маъносини англатади (ЎТИЛ, II, 713). Бу сифатдан ўзбек тилида *ҳушйорлик* оти ҳосил қилинган.

ҲУШЙОРЛИК *қ.* ҳушйор

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фойдаланилган асосий манбалар

Девон – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I-III жилдлар. Индекс. Т.: 1960-1967.

КрРС – Юдахин К. К. Киргизско-русский словарь. М.: 1965.

ПРС – Миллер Б. В. Персидско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.: 1953.

СИС – Словарь иностранных слов. Госиздат ин. и нац. словарей. М.: 1949.

ССТТН – Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. I, II жилдлар. Сант-Петербург. 1969-1971.

ТжРС – Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.: 1954.

ТжРС-46 – Таджикско-русский словарь. I жилд. 1946.

"Форс тили" – Абдусамадов М. Форс тили. "Ўқитувчи" нашриёти. Т.: 1971.

ЎКААҚЛ – Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. ЎзФАН. Т.: 1954.

ЎТГ - I – Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. "ФАН" нашриёти. Т.: 1975.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I, II жилдлар. "Рус тили" нашриёти. М.: 1981.

ЎТЛТҚ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. "Университет" нашриёти. Т.: 2001.

ЎТОИЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. "Ўқитувчи" нашриёти. Т.: 1984.

ЎТЭЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). "Университет" нашриёти. Т.: 2000.

ЎТЭЛ - II – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). "Университет" нашриёти. Т.: 2003.

ҲЗЎТ – Ҳозирги замон ўзбек тили. ЎзФА нашриёти. Т.: 1957.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Луғат 6
А 6
Б 15
В 55
Г 57
Д 75
Ж 96
З 101
И . . . . . .
Й(йа,йе,йо, йу, йў) 109
К 113
Л 115
М 126
Н 147
О 165
П 180
Р 197
С 204
Т 220
У 231
Ф 232
Х 235
Ч 249
Ш 260
Э 269
Ў 279
Қ 271
Ғ 273
Ҳ 276
Фойдаланилган
асосий манбалар . . 283

Шавкат Раҳматуллаев

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ
(III)
(Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар)

Муҳаррир З.Аҳмаджонова.

Босишга рухсат этилди 09.09.09. Бичими 60Х84 1/16. Офсет босма усулида босилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 19,5. Шартли босма табоғи 28,8. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма №369.

"Университет" нашриётида, Тошкент – 100174, Талабалар шаҳарчаси. ЎзМУ, маъмурий бино, 2- қават, 7-8- хоналар.

ЎзМУ босмахонасида чоп этилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi